

34 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А. Фуломов, М. Қодиров

## ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўниверситет ва педагогика институтларининг  
филология факультетлари талабалари учун ўқув  
қўлланма

ТОШКЕНТ  
«УНИВЕРСИТЕТ»  
2001

Қўлланмада кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларида "Она тили"ни ўқитиш соҳасида юз берган янгиликлар ва ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, бу фанни янгича таълим усули ва мазмунида ўқитишнинг методик жиҳатлари баён қилинган.

Ҳар бир фан тажриба ва изланишлар асосида ривож — ланиб боргани каби, она тили ўқитиш методикаси ҳам илгор тажрибалар, турли фикр — мулоҳазалар асосида тараққий этиб боради. Мактабда она тили ўқитиш усулларига доир барча масалаларни биргина қўлланмада қамраб олиш қийин бўлгани учун ўқитувчилар мактабда она тилини ўқитишга ижодий ён — дашиб, синфдаги мавжуд шароит ва ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, қўлланмада баён этилган фикрларни тўлдириб боради — лар, деган умиддамиз.

Қўлланма олий ўқув юрталарининг ўзбек филологияси факультетлари талабалари ва умумий ўрта таълим мактабда — рида фаолият кўрсатаётган она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** филология фанлари доктори,  
профессор Ё. Т. Тожиев

**Тақризчилар:** педагогика фанлари доктори,  
профессор Қ. Йўлдошев,  
филология фанлари доктори,  
профессор М. Миртожиев,  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент Х. Бобомирзаев,  
педагогика фанлари номзодлари  
А. Бобомуродова ва  
М. Эрназарова.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ВА ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

"Она тили ўқитиш методикаси" — педагогик фан сифатида

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган иқтисодий — ижтимоий, маданий — маънавий соҳалардаги кенг кўламли ишлар, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" таълимнинг барча бўғинларида она тили ўқитишни ҳам ташкилий, ҳам мазмуний жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унда таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб — ҳунар таълимининг мажбурийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стан — дартлари (ДТС) доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаш — тирилган ёндашув; билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш ўз ифодасини топган.

Мақтабда она тилининг ўқитилиши "Таълим тўғрисида"ги Қонунда белгиланган ана шу принципларга таянади.

Модомики, мақтаб таълимида она тили энг асосий ва етакчи ўқув фанларидан бири экан, олий таълимнинг бакалавр тизимида "Она тили ўқитиш методикаси" ҳам худди шундай мавқега эга.

Ўқувчи ва талабаларни она тили дарсларида мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш, улар онгида маънавий — маърифий инқилоб ҳосил қилишга интилиш лозим. Шунинг учун янги дастур ва дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантириш, дарс ва машгулотларни ўқувчи ва талабаларнинг нутқий малакасини юзага келтиришга қаратиш мақсад қилиб олинди.

Тил ўқитишда тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқига етмаслик кўпгина чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Таълим

нутқ тушунчаларини бир — биридан илмий асосда фарқлаш уни ўқитиш методикаси учун катта аҳамият касб этади. Чунки тил бирликларининг грамматик белгиларини, бирикувини ва ва — зифасини билишнинг ўзи мазкур тилдаги нутқни эгаллаш учун етарли эмас. Асосий мақсад тилнинг грамматик қурилиши асосида нутқ фаолиятини эгаллаш бўлганлиги сабабли, маш — ғулот материалларини танлаш, дарсларни ташкил этиш ишлари ўқувчи ва талабанинг нутқини шакллантириш ва ривож — лантиришга қаратилиши лозим. Шунинг учун тил маъруза ор — қали эмас, балки нутқ кўринишларини таҳлил қилиш, сўз би — рикмаси ва гап моделларини ўзлаштириш, эса сақлаш орқали ўрганилади.

Ҳозирги долзарб масалалардан бири ўзбек тилининг касб — ҳунар, илм — фан ва техника тили сифатидаги лисоний асосини кенгайтириш, атамаларини бойитишдир. Узоқ йиллар бу соҳа четда қолиб келди. Кейинги йилларда бу соҳада бу — рилиш юз берди: тилимизнинг касб — ҳунар ва илмий — техника тили ва атамаларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Адабий тилимиздаги мазкур янгилик ва ўзгаришларнинг асосларини ўқувчи тўғри англашини мақсад қилиб, унга дастур ва дарс — ликларда алоҳида ўринлар ажратилади.

"Она тили" дарсларида узундан — узоқ, мураккаб грам — матик қоидаларни, "Ўзбек адабиёти" дарсларида ижодкор ҳаё — тидаги ўткинчи сана ва воқеаларни ёдлашга мажбур қилмас — дан, балки она тилида соф сўзлаш, ўз фикрини тўғри ифодалай олиш, мустақил фикрлаш, бадий асарни ифодали ўқиш, унинг руҳини ҳис қилиш, санъатидан лаззатланиш, сўздан завқланиш руҳида таълим бермоқ керак. Она тили ва адабиёт ўқитишдан кутилган пировард натижа — шу!

Шундай қилиб, она тили ўқитишнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан уни адабиёт билан боғлаб олиб боришга боғлиқ, ёки аксинча. Аслида, она тили адабиёт дарсларида ҳам ўрга — нилади. Масалан, бадий асарнинг тилини таҳлил этиш даво — мида баъзи грамматик шаклларнинг услубий аҳамияти, сино — нимларнинг нутқда тутган ўрни изоҳланади ва ҳоказо; ўқувчи ва талабалар тилнинг турли ифода воситалари билан танишиб борадилар. Бадий асар тили бўйича муайян бир изчилликда олиб бориладиган ишлар ўқувчи ва талабаларнинг сўз бойли — гини оширади ва нутқини ўстиради. Адабий асарнинг тасви — рий воситалари бўйича синфда ва ундан ташқари бажарилган ишлар натижасида ўқувчи ва талабалар сўз ҳақида, унинг



турли нутқ услубидаги ўрни ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўла борадилар. Хилма — хил ифода жилолари тилнинг эстетик таъ — сири ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Она тили ўрта мактаб, академик лицейлар ва касб — ҳунар коллеж — ларида ўрганиладиган барча фанларни пухта ўзлаштириш учун муҳим "калит" саналади. Тил воситасида ўқувчи ва талаба бошқа фанларни ўрганади. Барча фанлар юзасидан фикрни ёзма ва оғзаки равишда баён қилиш орқали у ўз она тилини ҳам мукамал ўрганиб боради.

Маълумки, педагогика институтлари ва университетлар — нинг филология факультетлари бакалавриятини битириб чи — қадиган мутахассисларнинг асосий қисми ўзбек тили ва ада — биёти фани ўқитувчиси сифатида умумий ўрта мактабга бо — ради. Шу боис, бўлажак мутахассислар учун "Она тили ўқитиш методикаси" фани етакчи фанлардан бири бўлиб, унинг олий ўқув юртларида ўқитилиши муҳим заруриятдир.

"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг олий ўқув юртларида ўқитилиши мактабда она тили фанининг тутган ўрни билан ҳам белгиланади. "Она тили" мактаб таълими ти — зимида энг етакчи фанлардан бири бўлиб, жамият аъзоларини ижодий фикрлашга, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос ра — вишда оғзаки ва ёзма шакларда баён қилишга ўргатади.

"Она тили ўқитиш методикаси" педагогик циклдаги фанлардан бири бўлиб, у дидактика билан узвий боғланган ва хусусий дидактика циклдаги фанлардан бири саналади. Чунки умумий дидактиканинг барча масалалари бевосита хусусий дидактика, шу жумладан, она тили таълими билан бевосита алоқадордир. Таълимнинг умумдидактик асосларидан хабардор талаба "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" фанини осонлик билан ўзлаштиради.

"Она тили ўқитиш методикаси" ўзига хос мустақил фан саналади. Чунки бу фан мактабда она тили "Нима учун ўқи — тилади?", "Нега шундай ўқитилади?", "Нима ўқитилади?", "Қандай ўқитилади?", "Она тили таълими қандай ташкилий шакллар воситасида амалга оширилади?" деган саволларга жавоб излайди.

"Она тили ўқитиш методикаси"нинг фан сифатида шаклланиши, ривожланиши ва ҳозирги аҳволи. Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи ижтимоий — сиёсий ва ғоявий тўсиқ — ларга қарамай, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар каби илғор фикр эгаларини, дунёга машҳур буюк олим, шоир ва санъат аҳла —

рини етказди, инсониятга илм — фан, маданият ва адабиёт со — ҳасида ўлмас ёдгорликлар тақдим этди.

Абу Наср Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳо — жиб, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мунис Хоразмий каби олим ва шоирлар ўз асарларида ўша давр мактабларидаги таълим — тарбия, илмий ва бадиий асар — ларни ўқиш ва ўрганиш ҳақида фикрлар билдириб, методик фикрнинг ривожига таъсир кўрсатдилар.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ёшларнинг асар матнини ифодали ўқиш санъатини эгаллашларига диқ — қатни тортди. Улуғ шоир ўзининг "Лисонут тайр" асарида асар мазмунини тушуниб ўқиш усулини эгаллашга чақирди. "Маҳ — буб ул қулуб" асарида "Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур" деб чиройли ёзишнинг ва ёзма нутқ малакасини эгаллашнинг барчага "осойиш" беришини таъкидлади. "Муҳокаматул луғатайн" асарида талаффуз ва им — ло, сўз қудрати ва нутқ маданияти, сўз маъноларидан тўғри фойдаланиш, нутқни тўғри тузиш каби масалаларнинг илмий шарҳини бериш билан туркий (ўзбек) тилни чуқур ўзлашти — риш методикасига улкан ҳисса қўшди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида содда тилда ёзди ва бошқаларни ҳам шунга чақирди. Ўгли Хумоюннинг дабдабали усулда ёзилган бир хатини танқид қилиб, "Бобур — нома" асарида "Мундин нари бетакалуф ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқиғув — чига", — деб ёзади. Демак, Бобур замондошларини тушунарли тилда ёзишга, қийин сўзлар ва баландпарвоз сўзларни иш — латмасликка даъват этган.

Мунис Хоразмийнинг "Саводи таълим"и назм билан ёзилган педагогик асар бўлиб, чиройли хат ёзиш усуллари ўр — гатилади. Асарнинг биринчи қисмида хат машқ қилишга тай — ёргарлик ва бу иш учун керакли асбоблар тўғрисида сўз юри — тилади. Иккинчи қисмида эса, хат машқи ва унинг усуллари ҳақида амалий йўл билан таълим берилади. Асарда кишилик жамиятида ёзувнинг катта аҳамиятга эга эканлиги қайд қи — линади.

XV асрдан XIX асрнинг 2 — ярмигача ўтган даврда Ўрта Осиёда педагогик, методик фикр ўсди. Бу даврда ўнга яқин луғатлар ва тилшунослик асарлари (Тали Имонийнинг "Бадое ал — луғат"и (XV аср), Муҳиб Али Шамлуниг "Луғати Навоий"и (XVI аср), Мустафо бинни Содиқнинг "Абушқа"си (XVI аср),

Фазлуллохоннинг "Луғати туркий"и (XVIII аср), Мирза Мех — дихоннинг "Санглоҳ"и (XVIII аср), Фатх Алихоннинг "Китоби луғати атрокийи"си (XIX аср) юзага келди. Уларда товуш ва ҳарф, имло ва талаффуз, сўз маъноси ва таржима каби ма — салаларни ўзлаштиришга қаратилган методик фикрлар мавжуд.

XIX асрнинг 2—ярмида яшаб ижод этган Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил Хоразмий, Аваз ва бошқаларнинг асарларида ифодаланган илғор фикрлар маърифатпарвар пе — дагоғлар Саидрасул Саидазизов, Исҳоқхон Ибрат, Абдуқодир Шакурӣй, Саидахмад Сиддиқий, Исматулла Раҳматуллаев ва бошқалар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топди. Улар янги усул — "Усули савтия" мактабларини ташкил этиб, кенг халқ оммасига илм — фан, маданият тарқатиш учун қизгин кураш бошладилар.

XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий — сиёсий, маданий ва адабий ҳаётда жиддий ўзгариш юз берди — миллий уйғониш ҳаракати кучайди, янги адабиёт юзага келди. Маҳ — мудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниё — зий, Абдулла Қодирӣй, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Чўлпон каби шоир ва ёзувчилар ўзбек халқининг маърифатли бўлиши, миллий ва ижтимоий онгнинг ўсиши, янги тур ва мазмундаги адабиётни яратиш учун ҳаракат қилдилар.

Беҳбудий "Падаркуш" асарида ва саёҳат хотираларида миллий, инсоний қадриятни англаш учун маърифатли бўлиш лозимлигини; маърифат — эзуликнинг, жаҳолат — ёвузликнинг тимсоли эканини тасвирлади.

Абдулла Авлоний "Мактаб ва гулистон" дарслигида ада — бий асарларни ифодали ўқишнинг якка ва кўпчилик бўлиб ўқиш, ифодали ўқиш, диалог, драма ҳолига келтириш турла — рини кўрсатди.

Авлоний "Адабиёт" китобининг I жузъида болаларни аруз вазнида ёзилган шеърлар билан таништиради. Масалан, "бўлак" радифли шеърни ўрганишдан олдин болалар унинг мазмуни билан танишадилар, сўнгра "фоилотўн, фоилотўн, фоилўн" баҳрини ўқишни ўрганадилар. II жузъида ҳам аруз вазнида ёзилган шеърларни ўқиш йўлларини кўрсатди.

Маълумки, болаларга ифодали ўқишни ўргатиш — ўқиш дарсининг асоси ҳисобланади. Ифодали ўқишни ўрганиш матнни чуқур тушунишга ёрдам беради. Шунга кўра, янги усул мактаб ўқувчилари савод чиқаришда асарни тушуниб ўқишга ва ифодали ўқишга алоҳида эътибор берганлар.

Ифодали ўқишнинг муҳим шаклларида бири драма ҳолига келтириб ўқишдир. Абдулла Авлонийнинг "Оила муноза-раси" шеърисида ота билан она ўз фарзандларини ўқитиш ҳақида мунозара қиладилар.

Абдулла Авлоний мактабда бадиий асарни чуқур ўзлаштиришга эришиш мақсадида дарсда пластинкадан фойдаланади. Унинг ифодали ўқиш соҳасида қўллаган усуллари, дарс жараёнида техника воситаларидан фойдаланиши эски мактабларда ҳам тил ва адабиёт ўқитиш усули соҳасида янгилик эди.

Ҳамза Ҳакимзода 1911 йили Қўқонда Ҳожибек гузаридан янги усул мактаби очди ва ўзи ўқитувчилик қилди. У 1914—1915 йилларда бошланғич мактаблар учун "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби", "Қироат китоби"ни ёзди. Энг муҳими, Ҳамза ўз китобларини осондан мураккабга ўтиш асосида тузди. Бошланғич синфлар учун ёзган бу китобларида Ҳамза ифодали ўқиш, матн устида мустақил ишлаш, синфдан ташқари ўқишга эътибор берди.

Бу даврда илғор фикрли зиёлилар — муаллимлар Туркистон мактабларида таълимнинг янги тартибини амалга ошириш учун курашдилар. Натижада, таълимда янги турдаги "усули савтия" мактаблари юзага келди. Бу мактабларда она тили (ўзбек тили) асосий ўқув фани сифатида ўқитилди, таълим жараёнида изоҳлаш (шарҳлаш) усулидан фойдаланилди, ўқувчининг билимини ўзлаштиришига, матнни ёд олишига эътибор берилди. Шунга кўра, бу таълим "изоҳли ўқув" таълими деган номни олди.

Изоҳли ўқиш жараёни қисмлари ўзининг тузилишига кўра шундай хусусиятга эга эди: кириш машғулотларида ўқувчиларга билим тайёр ҳолда эмас, балки маъноси ёритилган, шарҳланган, исботланган ҳолда берилади, билим беришда кўргазмалиликдан фойдаланилади. Таълимда бу усулни қўллаш ўқувчида хотира билан бирга, кузатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

1918 йилда Тошкент эски шаҳар маориф шўъбаси қошида "Макотиб" (методик бирлашма) уюшмаси ташкил этилди ва унга Зуфар Носирий раҳбарлик қилди. Бу ерда Шокиржон Раҳимий, Абдулла Авлоний, Шорасул Зуннун, Қайом Рамазон, Тўхтаназир Шермуҳамедов ва бошқа тажрибали ўқитувчи-методистлар она тили ва адабиётни ўқитиш усуллари юзасидан кўрсатмалар бериб туришди. Шунингдек, бу шўъбада ҳафталик

ўқув режаси тузилиб, мактабларда шу режа асосида дарс ўтилди.

1918 йилда "Маориф" журналида V – VII синфлар учун она тили ва адабиёт дастури эълон қилинди. Дастурда бадий асарни ўқишга эътибор берилди, болаларнинг билим даражаси ва ёшига қараб асарлар танлаш талаб этилди. Дастурда ўқилган асарнинг режасини тузиш, ўз таржимаи ҳолини оғзаки ёхуд ёзма равишда баён қилиш, расм мазмунини оғзаки ёхуд ёзма равишда баён қилиш, ўқиган асари мазмунини ёзиб бериш тавсия этилди.

1920 йилда Тошкент эски шаҳар маориф шўъбасининг "мактаблар бўлакчаси" "Биринчи босқич эл ёзоқларининг 1920–1921 ўқув йили учун сабоқ тузуги (мавзуи)" I–V синфлар учун она тили ва адабиётдан дастур ишлаб чиқади. Бу дастурда асосий эътибор ўқувчиларни меҳнат аҳли қилиб етиштиришга қаратилади ва кириш қисмида мавзуларни синф шароитига қараб ўтиш, кўргазма қуроллардан фойдаланиш ҳақида кўрсатма берилади.

1922 йилда "Ўзбек билим юртлари учун она тили ва адабиёт дастури"нинг тузилиши мактаблар ҳаётида муҳим вақеа бўлди. Бу дастур 1923 йилда "Билим ўчоғи" журналининг 2–3-сонларида эълон қилинди.

Дастур қуйидаги бўлимлардан ташкил топди:

I. Ҳозирлик. 1. Адабий ўқиш ва сўзлаш. 2. Ёзув ишлари.

3. Наҳв.

II. Ҳозирлик. 1. Адабий ўқиш ва сўзлаш. 2. Таҳрир. 3. Сарф, наҳв.

Дастурда материаллар курслар бўйича қуйидагича тақсимланди:

I. Асос, яъни курс. 1. Адабий текшириш. 2. Таҳрир.

II. Асос. 1. Санъат асарлари. 2. Умуман, санъат асарларига ва хусусан, шеърий асарларга тарихий жиҳатдан қараш. 3. Асл адабиёт тарихига ҳозирлик маълумоти. 4. Ёзув, алифбо, ёзувнинг қандай туғилиши.

1924 йилдан 1929 йилгача ўтган давр ичида жумҳуриятдаги иқтисодий ва маданий қурилишда, халқ маъорифи соҳасида, тил, адабиёт ва адабиётшунослиқда эришилган ютуқлар мактаб таълим – тарбия ишларига, мактаб таълими мазмунига, тил ва адабиёт ўқитиш методикаси ривожига таъсир этди, методик ишларнинг юзага келишини таъминлади.

20 – йилларда тил, адабиёт ва адабиётшунослиқда кадрлар сафи ўсиб боргани каби, тил ва адабиёт методикаси соҳаси ҳам ёш кучлар – Мурод Шамс, Тўхтаназир Шермухамедов, Олим Шарафутдинов, Усмон Дадамўхамедов, Халил Қаяюмов, Субутой Долимов, Қаяюм Ҳакимов ва бошқа ўқитувчилар ҳисобига ўсиб борди. Бу илғор ўқитувчилар мавжуд дастур ва дарсликларга ижодий ёндашган ҳолда мактабда турли жанрдаги асарларни ўқувчиларга ўқитиш орқали янги методикани янги усуллар билан бойитиб бордилар.

30 – йилларнинг биринчи ярмида мактабда тил ва адабиёт ўқитиш билан шуғулланаётган методистлар, илғор ўқитувчилар, адабиётшунослар, тарбия назарияси билан шуғулланувчи олимлар илмий – методик ишларни яхшилаш, барқарор дастур ва дарсликлар яратишга киришдилар. Натижада, 30 – йилларда тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун тил ва адабиёт дастур – лари яратилди, шаҳар ва туманларда муаллимлар уюшмалари ташкил қилинди, уюшма аъзолари ўқувчиларнинг тажрибала – рини ўрганиб, оммалаштиришга киришдилар,

1938 йилда нашр этилган “Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мак – таблар учун программалар” да адабий асарни ўқиш масаласи биринчи ўринда турди. Шу муносабат билан V – VII синф ўқувчиларида бадиий асарни ўқишга ҳавас уйғотиш, ўқувчи – ларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

1940 йилда тузилган “Ўрта мактаб программалари” да ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди, асарни ифодали ўқиш, савол ва топшириқ ҳамда машқлар асосида асарнинг гоёвий мазмунини пухта ўзлаш – тириш тавсия этилди. Синфлар бўйича ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига мос асарлар танланди, уларни жойлашти – ришда дидактика талабларига риоя қилинди.

Она тили таълимининг самарали усулларини излаб топиш тарихи гарчанд узоқ ўтмишларга бориб тақалса – да, аммо “Она тили ўқитиш методикаси” фан сифатида XX асрнинг 30 – йил – ларидан бошлаб педагогика билим юртлири, олий ўқув юртли – рининг филология факультетларида ўқитила бошлангандан кейин шаклланди.

“Она тили ўқитиш методикаси” фан сифатида шакллан – гач, дастур, дарслик ва шу йўналишда ўқув – методик қўллан – малар яратишга эҳтиёж ортди.

Ўқувчиларни қарама — қарши маъноли сўзлар (антоним — лар) билан таништириш мақсадида ўз ва кўчма маънода ишлатилган сўзларга қарама — қарши маъноли сўзлар танлаш, шу асосда берилган матн ёки гапларни ўзгартириш, матндан қарама — қарши маъноли сўзларни ажратиш, матндан қарама — қарши маъноли сўзлар бирга ишлатилган ҳолатларни ажратиб, уларнинг имлосини шарҳлаш, шундай сўзларни бирга ишлатиб янги сўзлар ясаш, улар иштирокида гап ёки матн яратиш, жуфт сўзларнинг ясалиши, маъноси ва имлосини тушунтириш, жуфт сўзлар ҳосил қилиб матн яратиш, "Ўзбек халқ мақол — лари" китобидан қарама — қарши маъноли сўзлар ишлатилган мақолларни топиш (мас., яхши дўстинг кулдирар — ёмон дўстинг куйдирар, аччиқ тил — заҳри илон, чучук тилга — жон қурбон. Бир яхши гап эсдан чиқмас — бир ёмон гап в.ҳ.), уларнинг маъносини шарҳлаш, маълум бир мавзуга оид шундай мақоллар рўйхатини тузиш каби амалий топшириқларни ишга солиш мумкин.

Булардан ташқари, нуқталар ўрнига зарур сўзни топиб қўйиш (мас., пахса уй ёзда..., қишда ... бўлади. ... билан юрсанг етарсан муродга, ... билан юрсанг, қоларсан уятга каби), гапда ёки матнда ўз ва кўчма маънода ишлатилган сўзларга қарама — қарши маъноли сўзлар танлаш, шу асосда матн ва гапларни ўзгартириш (мас., 1. Сайлга ҳамма қатнашди — Сайлга катта — кичик қатнашди. 2. Тўйга ҳамма келади — Тўйга дўст — душман келади каби), мустақил иш турлари ҳам ўқувчилар нутқини қарама — қарши маъноли сўзлар билан бойитишда муҳим омил саналади.

Ўқувчилар сўз бойлигини оширишда шаклдош сўзлар устида ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Матнда ажратилган сўзларнинг (мас., от, олма, ёз, чақмоқ в.ҳ.) маънолари устида ишлаш, уларнинг ҳар бирига маънодош ва уядош сўзлар танлаш, танланган сўзлар иштирокида гаплар тузиш, сўз ўйинлари ташкил этиш, туюқларда ишлатилган шаклдош сўзларнинг маъноларини шарҳлаш ўқувчилар нутқини бундай сўзлар билан бойитишда муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеъри ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади ва олма сўзининг маъноларини шарҳлаш топширилади:

Мева берди етилиб бу йил

Мен боғимга ўтказган ниҳол.

Меваларки, чўқдай қип — қизил,

Ҳусни ёқут, ширинликда бол.

Лабларидан томизиб шарбат,  
Ол, е дейди, армонда қолма.  
Лекин шунга ҳайронман фақат,  
Нега уни дейдилар: Олма?

Олма экса боғига ҳар ким,  
Меҳмонига ол, е демасми?  
"Олма" менинг меҳмондўст халқим,  
Одатига ёт сўз эмасми?

Мева берди етилиб бу йил  
Мен ардоқлаб ўстирган ниҳол.  
Олмаларки, шафақдай қизил,  
Лекин номи "олма" эмас, ол.

Маълумки, ўқувчилар нутқида учрайдиган хатоларнинг талайгина қисмини талаффузи яқин, маъноси бир—биридан фарқ қиладиган пароним сўзлар (мас., танбур—тамбур, тире—тери, азим—азм, дакки—даққи, зирак—зийрак, жуда—жудо в.ҳ.) ташкил этади. Шунинг учун "Сўзшунослик" бўлимини ўрганиш жараёнида бундай сўзларга алоҳида эътибор қара—тишга тўғри келади. Берилган пароним сўзлар маъносини шарҳлаш, улар ёрдамида гаплар тузиш, бу сўзларнинг маъ—нодошлари ва уядошлари устида ишлаш каби амалий ишлар ўқувчиларнинг ана шундай сўзлардан нутқда тўғри фойда—ланишларига ёрдам беради. Масалан; "дакки бермоқ", "дакки емоқ" сўз бирикмаларини "даққи от", "даққи одам" бирикма—лари билан қиёсланг. Дакки ва даққи сўзларининг тамомила бошқа—бошқа сўзлар эканлигини исботланг ёки аро—ора—оро сўзлари иштирокида гаплар тузинг, уларнинг бошқа—бошқа сўз эканлигини исботланг. Бу сўзларнинг ҳар бирига маънодошлар топишга ҳаракат қилинг, каби.

"Лексика" бўлимининг энг долзарб муаммоларидан яна бири атамалар масаладир. Мазкур мавзуни ўрганишда берилган сўзларни қайси фанга мансублигига қараб гуруҳларга ажратиш, сўз ва атама орасидаги муносабатни аниқлаш, уядош атамалар танлаш ва улар ёрдамида матн яратиш сингари топ—шириқлардан фойдаланилади. Айниқса, маълум бир фан соҳа—сида тор, кўпчилик одамлар бошқачароқ маънода кенг қўл—лайдиган сўзлар устида ишлаш, уларнинг тор ва кенг қўлланиш маънолари асосида гаплар тузиш (мас., ер—Ер. Деҳқон халқи ризқини ердан топади—Қуёш системасининг тўртинчи сайё—раси Ердир. в.ҳ.).



"Табиатшунослик", "Математика", "Муסיқа", "Ўзбекис — тон тарихи" дарслиқларидан олинган маълум бир матнда фан соҳасида хусусий — тор маънода қўлланилган сўзларни рўйхат қилиш атамалар моҳиятини англашга ёрдам беради.

"Атамалар" мавзусини ўрганишда болаларга яқин бўлган касб — кор ёки соҳа номлари луғатини туздириш жуда фойдали ва самаралидир. Шунинг учун ўқувчиларга таниш ёки яқин бўлган касб — корга оид сўзлар (новвойлик, темирчилик, деҳ — қончилик в.х.) рўйхатини тузиш, уларнинг маъносини изоҳлаш ва шу сўзлар иштирокида матнлар яратишга оид топшириқлар анча самарали ва фойдалидир.

Олинма сўзлар устида ишлаш ҳам ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу мавзуни ўрганишда берилган гаплар ёки матнлардан рус ва ўзбек тиллари учун муштарак бўлган сўзларни ажратиш, рус тили орқали хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг маъносини шарҳлаш, ўзбек тилига араб ёки тожик тилларидан кирган сўзларнинг имлоси ва маъноси устида ишлаш, олинма сўзлардан фойдаланиб, гап ва матнлар тузиш каби амалий ишлардан унумли фойдаланиш мумкин. Айниқса, турли соҳалар бўйича олинма сўзлар рўйхатини тузиш, имлоси мураккаб бўлган олинма сўзларни ўқувчиларнинг шахсий имло дафтар — чаларига ёздириб бориш, бу сўзларнинг маъноси устида ишлаш, ўзбекча — арабча — тожикча — русча маънодош сўз қаторлари ҳосил қилиш (мас., кишилик — одамийлик — инсонийлик — гуманизм) сингари ижодий — амалий ишлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Олинма сўзлар устида иш олиб борилар экан, шуни ҳам уқтириш лозимки, кўпинча ўқувчилар нутқда у ёки бу фикрни ифодалаш учун ўзбекча сўз мавжуд бўлса — да, аммо русча сўзлардан фойдаланадилар. Бу ҳолнинг олдини олиш кўпроқ синонимик қаторлардаги турли тилларга маъсуб сўзларни нутқий фаолиятда қўллаш орқали амалга оширилади.

Ўқувчилар луғат бойлигининг муҳим қисмини ибора ва тасвирий ифодалар ташкил этади. Ибора, одатда, бир сўзга тенг келадиган сўзлар қўшилмаси бўлиб, у нутқимизни бо — йитадиган, гўзаллаштирадиган ва таъсирчанлигини оширадиган муҳим воситалардан бири саналади. Ўқувчилар нутқини иборалар билан бойитиш мақсадида берилган ибораларни сўзлар билан алмаштириш ёки аксинча, сўзлар ўрнида ибораларни қўллаш, ибораларнинг маъносини шарҳлаш, берилган ибора —

ларга яқин маъноли иборалар танлаш, берилган ибораларга қарама—қарши маъноли иборалар танлаш каби топшириқ—лардан фойдаланиш мумкин.

Қуйида ана шундай топшириқлардан айрим намуналар келтирамиз:

**1—топшириқ.** Гап жуфтларида ажратилган қисмлар ора—сида қандай маъно муносабатлари борлигини аниқланг.

1. Харидор хурсанд бўлди. Харидорнинг чехраси очилди.

2. Болалар хафа бўлишди. Болаларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

3. Ўқувчилар қувонишди. Ўқувчиларнинг боши кўкка етди.

4. Сарвиноз билан Ситора яқин дўст. Раҳима билан Нафиса—нинг ораларидан қил ўтмайди.

**2—топшириқ.** Берилган ибораларнинг маъносини ту—шунтиринг, улар иштирокида гаплар тузинг.

*Мазаси қочди, аламини олди, балога қолди, бағри тош, бел боғлади, ваҳима босди, гапи бир жойдан чиқди, енг шимар—ди, жони ҳалқумига келди, калаванинг учини топди, номи чиқди, оқ—қорани таниди, тили бир қарич, хўрлиги келди, терисига сиғмади.*

**3—топшириқ.** Берилган сўзларни иборалар билан ал—маштиринг, улар ёрдамида гаплар тузинг.

*Гапирмади, тоза, ювош, раҳмдил, кутди, кўрқди, чаққон, кўп гапирди, қувонди.*

Намуна: гапирмади—лом—мим демади; кўп гапирди — жағи очилди каби.

**4—топшириқ.** Берилган ибораларни қарама—қарши маъноли иборалар билан алмаштиринг.

Кўнгли оқ — ...

Қўли тўғри — ...

Кўзи оч — ...

Кўнгли юмшоқ — ...

Кўнгли бутун — ...

**5—топшириқ.** Ўзгача дафтарчангизда “Иборалар” бўлими очинг. Унга бадий асарларни ўқиётганингизда учратган ибораларини ва уларнинг изоҳини ёзиб боринг.

Тасвирий ифодалар ҳам нутқ гўзаллигини таъминловчи асосий воситалардан бири саналади. Ўқувчилар механик ҳай—довчи сўзини пўлат от чавандози, зангори кема капшани, телевизор сўзини зангори экран, оинайи жаҳон, шифокор сў—зини саломатлик посбони, кўмир сўзини қора олтин, пилла сўзини кумуш тола, рассом сўзини мўйқалам соҳиби, қушлар

сўзини қанотли дўстлар каби тасвирий ифодалар билан ал — маштира олсагина, нутқда ундан тўғри ва ўринли фойдала — нишга эришади. Ўқувчилар нутқини бундай воситалар билан бойитишда предмет номини тасвирий ифода ёки тасвирий ифодани предмет номи билан алмаштириш, уларнинг маъ — ноларини шарҳлаш, тасвирий ифодаларни қатнаштириб, гап ва матнлар тузиш ўта фойдалидир.

**"Сўзшунослик" бўлимини ўрганишда ўқувчиларни нутқ услублари билан таништириш.** "Сўзшунослик" бўлими ўқув — чиларни нутқ услублари билан таништиришни ҳам кўзда ту — тади. Ўқувчилар мактаб дарсликларидан олинган илмий матн — ларни бадий матнлар билан таққослаш, айтиб бир нарсанинг бадий ва илмий тасвири орқали нутқ услублари билан тани — шиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун оддий нутқда қўлланиладиган сўзларни бадий нутқда қўлланиладиган сўз — лар билан алмаштириш, ҳосил бўлган матнларни ўзаро қиёс — лаш, турли услубдаги матнларни таҳлил қилиш, уларнинг ўх — шаш ва фарқли томонларини аниқлаш сингари ижодий — ама — лий топшириқлардан фойдаланиш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, яхши, равон, аниқ ва таъсирчан ифода услубини ҳеч бир шахс услубшунослик фанини ўрганиш натижасида ўз — лаштира олмаган ва ўзлаштира олмайди. Таъсирчан, аниқ ус — луб туйғуси тилнинг барча бўлимларини ўрганиш жараёнида, тил сатҳлари бирликларида (товушларда, қўшимчаларда, сўз — ларда, синтактик қурилмаларда) маънодошлик, вазифадошлик, шаклдошлик муносабатлари асосидаги боғланишларни тақ — қослаш заминидагина шаклланади. Бу она тили ўқитувчиси — нинг ҳамиша диққат марказида туриши лозим. Шунинг учун фикрни нутқ шароитига мос равишда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш она тили таълимининг талаби саналади.

Услубият услубий равонлик, хусусан, сўз бойлиги ва сўзларни тўғри қўллаш билан алоқадор эканлигини ҳисобга олиб, тилнинг луғат сатҳини ўрганишни услубият билан боғлиқ ҳолда олиб бориш лозим.

## Асосий адабиётлар

1. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили лексикологияси асослари, Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
2. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. Тошкент, 1996.
3. Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари "Ўзбек тили" доимий анжумани 3-йигинининг тезислари. Тошкент, 1995.
4. Фуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
5. Фуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти, Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
6. Қосимова Н. Ўрта мактабларнинг 5-синфларида "Лексикология" бўлимини ўрганишда синоним сўзлар устида ишлаш. Тошкент, 1996.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ МОРФОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Мактабда морфология ўқитишнинг аҳамияти ва вазифалари.** Морфология грамматиканинг бир қисми бўлиб, сўз — нинг шакллари, бу шаклларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва сўзларнинг маълум белгилар асосида гуруҳларга, яъни сўз туркумларига бўлинишини ўрганади. Шу боис, морфологияни ўқитишда асосий эътибор сўзнинг тузилиши, ясалиши, сўз туркумларига бўлинишига қаратилади.

Маълумки, ўқувчилар морфологияга оид дастлабки маълумотлар билан бошланғич синфларда танишадилар. Сўзларни отлар, сифатлар, сонлар, феъллар, олмошлар, ёрдамчи сўзлар каби гуруҳларга ажратиш бошланғич синфдан уларга маълум.

Она тилининг изчил курсидан бериладиган билим, мала — ка, кўникмалар аввало бошланғич синфларда эгалланган билимлар, малака ва кўникмаларнинг мантиқий давоми саналади.

Мактабда морфологияни ўқитишнинг ҳам илмий, ҳам амалий зарурияти бор. Унинг илмий зарурияти шундаки, кейинги босқичда ўрганиладиган "Синтаксис" бўлими бевосита морфология билан боғланган. Чунки келишик, эгалик ва шахс — сон кўшимчалари гарчанд морфология объекти саналса — да, аммо улар гап қурилишида сўз ва сўз бирикмалари орасидаги синтактик алоқани таъминловчи восита саналади. Қўшма гап синтаксисини ўрганишнинг бевосита ёрдамчи сўзлар бажарадиган вазифалар билан алоқадорлиги ҳисобга олинса, морфология янада муҳимроқ аҳамият касб этади.

Мактабда морфологияни ўқитишнинг амалий аҳамияти шундаки, лексикологиядан эгалланган зарурий билимлар мазкур бўлимни ўрганишда ўз амалий ифодасини топади. Ўқувчи мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларини ўрганишда сўзнинг ўз ва кўчма маъноси, уядош, шаклдош, қарама — қарши маъноли сўзларга яна мурожаат қилади ва сўз бойлигини ошириш, сўздақ тўғри ҳамда ўринли фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Орфографиянинг морфология билан алоқадорлиги ҳам мактабда бу бўлимни ўрганишни заруриятта айлантиради. Чунки морфологик принцип орфографиянинг етакчи принципи саналади.

Шундай қилиб, мактаб морфология курси қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади:

— ўқувчиларни сўз ясашга, сўзнинг янги шаклларини

ҳосил қилишга ўргатиш; сўз заҳирасини ошириш, сўздан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларини кенгайтириш;

– сўзларнинг алоқа – муносабат шаклларида фойда – ланиш малакаларини кенгайтириш;

– имловий саводхонликни такомиллаштириш;

– гап қуриш ва матн яратиш малакалари устида ишлаш;

ДТСда кўзда тутилган талаблар ҳар бир мавзунини ўрганиш жараёнида изчиллик билан амалга оширилади.

**Ўқувчиларни сўз туркумларини ўрганишга тайёрлаш.**

Сўзларни туркумларга ажратиш “тўплам” ва “тасниф” тушун – чаларининг моҳиятини англаш билан чамбарчас боғланган. Ўқувчилар 6 – синф дарслигининг 11 – бетидаги расмда берил – ган нарса – буюмларни шу буюмлар орасидаги ўхшашликлар асосида гуруҳлаш орқали “тўплам” ва “тасниф” хусусида умумлашма ҳосил қиладилар.

“Тўплам” дейилганда таҳлил қилиш, ўрганиш учун олин – ган ҳар хил нарсалар, белгилар, воқеа – ҳодисалар мажмуаси тушунилади.

“Тасниф” эса тўпламни аввал катгароқ гуруҳларга, сўнгра бундай гуруҳларнинг ўзини ички турларга, ажратилган тур – ларни ички хилларга, хилларни навларга, навларни кўриниш – ларга босқичма – босқич саралашдир.

Тасниф хусусида ўқувчилар ҳосил қилган тасаввурлар дарсликнинг 13 – бетида берилган “Тасниф – борлиқни билиш асоси” маърифий матни орқали мустаҳкамланади.

Ўқувчилар “тўплам” ва “тасниф” тушунчаларининг мо – ҳиятини англашгач, сўз таркиби ва қўшимчалар таснифини ўрганишга тайёр бўладилар.

Сўзни ўзак ва қўшимчаларга ажратиш сўз туркумларини ўрганишга пухта замин ҳозирлайди. Ўқувчилар берилган сўз – лардан ўзақдошларни топиш, ўзақдошлар нима билан бир – биридан фарқланишини тушунтириш, ўзақдош сўзларни қў – шимчадошларга ажратиш, қўшимчаларнинг ўзақларга қандай қўшимча маъно қўшаётганлигини аниқлаш орқали ўзак ва қўшимча ҳақида кенг маълумотга эга бўладилар.

Сўзнинг ўзагини аниқлай олиш, қўшимчаларнинг турла – рини билиш феъл, от, сифат, равишларни туб ва ясама сўз – ларга тўғри ажрата олиш имконини беради.

Ўқувчилар сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар хусусида зарурий билим, малака ва кўникмаларни эгаллашгач, сўз таркиби билан танишадилар ҳамда сўзнинг

асоси хусусида умумлашма ҳосил қиладилар. Бу — сўз туркум — ларини пухта ўрганиш учун пойдевордир.

**Мактабда сўз туркумларини ўрганиш. "Феъл" сўз туркумини ўқитиш.** "Феъл" сўз туркуми хусусидаги дастлабки маълумотлар бошланғич синфларда ва "V" синфда "Муқадди — ма" бўлими орқали берилади. Шунинг учун мазкур сўз турку — минини ўрганишдан олдин эгалланган билим, малака ва кўник — малар такрорланади. Берилган бўлишли феъллардан бўлишсиз (ва аксинча) феъллар ҳосил қилиш, улар иштирокида гаплар қуриш, кесим вазифасида келган феълларнинг замонини ал — маштириб қўллаш, кесимларга шахс — сон ва замон қўшим — чалари қўшиш ишлари ўрганилганларни ўқувчилар хотирасида тиклаш имкониятини яратади.

VI синфда феълларнинг лугавий шакллари ва маъно гу — руҳлари ўрганилади. Ўқувчилар "Туб ва ясама, содда ва қўшма феъллар", "Феълларнинг умумий хусусиятлари", "Феъл нис — батлари" (аниқ нисбат, орттирма нисбат, мажҳул нисбат, ўзлик нисбат, биргалик нисбат), "Нисбат қўшимчаларининг сўз ясов — чилар билан яхлитланиши ва такрор қўлланилиши", "Феълнинг вазифа турлари" (ҳаракат номлари, сифатдошлар, равишдош — лар), "Ҳаракат тарзи шакллари", "Феълнинг маъновий гуруҳ — лари" (юриш — ҳаракат феъллари, нутқ феъллари, тафаккур феъллари, натижали фаолият феъллари, ҳолат феъллари син — гарини мавзулар билан танишадилар.

Мазкур мавзуларни ўрганишда асосий эътибор ўқувчи — ларнинг сўз заҳирасини феъллар билан бойитиш, оғзаки ва ёзма нутқда улардан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакала — рини кенгайтиришдан иборатдир.

Ўқувчиларнинг сўз заҳирасини феъллар билан бойитиш — нинг муҳим чораларидан бири феъл — синонимлар устида иш — лашдир. Берилган феълларга маънодошлар топиш (мас., ажаб — ланмоқ, таажжубланмоқ, ҳайрон бўлмоқ; айирмоқ, ажратмоқ, жудо қилмоқ, маҳрум қилмоқ), синонимик уядаги маъноси тушунарли бўлмаган сўзларнинг маъносини изоҳлаш, қатордаги ҳар бир сўз ёрдамида гаплар тузиш (мас., Салимаҳон берилган сўзлар ичидан феълларни *ажратди*. Бозорга олиб кетилиши лозим бўлган меваларни бир ёққа *айирди*), маттни таҳрир қилиб, такрорланган феъллар ўрнига уларнинг синонимларини қўллаш сингари ижодий — амалий ишлардан фойдаланиш ўқувчилар — нинг сўз заҳирасини оширишда ўта муҳимдир.

"Ҳаракат номи" мавзусини ўрганишда берилган матн ёки гаплардан ҳаракатни атаб келган сўзларни ажратиш, уларни қўшимчадошларга бўлиб гуруҳлаш, бу гуруҳларни мустақил давом эттириш, қўшимчадош сўз гуруҳлари учун хос бўлган қўшимчалар: —ш —иш, —в, —ув, —моқ ни ажратиш, бу қўшимчалар билан ҳосил бўлган сўзларнинг имлоси, гапларни ҳаракат номи бирикмаларига, бирикмаларни гапларга айлан —тириш (мас., Ҳақиқат тантана қилади, — Ҳақиқатнинг тантана қилиши каби), ҳаракат номларининг зарур, керак, лозим, шарт, муҳим каби сўзлар билан бирикиб, кесим вазифасида келиши устида иш олиб борилади.

Феълнинг равишдош ва сифатдош шаклларини ўрга — нишда ҳам шунга ўхшаш амалий ишлар давом эттирилади. Ўқувчилар берилган феъл жуфтларини (мас., келдим, ишладим) боғловчилар ёки оҳанг воситасида боғлаб гап тузиш, бу феълларни —б(—иб), —гач(—кач, —қач) қўшимчалари билан бириктириб, гапларнинг шаклини ўзгартириш (мас., Мен кел — дим ва ишладим — Мен келдим, ишладим — Мен келиб иш — ладим — Мен келгач, ишладим каби), равишдош ясовчи қў — шимчалар рўйхатини тузиш, улар ёрдамида сўзлар ҳосил қи — лиш, бу қўшимчаларнинг имлоси устида ишлаш каби амалий ишлардан фойдаланилади.

Сифатдошларни ўрганишда ўқувчилар берилган "сифат —от" шакли бирикмаларда (мас., синиқ шиша, бузуқ уй, қу — руқ мева) сифатни феъл билан алмаштириш (мас., синган ши — ша, бузилган уй, қуриган мева) ва сифатли бирикмалар ҳосил қилиш, сифатдошларни ҳосил қилувчи бирикмаларни аниқлаш, уларнинг имлоси устида ишлаш, сифатдошлардан фойдаланиб, гапларнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш (мас., Ким кўп ўқиса, доно бўлади. — Кўп ўқиган киши доно бўлади) сингари топшириқларни бериш мумкин.

Маълумки, тусланган феълларнинг ҳам, тусланмаган феълларнинг ҳам бўлишли ва бўлишсиз шакллари мавжуд. Ўқувчилар бу мавзуларни ўрганишда бўлишли феълларни бў — лишсиз шаклга ва аксинча, бўлишсиз феълларни бўлишли феълларга айлантириш, бўлишсиз шаклни ҳосил қилувчи қў — шимчаларни аниқлаш устида иш олиб борадилар.

"Феъл" сўз туркумини ўрганишда, айниқса, уядош феъллар устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. 5 — синфда ўқув — чилар "Уядош сўзлар" мавзусини ўрганишда бир қатор уядош феъллар билан ҳам танишганлар. Чунончи, "Она тили" дарс —



Дастлаб С.А. Фессалоницкийнинг "Она тили методикаси" (1940 йил) талабалар учун ўқув қўлланмаси сифатида нашр этилган. Мазкур қўлланмада ўқувчилар нутқини ўстириш масалаларига катта эътибор берилган. Китобда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, бадий асарлардан олинган матнлар устида ишлаш, иншо ёзиш малакаларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Республикамизда 50-йиллардан кейин мактабларда она тили ўқитиш масалаларига оид бир қатор ишлар эълон қилинди. Жумладан, М.Шамснинг "Ўзбек тили ўқитув методикаси" (1950), Ф.Камолнинг "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" (1952), Ҳ.Рустамовнинг "Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси" (1960), Н.Абдурахмоновнинг "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" (1969), Ё.Фуломов, И.Расулов, Ҳ.Рустамов ва Б.Мирзааҳмедовларнинг "Ўзбек тили ўқитиш методикаси" (1975) дарсликлари шулар жумласидандир. Бу ишларда гарчанд сўзларни туркумларга ажратиш, орфография ва пунктуацияни ўқитишни тил билимлари билан узвий алоқадорликда амалга ошириш борасида ижобий фикр-мулоҳазалар баён этилган бўлса-да, аммо орфографик ва пунктуацион малакаларни такомиллаштириш мақсадида қандай машқлар тизимидан фойдаланиш, айниқса, ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ривожлантиришда қўл келадиган ижодий-амалий ишлар борасида аниқ йўналиш белгиланмаган. Шунингдек, мазкур ишларда фойдаланиш учун тавсия этиладиган топшириқларнинг асосий қисми қайта хотиралаш характерида эканлиги (Ф.Камол), ўқувчиларда пунктуацион малакаларни шакллантиришни фақат "Синтаксис" бўлими доираси билан чегаралаш (Ҳ.Рустамов) она тили ўқитишда лисоний малакалар билан нутқий малакалар ўртасида номутаносиблик (Ё.Фуломов ва бошқалар) сингари масалаларда айрим нотўғри талқинлар, чалкаш фикр-мулоҳазалар баён этилади. Аммо бу ўринда шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, юқорида тилга олинган ишларнинг нашр этилиши ўз даври учун катта воқеа эди.

Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикасига оид нашр этилган ишларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, узоқ йиллар давомида илмий билимларни зўрма-зўракилик билан оммалаштиришга ҳаракат кучайди. Мактаб "Она тили" дарсликларида илмий филологик талқинлар, қоида ва тавсияларни меъёридан ортиқча киритиш натижасида, улар анча мураккаб-лаштирилди.

лиги (5 — синф)нинг "Луғат" қисмида намуна сифатида "олмоқ" ва "кўрмоқ" феълнинг уядошлари берилган. Бу иш 6 — синфда давом эттирилади. Берилган умумий маъноли феълнинг хусу — сий маъноларини аниқлаш, бир парадигмани ташкил этган феъллар рўйхатини тузиш (мас., нутқ феъллари: сўзламоқ, га — пирмоқ, пичирламоқ, шивирламоқ, бақирмоқ, ўқимоқ, ҳикоя қилмоқ, қичқирмоқ в.х.) сингари ижодий — амалий ишлар ўқувчилар сўз заҳирасини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур сўз туркумини ўрганишда ўқувчини таълим жа — раёнининг фаол ишловчисига айлантириш учун кузатиш, из — ланиш, алоҳидаликларни шарҳлаш, қиёслаш, умумийликни аниқлаш, фарқларни топиш, тасниф этиш, ҳукм чиқариш, амалда қўллаш сингари ақлий фаолият усулларини қўллаш лозим.

"Феъл" сўз туркумига оид барча мавзулар тил ҳодиса — ларини кузатиш ва изланиш билан бошланиб, умумлашмалар ҳосил қилиш ва амалда қўллаш билан якунланади.

"Феълларнинг ясалиши" мавзусини ўрганишдан олдин ўқувчиларнинг ўзак ва қўшимча хусусида эгаллаган маълу — мотлари хотирада тикланади. Берилган сўзларни ўзакдошларга ажратиш ва ҳар бир сўзнинг қайси сўз туркумига мансуб эканлигини аниқлаш ўрганилганларни хотирада тиклаш ҳамда янги мавзунини ўрганишга замин ҳозирлайди.

Берилган феълларни ўзагига қараб, уларни отлардан, сифатлардан, тақлидий сўзлардан ҳосил бўлган феъллар каби гуруҳларга ажратиш, —ла, —лан, —лаш, —илла, —ирра, —й, —ай, —р, (—ар), —ик (—ик), —и, —т қўшимчалари ёрдамида берилган туб сўзлардан феъллар ҳосил қилиш ва ҳар бир гуруҳни мус — тақил давом эттириш, уларнинг имлоси устида ишлаш ўқувчи — ларнинг сўз бойлигини ошириш, имло саводхонлигини тако — миллаштириш имкониятини яратади.

Муайян қолип асосида сўзлар ҳосил қилиш ҳам бола — ларнинг сўз бойлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, "от — ла", "сифат — ай", "феъл — са эди (— сайди)", "феъл — са керак" (тишла, торай, узса эди, ёзса керак в.х.) шундай қо — липлар сирасидандир.

"Қўшма феъллар" мавзусини ўрганишда ўқувчиларни матндан "оқ феъл" тузилишли қўшма феълларни ажратиш уларнинг маъноси ва имлосини шарҳлаш; ажратилган қўшма феълларни ясовчи феълга кўра (қилмоқ, бермоқ, кўрмоқ, олмоқ каби) гуруҳлаш, уларни мустақил давом эттириш; қўшма

фeъллaрни туб вa ясама соддa фeъллaр билaн алмаштириш (ёрдам бермоқ — ёрдамлашмоқ, ғамхўрлик кўрсатмоқ — қай — ғурмоқ каби); матндан “равишдош — фeъл” шаклли қўшма фeъллaрни ажратиш, биринчи фeълнинг қўшимчаларини аниқлаш, иккинчи фeълга кўра қўшма фeъллaрни ғуруҳлаш, бу ғуруҳларни мустақил давом эттириш, кўмакчи фeълни изоҳ — лаш, бошламоқ, ётмоқ, турмоқ, сўрмоқ, билмоқ, бормоқ, кетмоқ, қолмоқ, чиқмоқ каби кўмакчи фeъллaрнинг маъносини изоҳ — лаш, олмоқ, бермоқ фeъллaрининг имлоси (айта олди — айтолди, айта берди — айтаверди) устида ишлаш сингари ижодий — амалий ишлар ўта фойдалидир.

“Фeъл” сўз туркумини ўрганишда ўқувчиларни шу сўз туркумининг услубий имкониятлари билан таништириш ҳам, айниқса, зарурдир.

“Фeъл” сўз туркумини ўрганишда ғап устида ишлаш марказий ўринни эгаллайди. Бир бўлакли содда ғапларни фeъл кесимдан сўроқ бериш орқали икки бўлакли вa кўп бўлакли содда ғапларга айлантйриш (мас., Бораман — Мен бораман — Мен бугун қишлоққа бораман — Мен бугун бувимни кўргани қишлоққа бораман каби), ғапларда тусланган фeъларни тусланмаган фeъллар билан алмаштириш (мас., Ёзги таътил бошланди вa биз саёҳатга чиқдик — Ёзги таътил бошлангач, биз саёҳатга чиқдик; Карим хатни олди вa диққат билан ўқиди — Карим хатни олиб, диққат билан ўқиди каби,) ҳаракат номлари иштирокида ғаплар тузиш вa матн яратиш, ғапларни ҳаракат номи бирикмаларига, бундай бирикмаларни ғапларга айлантйриш (мас., Ҳамма биладик, ҳақиқат тантана қилади — Ҳақиқатнинг тантана қилишини ҳамма биледи каби) берилган фeъл жуфтларини боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида боғлаб ғап тузиш, бу фeълларни ҳосил қилинган ғаплар таркибида бир — бири билан яна қай усул билан боғлаш мумкинлигини аниқ — лаш, ғапларни кенгайтириш вa торайтириш сингари амалий ишлар ўқувчиларда фақат морфологик малакаларнигина эмас, балки синтактик малакаларни ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

“Фeъл” сўз туркумини ўқитишда ДТС нинг муҳим та — лаблари (ўқиш техникаси; ўзгалар фикри вa матн мазмунини аниқлаш малакаси; фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси)га амал қилинади. Мазкур сўз туркумини ўқитишда ҳар бир ўр — ганилаётган мавзу билан боғлиқ ҳолда бу талаблар амалга оширилади. Чунончи, ўқиш техникаси содда вa қўшма фeъл —

ларнинг айтилиши устида ишлаш, нисбат қўшимчаларини тўғри талаффуз этиш, кенгайтирилган ҳаракат номи, сифатдош, равишдош бирикмали гапларни ўқиш, қўшма феълларнинг талаффузи устида ишлаш, шу сўз туркуми билан боғлиқ ҳолда берилган матнларни ифодали ўқиш орқали амалга оширилса, ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш, сўз маънолари устида ишлаш, берилган феълларга маънодошлар топиш ҳамда уларнинг ҳар бири иштирокида гаплар қуриш, матн мазмунини ўз сўзлари билан сўзлаш, режа тузиш сингарилар орқали қўлга киритилади.

Фикрни ёзма шаклда баён қилиш малакалари эса, асосан, ҳар бир соатлик дарс машғулоти давомида ёки дарс охирида матн яратиш, йўл қўйилган хато ва камчиликлар устида ишлаш орқали амалга оширилади.

**“От” сўз туркумини ўқитиш.** Отнинг предмет номини билдириши, ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлиши, атоқли отларнинг бош ҳарф билан ёзилиши, отларга қўшиладиган келишиқ қўшимчалари бошланғич синфлардан ўқувчиларга маълум. Мазкур сўз туркумини ўрганишда аввало ана шу ўрганилганларни хотирада тиклаш мақсадида қайта хотиралаш ва қисман ижодийликка асосланган таълимий машқлар ўтказилади. Такрорлаш жараёнида “предмет” тушунчасига кенгроқ тўхталиш лозим. Предмет деганда нафақат қўл билан ушлаш, кўз билан кўриш ёки ўлчаш мумкин бўлган нарсалар, балки умумийликни ифодаловчи номлар (мас., овқат, иморат), табиат ҳодисалари ва турли воқеаларнинг номи (мас., тошқин, zilzila, момақалдироқ), ҳаракат номлари (билим, терим), белги—ҳолат номлари (бахил—лик, сахийлик, озодалиқ, ташвиш) ҳам тушунилади.

Отнинг луғавий маъноси, морфологик белгилари ва синтактик вазифаларига оид зарурий билим, малака ва кўникмалар, асосан, амалий ишлар орқали ўқувчилар онгига сингдирилади.

Дастур талабига кўра мазкур сўз туркуми юзасидан ўқувчиларни отнинг луғавий шакллари (сон шакли, кичрайтириш шакллари), атоқли ва турдош отлар, атоқли отлар, уларнинг турлари ва имлоси, киши номлари, ўрин—жой номлари (топонимлар) ва уларнинг имлоси, маҳсулот номлари ва имлоси; турдош отлар ва уларнинг гуруҳлари (аниқ ва мавҳум отлар, аниқ отларнинг маъновий гуруҳлари, шахс отлари, қавм—қариндошлиқ отлари, касб—корига кўра шахс отлари, шахсни бошқа жиҳатларига кўра атовчи отлар, шахс отли бирикмалар,

ҳайвонот номлари (зоонимлар), дарахт ва ўсимлик номлари, нарса — буюм отлари, модда — маъдан, хомашё англатувчи отлар, ўрин — жой (макон) отлари, пайт (замон) англатувчи отлар, мавҳум отлар юзасидан зарурий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш кўзда тутилган.

"От" сўз туркумини ўрганиш бу туркум ҳақида умумий маълумот бериш билан бошланади. Ўқувчилар *Тошкент, Бухоро, "Фунча", "Ўзбекистон овози", Рўзимуродова, гул, қўшиқ, нон, туз, гўзаллик, соғлик, санъат, нафосат* сингари отларнинг ҳар бирига сўроқ бериш ва гуруҳларни мустақил давом эттириш, ҳар бир гуруҳдаги отлар учун умумий бўлган маънони аниқлаш ва шарҳлаш орқали бошланғич синфларда эгалланган билимларни хотирада тиклаш ва уни мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар. Бу мустақил ишларни бажариш натижасида улар қуйидаги хулосага келадилар:

*Ким?, нима? сўроқларига жавоб бўлиб, якка шахс, нарса номларини, бир турдаги жонли ва жонсиз нарса—буюм, воқеа—ҳодиса, ҳаракат—ҳолатларни атаб келадиган сўзлар от туркумига киради.*

Шундан сўнг "Отларнинг луғавий шакллари" мавзуси ўрганилади. Ўқувчилар отларнинг сон шакллари билан тани — шар эканлар, *дарахт— дарахтлар, уй — уйлар* сингари сўзлар — нинг шакли устида ишлайдилар, кўплик маъносини ифода — ловчи бошқа воситаларни аниқлайдилар; бу сўзлар иштирокида гаплар тузиб, кўпликни ифодаловчи қўшимчалар маъносини шарҳлайдилар.

"Кичрайтириш шакллари" мавзуси ўрганилар экан, сўз жуфтларининг маъно фарқини тушунтириш (*балиқ — балиқча, чумчуқ — чумчуқча*), —ча қўшимчали кичрайтириш шаклларига мисоллар топиш сингари топшириқларни бажарадилар, кич — райтириш маъносини ифодаловчи —*гина* қўшимчасининг маъноси устида ишлайдилар (мас., Қизгина бўриларга ем бўл — диёв каби).

Атоқли отлар ўрганилар экан, аввало атоқли отлар жум — ласига кирадиган сўзлар устида иш олиб борилади. Чунончи, берилган сўзларни: 1) кишиларнинг исми, фамилияси, тахал — лусини ифодаловчи отлар, 2) жуғрофий номлар, 3) турли таш — қилот, қорхона, муассаса номлари (мас., *Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси, "Яккабоғ" давлат хўжалиги, Ботаника институти, "Баҳор" ансамбли в.ҳ.*), 4) планета ва юлдузларнинг номи (мас., *Қуёш, Юпитер, Марс, Ҳулкар в.ҳ.*), 5) тарихий ҳодисалар, рўз —

нома, ойнома ва илмий муассасаларнинг номлари (мас., *Мустақиллик майдони*, *"Икки эшик ораси"* романи, *"Тонг юлдузи"* рўзномаси, *"Гулхан"* журнали в.х.), б) ҳайвонларга махсус қўйилган номлар (мас., *Бойчибор*, *Йўлбарс*, *Хумар* в.х.) сингари гуруҳларга ажратиш, ҳосил бўлган гуруҳларни мустақил давом эттириш, "белги номи—турдош от" қолипли қўшма топонимлар мас., *Янгийўл*, *Қорабоғ*, *Қоракўл*, *Қизилтепа*, *Тинч океани*, *Қизил денгиз*, *Орол денгизи* в.х.), "белги номи атоқли от" қолипли жуғрофий номлар (*Шимолий Кавказ*, *Ўрта Осиё*, *Марказий Америка*, *Шимолий Қозоғистон* в.х.) рўйхатни тузиш сингари ижодий—амалий ишлар ўқувчиларнинг имло саводхонлигини ошириш ва сўз заҳирасини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Болалар нутқида қисқартма сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Қисқартма отларни тўлиқ номлар билан, тўлиқ номларни қисқартма номлар билан алмаштириш, тилимиздаги қисқартма сўзлар лугатини тузиш каби ишлар бу сўзларнинг имлоси, талаффузи ва қўлланилишини билиб олиш имкония—тини беради.

От сўз туркумини ўқитишда отларнинг маъно гуруҳларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Отлар ифодалаб келган маъносига кўра: *маҳсулот номлари*, *шахс отлари*, *қавм—қариндошлик отлари*, *касб—ҳунарни ифодаловчи отлар*, *шахсни бошқа жиҳатларига кўра атовчи отлар*, *ҳайвонот отлари*, *дарахт ва ўсимлик номлари*, *нарса—буюм отлари*, *модда—маъдан*, *хомашёни англатувчи отлар*, *ўрин—жой (макон) отлари*, *пайт (замон)ни англатувчи отлар* каби гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар ўз навбатида яна бир неча гуруҳчаларга бўлиниши мумкин. Масалан, *касб—ҳунарни ифодаловчи отларнинг деҳқончилик*, *ҳунармандчилик*, *шифокорлик* каби тармоқлари мавжуд.

Ўқувчиларнинг сўз заҳирасини шахс отлари билан бойитиш учун матндан шахс отларини ажратиш, туб ва ясамаларига кўра гуруҳлаш, ажратилган сўзларга маънодош ва уядош сўзлар танлаб гуруҳларни кенгайтириш, —чи,—вчи,—увчи,—дош, —кор,—зор,—шунос каби қўшимчалар ёрдамида шахс отлари ҳосил қилиш, жуфт шахс отлари лугатини (мас., *механик—ҳайдовчи*, *муҳандис—педагог*, *методист—ўқитувчи* в.х.) тузиш, уларнинг имлоси устида ишлаш каби ижодий—амалий топшириқлар бажарилади.

Касб—ҳунар отлари, ўрин—жой отлари, қурол—восита отлари устида ишлашда ҳам матндан шундай сўзларни топиш, уларни туб ва ясамаларга ажратиш, ажратилган сўзларга маъ—

нодош ва уядошлар танлаш, шундай отларни ҳосил қилувчи қўшимчалар ёрдамида янги сўзлар (қўшимчадош сўзлар) ҳосил қилиш каби иш усулларидадан фойдаланилади.

"Қавм + қариндошлик отлари" устида иш олиб борилар экан, шундай сўзларни: 1) қон – қариндошлик (ота, она, сингил, ака, ука, амаки в.ҳ.) ва 2) никоҳ қариндошлигига (янга, кели – нойи, почча, қайнона, қуда в.ҳ.) кўра гуруҳларга ажратиш, шундай сўзлар луғатини тузиш, қариндошликни ифодаловчи номларни кўчма маънода қўллаш (мас., қариндош бўлмаган кишиларни *отaxon*, *онаxon*, *бувижон* деб чақириш) сингари ижодий – амалий ишлар бажарилади.

Отларнинг яна бир маъно гуруҳи ўрин – жой (макон) отларидир. Ўқувчилар бино, иншоот, муассаса, ташкилот, нарса – буюмларни атовчи сўзлар предметлик ва ўрин – жой (макон) маъноларини ифодалаб кела олиши сабабли, улар *нима?* ва *қаер?* сўроқларига жавоб бўла оладиган сўзлар ҳам отлар эканлигини билишлари лозим. Шунинг назарда тутиб, бир ўринда *нима?*, иккинчи ўринда *қаер?* сўроқларига жавоб бўла оладиган гап жуфтлари тузиш, (мас., Янги уй қуриб битказилди – Болалик уй – бозор каби), гапларда ажратилган сўзларнинг маъносига эътибор бериб, уларнинг бино – иншоотлар йиғин – дисини ёки ўрин – жойни атаб келишини аниқлаш, аҳоли истиқомат қиладиган ўрин – жой номлари ишги рокида гаплар тузиш, маъмурий – минтақавий бўлинишни ифодаловчи отларнинг маъноларини шарҳлаш, уларни атоқли отлар билан бириктириб, сўз бирикмалари тузиш, шарқона дунё томонларини атовчи отлар рўйхатини тузиш каби ижодий – амалий топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур мавзу "Устознинг уйи" матнини ўқиш ва ажратилган сўзлар (қуйи, қибла, кунботар, юқори, шимол, гарб, кунчиқар, жануб каби) нинг маъносини изоҳлаш ҳамда "Дунё томонларини аниқлаш" маърифий матнининг мазмуни устида ишлаш билан яқунланади.

"Пайт (замон) англатувчи отлар" мавзусини ўрганишда берилган сўзларни (мас., йил, сония, дақиқа, соат, сутка, кун, тун, аср, ҳафта, ой) улар билдирган вақт чегарасига қараб ўсиб боровчи қаторга жойлаштириш, бу сўзларга маънодошлар топиш, *жума*, *пешин*, *ярим тун*, *бондоғ*, *субҳ*, *тонг*, *оқшом*, *эрта – лаб*, *кечқурун*, *кеча* сингари сўзларнинг маънолари устида ишлаш, соат кўрсатаётган вақтни айтиш ва ёзиш, фасл номларининг маънодошларини топиш, рақамлар билан берилган кун,

ой ва йилларни ўқиш ва ёзиш, "Кабиса йили" матни устида ишлаш", "Ўтган йилни қандай яқунладим?" мавзусида иншо ёзиш, берилган сўз жуфтлари (кеча — кеч, кеч — кечқурун) орасидаги маъно фарқларини аниқлаш, пайт (замон) отларига қўшиладиган —лар ва —ча кўплик қўшимчаси ва —ча кичрай — тириш қўшимчаларининг маъноларини аниқлаш, пайт (замон) отларига —лаб қўшимчасини қўшиб, равишлар ҳосил қилиш, пайт (замон) отларига қўшилиб келган —и, —си эгалик қўшим — часининг маъноларини аниқлаш, "Тақвимлар" (бобо деҳқон тақвими, ҳижрий тақвим, шамсий тақвим, қамарий тақвим) матни устида ишлаш сингари ижодий — амалий топшириқлар бажарилади.

Ўқувчилар эгалланган билимларга асосланиб, истаган матндан отларга сўроқ бериш орқали уларни аниқлашга эришгач, бу отлар предметнинг аниқлиги, яъни ушлаш, кўриш, ўлчаш мумкинлиги ва мумкин эмаслигига қараб аниқ ва мав — ҳумларга ажратадилар ҳамда ҳосил бўлган гуруҳларни мус — тақил давом эттирадилар. Масалан,

Ушлаш, кўриш, ўлчаш мумкин бўлган предметларнинг номи	Қўшимчаси	Ушлаш, кўриш мумкин бўлмаган предметларнинг номи	Қўшимчаси
автобус	— —	хушмуомалалик	— лик
ишчи	— чи	исрофгарчилик	— лик
завод	— —	оқим	— —
маҳсулот	— —	туйғу	— —

Аниқ отлар маъно гуруҳларига ажратиб ўқитилади. Ўқувчилар 6 — синфда аниқ отларни: шахс отлари, ўрин — жой отлари, касб — ҳунарни атовчи отлар, шахсни бошқа жиҳат — ларига кўра атовчи отлар, ҳайвонот отлари, дарахт ва ўсимлик номлари, нарса — буюм отлари, модда — маъдан, хомашё отлари каби гуруҳларга ажратиб, улар устида алоҳида — алоҳида иш олиб борадилар.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда отли бирикма — лар устида ишлаш муҳим, ўрин эгаллайди. Матндан отли би — рикмаларни ажратиш, берилган сўзлар иштирокида шундай бирикмалар ҳосил қилиш каби ижодий — амалий ишлар ўқув — чилар луғатини шундай бирикмалар билан бойитишда муҳим



аҳамиятга эга. Айниқса, берилган бош ёки тобе сўзга мувофиқ келадиган тобе ёки бош сўзлар танлаш анча самарали иш усулларидан биридир. Масалан, *мактабимиз ўқувчилари сўз бирикмасидаги ўқувчиларни ўрнига, атрофи, биноси, зали, кутубхонаси, доғруғи, ғалабаси, тўйи, йиғитлари, қизлари* каби сўзларни топиб қўшиб, *мактабимиз кутубхонаси, мактабимиз қизлари* каби сўз бирикмалари ҳосил қиладилар.

Тобе сўз сифатида маънодош, уядош, қарама — қарши маъноли сўзлар ҳам танланиши мумкин. Масалан,

ақлли (беақл)		кунжутли	
чаққон (дангаса)		ширмой	
ювош (шўх)		патир	
одобли (одобсиз)	<b>бола</b>	ғижда	<b>нон</b>
келишган (хунук)		оби	
қатъий (лоқайд)		кулча	

Ўқувчилар учун анча қийинчилик туғдирадиган муаммо — лардан бири қўшма отлар ва уларнинг имлосидир. Бу мавзунинг ўрғанишда берилган сўз бирикмаларидан жой номлари ҳосил қилиш (мас., қора кўл — қоракўл, янги ер — Янгиер, етти ўғил — Еттиўғил, кўҳна мачит — Кўҳнамачит, катта кўрғон — Кат — тақўрғон в.ҳ.), қўшма сўзларни сўз бирикмаларига айлантириш (пахтагул — пахта гули, бошогриғ — бош огриғи, бадантарбия — бадан тарбияси, музқаймоқ — муз қаймоғи, гулбозор — гул бозори, отбозор — от бозори в.ҳ.), берилган қўшма сўзлар лу — гатини тузиш, уларнинг имлосини шарҳлаш сингари ижодий — амалий топшириқлардан фойдаланиш бу мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлайди.

Жуфт отлар масаласи ҳам анча мураккаб масалалардан бири бўлиб, жуфт сўзларни улар орасидаги маъно муносабат — ларига кўра уядош сўзлар (ака — ука, ота — она, кўз — қулоқ, оғиз — бурун, тоға — жиян в.ҳ.) маънодош сўзлар (уй — жой, ширин — шарбат, куч — қувват, бахт — саодат, тоғу — тош, макр — хийла в.ҳ.), қарама — қарши маъноли сўзлар (дўст — душман, кеча — кундуз) сингари гуруҳларга ажратиш, фақат битта товушнинг ўзгариши билан такрорланадиган буғдой — муғдой, кўрпа — мўрпа, чой — пой, ош — пош, пахта — махта сингари жуфт сўзларнинг маъносини шарҳлаш сингари топшириқлардан фойдаланса бўлади.

Маълумки, ўқувчилар ўз нутқларида кичрайтириш, эр — калаш отларидан унумли фойдалана олмайдилар. Ўзбек миллий

анъаналари қайта жонланаётган, ўз мавқеини тиклаётган бир даврда бу қўшимчалар алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, юксак маданиятли ўзбек зиёлилари оилала — рида азалдан болаларга, ота — онага, қавм — қариндошларга, умуман суҳбатдошларга юксак ҳурмат билан муурожаат этиш шахсининг ўз — ўзига бўлган ҳурмат белгиси бўлган. Шунинг учун ўзини ҳурмат қилган шахс суҳбатдошини ҳеч қачон сен — сирамас, муурожаат сўзларини, атоқли отларни эркалаш, ҳурмат қўшимчаларисиз ишлатмас эди. Сўзловчи шахс маънавий, ма — даний жиҳатдан қанча бой бўлса, унинг кичикларга, тобеларга муурожаати шунча самимий ва латофатли бўлган. Бу бадий адабиётимизда онда — сонда бўлса ҳам учраб туради. Ёзувчи Пириқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романида Мирзо Бобурнинг ашаддий душмани Шайбонийхоннинг ўғли, туғиш — ган опасининг фарзанди Хуррамшоҳ билан суҳбат саҳнаси, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романида Юсуфбек Хо — жининг ўғли, хотини, келинлари, хизматкори билан суҳбат саҳналари бунинг мисоли бўла олади. Бундай ширин муомала ҳар бир маданиятли ўзбек оиласи учун хос хусусиятдир. Буни эркалаш, кичрайтириш қўшимчаларининг қўлланиш доирасини кенгайтириш орқали амалга оширсан бўлади. Шу сабабли, "От" сўз туркумини ўрганишда миллий тарбиянинг бу қирраси ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим.

**"Сифат" сўз туркумини ўқитиш.** Сифат, унинг луғавий шакллари, ясалиши б — синфда ўрганилади. Аммо бу сўз тур — кумига оид дастлабки маълумотлар бошланғич синфларда берилганлигини инобатга олиб, мазкур сўз туркумини ўрганиш ана шу эгалланган зарурий билимларни ўқувчилар хотирасида тиклаш билан бошланади. Берилган сўз бирикмаларини ўқиш, қандай?, қанақа?, қачонги? каби сўроқларни қабул қилувчи сўзларни аниқлаш, шу сўзларни имконият доирасида уларнинг маънодоши билан алмаштириб сўз бирикмалари ҳосил қилиш (мас., баҳорги иш — кўкламги иш), шахс ва нарса — ҳодиса — ларнинг белги — хусусияти (ранг — туси, маза — таъми, хусу — сияти, ҳажм — шакли) ни ифодаловчи сўзларни рўйхат қилиш, улар иштирокида гаплар ҳосил қилиш, матнни ўқиб, шундай сўзларни аниқлаш сингари топшириқлар "Сифат" сўз туркуми юзасидан эгалланган билимларни улар хотирасида тиклашга хизмат қилади.

Шундан сўнг ўқувчилар эътибори туб ва ясама сифат — ларга қаратилади. Ўқувчилар берилган сифатларни туб ва яса —

маларга ажратадилар; ясама сифатларда сифат ясовчи қўшим — чаларни аниқлайдилар; берилган сифат ясовчи қўшимчалар ёрдамида қўшимчадош сўзлар ҳосил қиладилар; уларнинг им — лоси устида йш олиб борадилар.

"Сифат" сўз туркумини ўрганишда ўта муҳим маса — лалардан бири қўшма сифатлар ва жуфт сифатлар имлосидир. Мазкур мавзуни ўрганишда "от — феъл — ар", "сифат — феъл — ар", "сон — феъл — ар" қолипли ҳосилалар устида ишлаш (мас., музёра, эртапишар, бешотар), "Имло луғати" дан бу сифатларни ажратиб ёзиш, битта тушунчани, белгини ифо — далаб келган "от — от"; "сифат — от" қолипли қўшма сифатлар (мас., бодомқовоқ, сарвиқомат, кўккўз, қорасоч, оқ кўнгил) устида ишлаш; таркибида *ним, ярим, умум, — аро, ранг* сўзлари бўлган қўшма сифатлар рўйхатини давом эттириш; берилган жуфт сифатларни қарама — қарши маъноли сўзлар билан ал — машгириш, жуфт ва такрорий сифатлар рўйхатини тузиш; улар орасида чизиқчанинг қўйилиши устида ишлаш каби ижодий — амалий топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг ўқувчилар аслий ва нисбий сифатлар ҳамда аслий сифат даражалари билан танишадилар. Аслий ва нисбий сифатлар сўз ўзагига — *роқ* қўшимчасини эркин қабул қила олиши ва қабул қила олмаслигига қараб фарқланади. Ўқувчи — лар берилган сифатларга — *роқ* қўшимчасини қўшиб, бу қў — шимчани эркин қабул қиладиган сифатларни аслий ва бу қўшимчани қабул қила олмайдиганларини нисбий сифатларга ажратадилар ҳамда умумлашма ҳосил қиладилар.

"Аслий сифат даражалари" мавзусини ўрганишда ўқув — чилар аслий сифатлар белгининг кўламини ифодалаб келишига кўра: 1) оддий даража; 2) қиёсий даража; 3) орттирма даража каби уч гуруҳга ажралишини, уларнинг ҳосил бўлишини, маъ — носи, имлоси ва талаффузини билиб оладилар. Мазкур мавзу — ни ўрганиш жараёнида оддий, қиёсий, орттирма даражадаги сифатлар рўйхатини тузиш, уларнинг маъносини қиёслаш, шу даражаларни ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг ўзаро синонимик муносабатга киришиши каби ижодий — амалий ишлардан фойдаланса бўлади. Айниқса, берилган гапларда ёки матнда — *роқ* қўшимчасини шунга яқин маъно англатувчи — *иш, — мтир, — имтир* қўшимчалари, бироз сўзи билан алмаштириш (мас., қорароқ — қорамтир — бир оз қора, қизилроқ — қизқиш — бироз қизил), орттирма даража ҳосил қилган маълум бир во — сита (мас., энг) ўрнида шу маънони берувчи бошқа воситани

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мактабларда давлат тили — ўзбек тилининг ўқитилишига эътибор жуда ортди. "Ўзбек тили" Республика доимий анжуманининг таъсис этилиши, "Она тили ўқитиш концепцияси"нинг яратилиши, ДТСнинг қабул қилиниши ва унга мувофиқ келадиган дастурнинг ишлаб чиқилиши "Она тили"дан янги йўналишдаги дарсликларнинг яратилишига асос бўлди.

"Она тили ўқитиш методикаси" фанидан дастлабки илмий — тадқиқот ишлари 50 — йилларда кўзга ташлана бошлади.

Собиқ шўролар истибдоди даврида бу фандан жами 24 киши педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди. Чунончи, К.Хайруллаевнинг "Бухоро вилояти мактабларининг 5—6—синфларида она тилидан ўқувчиларнинг тирик орфографик хатолари ҳамда унинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари" (1957), С.Турсуновнинг "Ўзбек мактабларининг 4—синфларида грамматикани ўқитиш методикаси" (1957), Й.Абдуллаевнинг "Эски ўзбек мактабларида савод чиқариш" (1961), Қ.Абдураззоқованинг "Она тилидан 5—синфларда ўқувчилар фаоллигини ошириш" (1964), Б.Мирзааҳмедовнинг "Ўзбек мактабларининг 6—синфларида қўшма сўзларни ўқитиш методикаси" (1965), К.Қосимованинг "5—синф она тили дарсларида луғат устида ишлаш" (1966), Н.А.Аҳмедовнинг "Ўқувчилар нутқидаги диалектал хатолар ва уларнинг олдини олиш" (1966), О.Розиқовнинг "Ўзбек мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари" (1967), М. Омилхонованинг "Саккиз йиллик ўзбек мактабларида эргашган қўшма гапни ўқитиш" (1967), Ғ.Азизовнинг "Ўзбек мактабларининг 5—синфларида ўқувчилар нутқини синоним сўзлар билан бойитиш" (1968), Р.Абдуллаҳатованинг "Ўзбек мактабларида олмошчи ўқитиш методикаси" (1968), О.Ғаффорованинг "Ўзбек мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчилар нутқида учрайдиган хатолар" (1970), Ҳ.Заҳировнинг "Ўзбек мактабларининг 7—8—синфларида ўқувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган пунктуацион хатолар" (1970), А.Пўлатовнинг "Мактабда ҳолни ўқитиш методикаси" (1970), А.Мирзаевнинг "Ўқувчиларнинг орфографик саводхонлигини оширишда диктантдан фойдаланиш" (1970), Ш. Койеновнинг "Ўзбек мактабларининг бошланғич синфларида ўқувчиларни баён ёзишга ўргатиш" (1973), Ғ.Иноғомованинг "Феъл замонларини ўрганишда ўқувчиларнинг нутқи устида ишлаш" (1974), А.Ғуломовнинг "Ўзбек мактабларининг 4—синфлари она тили дарсларида

(мас., жуда ғоят, ниҳоят, беҳад, чексиз, ғоятда, ниҳоятда) қўл — лаш, сифат ясовчи қўшимчаларни унинг синонимлари билан алмаштириш (мас., — ли ба — мазали бамаза — ли — диган) (мас., ёқимли — ёқадиган, ажабланарли — ажабланадиган — ли — лик) (мас., чиройли — чиройлик — лик — дор, — кор) (мас., айбли — айбдор, гуноҳли — гуноҳкор — ги, — ки, — қи — даги) (мас., пастки — пастдаги, кузги — куздаги — к, — ук, — ик, — ак, — ақ — ган) (мас., чирик — чириган, синиқ синган — кир, — гир, фир, — қир — ағон) (мас., чопқир — чопағон, топқир — топағон синоним сўзларнинг мавжуд антонимларини топиш) (мас., ақлли — беақл — ақсиз, мазали — бемаза — мазасиз) каби ишлар ўқувчилар нутқини ривожлантиришда ўта муҳимдир.

Дастур талабига кўра аслий сифатларнинг кучайтирма шакли ва аслий сифатларнинг озайтирма шакли устида ало — ҳида — алоҳида иш олиб бориш кўзда тутилган.

Ўқувчилар сифатларнинг маъно гуруҳлари билан та — ништирилар экан, асосий эътибор ранг — тус сифатлари (кўн — фир, пушти, жигарранг, кўкиш, сарғиш в. ҳ.), маза — таъм си — фатлари (мас., аччиқ, тахир, нордон, чучук, ширин, асалдек, тилёрар в. ҳ.), хусусият билдирувчи сифатлар (мас., содда, қув — ноқ, шўх, камтар, айиқсимон, бўйдор, андишали, в. ҳ.), ҳолат билдирувчи сифатлар (мас., хурсанд, қўл, иссиқ, навқирон, уйғоқ в. ҳ.), шакл (кўлам) сифатлари (мас., баланд, дўмбоқ, узун, бесўнақай, хушбичим в. ҳ.), ҳид билдирувчи сифатлар (мас., муаттар, қўланса, хушбўй, бадбўй в. ҳ.), миқдор сифатлари (кўп, мўл, оз, сероб камчил в. ҳ.)ни рўйхат қилиш, уларнинг маъно нозиклиги устида ишлаш, сифатларнинг ҳар бир маъно гуруҳ — лари иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар ҳосил қилиш, белгининг ошиб боришига қараб сифатларни бирин — кетин жойлаштириш, сифатларга маънодош ва зид маъноли сўзлар топиш сингари ижодий — амалий ишларни бажарадилар. Маз — кур сўз туркумини ўрганиш "Ранглар жилоси" маърифий матни (дарсликнинг 135 — бетида) устида ишлаш билан якун — ланади. Ўқувчилар қадим — қадимдан ота — боболаримиз ранглар жилоси, уларнинг уйғунлигига катта эътибор билан қараган — ликларини билиб оладилар.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда сифат бирик — малар устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Берилган матндан сифатли сўз бирикмаларини ажратиш, уларнинг рўйхатини мустақил давом эттириш, бадий асарлардаги ижобий ва сал — бий қаҳрамонларнинг барча сифатларини санаш ва улар

иштирокида сўз бирикмалари ёки гаплар ҳосил қилиш, маълум бир отга боғланиб келадиган барча сифатларни топиб қўйиш сингари амалий ишлар ўқувчилар сўз бойлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, ўқувчиларга "Зумрад ва Қиммат" эртагидаги икки қаҳрамоннинг сифатларини аниқлаш топширилган бўлса, улар Зумраднинг қуйидаги ижобий фази — латлари ва Қимматнинг қуйидаги салбий фазилатларини са — найдилар:

гўзал	ақлсиз
келишган	қўпол
ақлли	дангаса
меҳнатсевар	одобсиз
хушфеъл	ўжар
Зумрад — одобли қиз	Қиммат — ёлгончи қиз
камтар	йиғлоқи
меҳрибон	бемехр
чаққон	уятсиз
озода	сўзамол
ростгўй	маҳмадона
раҳмдил	бепарво
номусли	

Шундай қилиб, "Сифат" сўз туркумини ўрганишда унинг ички маъно гуруҳлари устида ишлаш, сифатлар иштирок этган сўз бирикмалари ҳосил қилиш, бу сўз туркумига оид материалларни семантика ва стилистика билан узвий алоқадорликда ўрганиш, сифат синонимлари ва сифат антонимлари устида махсус иш олиб бориш, ҳар хил ўйин, топшириқлардан фойдаланиш каби лар мазкур сўз туркумини ўрганишни анча осонлаштиради.

"Сон" сўз туркумини ўқитиш. Мактабда "Сон" сўз туркумини ўқитишдан кўзланадиган амалий мақсад ўқувчиларни предметнинг сон — саногини ифодаловчи сўзлар оламига олиб кириш, улардан нутқда тўғри ва ўринли фойдалана олиш, имло саводхонлигини ошириш ва талаффуз меъёрларини шакл — лантиришдир. Аввало шунини таъкидлаш жоизки, ўқувчилар сон юзасидан бошланғич синфда зарурий маълумотлар билан қу — ролантирилганлиги туфайли улардан нутқий фаолиятда фой — даланишда катта қийинчиликларга дуч келмайдилар. Шунинг учун изчил курсда бу сўз туркумидан ўқувчилар эгаллаши за — рур бўлган билимлар силсиласи унча кўп эмас. Улар, асосан,

олдин эгалланган билимларни такрорлайдилар ҳамда соннинг ички маъно гуруҳлари, қўшма ва жуфт сонлар, уларнинг им — лоси ва талаффузига оид зарурий маълумотларни эгаллай — дилар.

Такрорлаш ва олдинги синфлардан эгалланган билим — ларга асосланган ҳолда ўқувчиларни миқдор ва тартибни бил — дириб, *неча?*, *нечанчи?*, *қанча?* сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар сонлар эканлиги, сонлар, саноқ, дона, чама, каср, жам — ловчи, тартиб сонлар каби маъновий гуруҳларга бўлиниши хусусида хулосага келадилар.

Сонларнинг маъно гуруҳларни ўрганиш натижасида ўқувчилар берилган сўзларни бир турдаги предметнинг умумий маъноларини англаган сонлар (тўрт киши, саккиз йил, ўн беш кун каби), бир хил предметларнинг яккалаб, доналаб сана — ладиган умумий миқдорини англаган сонлар (учта қалам, йи — гирмата қорамол, ўттиз учта синф каби), тахминий миқдорни англатадиган сонлар (ўттизтача, юзларча, мингларча каби), миқдорни бир гуруҳга бирлаштириб, тақсимлашни ифодалай — диган сонлар (икков, тўртов, олтовлон каби), предметларни тақсимлашни ифодаладиган сонларга (ўнтадан, юзтадан, мингтадан каби) ажратадилар ва уларни қиёслаш натижасида маъно нозиклигини бйлиб оладилар.

Берилган сонларга маънодошлар топиш ҳам ўқувчилар — нинг сўз бойлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Маса — лан, *бешта дафтар*, *ўнта бола*, *мингта қўй*, *уч юз элик туп олма дарахти* каби бирикмалар билан алмаштиради. Ўқув — чилар чама сон ҳосил қилувчи — *тача* қўшимчаси ўрнига — *та* қўшимчаси ёки *яқин* сўзини қўллашлари ҳам мумкин. Масалан, *йигирматача сўзи ўрнида йигирмага яқин*, *эликтача сўзи ўр — нида эликка яқин* каби.

Ўқувчилар луғатини сонлар билан бойитишда берилган қолиплар асосида сўзлар ҳосил қилиш ҳам ўта фойдалидир. Масалан, "бир — от — лар" (бир замонлар, биё вақтлар), "дона сон — та" (ўнта, юзта), "дона сон — ларча" (ўнларча, миллион — ларча) каби.

Ўзбек тилида қадимдан қўлланилган ва маъноси кўпчи — ликка тушунарли бўлмаган *лак*, *туман*, *ботмон*, *чақирим*, *фар — сах*, *таноб*, *садяк*, *мисқол*, *қирот*; байналминал *фут*, *дюйм*, *фунт*, *миль* каби сўзларнинг луғавий маъноси устида ишлаш, шунингдек, *миллиметр (м)*, *сантиметр (см)*, *дециметр (дм)*, *метр (м)*, *километр (км)*, *килограмм (кг)*, *центнер (ц)*, *тонна*

(*m*), *гектар* (*га*), *миллион*, *миллиард* каби сўзларнинг маъноси ва қўлланилиши устида тўхталиш ҳам ўта фойдалидир.

Сонларнинг кўчма маъносини шарҳлаш (мас., аза маро — симлариңи ифодаловчи уч, етти, қирқ каби сўзлар), улар ёр — дамида гаплар тузиш, сонлар иштирок этган халқ мақоллари (мас., Бир қўй кетидан минг қўй тўяди. Бир қўллаб сочасан, икки қўллаб ўрасан. Бир қўчқорнинг шохи сингунча, юзта қўйнинг боши кетади. Етти ўлчаб бир кес. Етти яшар сафардан келса, етмиш яшар кўргани келар.) устида ишлаш сингари ижодий — амалий ишлар ўқувчилар нутқини бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

“Сон” сўз туркумини ўрганишда ўйин — топшириқлар, топшимоқлардан кенг фойдаланилади. Бу топшимоқ ва топ — шириқлар сонларнинг ички маъно гуруҳлари, маълум бир маъно гуруҳидан бошқа бир маъно гуруҳидаги сўзлар ҳосил қилиш, сонлар синонимияси, уларнинг имлоси каби муҳим масалаларга бағишланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур сўз туркумини ўрганишда, айниқса, “Мақтабимиз тарихи”, “Қиш — логимиз тарихи”, “Хўжалигимиз тарихи”, “Мақтабимиз уста — хонаси жиҳозларини топшириш ва қабул қилиш” каби мав — зуларда матнлар ёздириниш ўта фойдалидир.

“Равиш” сўз туркумини ўқитиш. Маълумки, мустақил маъноли ўзгармас сўзлар равишлардир. Равишлар белгини, миқдор ёки ҳолатни, ўрин, пайт маъноларини ифодалайдиган, луғавий шаклларга эга бўлмаган мустақил маъноли ўзгармас сўзлар бўлиб, улар ўз маъноси билан от, сифат, сонларга яқин гурайдиган сўзлар саналади ва сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни қабул қила олмаслиги билан юқоридаги сўзлардан фарқ қи — лади. Ўқувчилар берилган сўзларга кўплик (—лар), қиёсий даража (—роқ), эгалик (—им, —инг, —и, —си), келишик (—нинг, —ни, —га, —да, —дан) қўшимчаларини қўшиб, бу қўшим — чаларни қабул қилмайдиган сўзларни аниқлаш, ўзгармас сўзлар қаторини давом эттириш, берилган равишларни маъно гуруҳларига ажратиш, —она, —ларча, —часига қўшимчалари ёрдамида қўшимчадош сўзлар ҳосил қилиш орқали бу тур — кумдаги сўзлар хусусида умумий маълумотга эга бўладилар.

Равиш хусусида умумий маълумот берилгач, улар туб ва ясамаларга ажратилади.

Туб ва ясама равишларни ўрганиш жараёнида —ларча, — часига, —лигича, —она, —ан, —лай, —инча қўшимчалари ёрда — мида сўзлар ҳосил қилиш (мас., янгича, бошқача, қаҳрамон —



ларча, ўртоқларча, бухорочасига, эскичасига, иссиқлигича, тириклигича, саҳарлаб, наҳорлаб, мардона, фикрона, умуман, тахминан, бугунлай, тириклайн, кўпинча, аксинча), берилган сўзлардан қўшма равишлар ҳосил қилиш, бу сўзлар ёрдамида гаплар қуриш сингари амалий ишлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Берилган равишларга маънодошлар топиш (мас., доим — ҳаминча — сурункасига; аранг — зўрга), равиш — антонимлар рўйхатини тузиш, сўзларни такрорлаш йўли билан равишлар ҳосил қилиш (мас., юзма — юз, кетма — кет), нуқталар ўрнига зарур равишни топиб қўйиб, гапларни кўчириш, гапларда аж — ратилган равишларни уларнинг маънодошлари билан алмаш — тириш каби мустақил ишлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим омил саналади.

Равишларнинг маъно гуруҳлари устида ишлаш ҳам ўқувчилар лугатини бойитишнинг муҳим манбаидир. Хусусан, берилган матн ёки гапларда қандай?, қай тарзда?, қай ҳолда? сўроқларига жавоб бўладиган ҳолатни ифодаловчи сўзларни ажратиш (мас., қаҳрамонларча, ботирларча, фидокорона, ас — тойдил), қачон?, қачонгача?, қачондан?, қачондан бери? сў — роқларининг ҳар бирига жавоб бўладиган пайтни ифодаловчи сўзлар топиш (мас., бугун, ҳозир, кеч, тунда, қадим, бурун, бултур, тунов кун, ҳаминча), қаерда?, қаердан?, қаерга? сўроқ — ларига жавоб бўладиган ўринни ифодаловчи сўзлар рўйхатини тузиш (мас., унда, бунда, пастда, қуйида, узоқда), қанча?, қай даражада? сўроқларига жавоб бўладиган сўзларни алоҳида гу — руҳлаш (мас., жуда, оз — оздан, гоят, анча, сал, мўл), бу сўзларга маънодош ва уядошлар танлаш, ҳар бир гуруҳдаги сўзларнинг маъно нозиклиги устида ишлаш, бу сўзлар ёрдамида гаплар тузиш ва матнлар яратиш каби амалий ишлардан фойдаланиш яхши самара кўрсатади. Равишларнинг маъно гуруҳлари устида ишлашда берилган қолиплар (мас., "сифат — лигича", "сон — лаб" в.ҳ.) сўзлар ҳосил қилиш, бу ҳосилаларнинг маъносини шарҳлашдан ҳам фойдаланса бўлади.

Ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда равишлар қат — нашган сўз бирикмаларидан фойдаланиш мумкин. Хусусан, берилган гаплар ёки матндан равишларни топиб, уни ўзи боғ — ланган сўз билан бирга кўчириш, берилган феълга равишлар топиб қўйиб, сўз бирикмалари ҳосил қилиш ёки берилган сўзга маънодош равишларни топиб қўйиш, сўз бирикмалари яратиш каби ишлар ўта фойдалидир. Масалан, ўқувчиларга ишлагу

феъли берилган бўлса, унга мардларча, фидокорона, қаҳрамонларча, алпомишларча, рустамчасига каби равишларни топиб қўйиб, сўз бирикмалари ҳосил қилишлари мумкин.

Берилган сўзга равиш — синонимлар топиб қўйиш жуда фойдали иш усулларидан саналади. Масалан, ўқувчига келди феъли берилган бўлса, улар бу сўзни *дарров — дарҳол — тез — тезга — бир пасга — бир зумда — бир лаҳзага — зумда* каби синонимик уя билан боғлаб, сўз бирикмалари ҳосил қилишлари мумкин.

Мазкур сўз туркумини ўрганишда ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма равишлар ҳамда жуфт равишлар имлосига алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Бу сўзларни алоҳида — алоҳида гуруҳларга ажратиш, ҳар бир гуруҳни мустақил давом эттириш каби амалий ишлар ўқувчиларнинг имло саводхонлигини ошириш ва нутқини ривожлантиришда ўта муҳимдир.

Ўқитувчи "Равиш" сўз туркумини ўқитишда ҳар хил қизиқарли таълимий ўйинлардан ҳам унумли фойдаланиши мумкин. Масалан, "Мен ҳолат равишиман", "Мен пайт равишиман", "Мен ўрин равишиман", "Мен даража — миқдор равишиман" сингари ўйин — топшириқлар шулар жумла сандир. Ўйинни ташкил этиш учун ўқувчиларга сўзлар тарқатилади. Ўқитувчи равишнинг қайси бир маъно турини айтса, ўша гуруҳга кирувчи сўзни олган ўқувчиларгина ўринларидан турадилар. Сўзларнинг маъно гуруҳини тўғри белгиланган ўқувчилар ўйин ғолиби саналадилар.

Хуллас, "Равиш" сўз туркумини ўрганишда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва нутқини ривожлантириш имкониятлари бениҳоя кўп. Ўқитувчи ўрганилаётган тил ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд шарт — шароитларни ҳисобга олиб, улардан ўринли ва унумли фойдалана олмағи лозим.

**"Олмош" сўз туркумини ўрганиш.** Маълумки, туркий — шуносликда олмош нафақат от, сифат, сон, балки феъл, равиш, тақлидий сўзлар, ундовлар ва ҳатто матнни ҳам алмаштириши, уларга ишора қилиши маълум. Шунинг назарда тутиб, мазкур сўз туркуми барча мустақил сўз туркумларидан кейин ўқитилади.

Ўқувчилар олмош хусусидаги дастлабки маълумотларни бошланғич синфларда эгаллаганлар. Шунинг учун мазкур сўз туркумини ўрганишда аввало ана шу маълумотларга таянмоқ лозим. Улар олдин эгалланган билимларга асосланиб, берилган гаплар ёки матнда ажратилган сўзлар (олмошлар) қайси сўз,

гап, воқеа — ҳодисага ишора қилаётганлигини аниқлашлари мумкин.

"Олмош" сўз туркуми хусусидаги изчил билимлар 7 — синфда берилади. Ўқувчилар берилган гап жуфтларида ажра — тилган сўзлар олдинги гапдаги қайси сўзга ишора қилаётган — лигини аниқлаш, уларнинг гапдаги вазифасини тушунтириш; бир гапни икки ёки уч гапга ажратиш, гапларни ўзаро мазму — нан боғлашда олмошлардан фойдаланиш; берилган гап жуфт — ларини бир гапга бирлаштириш; олмошларни қатнаштириб гаплар тузиш сингари амалий топшириқлар орқали бу сўз туркуми хусусида маълумотга эга бўладилар.

Шундан сўнг олмошларнинг маъно гуруҳлари ўрганилади. "Кўрсатиш олмошлари" мавзуси ўрганилар экан, *бу, шу, ўша, у* олмошлари гапдаги бирор сўзни аниқлаб келиши ҳам, матндаги бирор тушунча ёки фикрга ишора қилиб, уни алмаштириб келиши ҳам мумкинлигини билиб оладилар. Мазкур мавзуни ўрганишда асосий эътибор бу олмошларнинг маъноси, имлоси, талаффузи ва қўлланилишига қаратилади.

Кишилик олмошлари хусусидаги дастлабки маълумотлар бошланғич синфда, шунингдек, 5 — синфда берилган. 7 — синфда эса бу билимлар такдмиллаштирилади.

Ўқувчилар шахс, предмет, воқеага ишора этувчи олмош — ларни пухта эгаллашлари учун гап ёки матндан дарсликда бе — рилган (мас., Раҳимжон бугун хурсанд. У чигал жумбоқни еч — ди. Расмда чиройли манзара тасвирланган экан. Бундай расм — лардан биз она тили машғулотида тез — тез фойдаланамиз) *мен, сен, у, биз, сиз, улар, бу, шу, ўша, ана, мана, мана бу, анави* сингари олмошларнинг нималарга ишора этаётганлигини аниқлашлари, матндаги ёки гаплардаги сўз, сўз бирикмаси, гап, воқеа — ҳодиса тавсифини ишора сўзлар билан алмаштириш — лари, бу сўзларнинг маъносини шарҳлашлари, шундай сўз — лардан фойдаланиб матн яратиш каби амалий ишларни бажа — ришлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзлик олмоши предметни аниқлаб ёки таъкидлаб кўрса — тиш учун хизмат қиладиган олмошдир. Ўқувчилар берилган гаплардаги кўрсатиш, кишилик олмошларини ўз сўзи билан кучайтириб ёзиш, бу сўз иштирокида гап тузиш ёки матн яратиш, ўз сўзининг ифодалаб келаётган маъносини шарҳлаш орқали уни ўзларининг нутқий фаолиятларига олиб кирадилар.

"Сўроқ олмошлари" мавзусини ўрганишда берилган гап — ларни ўқиб, сўроқ маъноси қайси сўз билан ифодаланаёт —

ганлигини аниқлаш, шу гапларда сўроқ ифодаловчи сўзлар — ни: 1) шахс, ҳайвон ёки нарса — буюм, воқеа — ҳодиса ном — лари сўроқлари; 2) белги — хусусият сўроқлари; 3) ҳаракат — ҳолат сўроқлари каби гуруҳларга ажратиб, уларни мустақил давом эттириш, сўроқлар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб, гапларни кўчириш, истаган бир матндаги гапларни ўқиб, ҳар бир сўзни бирин — кетинликда сўроқлар билан ал — маштириш, бу гапларнинг оҳанги ва имлоси устида ишлаш мазкур мавзунини ўрганишни анча осонлаштиради ва самара — дорликни оширади.

Сўроқ олмошларини ўрганишда —ми сўроқ юкламасининг сўроқ олмошли гапларда таъкид, сўраш маъноларида ишла — тилиши ҳамда уларда тиниш белгилари хусусида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Олмошнинг яна бир маъно гуруҳи белгилаш олмош — ларидир. Ўқувчилар берилган матндан *шундай*, *шунақа*, *мунча*, *шунча* сўзлари ифодалаган маънони, қандай сўзларга ишора қилиб келаётганлигини аниқлаш, бундай олмошлар рўйхатини тузиш, улар иштирокида матн яратиш орқали бу ҳақда пухта билимга эга бўладилар.

Тилимизда жамлаш олмошлари унча кўп эмас, ўқувчилар ҳамма, бари, жами, бутун, ялли сўзларининг маъно ва вази — фаси устида ишлаш, бу сўзлар ёрдамида гаплар тузиш сингари амалий ишлар орқали мазкур мавзунини ўзлаштирадилар.

Ўқувчилар луғат бойлигига белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошларини олиб кириш, бу сўзларнинг нутқий фао — лиятда қўлланилишини таъминлаш учун сўроқ олмошларини ҳар, ҳеч ва алла сўзлари билан бириктириб қўшма сўзлар ҳосил қилиш, ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳар бир, ҳар нарса, алла ким, алла нима, алла қандай, алла маҳал, алла қачон, аллавақт, нимани — дир, кимнингдир, қаердадир, қаёндандир, қачондир каби сўз — ларнинг маънолари ва қўлланилиши устида ишлаш, “ҳар — от”, “ҳеч — от”, “алла — от” сингари ҳосилалар луғатини тузиш каби амалий ишлардан унумли фойдаланишга тўғри келади.

Олмошларнинг маъно гуруҳларига тўхталар эканмиз, бу сўз туркумининг стилистик имкониятларини ҳам унутмаслик лозим. Чунончи, одатда, кишилиқ олмошлари: *мен*, *сен*, *у* якка шахсларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунинг учун бу олмошлар —лар қўшимчаси билан қўлланилмайди. Аммо, сўз — ловчи нутқи қаратилган шахсга ҳурматсизлик билан муомала қилганда, ундан ўзини юқори тутганда баъзан *сен* олмошига —

лар қўшимчаси қўшилади. (мас., Сенлар кимлар? Сенларга мактаб ташвиши бегонами? каби). Ўқувчилар кишилик олмошлари билан таништирилар экан, унинг бу хусусиятларига ҳам тўхталишга тўғри келади.

Сўроқ олмошлари ўрганилаётганда унинг турли хил кўринишлари (ким, нима, қанақа, қандай, қайси, қанча, қачон, неча, қаер каби) ўзаро синоним сифатида ишлатишга оид амалий машқлардан фойдаланиш ўринлидир. Айниқса, берилган гапларда ёки матнда ажратилган олмошларни унинг маънодоши билан алмаштириш (мас. Синфдошим Мўътабар сизнинг кимингиз бўлади? — Синфдошим Мўътабар сизнинг нинмангиз бўлади? каби) самарали иш усулларидан биридир.

Синонимлари мавжуд олмошларни алоҳида рўйхат қилиш (мас., ҳаммаси — жами — барча — бари; аллаким — кимдир, алланима — нимадир, аллақандай — қандайдир каби), улар иштирокида гап ёки матнлар яратиш ўқувчилар нутқини ривожлантиришда ўта муҳимдир.

Мазкур сўз туркумини ўрганишда жуфт ва такрорий олмошлар устида ишлашга ҳам тўғри келади. Берилган жуфт ёки такрорий олмошларни (мас., шу — шу, ўша — ўша, у — бу, уни — буни, унга — бунга, унча — мунча, ким — ким, нима — нима, неча — неча в.х.) қатнаштириб гаплар ҳосил қилиш, уларнинг маъносини шарҳлаш бу мавзунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, таълим — тарбия билан узвий алоқадорликда олиб борилади. "Олмош" сўз туркумини ўрганишда ҳам бу бирликка қатъий амал қилинади. Ўқувчилар кишилик олмошларидан бири сиз олмоши билан таништирилар экан, бу олмошнинг миллий анъаналаримиз билан боғлиқ ҳолда қўлланилиш доирасига катта эътибор берилади. Чунки, узоқ маданий ўтмишга эга бўлган ўзбек халқи яқка тингловчига ҳам "сиз" деб мурожаат қилади. Ҳатто катта ёшдаги кишилар ҳам ўзларидан кичикларга "сиз" деб мурожаат этишган.

"Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади", — халқ мақолининг маъноси устида ишлаш, доно халқимизнинг бу гўзал одатини ўқувчиларда таркиб топтириш шу мавзунини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

"Олмош" сўз туркумини ўрганишда таълимий ўйинларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Масалан, ўқувчиларнинг нутқий ва фикрий тараққиётини кўзлаб, олмошнинг маъно гуруҳлари ўрганилгандан кейин уни мустақамлаш мақсадида "Ижодкор"

ўйин — топширигидан фойдаланса бўлади. Ўйинни ташкил этиш учун синф ўқувчилари икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ вакили от билан ифодаланган гапларга мисоллар келтиради. Иккинчи гуруҳ эса, шу гаплардаги эгани олмош билан алмаштириб, уни давом эттирадilar.

### Намуна:

#### Биринчи гуруҳ

Пахталар қийғос очилди.

#### Иккинчи гуруҳ

Уни йиғиб — териб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилмақда.

Хуллас, "Олмош" сўз туркумини ўрганишда унинг маъно гуруҳлари устида ишлаш, берилган матнни таҳлил қилиб, ундаги такрорий сўзларни олмош билан алмаштириш, берилган олмошларни уларнинг маънодошлари билан алмаштириш ўқувчиларни нутқий фаолиятга тайёрлаш учун ўта муҳимдир.

**Тақлидий сўзлар ва ундовларни ўрганиш.** Тилимизда мустақил сўз туркумларига ҳам, ёрдамчи сўз туркумларига ҳам қирмайдиган талайгина тақлидий сўзлар ва ундовлар бўлиб, ўқувчиларни бу сўзлар оламига олиб кириш уларнинг нутқий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, тақлидий сўзлар маъносига кўра икки гуруҳга бўлинади: а) товушга тақлид билдирувчи сўзлар; б) ҳолатга тақлид билдирувчи сўзлар.

Ўқувчилар луғатини товушга тақлид билдирадиган сўзлар билан бойитиш мақсадида берилган сўзларни (мас., инга — инга, гумбур — гумбур, пих — пих, виз — виз, виш — виш, вақ — вақ, миёв — миёв, билдир — билдир, ҳов — ҳов в.х.), инсон товушига тақлид сўзлар, ҳайвон, қуш, ҳашаротлар чиқарадиган товушга тақлид сўзлар, табиат ҳодисалари чиқарган товушларга тақлид сўзларга ажратиш ва бу сўзлар гуруҳини мустақил давом эттириш, товушга тақлид сўзларни тўлиқ такрорланган (мас., гумбур — гумбур, гулдуз — гулдуз) ва товушлар такрори (мас., тақ — туқ, шақ — шуқ) каби гуруҳларга ажратиш, улар ёрдамида гаплар қуриш, матн яратиш, тақлид сўзларда маъно — нинг торайиши (мас., шақшақа, тартарак, шаршара), уларнинг қўлланилиши ва имлоси устида ишланга оид амалий ишлар бажарилади.

Ҳолатга тақлид сўзлар устида ишлашда ҳам худди шунга ўхшаш иш усулларида (мас., ҳолатга тақлид сўзлар рўйхатини тузиш, берилган сўзларнинг уядошларини топиш, бу сўзлар ёрдамида гаплар тузиш, матн яратиш в.х.) фойдаланса бўлади.

ўқувчиларнинг мустақил ишлари" (1975), О.Ёқубжонованинг "Ўзбек мактабларининг 4—5—синфларида сўз яшашни ўргатиш методикаси"(1975), Н.Шукруллаевнинг "Ўзбек мактабларининг 8—синфларида қўшма гап синтаксисини ўқитишда ўқувчилар нутқини ривожлантириш"(1975), Р. Қаюмованинг "Сифат мав — зусини ўрганишда ўқувчиларнинг нутқини ривожланти — риш"(1976), О.Ботировнинг "Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар нутқида учрайдиган диалектал хатолар"(1978), С.Набиеванинг "Ўзбек мактабларининг бошланғич синфларида орфографияни ўқитиш методикаси" (1981), М. Мамаюсуповнинг "Бошланғич мактабнинг 1—3—синфларида ўзлаштирилиши мураккаб бўл — ган фонемаларни ўқитиш методикаси"(1981) мавзуларидаги номзодлик диссертациялари 50—80—йилларда ҳимоя қилинган,

• Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, она тили ўқитиш методикасига оид илмий тадқиқотлар кўлами анча кенгайди. Ўтган қисқа давр ичида она тили ўқитишнинг ўга муҳим муаммоларига оид битта докторлик ва 20 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.** "Она тили ўқитиш мето — дикаси" педагогик циклдаги фан сифатида ўзининг илмий — тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифаларига эга.

Она тили таълимининг самарадорлигини ошириш, ўқув — чини таълим жараёнининг, субъектига айлантириш, ўқувчи — ларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини билишнинг қулай йўлларини аниқлаш, она тилидан синфдан ташқари ишларни самарали ташкил этиш сингарилар бу фаннинг илмий тадқиқот объекти бўлиб саналади.

"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг предмети эса мактабда она тили ўқитиш жараёнидир. Бу жараён:

- а) она тилидан ўқувчиларга бериладиган зарурий би — лимлар силсиласи;
- б) шу билимларга мувофиқ келадиган кўникма ва мала — калар тизими;
- в) ижодий фаолият усуллари;
- г) ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига қамраб олади.

Она тилидан зарурий билимлар силсиласи бу бир — би — рига узвий боғлиқ бўлган ва ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган тил материаллари — тушунчалар, қоидалар, таърифлар, ўқув топшириқларини ўз ичига қамраб олади.

Зарурий малака ва кўникмалар тизими деганда эгаллан — ган билимларни амалий фаолиятда қўллашга қаратилган ҳара —

Жуфт ва такрорланиб қўлланган тақлид сўзлар орасида чизикча қўйиб ёзиш малакаси юқорида тилга олинган ҳар бир амалий иш орқали ўқувчиларга сингдириб борилади.

Мазкур мавзуни ўрганиш тақлидий сўзлардан фойдаланиб, тасвирий иншо ёзиш билан яқунланса, ҳосил қилинган билим, малака ва кўникмаларнинг амалий қиммати янада ортади.

Ундовларни ўрганишда ҳам, уларнинг маъно гуруҳлари устида ишлашда ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва нутқини ривожлантириш муҳим талаб саналади. Берилган ундовларни маъно жиҳатдан ҳис — ҳаяжон ундовлари (мас., оҳ, эҳ, уҳ, о,э, вой, ура, офарин, раҳмат, ҳорманг, балли, ҳай — ҳай, бай — бай, хўш) ва ҳайдаш — чақиритиш ундовлари (мас., кишт, чух, беҳ — беҳ, пўшт — пўшт) га ажратиш, бу ҳар ик — кала рўйхатни мустақил давом эттириш, уларнинг якка ҳолда ёки такрорлаб қўлланилганлигини аниқлаш ва имлосини шарҳлаш, ҳар бир ундов сўзнинг маъно нозиклиги устида иш — лаш, улар ёрдамида гаплар тузиш ёки матн яратиш, оҳ — воҳ — лари, *doguga et, вой — войлари* сингари маъноси торайган ун — довларнинг нутқда қўлланилиши устида ишлаш каби амалий ишлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишда муҳим аҳами — ятга эга. Айниқса, бадиий асарлардан ундови гапларга ми — соллар топтиришнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Ундовларнинг маъно гуруҳлари устида ишлаш уларнинг имлоси устида ишлаш билан қўшиб олиб борилади.

Мазкур мавзуни ўрганишда халқимизнинг асрий урф — одатларидан бири — миннатдорчиликни ифодаловчи *ҳорманг, бор бўлинг, раҳмат, ташаккур, баракалла, офарин, балли* каби ундов сўзларни ўқувчиларнинг нутқий фаолиятига олиб ки — ришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тақлидий сўзлар ва ундовларни ўрганишда халқ топиш — моқларидан фойдаланса бўлади. Масалан,

Олисдан жангур — жунгур,  
Яқиндан оддий темир.

Ажойбдур оҳ лайлак,  
Ноғора чалар тақ — тақ.

Тўпим тўп — тўп этасан,  
Урсам учиб кетасан.



Хуллас, тақлидий сўз ва ундовлар устида ишлаш ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва нутқини ривожлан-тиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Модал сўзларни ўрганиш.** Тилимизда сўзловчининг англашилаётган фикрга муносабатини ифодаловчи *албатта, дарҳақиқат, шубҳасиз, табиий, аслида, чамаси, балки, эҳтимол, кошки, қанийди, дарвоқе, наҳотки* сингари бир қатор сўз — гаплар борки, уларнинг маъносини билиш ва нутқда қўлланилишини таъминлаш мазкур мавзуни ўрганишдан кўзланадиган бош мақсадни ташкил этади.

Ўқувчиларни модал сўзлар оламига олиб киришнинг энг қулай усулларида бири берилган сўзларни: а) фикрнинг ростлиги, чинлигини ифода этувчи сўзлар (мас., албатта, ҳақиқатдан, табиий, сўзсиз); б) фикрнинг ноаниқлигини ифода этувчи сўзлар (мас., балки, чамаси, эҳтимол); в) истакни ифода этувчи сўзлар (мас., зора, шоядки); г) кутилмаганликни ифода этувчи сўзлар (мас., наҳот, наҳотки) ажратиш, бу сўзлар рўйхатини мустақил давом эттириш, уларнинг маъно нозиклиги устида ишлаш, берилган модал сўзларга маънодош сўзлар топиш, гапда ёки матнда маълум бир модал сўзни унинг маънодоши билан алмаштириш, шундай сўзлар иштирокида гаплар тузиш ва матн яратиш кабилар бўлиб саналади. Мазкур иш усулларида фойдаланишда модал сўзларнинг гапда вергул билан ажратилишига ҳам алоҳида эътибор беришга тўғри келади.

**Ёрдамчи сўзларни ўқитиш методикаси.** Маълумки, ёрдамчи сўзлар ҳақида илк маълумотлар бошланғич синфларда берилади. 7 — синфда ўқувчилар гапларни гап бўлақларига ажратиш, мустақил ҳолда гап бўлаги бўлиб кела олмайдиган сўзлар рўйхатини тузиш, бу рўйхатни мустақил давом эттириш, шундай сўзлар ёрдамида гаплар тузиш, бу сўзларнинг вазифалари устида ишлаш сингари ижодий — амалий ишлар билан шуғулланадилар.

Ёрдамчи сўзларнинг муҳим қисмини *кўмакчилар* ташкил этади. Тилимизда *билан, учун, каби, сари, сайин, қадар, томон, сабабли, орқали, туфайли, қараб, кўра, чоғли, узра* сингари жуда кўп сўзлар борки, нутқий фаолият учун уларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Мазкур мавзуни ўрганишда берилган гаплар ёки матнда ажратилган сўзларни (мас., учун, орқали) келишиқ қўшимчалари билан алмаштириш (мас., Бу эртақлар тўпламини *синглим* учун олдим. — Бу эртақлар тўпламини *синглимга* олдим. Меҳрибон *телефон орқали* мен билан сўз —

лашди. — Меҳрибон *телефонда* мен билан сўзлашди. в.х.), бу сўзлар ва келишиқлар орасидаги ўхшашлик, фарқларни шарҳ — лаш, “от + га кўра (қарши, томон, қараб, қарамасдан, қарамай)”, “от — дан сўнг (бошқа, кейин, ташқари, бўлак)” сингари ҳосилалар устида ишлаш, бош келишиқдаги сўзлар билан қўлланиладиган кўмакчилар (мас., билан, учун, сайин, сари, сабабли, орқали, туфайли, бўйлаб, чамаси, ҳақида), жўналиш келишиғидаги сўзлар билан қўлланиладиган кўмакчилар (мас., томон, қадар, кўра, қараб, қараганда, қарата), чиқиш келиши — ғидаги сўзлар билан қўлланиладиган кўмакчилар (мас., сўнг, кейин, бошқа, ташқари)ни алоҳида — алоҳида рўйхат қилиш, маълум бир кўмакчини унинг синоними билан алмаштириш, гапларда *билан* сўзини ва боғловчиси билан алмаштириш, бу сўзларнинг қайси ҳолатда боғловчи бўлиб келишини аниқлаш каби амалий ишлардан фойдаланса бўлади.

Ёрдамчи сўзларнинг яна бир муҳим қисмини боғловчилар ташкил этади. Бу сўзларни ўқувчиларнинг нутқий фаолиятига олиб кириш учун содда гап жуфтларини ўзаро бириктириб, битта гапга айлантириш, ўларнинг ўзаро боғланиш воситала — рини аниқлаш, жуфт ва якка боғловчиларни алоҳида — алоҳида гуруҳларга ажратиш, тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғ — ловчилар рўйхатини тузиш, улар ёрдамида гаплар қуриш, матн яратиш каби амалий ишлардан фойдаланса бўлади. Мазкур мавзунини ўрганишда оҳанг ва боғловчиларнинг ўзаро вазифа — дошлиғи устида ишлашни ҳам унутмаслик лозим.

Юкламаларни ўрганиш жараёнида берилган гапларни ўзаро қиёслаб, маъно фарқларини, бу фарқ нима билан бери — лаётганлигини аниқлаш (мас., Гулларга сув бердим — Гулларга сув бердим — ку), берилган юкламаларни (мас., — ми, — чи, — а, — я, — ку, — у, — ю, — да, — оқ, — ёқ, — худди, фақат) ифодалаб келаётган маъносига кўра: а) сўроқ ва таажжуб юкламалари; б) кучай — тирув ва таъкид юкламалари; в) айирув ва чегаралов юкла — малари; г) инкор юкламаларига ажратиш, улар ёрдамида гаплар қуриш ва ҳар бир юкламанинг маъно нозиклигини шарҳлаш, сўзсимон ва қўшимчасимон юкламалар рўйхатини тузиш, уларнинг имлоси ва тиниш белгилари устида ишлаш каби топшириқлардан унумли фойдаланса бўлади. Айниқса, юкла — малардан фойдаланиб, матнлар яратиш, тасвирий, ривоя ва муҳоқама иншолар ёзиш каби амалий ишлар нутқий тараққиёт учун ўта муҳимдир.

Ўқувчилар нутқини ёрдамчи сўзлар билан бойитиш фақат шу мавзуларни ўрганиш доирасида қолиб кетмаслиги, балки тилнинг кейинги бўлими — синтаксисни ўрганиш жараёнида ҳам давом эттирилиши лозим.

**Морфологияни тилнинг бошқа бўлимлари билан алоқадорликда ўрганиш.** Морфологияни ўрганиш аввало синтаксис билан чамбарчас боғланган. Бунинг бош сабаби шундаки, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг уларда мужассамланган ва морфологияда ўрганиладиган моҳияти, яъни қўшимчаларнинг синтактик вазифалари нутқда қўлланилишида намоён бўлади. Шунинг учун морфология ва синтаксис бир—бирини тўлдириб туради. Иккинчи томондан, морфология лексикология билан, тилнинг луғат сатҳи билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, морфологияда сўз шакллари ва уларнинг маъноси ўрганилади. Сўз шаклларининг маънолари эса сўзнинг у ёки бу маъно хусусиятлари билан боғлиқдир. Чунончи, —лар кўплик қўшимчаси киши отларига қўшилганда бир маънони англатса, жой номларига қўшилса, бошқа маъно; бўлинмас, яхлит моддаларни ифодаловчи сўзларга қўшилса, бутунлай бошқа маъно касб этади. Бу хил маънолар, асосан, сўзлар ифодалаган луғавий маънолар билан боғлиқ. Шунинг учун қўшимчаларнинг маънолари сўз маънолари билан биргаликда олингандагина шарҳланиши мумкин.

Морфологиянинг услубият билан алоқадорлиги ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Чунки услубият, биринчидан, тилнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Иккинчидан, морфологияда ўхшаш маъно ва вазифага эга бўлган шакллар ўрганилади. Ўхшаш шаклларни қўллашда эса асосий фарқ услубият билан белгиланади.

Морфология сўз ясаш билан бевосита боғлиқдир. Чунки сўз ясаш қайси йўл билан бўлмасин, у ёки бу сўз туркумининг содда ёки қўшма шаклини ясашдан иборатдир. Ҳар бир ясама сўз маълум бир сўз туркумининг маълум бир маъно гуруҳига мансуб бўлади. Сўз яшашни сўз туркумлари ичида ўрганишнинг сабаби ҳам шунда.

Морфологиянинг, айниқса лексикология билан алоқаси бениҳоя кучли. Ҳар бир сўз туркумини ўрганаётганда бу туркумнинг ички маъно гуруҳларини алоҳида ажратиш ва уларга тўхталиш бу икки бўлимни ўзаро алоқадорликда ўрганиш имкониятини яратади. Сўз туркумларининг маъно гуруҳларини ажратиш ва санашда ўқувчилар, албатта, услубий бўёқлар, кўтаринки руҳдаги сўзлар ва оддий сўзлар билан иш кўради —

лар. Шунинг учун сўз туркумларини ажратиш ва амалда қўл — лашда ўқувчилар сўзлардаги услубий хусусиятларга диққат қилишлари яъни морфологияни луғат ва услубият билан қўшиб олиб боришлари зарур.

Қўшимчаларнинг маъноси ва ишлатилишида икки омил, юқорида кўрсатганимиздек, луғавий маъно омили ва синтактик қўлланиш омили биргаликда олиб борилади. Чунончи, **-лар** қўшимчаси отларнинг турли маъно гуруҳларига қўшилиб кел — гагда турли хил маъно ва услубий хусусият касб этади. Бу қў — шимчаларнинг услубий хусусиятлари ҳурмат, кучайтириш, бўрттириш, менсимаслик, камситиш маънолари услубият би — лан, сўзларнинг луғавий маънолари билан биргаликда шарҳ — ланса, ўқувчилар бу ҳодисаларни чуқурроқ тушуниб оладилар.

Хуллас, морфология фонетика, лексикология, синтаксис ва айниқса, услубият билан узвий алоқадорликда ўрганилса, тил материалларининг фойдалилик даражаси ортади, уларнинг ўрганиш имкониятлари кенгайди.

### Асосий адабиётлар

1. Бозоров О. Олмошларнинг қўлланилиши. "Тил ва адабиёт таъ — лими", 1992, 2 — сон, 31 — 36 — бетлар.
2. Мирзақулов Т. Грамматикани ўқитишнинг лингвистик асослари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1994.
3. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. Тошкент, 1997.
4. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Қодиров М., Абдураҳимова М., Она тили. 5 — синф учун дарслик, Тошкент, "Ўқитувчи", 2000 й. ва кейинги нашрлар.
5. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Қодиров М., Абдураҳимова М. Она тили. 6 — синф учун дарслик, Тошкент, "Ўқитувчи", 2000 й. ва кейинги нашрлар.
6. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Қодиров М., Абдураҳимова М. Она тили. 7 — синф учун дарслик, Тошкент, "Ўқитувчи", 2000 й. ва кейинги нашрлар.
7. Омилхонова М., Абдуллаев Й., Абдулахатова Р., Иноғомова Р., Орифжонов. 5 — ва 6 — синфда она тили дарелари. (Методик қўл — ланма), Тошкент, "Ўқитувчи", 1978.
8. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури: Она тили. "Таълим тараққиёти", Ўз.Р.ХТВ ахборотномаси, 1 — мах — сус сон, Тошкент, "Шарқ", 1999, 46 — 138 — бетлар.
9. Ўрта мактабларда она тили ўқитишни такомиллаштириш йўллари ва формалари. Илмий — методик тўплам, Тошкент, 1986.
10. Фуломов А., Неъматов Қ. Она тили таълими мазмуни. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
11. Фуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.

## ГРАММАТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИ

Грамматик таҳлил мактабда ўтилганларни такрорлаш дарсларида ўтказилади. Бундай машқларнинг ўтказилиш усул — лари, мазмуни ҳар хил шаклда бўлади. Грамматикани ўрганиш орқали ўқувчи сўз ва гапнинг грамматик характеристикасини билиб олади. Бунда сўзнинг тузилиши, сўз ясалиши, сўз би — рикмалари, гап қурилиши, содда гап, қўшма гап, гап бўлаклари каби грамматик ҳодисалар ўрганиб чиқилади.

Грамматика ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга: у ўқувчиларни тил қонуниятлари билан таништиради, уларнинг тил қурилишини эгаллашларига ва унинг имко — ниятларидан онгли равишда фойдаланишларига ёрдам беради. Грамматика адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларини онгли равишда тўлиқ эгаллашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Грамматик таҳлил ўрта мактабда грамматика ўқитишда муҳим методик воситаларидан биридир, у "Она тили" фани — нинг барча вазифалари (орфография, орфоэзия, пунктуация, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, стилистика ва бошқалар) би — лан боғланади.

Берилган гапни таҳлил қилишда она тилидан олинган барча назарий ва амалий билимлар ишга солинади. Чунки ҳар қандай бир гапни грамматик таҳлил қилдириш орқали ўқувчининг мор — фология ва синтаксисдан (умуман, "Она тили"нинг барча бўлим — ларидан) шу кунгача олган билимларининг даражасини синаб кўриш мумкин. Баъзан ўқувчининг у ёки бу масалада назарий маълумоти бўлса — да, уни амалга — берилган гапни грамматик таҳлил қилиб беришга татбиқ эта олмайди. Баъзан ўқувчи грамматик қоида ни худди дарслик китобида ёзилган шаклда айнан ёд айтиб берса ҳам, лекин қоидага мисол келтира олмайди ёки шу қоидага мос тушувчи тайёр мисолни таҳлил қила олмайди. Бу эса унинг ўша грамматик ҳодисанинг мазмунига тўла тушиниб етмаганидан дарак беради. Ўқувчи грамматик қоида ни дарсликда ёзиб кўрсатилгандек қилиб айтиб бермасдан, балки ўша қоида нинг мазмунини ўз сўзлари билан баён қилиб берса ва жонли мисолга жорий қила олса, бу унинг мавзунини онгли тушунганлигини кўрсатади.

Грамматик қоида ни ёд олиш билар — билмас такрорлаш тарзида эмас, балки қоида нинг мазмунини тўла тушуниб олишга асосланган, шунга қаратилган бўлиши шартдир. Ўқув — чидан грамматик қоида сўралганда, унинг бу қоидага, унинг мазмунига тушунган ёки тушунмаганлигини аниқлаш вазифаси

асосий ўрин тутади. Баъзан ўқувчи сўралаётган грамматик ҳодисани билса ҳам, лекин баёнлаш нўноқлиги ёки бошқа са — баблар натижасида унинг таърифини дарсликда ёзиб кўрса — тилгандек қилиб айтиб бера олмаслиги мумкин. Бундай ҳол — ларда қонидани худди дарсликда ёзилган шаклда айтиб беришни талаб қилиш методик жиҳатдан тўғри эмас.

Грамматик таҳлилнинг бутун тизими онглилик принци — пига асосланади. Бу принцип ўқувчиларнинг (талабаларнинг) мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш қобилиятини кучайтира — ди, бир — биридан кўчириб олиш хавфини йўқотади, грамма — тиканинг назарий томонларини амалиётга татбиқ қилишга ёрдамлашади.

Грамматик таҳлил вақтида ўқувчи ҳар бир грамматик шаклнинг нега шундай эканлиги ҳақида мустақил фикр юри — тиш, уни исботлашга ҳаракат қилиши керак. Тушунмай ёд — лашга одатланган ўқувчи грамматик таҳлил вақтида доим қо — қилади, чунки грамматик таҳлилнинг характери машқларни мустақил бажаришни талаб этади.

### **Грамматик таҳлилнинг таркибий қисмлари**

Грамматик таҳлилдан кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчи ва талабанинг морфология (сўз таркиби, сўз ясалиши, сўз ўзгариши, сўз туркумлари (ва синтаксис) сўз бирикмаси, гап қурилиши) бўйича олган билимларини амалда синаб кў — ришдир. Аммо тил системадир, уни ташкил қилувчи қисмлар бир — бири билан ўзаро боғланган ҳолда бир бутунликни, ях — литликни ташкил қилади: нутқ товуши ва сўз, сўз ва гап — тилнинг бутун структураси ўзаро алоқадордир. Демак фоне — тика, лексика, морфология ва синтаксис ўзаро органик боғлиқ бўлиб, бир бутунликни ташкил қилади. Бу бутунликнинг мор — фология ва синтаксис қисмлари бирликда грамматика номи билан юритилади. Грамматиканинг бу тенг ҳуқуқли қисмлари бир — бири билан зич боғлиқ бўлиб, грамматик таҳлил ўтказиш вақтида булар ўз аксини топади. Морфология ва синтаксис бир грамматик ҳодисанинг икки томонидир. Грамматик таҳлилнинг муҳим принципларидан бири — морфологик таҳлил билан син — тактик таҳлилнинг тенг ҳуқуқли эканлигини, уларнинг бир — бири билан зич боғланишини кўрсатишдир. Масалан, морфо — логиядаги мустақил сўз саналадиган от, сифат, сон каби тур — кумлар гапда маълум синтактик вазифани — гап бўлаги вази — фасини ўтайди, морфологиядаги ёрдамчи сўз туркумлари мус —

тақил маънога эга эмаслигидан мустақил ҳолда синтактик вазифа бажара олмайди (гап бўлаги бўлмайди). Ҳуқуқи ва та— лаба синтаксисни ўргангандан сўнг, морфологик ҳодисалар— нинг моҳиятини янада тўла тушуниб етади.

Грамматик таҳлил жараёнида шундай фактларга дуч ке— линадики, уларни фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, стилистика ва пунктуация бўйича олинган билимларни ишга солиш асосида ҳал қилинади (масалан, *билаги* сўзида ўзак *би— лаг* эмас, *билақ*; эғалик қўшимчаси олганда ўзак охиридаги *к* товуши *г* га ўтади; *шаҳрим* сўзининг ўзаги *шаҳр* эмас, *шаҳар*; эғалик қўшимчаси қўшилганда охириги бўғиндаги *а* товуши ту— шади ва бошқалар). Демак, грамматик таҳлилда лексик, фоне— тик, стилистик таҳлил элементлари ҳам иштирок этади.

Грамматик таҳлил мазмунига кўра икки таркибий қисмга бўлинади:

1. Морфологик таҳлил.
2. Синтактик таҳлил.

Берилган гапни аввал морфологик, сўнг синтактик таҳлил қилмиш керак. Чунки морфологик таҳлилда гапни ташкил этган сўзларнинг хусусиятлари, синтактик таҳлилда ўша сўзлар во— ситасида қурилган сўз бирикмалари ва гапнинг хусусиятлари анализ қилинади.

## МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Морфологик таҳлил ўз мазмунига кўра иккига бўлинади:

1. Сўз таркиби бўйича таҳлил.
2. Сўз туркумлари бўйича таҳлил.

Булар бирин— кетин ўтказилиши керак, улар бир— би— рига боғлиқ бўлиб, биридаги нуқсон иккинчисига таъсир қи— лиши мумкин. Сўз таркиби бўйича таҳлил орфография ва сўз ясалиши ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Сўз туркумлари бўйича таҳлил эса гапда сўзларнинг иккинчи бир туркум ва— зифасида келиши, сўзларнинг белгили (қўшимчали) ва бел— гисиз (қўшимчасиз) қўланиши ҳодисалари билан боғланади. Сўзни ўзак ва қўшимчаларга ажратишни билмаган ҳуқуқи сўз ясалиши йўлларини, сўз ўзгаришини, шулар билан боғланган тўғри ёзиш қоидаларини онгли равишда ўзлаштира олмаган бўлиб чиқади.

### 1. СЎЗ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Сўз таркиби бўйича таҳлил морфологик таҳлилнинг бир кўриниши бўлиб, у ўз ичига бир қанча мавзуларни олади: сўзнинг

ўзаги, қўшимча, қўшимчаларнинг маъно ва вазифасига кўра турлари (сўз ясовчилар, форма ясовчилар, сўз ўзгартувчилар); сўзнинг негизи; содда, қўшма, жуфт сўзлар ва бошқалар.

Сўз таркиби бўйича ўтказиладиган таҳлил сўздаги икки қисмни — сўзнинг асосий маъносини англатувчи қисмни, шу — нингдек, сўзнинг грамматик маъносини англатувчи қисмни ажратишдан бошланади.

Сўзнинг асосий маъносини англатувчи қисмни ажратишда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади: сўзнинг таркиби — даги тарихий ҳолат ва сўзнинг таркибидаги ҳозирги ҳолат. Масалан, *қишлоқ, яйлов, оғайни* каби сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида морфологик қисмларга ажралмайди, лекин бундай сўзлар тарихий жиҳатдан қисмларга ажралган. Демак, сўзни маъноли қисмларга ажратишда этимологик жиҳатдан ёндашмаслик керак.

Берилган гапдаги сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратишда аниқ, яққол кўриниб турадиган жадваллардан фойдаланиш ўринлидир. Маълумки, ўрта мактабларда морфологик таҳлилнинг турли усулларида фойдаланилади. Биз бу ўринда ТошДУ профессори Ш.У.Раҳматуллаев ва доцент Ё.Ф.Фуломов усулларида фойдаланиш морфологик таҳлилнинг ягона, умумлашган жадвалини жорий этиш тарафдоримиз.

Грамматик таҳлил учун, масалан, қуйидаги гап берилган бўлсин:

*Биз бу қувочли кунларга осонлик билан етиб келмадик (А.Қ.).*

Берилган гапдаги сўзлар аввало сўз таркиби бўйича таҳлил қилинади. Бунда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) гапдаги ҳар бир сўзнинг асл маъноли ва грамматик маъноли қисмлари ажратилади;

б) ясалган сўз бўлса, негиз ажратиб кўрсатилади; ясама негиз бўлса, ўзак ва ясовчи қўшимча; қўшимча негиз бўлса, ўзақлар ажратилади;

в) сўз ўзгартувчи ва форма ясовчи қўшимчалар аниқланади;

г) имло билан боғлиқ томонлар изоҳланади.

Сўзни маъноли қисмларга ажратишда вертикал чизиқлардан фойдаланилади:

Биз бу қувочли кунларга осонлик билан етиб келмадик (А.Қ.).

Бундан сўнг вертикал чизиқларни пастга қараб чўзиш ва қисмларни изоҳлашда қулайлик ҳосил қилиш учун улар ора —



сини очиб ёзиш ва қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биз	бу	кун	лар	га	осон	лик	билан
ўзак	ўзак	ўзак	қўш — ча,	қўш — ча	ўзак	қўш — ча,	кўмакчи,
			шакл яс.,	сўз ўзг.,		сўз яс.,	соф кўм.
			кўплик ш.	турл., кел.,		от яс.	
				жўн. кел.			

негиз, ясама негиз

ет	иб	кел	ма	ди	к
ўзак	қўш — ча,	ўзак	қўш — ча,	қўш — ча,	қўш — ча,
	шакл яс.,		шакл яс.,	шакл яс.,	сўз ўзг.,
	рав — дош		бўлиш —	зам.шакли,	тусл., шахс — сон,
	шакли		сизлик ш.	ўтган зам.	І шахс, кўплик

Сўз таркиби бўйича таҳлилда ёрдамчи сўз туркумларига оид сўзларни ўзакка ҳам, қўшимчага ҳам киритилмайди. Чунки улар мустақил маъно ифодаламагани учун ўзак эмас, грам — матик маъно ифодаласа — да, қўшимча ҳам эмас, шунинг учун уларни қайси ёрдамчи сўз туркуми эканлиги изоҳланади, хо — лос, Агар бошқа туркум вазифасида бўлса, бу ҳолат қавс ичида кўрсатилади. Юқоридаги гапда билан кўмакчиси ўз туркуми вазифасидадир.

Иккинчи бир гапдаги сўзларни сўз таркиби бўйича таҳлил қилиб кўрайлик:

### 1—босқич

Дарё лаб и да тур иб кўк лам қучоғ и да товлан а ётган  
Олма зор чирой и га суқ лан ар ди м. (Ҳ.Н.)

### 2—босқич

Дарё	нинг	лаб	и	да	тур	иб
ўзак	қўш — ча,	ўзак	қўш — ча	қўш — ча	ўзак	қўш — ча
	сўз ўзг.,		сўз ўзг.,	сўз ўзг.,		шакл яс.,
	турл.,		турл.,	турл.,		рав — дош
	келишиқ,		эғалиқ,	келишиқ,		шакли
	қар.кел.		Ш шахс,	ўр. — пайт		
			бирлик	келишиғи		

кўк	лам	нинг	қучоғ	и	да	товлан	а
ўзак	қўш — ча,	қўш — ча	ўзак	қўш — ча	қўш — ча	ўзак	қўш — ча
	сўз яс.,	сўз ўзг.,		сўз ўзг.,	сўз ўзг.,		шакл яс.,
	от яс.	турл.,		турл.,	турл.,		рав — дош
		келишиқ		эғалиқ,	келишиқ,		шакли
	негиз, ясама	қар.кел.		Ш шахс	ўр. — пайт		
	негиз			бирлик	келишиғи		

кат ва бу ҳаракатларнинг одатта айланиши тушунилади.

Ижодий фаолият усуллари тил ҳодисаларини гуруҳлаш, уларни қиёслаш асосида ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш кабиларни ўз ичига қамраб олади.

Ўқитувчи фаолияти тил материалларини танлаш ва уни ўқувчига бериш усулларида тортиб, уларнинг ўқув меҳнатини ташкил этиш, эгалланган билим, малака ва кўникмаларни ба – ҳолашга қадар бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади.

Ўқувчи фаолияти дейилганда эгалланган билимларни уларга таниш ва нотаниш шароитларда қўллаш, шу асосда малака ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади.

Она тили таълими жараёнида билим олувчи (ўқувчи) ва билим берувчи (ўқитувчи) фаолиятлари ўзаро қўшилиб, бир бутунлик ҳосил қилади.

“Она тили ўқитиш методикаси” курси Б 140.800 – ўзбек тили ва адабиёти бакалаври ва М 220.100 – ўзбек филологияси бакалаври ихтисослари учун мўлжалланган бўлиб, ўрта умумий таълим (ЎУТ) мактабларида “Она тили” ўқув фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Курс бўлажак ўқитувчиларни она тили ўқитиш методи – каси бўйича базавий билим, малака ва кўникмалар билан қу – ролантиришни кўзлайди.

Олий ўқув юрларининг юқорида тилга олинган ҳар икки ихтисослигида “Она тили ўқитиш методикаси”ни ўрганишнинг зарурияти мактаб таълим тизимида она тили фанининг тугган ўрни билан белгиланади. Модомики, ЎУТ тизимида “Она тили” ўқув фани сифатида асосий ва марказий ўринни эгаллар экан, ўз – ўзидан равшанки, малакали она тили ўқитувчилари тай – ёрлаш ҳаётий заруриятдир.

“Она тили ўқитиш методикаси” курси қуйидаги вазифа – ларни ўз зиммасига олади:

– талабаларни она тили ўқитиш методикасининг тарихи билан таништириш;

– “Она тили” дастурлари ва дарсликларининг тарихий тараққиёт йўли хусусида маълумот бериш;

– Ўзбекистон мустақиллиги шароитида мактаб она тили таълимининг мақсади, мазмуни ва усулини янгилаш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан бўлажак ўқитувчиларни хабардор қилиш;

ётган	Олма зор	(нинг)	чирой	и	га
қўш — ча	ўзак	қўш — ча	қўш — ча	ўзак	қўш — ча
шакл яс.,	сўз яс.,	сўз ўзг.,	сўз ўзг.,	сўз ўзг.,	сўз ўзг.,
сиф — дош	от яс.,	турл.,	турл.,	турл.,	турл.,
шакли	жой оти	келиш.,	эғалик,	келиш.,	келиш.,
	яс.	қар.кел.	Ш шахс	жўн.кел.	жўн.кел.
	негиз, ясама	негиз	бирлик		

суқ	лан	ар	ди	м.
ўзак	қўш — ча	қўш — ча	қўш — ча	қўш — ча
	сўз яс.,	шакл яс.,	шакл яс.,	сўз ўзг.,
	феъл	сиф — дош	зам.шакли	тусл., шахс —
	ясовчи	шакли	ўтган зам.	сон, I шахс,
			шакли	бирлик

Баъзи жарангсиз ундош товуш билан тугаган ўзакларга унли билан бошланувчи қўшимчалар қўшилганда сўз охири — даги жарангсиз ундош товуш жаранглашади. Сўз таркиби бўйича таҳлилда ўзбек тилидаги бу хусусият ҳисобга олиниши керак. Юқоридаги гапда *кучоғида* сўз — шаклининг ўзак қисми аслида *кучоғ* эмас, *кучоқдир*: эғалик қўшимчаси (и) қўшилиши нагижасида сўз охиридаги *қ* жарангсиз товуши *ғ* га айланган (жаранглашишган). Бундай сўзларнинг таҳлилида ўзакнинг асл шаклини унинг тепасига ёзиб кўрсатиш ҳам мумкин: *кучоғида* каби.

## 2. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ

Сўз туркумлари бўйича ўтказиладиган таҳлил, сўз таркиби бўйича ўтказиладиган таҳлил каби, морфологик таҳлилнинг бир кўриниши бўлиб, у мактаб дастуридаги "Сўз туркумлари" мавзусининг масалаларини қамраб олади.

Ўқувчи матндаги сўзларни туркумларга тўғри ажрата олса, гап бўлақларини аниқлашда ҳам қийналмайдди. Демак, бу таҳлил ўз — ўзидан синтактик таҳлил билан боғланади. Сўз туркумларининг моҳиятига тўла тушунмасдан туриб, синтактик таҳлил вақтида гапнинг бош бўлақлари билан грамматик муносабатга киришмайдиган сўзлар ("бўлақлар")ни аниқлаш мумкин эмас.

Сўз туркумлари бўйича ўтказиладиган таҳлилнинг биричи босқичини гапдаги сўзларни туркумларга ажратишдан

– сўзларни морфологик жиҳатдан тасниф қилишдан бошлаш керак. Бундан сўнг ҳар бир туркумнинг ички хусусиятлари кўрсатилади.

Юқорида, "Сўз таркиби бўйича таҳлил" бўлимида, берилган икки гапдаги сўзлар морфологик таҳлилнинг 2–босқичи сифатида давом эттирилади:

Биз	бу	кун	лар	га	осон	лик	билан
ўзак,	ўзак,	ўзак,	қўш – ча,	қўш – ча	ўзак,	қўш – ча	кўмакчи
олмош,	олмош	от,	шакл яс.,	сўз ўзг.,	сифат,	сўз яс.,	соф.кўм.
кнш.ол.,	кўр.	тур.	кўпл.	турл.,	аслий	от яс.	
I шахс,	ол.	от	шакли	келишиқ,	сифат		
кўплик				жўн.кел.	<u>негиз,ясама негиз</u>		
					от,тур.от,мавҳум	от	

ет	иб	кел	ма	ди	к	Дарё	(нинг)
ўзак	қўш – ча	ўзак,	қўш – ча	қўш – ча	қўш – ча	ўзак	қўш – ча
феъл,	шакл.яс.	феъл,	шакл яс.,	шакл яс.,	сўз ўзг.,	от,	сўз ўзг.
II шахс	рав – ш	II шахс	бўлиш – зам.	ш.	тусловчи,	турд.	турл.,
буйруқ	шакли	буйруқ	сизлик	ўтг. зам.	шахс-сон,	от	кел.,
майли		майли	шакли		I шахс,		қар. кел
					кўплик		

лаб	и	да	тур	иб	кўклам	(нинг)
ўзак,	қўш – ча,	қўш – ча,	ўзак,	қўш – ча,	ўзак,	қўш – ча,
от,	сўз ўзг.,	сўз ўзг.,	феъл,	шакл. яс.,	от,	турд.
турд.	турл.,	турл.,	II шахс	рав – ш	от	турл.,
от	эгалик	келишиқ,	буйруқ	шакли		қар. кел.
III шахс,	ўр – пайт	майли				
бирлик	келишиги					

қучор	и	да	товлан	а	ётган	Олма зор
ўзак	қўш – ча	қўш – ча	ўзак,	қўш – ча	қўш – ча	ўзак
от,тур.	сўз ўзг.	сўз ўзг.	феъл,	ш.яс.,	ш.яс.,	от,
от	турл.,	турл.,	II шахс	рав – ш.	сиф – ш	турд.
	эгалик,	келиш.	буйруқ	шакли	шакли	от
III шахс	ўр-пайт,	майли				от
бирлик	келишиги					жой оти
						яс – чи

---

негиз, ясама нег.  
от, атоқли от

(нинг)	чирой	и	га	суқлан	ар	ди	м
қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,	қўш — ча,	ўзак,	қўш-ча	қўш-ча	қўш — ча
сўз ўзг.,	от,	сўз ўзг.,	сўз ўзг.,	феъл,	ш.яс.,	ш.яс.,	сўз ўзг.
турл.,	тур. от	турл.,	турл.,	II шахс	сиф-ш	зам.ш.,	тусловчи,
келишиқ,		эғалиқ,	келишиқ,	буйруқ	шакли	ўтган з.	шахс — с.,
қар.кел		III шахс,	жўн.кел.	майли		шакли	I — шахс
		бирлик					бирлик

Шундай қилиб, ҳар иккала гап морфологик таҳлилнинг икки босқичи бўйича (сўз таркиби бўйича ва сўз туркумлари бўйича) таҳлил қилинди: тўлиқ морфологик таҳлил амалга оширилди. Унинг баъзи хусусиятларига методик изоҳлар берамиз:

1. От сўзлар гапда доимо сон ва келишиқ шаклида бўлади. Юқоридаги иккинчи гапда қатнашган от сўзлар — *гарё, кўклам, Олмазор*, белгисиз (қўшимчасиз) бўлса — да, бар — часи аслида қаратқич келишиги шаклида бўлиб, гапда белгисиз (қўшимчасиз) қўлланган. Лекин таҳлилда уларнинг асл шакли ҳисобга олинди (қўшимчалар қавс ичида кўрсатилди ва таҳлил қилинди).

Худди шу каби қўшимчага эга бўлган, лекин маълум грамматик шаклда турган сўзларни морфологик таҳлилда эъ — тиборга олиб, тўғри ва тўлиқ изоҳлашга алоҳида диққат қилиш зарур. Чунки сўзнинг ҳақиқий морфологик шаклини тўғри аниқламаслик синтактик таҳлилда, айниқса гап бўлақларини изоҳлашда хатоларга олиб келади.

2. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзларнинг морфологик таркибини аниқлашда уларнинг ҳозирги ҳолати ҳисобга олинади. (Этимологик шарҳ бериб ўтиш мумкин). Масалан, юқоридаги мисолда *кўклам, суқланардим, товланаётган* сўзла — ри ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан яхлит бир сўз тую — лади, тарихий таркиби қоронғилашган. Аслида *кўклам — кўк — ла — м* қисмларига бўлинади, *кўк* ўзагига сўз ясовчи (феъл ясовчи) — *ла*, бундан сўнг яна сўз ясовчи (от ясовчи) — *м* қў — шилган. Натижада, "кўкарувчи фасл" маъносидаги от сўз ясалган. Бу — сўзнинг этимологик томони. Худди шунингдек, *суқланмоқ, товланмоқ* феъллари ҳам суқ ва тоб отига феъл ясовчи — *лан* қўшилиши натижасида ҳосил бўлган. Шундай қилиб, сўзнинг этимологик томони умумий морфологик таҳ — лилда ҳисобга олинмайди, лекин баъзан махсус этимологик кузатув сифатида ҳисобга олинади.

3. Морфологик таҳлилда (сўз таркибига ажратишда) қўшимчаларнинг тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлишини ҳам унутмаслик керак. Баъзан икки мустақил содда қўшимча бирлашган ҳолда яхлит бир грамматик маъно англатиб келади, уларни қисмларга ажратиш мумкин эмас. Юқоридаги мисолда —*ётган* (*товланаётган* сўзидаги) қўшимчаси мураккаб қўшимчадир. Бу қўшимча —*ёт* ва —*ган* қўшимчаларининг бир маъно англатиши асосида ясалган.

Энди морфологик таҳлилнинг мураккаб томонларидан бўлган сўз туркумларининг ўзаро вазифадошлиги (бир туркум сўзининг иккинчи туркум вазифасида келиши) ва ёрдамчи сўзларни изоҳлаб бериш масалалари ҳақида тўхталамиз.

Масалан, морфологик таҳлил учун қуйидаги гап берилган бўлсин:

### 1—босқич

Улғ ай иб йигит бўл ди, оқ у қора ни тани ди.

Улуғ	ай	иб	йигит	бўл	ди
ўзак,	қўш — ча,	қўш — ча,	ўзак,	ўзак,	қўш — ча,
сифат,	сўз яс.,	ш. яс.,	от, турд.	феъл,	ш. яс.,
асл сиф.	ф. яс.,	рав — дош	от	II шахс,	зам. шакли
негиз,	ясама негиз,	шакли		буйруқ	ўтг. зам.
феъл,	ясама феъл			майли	шакли
оқ	у	қора	ни	тани	ди. (С.Аҳмад)
ўзак,	юклама	ўзак,	қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,
сифат,	(боғл. ваз.)	сифат,	сўз ўзг.,	феъл,	ш. яс., замон
асл сиф.		асл сиф.	турл.,	II шахс,	шакли, ўтган
негиз,	қўшма негиз,	жуфт	келишиқ,	буйруқ	замон шакли
сифат	(отлашган)		туш. кел.	майли	

Кўринадики, юқоридаги гапда *оқу қорани* сўз шакли ўзига хос мураккаб семантик ва грамматик хусусиятларга эга. Биз сифат сўзларнинг гапда асосан сифатловчи аниқловчи ва — зифасида келишини биламиз. Лекин гапдаги *оқу қора жуфт* сифати аниқловчи вазифасида эмас; унга тушум келишиги қўшимчаси —*ни* қўшилганда ва гапда воситасиз тўлдирувчи ва — зифасида қўлланган. Бунинг сабаби: *оқу қорани* от ўрнида қўллангандир. Мазкур сўзнинг от сўз ўрнида қўлланганини унга тушум келишиги қўшимчаси (—*ни*) қўшилганидан, сўроғининг алмашганидан (*оқу қора — қандай? оқу қорани — нимани?*) ва белги маъносини эмас, предмет маъносини билдираётганидан билдиришимиз мумкин.

Морфологик таҳлилда бундай хусусиятни — бир туркум сўзининг иккинчи бир туркум сўзи ўрнида қўлланишини ало — ҳида диққат билан аниқлаш ва изоҳлаш керак. Аввало асл туркуми кўрсатилиб, сўнг қавс ичига шу сўзнинг қайси туркум сўзи вазифасида келаётганини ёзиб қўйиш керак. Чунки мор — фологик ҳодисалар билан синтактик ҳодисаларнинг узвий боғлиқлиги бор. Гапдаги сўзларнинг грамматик шаклини, маъ — но ўзгаришлари ва синтактик вазифасини тўғри англамаслик, грамматик таҳлилни тўғри амалга оширишга монелик қилади.

Яна бир гапни таҳлил қилиб кўрайлик:

### 1—босқич

Ёмон ни тан қид қил а ди, яхши га тақлид қил а ди.  
(Мақол).

### 2—босқич

Ёмон ни танқид қил а ди, яхши га ўзак, қўш — ча, ўзак, ўзак, қўш — ча, қўш — ча, ўзак, қўш — ча сифат, сўз ўзг., от, турд. феъл, ш. яс., ш. яс., сифат, сўз ўзг., асл турл., от II шахс, рав — ш зам. ш. асл турл., сифат келишик буйруқ шакли ўтг. зам. сифат кел., (отлаш-туш.кел. майли шакли (отлаш-жўн.кел. ган)

тақлид қил а ди.  
ўзак, ўзак, қўш — ча, қўш — ча,  
от, турд. феъл, ш. яс., ш. яс.,  
от II шахс рав — ш, зам. шакли,  
буйруқ шакли ўтг. зам.  
майли

Таҳлилдан маълум бўладики, гапдаги икки сўз ўз туркуми вазифасида эмас, бошқа туркум ўрнида қўлланган: ёмонни ва яхшига.

Ёмон ва яхши сўзларининг мазкур гапда от сўз вазифа — сида эканини шу сўзлар қандай бўлақлар билан боғлангани билан, қандай сўроққа жавоб бўлаётгани билан, қандай маъно англатаётгани ва қайси туркум қўшимчаларини қабул қилгани билан изоҳлаш мумкин. Ёмонни ва яхшига сўз шакллариининг гапда тўғридан — тўғри боғланган сўзлари тушган, аслида:

Ёмон одамни танқид қилади, яхши одамга тақлид қилади.

Аниқловчи аниқланмиш ҳолатидаги ёмон одамни ва яхши одамга бирикмаларининг аниқланмиш сўзлари (бўлақлари) одамни ва одамга гапда қўлланмаган: нутқий иқтисод қилинган.

Натижада, аниқланмиш бўлак (одам)нинг маъноси, грамматик шакллари ва вазифаси тўлиқ равишда аниқловчиларга — ёмон ва яхши сўзларига ўтган.

Сифат сўзлар — ёмон ва яхши келишик қўшимчалари билан биргаликда тўлдирувчи вазифасидадир. Биз биламизки, сифат сўзлар, ўз туркуми ўрнида қўлланса, ҳеч қачон тўлдирувчи вазифасида келмайди. Сифатлар юқоридаги гапда от вазифасини қабул қилгани учунгина, тўлдирувчи вазифасида кела олган. Шундай қилиб, морфологик таҳлил билан синтактик таҳлил зич боғланган: бири иккинчисини тўлдиради. Агар морфологик таҳлилда сўзларнинг вазифа алмашинувига — бошқа туркум вазифасида қўлланишига аҳамият берилмаса, синтактик таҳлилда, айниқса, гап бўлакларини аниқлашда чалкашликларга йўл қўйиши мумкин.

Кўчиш барча туркум сўзлари орасида бор. Келтирилган мисолларда сифат от туркуми вазифасида қўлланган бўлса, от сўзлар сифат вазифасига кўчган бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *Мирзакаримбой — тулки одам* (Ойбек) гапида *тулки* турдош оти барча белгиларига кўра сифат ўрнида қўлланган: сўроғи — қандай? Жонли предмет тушунчасини билдирувчи *тулки* сўзи гапда предмет белгисини билдирувчи сифат ўрнида қўллангандир. Яна мисоллар:

1. Мўътабар *атлас* кўйлак кийиб олган эди.
2. Машинани *тахта* кўпирикдан ўтказдилар.
3. Собиржон *тилла* соат сотиб олди.
4. *Мис* чойнақда сув тез қайнайди.

Ўзбек тилида сифатдош сўзлардан ҳам от ва бошқа туркумлар ўрнида қўлланиши мумкин.

Кўрганни эшитган энгибди. (Мақол)

Кўр	ган	ни	эшит	ган	енг	иб	ди.
ўзак,	қўш — ча,	қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,	қўш — ча,
феъл,	ш. яс.,	сўз ўзг.,	феъл,	ш. яс.,	феъл,	ш. яс.,	ш. яс.,
соф	сиф — ш	турл.,	соф	сиф — ш	соф	рав — ш	зам. шакли,
феъл	шакли	келишик,	феъл	шакли	феъл	шакли	ўтг. зам.
ўзак,	феъл,	туш. кел.					шакли
сифатдош	(от ваз.)		сифатдош	(от ваз.)			

Гапдаги ҳар икки сифатдош (кўрганни ва эшитган) от ўрнида келган. Белгилари:

1. Ҳар икки сифатдош келишик формасида (бири бош, иккинчиси тушум).
2. Сўроғи сифатдошники эмас, от сўзники: кимни? ким?
3. Маъноси — белги эмас, предмет (жонли предмет):



Кўрганни эшитган енгибди.

4. Синтактик вазифаси — аниқловчи эмас, тўлдирувчи ва эга.

Қуйидаги жумлада ҳам, сифатдош сўзлар от туркуми вазифасида қўлланган:

Билмаганни сўраб ўрганган — олим (Навоий).

Бил	ма	ган	ни	сўра	б	ўрган	ган
ўзак,	қўш — ча,	қўш — ча,	қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,	ўзак,	қўш — ча,
феъл, ш. яс.,	ш. яс.,	сўз ўзг.,	феъл, ш. яс.,	феъл, ш. яс.,	ш. яс.,	ш. яс.,	ш. яс.,
II ш. бўлиш — сиф — ш турл.,	II ш. рав — ш	II ш. сиф — ш					
буй. сиз ш.	шакли	кел.,	буй. шакли	буй. шакли			
майли		туш. кел.	майли	майли			
сифатдош (отлашган сўз)				сифатдош (отлашган)			

— олим (дир).

ўзак, кесимлик

от, турд. кўрс., бел —

от гисиз

*Бироздан сўнг тур—тур бошланди.* (А.Қ.)

Гапдаги бироздан (ўзаги асли равиш) ва тур—тур (феъл) сўзлари ҳам ўз туркуми вазифасида эмас, от вазифасида қўлланган. Асосий белгилари, аввалги гап таҳлилида қайд этилганидек, от қўшимчаларини олгани, сўроғи ўзгаргани ва от бажарадиган синтактик вазифада эканлигидир.

Тилимизда сон сўзлар ҳам бошқа туркум вазифасига кўчиши мумкин:

*Бир китоб ўқийди, бири шахмат ўйнайди.*

Гапдаги бири сўзлари от сўз ўрнини (вазифасида) қўлланган, гапда эга вазифасидадир. (Бундан ташқари, гапдаги китоб ва шахмат сўзлари тушум келишиги шаклида — ю, лекин белгисиз қўлланган). Яна мисоллар:

1. *Ўн беш учга касрсиз бўлинади.*

2. *Олимларнинг иккиси ҳам тупроқшунос эдилар (Ойбек).*

3. *Кампирнинг еттиси ўтгандан кейин Олим бува да — дамга учрабди (А.Қ.).*

Ўзбек тилида ҳатто тақлид сўзлар ва боғловчилар ҳам от ўрнида қўлланиши мумкин. Масалан:

1. *Болаларнинг шоғ—шуви тинди (Газ.).*

2. *Қўшни қишлоқдан отларнинг гулур—гулури эшитилиб турарди (А.Қ.).*

3. Тўйга уч кун қолганда "лекини" чиқиб қолди (А.Қ.).

Равиш туркумига мансуб сўзлар гапда баъзан сифат ва от туркумидаги сўзлар ўрнида қўлланиши мумкин. Таҳлил жа-раёнида бундай хусусиятларни имкони қадар тўлиқ изоҳлаб ўтиш керак. Масалан:

*Кўпга* чопган *оздан* қуруқ қолади (Мақол).

Бу гапдаги *кўпга* ва *оздан* бўлаклари тўлдирувчи вази-фасидадир, материали эса равиш — *кўп, оз*. Бу равишлар от ўрнига ўтгани сабабли, отнинг грамматик белгиларини қабул қилган:

1. Келишик қўшимчаларини олган.

2. Иккинчиси гапда ҳол эмас (равишнинг асосий син-тактик вазифаси ҳол бўлиш), тўлдирувчи вазифасида келган.

3. Ҳаракат белгиси маъносини эмас, балки предмет тушунчасини ифодалаган. (Мазкур гапда сифатдош сўз — *чопган* ҳам ўз вазифасида эмас, отлашгандир).

Худоса қилиб шунини айтиш мумкинки, ўзбек тили гап қурилишида сўз туркумлари аро вазифа алмашинув анчагина кенг тарқалган. Морфологик таҳлилда тилимиздаги мана шу хусусиятга алоҳида диққат билан қараш ва гапдаги сўзларнинг асл туркуми ва қайси туркум вазифасида қўлланганини тўлиқ изоҳлаб бериш талаб қилинади. Бу нарса, ўз ўрнида, синтактик таҳлилни тўғри амалга оширишга замин ҳозирлайди.

### Асосий адабиётлар

1. Ғуломов ва блар. Ўзбек тили ўқитиш методикаси, Т., "Ўқитувчи", 1975.
2. Қодиров, У.Долимов, М.Аъломова. Ўзбек тили ва адабиёти, Т., "Ўқитувчи", 1993.
3. Қодиров. Кириш имтиҳонларида грамматик разбор, Т., ТошДУ нашри, 1985, 1989.
4. Қудратов, Т.Нафасов. Лингвистик таҳлил, Т., "Ўқитувчи", 1981.
5. А.В.Текучев. Грамматический разбор в школе, М., 1963.

# “СЎЗЛАРНИНГ АЛОҚА–МУНОСАБАТ ШАКЛЛАРИ” НИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

## “Сўзларнинг алоқа–муносабат шакллари” бўлимини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Маълумки, ўзбек тилидаги кўшимчалар уч турли бўлиб, биринчиси сўзнинг луғавий маъносини тамоман ўзгартира – диган кўшимчалар (сўз ясовчи кўшимчалар), иккинчиси, сўзнинг луғавий маъносини қисман ўзгартирадиган кўшимчалар (сўз ўзгартирувчи кўшимчалар) ва учинчиси, сўзнинг луғавий маъносига таъсир этмайдиган кўшимчалар (форма ясовчи кўшимчалар)дир. Биринчи ва иккинчи турдаги кўшимчалар 6 – синфда “Сўзнинг луғавий шакллари ва маъно гуруҳлари” бўлимида ўрганилади. Учинчи гуруҳ кўшимчалар эса 7 – синфда “Сўзнинг алоқа – муносабат шакллари” бўлимига тааллуқли бўлиб, уларга эгалик, келишик, шахс – сон ва замон кўшимчалари киради.

“Она тили” ўқув фанидан янги дастурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда эгалик, келишик кўшимчалари фақат отлар ва отларни алмаштиришга хизмат қиладиган олмошлар билан бирикади, деган ғайриилмий талқин чиқариб ташланди.

Мазкур бўлим ўз ичига алоқа – муносабат шакллари ҳақида умумий маълумот беришни, алоқа – муносабат шаклларининг вазифалари билан таништиришни, эгалик шакллари, кесимлик шакллари, келишик шакллари устида ишлашни, боғлама, кесимнинг тусланиши, феъл майллари (буйруқ – истак майли, шарт майли, хабар майли), замон шакллари кўшимчаларининг имлоси ва талаффузи, замон шакллариининг маънолари, от – кесимнинг замон шакллари, кесимлик сўзлари хусусида зарурий билим, малака ва кўникмалар беришни кўзда тутди. Бу материалларни ўрганишга дастур талабига кўра 30 соат вақт ажратилган.

Мазкур бўлимини ўрганиш 5 – 6 – синфларда ўрганилганларни такрорлаш ва янги бўлимини ўрганишга замин ҳозирлаш билан бошланади. Ўқувчилар берилган матнни ўқиб, мустақил сўзларни маъновий турларга (феъллар, отлар, сифатлар, сонлар, равишлар, олмошлар, тақлидлар) ажратадилар; от, сифат, сонларга хос луғавий шакл кўшимчаларини аниқлайдилар, тавсия этилган қолиплар асосида гаплар тузиб, гап бўлаклари – нинг қайси сўз туркуми ва унинг қандай луғавий шакл билан

ифодаланганлигини тушунтирадилар. Шундан сўнг такрорлаш янги билим бериш билан уланади. Алоқа — муносабат шакллари қўшимчалари билан бирикиш хусусиятига кўра сўзлар уч катта гуруҳга: 1) от; 2) соф феъл; 3) ўзгармас сўзларга ажратилади; уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот берилади ва амалий топшириқлар бажарилади.

"Алоқа — муносабат шаклларининг вазифалари" мавзуси ўрганилар экан, берилган гапларда —*га, —га, —дан*, қўшимча — ларини учун, *билан, сари, сабабли, томон, узра, орқали* кўмак — чиларидан моси билан алмаштириш (мас; Оламда бор бўлсин тинчлик — Олам узра бор бўлсин тинчлик), —*га, —дан, —га* қўшимчаларининг вазифаси ҳақида хулоса чиқариш, —*им, —си, —нинг, —ни, —га, —га, —дан* қўшимчали сўзлар устида ишлаш орқали уларнинг вазифаси ва маъносини аниқлаш сингари ижодий — амалий топшириқлар бажарилади. Бу ижодий — ама — лий топшириқларни бажариш уларга алоқа — муносабат шакл — ларининг қўшимчалари ҳақида умумий хулоса чиқариш имко — нини беради.

Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар сўз бирикмаларида сўз — ларни бир — бирига боғлашга, шунингдек, гап бўлаklarини шакллантиришга хизмат қилади.

☞ Алоқа — муносабат шакллари (қўшимчалари) гуруҳига:

- 1) эгалик қўшимчалари;
- 2) келишик қўшимчалари;
- 3) кесимлик қўшимчалари киради.

Ўқувчиларни эгалик қўшимчалари билан таништириш мақсадида уларга —*им, —миз, —инг, —си, —нгиз, —ингиз, —лари* каби қўшимчалари билан келган сўзлар бериб, бу қўшимча — ларнинг маъносини шарҳлаш, уларни тобе сўз билан кенгай — тириш ва сўз бирикмалари ҳосил қилиш, унли ва ундош билан тугаган исмларни (от, сифат, сон, олмош, сифатдош, тақлидлар) туслаш сингари топшириқлардан фойдаланилади.

"Келишик шакллари" мавзусини ўрганишда берилган гаплардан —*нинг, —ни, —га, —га, —дан* қўшимчалари билан келган сўзларни ажратиш, нуқталар ўрнига туширилган ке — лишик қўшимчасини қўйиш, берилган сўзларни келишиклар билан турлаш, бу сўзлар иштирокида гаплар қуриш сингари топшириқларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда, энг муҳими, отлар, сонлар, олмошлар, ҳаракат номлари, сифат — дошлар, тақлидларнинг келишик қўшимчаларини қабул қили — шига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

— она тили таълимини ўқувчиларда мустақиллик, ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғза — ки ва ёзма шаклларда тўғри, равои ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қараб буриш имконият — лари билан таништириш;

— она тилининг ҳар бир сатҳи доирасида ўқувчиларга бериладиган зарурий билим, эгалланадиган малака ва кўник — малар мажмуаси билан таништириш;

— ўқувчини дарс жараёнининг субъектига айлантиради — ган энг қулай ва самарали йўлларида фойдаланишга ўргатиш;

— она тилидан олинган билим, ҳосил қилинган малака ва кўникмаларнинг натижасини рейтинг тизимида баҳолаш йўл — ларини ўргатиш;

— она тилидан синфдан ва мактабдан ташқари ишлар тизими билан таништириш.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг илмий — тад — қиқот методлари.** "Она тили ўқитиш методикаси" мустақил фан сифатида ўзининг илмий — тадқиқот методларига эга.

Илмий — тадқиқот методларини ишга солишдан кўзлана — диган асосий мақсад ДТС талабларига жавоб берадиган таълим мазмунини белгилаш, ўқитишнинг энг самарали метод, восита ва усулларини аниқлаш, она тили дарсларини ташкил этиш — нинг қулай шаклларини белгилаш, ўқувчилардаги билим, ма — лака ва кўникмаларни назорат қилиш сингари муҳим муам — моларнинг илмий ечимини топишдан иборат.

"Она тили ўқитиш методикаси" фани педагогик экспе — римент, диагностик таҳлил, кузатиш, ўқувчиларнинг оғзаки жавоблари ва ёзма ишларини таҳлил қилиш, илмий педагогик адабиётлар таҳлили, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, мактаб ҳужжатларини кўздан кечириш сингари илмий тад — қиқот методларидан фойдаланади. Бу методлар мавжуд ҳолатни аниқлаш, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятидаги камчиликларни топиш, шу асосда методик тавсиялар ишлаб чиқиш, эришилган натижаларни илмий таҳлил этиш ва умумлаштириш имконини беради.

**Суҳбат ва кузатиш.** Суҳбат илмий тадқиқотнинг кенг тарқалган методидир. Суҳбатда икки шахс — илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассис ва суҳбатдош иштирок этади. Суҳ — батдош ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси, ўқитувчи ёки ўқитув — чилар жамоаси, мактаб раҳбарлари, ота — оналар бўлишлари мумкин.

Ўқувчиларни кесимлик шакллари билан таништиришда ўқитувчи маълум бир матнни ўқитиб, ундан феъл — кесимли ва от — кесимли гапларни икки гуруҳга ажратиб рўйхат қилиш, бу кесимларнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклларини тошиш, замонини аниқлаш сингари топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

"Боғлама" мавзусини ўрганиш феъл — кесимли ва от — кесимли гапларда бўлишли — бўлишсизлик, замон, шахс — сон маъноларини ифодаловчи қўшимчалар устида ишлаш билан бошланади. Шундан сўнг от — кесимли гаплар устида иш олиб борилади. Ўқувчилар от — кесимли гаплар таркибидаги *эди, бўлади, бўлсин, бўлмайди, эмас* каби сўзларнинг вазифасини тушунтирадилар ҳамда гап жуфтларини ўқиб, боғламали ва боғламасиз гаплар орасидаги маъно фарқини аниқлайдилар.

Мазкур мавзунини ўрганишда ўқитувчи ўқувчилар эътиборини нафақат феъл — кесимли гапларда, балки от — кесимли гапларда ҳам замон категорияси мавжудлигига қаратиши лозим. Бу муҳим вазифа гапларда от — кесимни эмоқ феъли ёрдамида ўтган замонга, бўлмоқ феъли ёрдамида келаси замонга айлантириш; эмоқ ва бўлмоқ боғламаси билан келган от — кесимли гаплар орасидаги маъно фарқини тушунтириш, боғламали гаплар тузиб, кесимнинг замонини аниқлаш сингари ижодий — амалий топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади. Тилга олинган ижодий — амалий ишлар кесими *эди* ва *бўлди* боғламалари билан ифодаланган гапларга *бўлмоқ* боғламаси бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳаракатини ифодалашини билиб олиш имкониятини яратади.

Дарс ўтган замонда берилган от — кесимли матнларни келаси замонда ифодалаш, саволлар асосида от — кесимли матнлар яратиш сингари ижодий — амалий ишларни бажариш билан якунланади.

"Кесимнинг тусланиши" мавзусини ўрганишда берилган гапларда ажратиб кўрсатилган кесим таркибидаги гап эгасининг шахси ва сонига ишора этувчи қўшимчаларни аниқлаш, гап эгасини тиклаб ўқиш ёки кўчиришдан сўнг "шахс — сон қўшимчалари" тушунчасига таъриф бериш мумкин. Чунки кесимдаги шахс — сон қўшимчаси эганинг қандай шаклда келишига ишора қилиб туради.

Ўқувчилар мустақил равишда "Кесим таркибида гап эгасининг шахс ва сонига ишора қилувчи қўшимчалар шахс — сон қўшимчаларидир", — деган хулосага келадилар. Шундан сўнг

улар бир қатор ижодий — амалий топшириқларни бажаришга ўтадилар. Чунончи, берилган матнни ўқиб, шахс — сон қў — шимчаларини қўйиш, гаптаги биринчи шахс бирликда келган олмошларни иккинчи, учинчи шахс бирлик ва биринчи, ик — кинчи, учинчи шахс кўпликда ифодалаш сингари ишлар шулар жумласидандир.

Дарснинг охирида ўқувчилар кесим гапнинг эгаси билан шахс ва сонда мослашишини, шунинг учун эганинг шахс ва сони ўзгарса, кесим таркибидаги шахс — сон қўшимчалари ҳам ўзгаришини; кесимнинг шахс — сон қўшимчалари билан ўз — гариши кесимнинг тусланиши эканлигини билиб оладилар ҳамда “отларнинг тувланиши” ва “кесимнинг тусланиши” ҳо — дисалари орасида қандай ўхшашлик ва фарқ борлиги хусусида хулоса чиқарадилар.

Феъл — кесимли гапларнинг майл шакллари ҳам алоқа — муносабат шакли саналади. Ўқувчилар хабар майли, буйруқ — истак майли, шарт майлида берилган гап тўпламларини ўзаро қиёслаб, улар орасидаги фарқларни ва бу фарқлар нима билан боғлиқ эканлигини аниқлаш; берилган гапларни:

1) маълум хабарни ифодаловчи гаплар;

2) сўровчининг буйруқ ва истагини ифодаловчи гаплар;

3) шарт маъносини ифодаловчи гаплар каби гуруҳларга ажратиш, бу гуруҳларни мустақил давом эттириш, мустақил равишда “майл” тушунчасига таъриф бериш, ўзбек тилида уч хил майл борлиги (хабар, буйруқ — истак, шарт майллари), бўлишли ва бўлишсизлик, замон, шахс — сон шакллари ва маънолари кесимлик учун зарурий таркибий қисмлар экан — лиги, шунинг учун истаган гаптаги кесим таркибида, албатта, бўлишли — бўлишсизлик, майл, замон, шахс — сон маънолари борлигини билиб оладилар. Шундан сўнг буйруқ — истак майли, шарт майли ва хабар майли алоҳида — алоҳида мавзу сифатида ўрганилади.

“Буйруқ — истак майли” мавзусини ўрганишда уч йўна — лишда иш олиб борилади:

**1. Буйруқ — истак майли қўшимчалари устида ишлаш.** Бу йуналишда нуқталар ўрнига *—ай, —ган, —син, —айлик, —инг,* қўшимчаларини қўйиш, берилган буйруқ — истак майлидаги феълларни туслаш сингари топшириқлардан фойдаланилади.

**2. Буйруқ — истак майлидаги феълларнинг гап мазму — нига таъсири устида ишлаш.** Бу хабар майлидаги кесимлар — нинг шахс — сон, замон қўшимчаларини буйруқ — истак май —

лидаги қўшимчалар (мас., —ай, —гин, —син, —айлик, —ингиз, —лар) билан алмаштириш, қўшимча ўзгариши билан гап мазмунида бўладиган ўзгаришни шарҳлаш, гапларни ўзаро қиёслаб маъно фарқини тушунтириш сингари ижодий—амалий топшириқлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

**3. Буйруқ—истак майлидаги феъллар ҳақида умумлашма ҳосил қилиш.** Бажарилган ижодий—амалий топшириқлар ўқувчиларни "Сўзловчининг баён этаётган фикрини буйруқ, тилак, истак сифатида ифодалаши буйруқ—истак майли саналади" деган хулосага олиб келади ҳамда бу кесимларнинг имлоси, талаффузи, маъносини билиб олиш имкониятини яратади.

"Буйруқ—истак майли" мавзуси ўрганилгандан сўнг буйруқ матни устида ишлаш фойдалидир.

"Шарт майли" мавзусини ўрганишда аввало ўқувчилар эътибори бу майл қўшимчаларига қаратилади. Улар нуқталар ўрнига —са, —сан, —санг, —сангиз, —салар, —сан қўшимчала-ридан мосини қўйиб, гапларни кўчириш, шу қўшимчалар билан тугаган гаплар руйхатини давом эттириш сингари ижодий—амалий топшириқлар орқали шарт майлидаги кесимларни ҳосил қилувчи қўшимчаларни билиб оладилар.

Иккинчи босқичда ўқувчилар эътибори бу қўшимчаларнинг гап маъносига таъсирига қаратилади. Шарт майлини ҳосил қилувчи ҳар бир қўшимчанинг гап маъносига қандай таъсир этаётгани бу гапларни ўзаро қиёслаш орқали аниқланади.

Шарт майлидаги феълларни бирлик ва кўplik, шахс, сон билан туслаётганда ўқитувчи кўпроқ ўқувчилар эътиборини қандай ҳолатда қайси қўшимчанинг қўшилишига, қўшимчанинг гап маъносига таъсирига, уларнинг имлосига қаратади.

Мазкур мавзунини ўрганишда берилган гапларда шарт майлидаги феъл—кесимнинг бошқа гапда ифодаланган иш—ҳаракат ва ҳолатнинг шартини ёки пайтини ифодалаб келишига кўра икки гуруҳга ажратиш, кесими шарт майлли феъл билан ифодаланган гапларга *агар* боғловчисини қўшиб кўриш, қандай маъно ифодаланганда шарт майлли феъл *агар* боғловчиси билан бемалол боғлана олиши хусусида хулоса чиқариш, кўшма гаплар таркибида қўлланилган шарт майлли гапларни ва содда гаплар таркибида ишлатилган шарт майлли гапларни алоҳида—алоҳида кўчириш сингари ижодий—амалий топшириқлар бажарилади.



“Хабар майли” мавзусини ўрганишда кесими от — кесим ва феъл — кесим билан ифодаланган гапларда иш — ҳаракат ёки ҳолат қайси замонда келганлигини аниқлаш, кесим таркибида замон маъносини ифодаловчи қўшимчаларни ёки шаклларни топиш, кесими ўтган замон билан ифодаланган ҳикояларни ҳозирги ва келаси замонга айлантириб ёзиш (ва аксинча) син — гари топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Феълларда хабар майли замон шаклларининг қўшимча — лари ва тусланишини жадвал орқали бериш маъқул. Ўқувчи — ларни ҳар бир замон шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар билан таништириш уларнинг нутқий фаолиятини ривожлантириш учун ўта муҳимдир.

Замон шакллари қўшимчаларининг имлоси ва талаффузи устида иш олиб борилар экан, *-gu* қўшимчали ўтган замон феъл шакли ҳосил қилиш, уни шахс ва сонда туслаш, берилган феъллардан ҳозирги ва келаси замоннинг бўлишсиз шакли ҳосил қилиш сингари ижодий — амалий топшириқлар бажарилади.

Ўқувчилар нутқини ривожлантиришда замон шаклларининг қўшимчалари устида ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар *-gu*, *-б*, *-иб*, *-ган*, *-арғи*, *-ганди* (*-ган эғи*) қўшимчали кесимларнинг маъноси устида ишлайдилар (мас., Мен овқат пиширдим, пиширибман, пиширганман, пиширарман, пиширган эдим), уларнинг маъно нозиклигини шарҳлайдилар.

Ўқувчилар сўзларнинг алоқа — муносабат шакллари устида иш олиб борар эканлар, от — кесимларнинг замон шакллари билан ҳам танишадилар. Маълумки, от — кесимларда ҳам замон шакли мавжуд бўлиб, уларнинг ўтган ва келаси замон — лари боғлама воситасида ҳосил бўлади. Масалан, “Опам — шифокор” гапидаги кесим ҳозирги замонни ифодаласа, “Опам шифокор эди”, “Опам шифокор бўлади” гапларидаги “шифокор эди” ўтган замон ва “шифокор бўлади” кесимлари эса келаси замонни ифодалайди.

Кейинги босқичда “Акам — тикувчи”, “Расм — чиройли” типдаги гапларни бошқа бўлақлар билан кенгайтириб, кесимнинг замонини аниқлаш, берилган қолиплар асосида гаплар тузиб, от — кесимнинг замони қандай ҳосил бўлганлигини шарҳлаш, “Отам — муҳандис” ва “Отам муҳандис эди” сингари гап жуфтларини ўзаро қиёслаб маъновий фарқини топиш каби ижодий — амалий ишлар билан шуғулланадилар. Бу сингари ишлар 8 — ва 9 — синфда “Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари” бўлимини ўрганиш учун мустаҳкам пойдевордир.

"Кесимлик сўзлари" мавзусини ўрганишда ўқитувчи шарт, керак, зарур, жойиз сўзларининг вазифаси устида иш – лаш, –ники қўшимчасининг маъноси ва имлоси устида ишлаш орқали ўқувчиларни зарурий билимлар билан қуроллантиради.

Хуллас, сўзларнинг алоқа – муносабат шакллари (эгалек қўшимчалари, келишиқ қўшимчалари, кесимлик шакллари, боғ – лама, кесимнинг тусланиши, майл шакллари) морфологиядан кўра кўпроқ синтаксис бўлимига алоқадордир. Шунинг учун мазкур бўлим 7 – синфда "Синтаксис"ни бошлашдан олдин ўрганилади ва бу бўлимни ўрганиш учун моддий замин ҳозирлайди.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳимова М. Морфологияни синтаксис билан боғлаб ўрганиш. "Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш ҳақида" тўпламида (методик тавсиялар). Тошкент, 1991, 8 – 16 – бетлар.
2. Неъматов Ҳ, Ғуломов А, Қодиров М., Абдураҳимова М. Она тили. 7 – синф учун дарслик. Тошкент, "Ўқитувчи", 2000, 55 – 96 – бетлар.
3. Зикриллаев Г. Ўзбек тили морфологияси. Бухоро, 1994.
4. Она тили. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг 1 – махсус сони, Тошкент, "Шарқ", 1999, 119 – 123 – бетлар.
5. Ғуломов А. Нуқ ўстириш машғулотиари (Ўқитувчилар учун методик қўлланма), Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.

### **"СИНТАКСИС, ОҲАНГ ВА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ" БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

#### **"Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлимининг бошқа бўлимлар билан алоқадорлиги**

Синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмаси ва гап – дир. Бу бўлим олдин ўрганилган бўлимлар: фонетика, сўзшу – нослик, сўзларнинг луғавий шакллари ва маъновий гуруҳлари, сўзларнинг алоқа – муносабат шакллари билан узвий боғлан – ган. Чунончи, гап бўлаклари ўрганилар экай, сўз туркумлари – дан эгалланган билимларга таянишга тўғри келади.

"Синтаксис" бўлимини ўқитишда сўзнинг моддий ва маъновий қиррасини четлаб ўтиб бўлмайди.

Мазкур бўлим фонетика ва морфология бўлимлари билан ҳам узвий боғланган. Чунки "Синтаксис, оҳанг ва тиниш бел – гилари" бўлимини ўқитишда товушларнинг сўз маъносига таъсири, сўзларни имло қодаларига мувофиқ тўғри ёзиш; сўзнинг луғавий маънолари, маънодош, уядош, шаклдош сўз –

лар, атамалар ва шевага оид сўзлар, тасвирий ифода ва иборалар; сўз туркумлари устида ишлаш давом эттирилади.

Синтаксиснинг оҳанг ва тиниш белгилари билан ало — қадорлиги хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, ифодали ўқиш малакалари ҳам шу бўлимни ўқитишда маромига етади.

Мазкур бўлим ўқувчининг гап оҳанги хусусидаги билим, малака ва кўникмаларини кенгайтиради. "Мен келдим.", "Мен келдим!", "Мен келдим?" типигаги гапларнинг уч хил оҳанг билан ўқилиши ва уч хил маънога эгаллиги шу бўлим орқали ўқувчи онгига сингдирилади.

Синтаксисни ўрганиш жараёнида ўқувчининг пунктуа — цион малакалари тўла шаклланади. У қайси тиниш белгидан қандай шароитда фойдаланиш кераклигини шу бўлим орқали мукамал эгаллайди.

### **Мактабда "Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлимини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари**

• Мактабда "Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўли — мини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари она тили таълимининг мақсад ва вазифалари билан уйғундир. Модомики, "Она тили ўқитиш концепцияси"да она тили таълимининг асосий мақсади "Таълим олувчида ижодийлик, мустақил фикрлаш малакала — рини чуқурлаштириб, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раvon ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш" деб бел — гиланган экан, демак мазкур бўлимни ўқитиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Ўқувчилар "Синтаксис, оҳанг ва ти — ниш белгилари" бўлимини ўрганиш орқали энг сўнгги натижа — содда ва қўшма гаплардан нутқий фаолиятда (оғзаки ва ёзма) тўғри фойдаланиш малака ва кўникмаларини эгаллай — дилар. Демак, мазкур бўлимни ўқитишда ўқитувчининг диққат марказида содда ва қўшма гаплардан иборат матнни мақсадга мувофиқ равишда тўғри ўқиш, мазмунини тушуниш, ўқувчи — ларнинг матн яратиш маҳоратини кенгайтириб туриши лозим.

Белгиланган мақсадга эришиш учун "Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлими олдига қуйидаги вазифалар қўйи — лади:

• 1. Сўзларнинг синтактик муносабатга киришиш йўллари (мослашув, бошқарув, битишув), сўз бирикмаларида ҳоким сўз ва тобе сўз, сўз бирикмаси ва сўз, ибора ва гап орасидаги

фарқ хусусида ўқувчиларга пухта назарий билим ҳамда амалий малака ва кўникмалар ҳосил қилиш.

2. Содда гап, кесим ва унинг ифодаланиши, эғали ва эғасиз гаплар, ифодаланган эғади ва яширинган эғали гаплар, эғасиз гапларнинг турлари; ёйиқ гаплар (ҳол, унинг маъно турлари ва ифодаланиши; тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши; аниқловчи); ёйиқ атов ва сўз — гаплар; уюшиқ бўлақлар, уларнинг оҳанги ва тиниш белгилари; гапда ажратилган изоҳ бўлақлар; гапда киритмалар; гапда ундалма; тўлиқсиз гап ҳа — қида маълумот бериш ҳамда улардан нутқий фаолиятда фой — даланиш малака ва кўникмаларини такомиллаштириш.

3. Икки ва ундан ортиқ содда гапларни турли воситалар билан бириктира олиш .

4. Нутқда тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар, эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар, юкламалар воситасида боғланган қўшма гаплар, нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар, фақат оҳанг воси — тасида боғланган қўшма гаплардан фойдаланиш малака ва кўникмаларини мукамал эгаллаш.

5. Содда ва қўшма гапларда тиниш белгиларни тўғри ҳамда ўринли қўллай олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилдириш.

6. Содда ва қўшма гапларни тўғри ўқиш малака ва кў — никмаларини ривожлантириш .

7. Содда ва қўшма гапларнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш малака ва кўникмаларини сингдириш.

8. Кесимдан савол бериш орқали гапларни ҳоллар, тўл — дирувчилар ва аниқловчилар билан кенгайтириш малакаларини такомиллаштириш.

9. Содда ва қўшма гап таркибидаги сўзларни уларнинг вазифадошлари (қийматдошлари) билан алмаштириш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

10. Содда ва қўшма гаплардаги маъно нозикликларини фарқлашга ўргатиш.

11. Содда ва қўшма гаплардан фойдаланган ҳолда илмий, илмий — оммабоп, публицистик, бадий ва расмий — идоравий услубларда матн яратиш малака ва кўникмаларини кенгай — тириш.

"Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлимини ўқи — тишда бошқа тил сатҳларини ўқитишда бўлгани каби имловий, талаффузий ва услубий хатолар устида ишлаш давом эттирилади.

Суҳбат жараёнида тадқиқот мавзуси хусусиятларидан келиб чиқиб саволлар берилади ва олинган жавоблар ёзма қайд қилинади. Олинган жавоблар илмий тадқиқот учун муҳим фактик материал бўлиб хизмат қилади. Тўпланган фактларни таҳлил этиш орқали тадқиқотчи ўрганилаётган муаммо хусусида хулосалар чиқаради ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Суҳбат усулининг муҳим томони шундаки, методик ҳодиса қандай ҳаракат қилса, шундайлигича қайд этилади.

Кузатиш ҳам илмий тадқиқот методларидан бири бўлиб, тадқиқотчи кузатиш жараёнини айнан ёзиб боради, уни таҳлил этади ҳамда ҳукм ва хулосалар чиқаради.

**Методик эксперимент.** Илмий тадқиқот иши юзасидан аниқ маълумотлар тўплашда педагогик экспериментнинг имкониятлари бениҳоя катта. Бу метод она тилидан яратилган дастур ва дарсликларни синовдан ўтказиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, она тили дарслари ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган метод, восита ва усулларни текшириб кўриб, уларнинг самарадорлик даражасини белгилаш имконини беради. У Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг розилиги олингандан кейин мактаб педагогика кенгашининг махсус қарори билан расмийлаштирилади. ☞

Педагогик эксперимент уч босқичдан иборат бўлиши мумкин:

- 1) аниқловчи эксперимент;
- 2) шакллантирувчи эксперимент;
- 3) якуний назорат эксперименти.

Экспериментнинг биринчи босқичи тадқиқот муаммоси, унинг объекти, предмети, илмий фарази, янгилигини аниқлашни, ҳал қилинадиган асосий масалалар доирасини белгилашни тақозо этади. Бу босқичда тадқиқот йўналиши билан боғлиқ илмий—педагогик ва илмий—методик адабиётлар ҳар томонлама чуқур ўрганилади ҳамда таҳлил этилади; ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти шу нуқтаи назардан ўрганилиб, мавжуд ҳолат юзасидан илмий хулосалар чиқарилади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқилган методика (таълим мазмуни, ўқитишнинг янги усуллари ва воситалари кабилар) экспериментал шароитда синовдан ўтказилади; натижалар қайд қилиб борилади. Бунинг учун назорат гуруҳлари (синфлари) ва тажриба—синов гуруҳлари (синфлари) танланади, экспериментатор ўқитувчилар белгиланади, бу ўқитувчилар махсус

зиб, улар иштирокида гаплар тузиш, сўз бирикмаларидан гаплар, гаплардан сўз бирикмалари ҳосил қилиш сингари ижодий — амалий ишлар бажарилади. Дарс охирида ўқувчилар сўз бирикмаси бирор нарса, белги, ҳаракат ёки ҳолатта муайян — лаштирган ҳолда атаб келиши, гап эса кесим марказида ташкил топиб, фикрни, ҳукмни, тасдиқ ёки инкорни ифодалаб келишини, унинг маркази кесим эканлигини, гапларнинг кесимлик қўшимчалари билан шаклланганлигини билиб оладилар.

Шундай қилиб, мактабда сўз бирикмасини ўрганиш содда гап синтаксисини ўрганиш учун моддий замин ҳозирлайди.

### Содда гап синтаксисини ўқитиш

Ўқувчилар 5 — синфдан кесим гап маркази эканлигини биладилар. Шунинг учун содда гап ҳақида умумий маълумот берилгач, гап жуфтларининг марказини аниқлаш, уларни содда ва қўшма гапларга ажратиб кўчириш, содда ва қўшма гапларни таҳлил қилиб, улар орасидаги асосий фарқни аниқлаш, айтиб бир фикр (ахборот)ни бир неча содда гаплар ва битта қўшма гап шаклида ифодалаш (Мен синфга кирдим. Дераза олдида турган Бахтиёрни кўрдим. У билан саломлашдим — Мен синфга кириб, дераза олдида турган Бахтиёрни, Меҳринозни кўргач, у билан саломлашдим) сингари ижодий — амалий топшириқларни бажариш билан яқунланади.

Ўқувчилар содда гап таркибидаги кесимлик шаклига эга бўлган битта кесимнинг битта гап маркази эканлигини, қўшма гап таркибида эса бундай марказ икки ва ундан ортиқ бўлишини билиб оладилар.

Кесим гап маркази бўлганлиги сабабли эгадан олдин аввал “Кесим ва унинг ифодаланиши” мавзуси ўрганилади. Бу мавзунинг ўрганишида аввало ўқувчилар эътибори кесимнинг мавқеига қаратилади.

Маълумки, гапнинг бошқа бўлаклари иштирок этса — ю, кесим иштирок этмаса, гап тугал фикрни ифодаламайди. Ма — салан, “Дам олиш кунини биз саёҳатга” гапида кесим ифодалан — маганлиги учун тугал фикр йуқ. Шунинг учун ўқувчиларга шундай гапларни бериб, уларни гап маркази — кесим билан тўлдириш ва кесимнинг гапдаги мавқеи, фикрни ифодалашдаги аҳамияти хусусида ҳукм чиқариш топширилади.

Кесимнинг ифодаланиши олдинги синфлардан ўқувчиларга таниш. Шунинг учун уларга гаплар ёки матн бериб, гапнинг маркази — кесими қайси сўз туркуми орқали ифодала —

наётганлигини аниқлаш топширилади. Шу жараёнда феъл – кесим ва от – кесим ҳақидаги маълумотлар ўқувчилар хотира – сида тикланади ҳамда содда кесим ва мураккаб кесим ҳақида маълумот берилади. Ўқувчилар бир қатор ижодий амалий топшириқларни бажаришгач, бир сўздан иборат кесимлар содда кесимлар, икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлган кесимлар эса мураккаб кесимлар эканлигини билиб олишади.

“Мустақил ва номустақил кесим шакллари” мавзусини ўрганишда ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ташкил этиш учун уч майлнинг турли замон шаклларини қўллаб, гап тузиш, ҳосил бўлган гаплардан қайси бирларида тугалланаётган фикр ифодаланаётганлигини аниқлаш, майл шаклининг қайси би – рида кесим мустақил қўлланила олмаслигини топиш, шарт майли шаклларида бири билан ифодаланган гапларни алоҳи – да – алоҳида ишлатиладиган икки содда гапга айлантириш сингари амалий топшириқлардан фойдаланилади. Дарснинг охирида ўқувчилар шарт майли шакллари номустақил кесим шаклини ясашга хизмат қилишини билиб оладилар.

“Эга” мавзусини ўрганишда гап кесимининг шахс – сон қўшимчаларига қараб унинг эгасини тиклаш, эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланаётганлигини аниқлаш сингари ама – лий ишлар бажарилади ҳамда қайси ҳолларда эга ва кесим орасида тире қўйилиши тушунтирилади.

Ўқувчилар учун анча мураккаблик туғдирадиган масала – лардан бири эғали гапларни эгасиз гаплардан ажратишдир. Гапнинг бу икки тури орасидаги фарқни аниқлаш мақсадида берилган гапларни аниқлаш (Биз – ғалабага эришдик – Ға – лабага эришилди) қиёслаш, эгани аниқлаш, нуқталар ўрнига яширинган эгани топиб қўйиш, берилган гапларни:

- 1) ифодаланган эғали гаплар;
- 2) яширинган эғали гаплар;
- 3) эгасиз гаплар сингари гуруҳларга ажратиш топшири – лади.

Шундан сўнг ифодаланган эғали гаплар, яширинган эғали гаплар ва эгасиз гаплар алоҳида – алоҳида мавзу сифатида ўрга – нилади. Бу мавзуларни ўрганишда ҳам кузатиш, қиёслаш; фарқларни топиш, гуруҳлаш, ҳукм чиқариш ва амалий фаолиятда қўллаш сингари ақлий фаолият усулларида фойдаланилади.

Тилимизда “Бориш лозим”, “Бажариш керак”, “Кўриш шарт” сингари бир қатор имконият – зарурият гаплари бор – ки, улар феъл кесимли бўлади ва бирор иш – ҳаракатни бажа –

ришга имконият, зарурият, шарт, тилак, истак каби маъно — ларни ифодалаб келади. Бундай гаплар кесимининг энг муҳим белгиси — улар таркибида эгалик қўшимчасининг бўлмаслиги — дир. Ўқувчиларнинг бундай гаплар устида олиб борадиган амалий ишлари уларни бўлишли — бўлишсиз шаклларда қўллаш, ифодаланган эгали гапларни яширинган эгали ва эгасиз гап — ларга айлантириш сингарилардан иборат.

"Сўз — гаплар" — мавзусини ўрганишда *албатта, шак — шубҳасиз, ҳа, йўқ, балки, маъқул, майли, марҳамат* сингари сўзларни суҳбат матнларида қўллаш, уларнинг маъноси устида ишлаш каби амалий ишлардан фойдаланиш маъқул.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари 5 — синфда ҳам ўрганилган. 7 — синфда ҳол, тулдирувчи ва аниқловчи устида алоҳида — алоҳида иш олиб борилади.

Ҳол юзасидан ижодий — амалий ишлар уларни содда ва мураккабларга ажратиш; ҳолларнинг сўз, сўз бирикмаси, кен — гайган бирикмалар билан ифодаланиши; ҳолнинг маъновий турлари жадвали устида ишлаш; воситали тўлдирувчи ва ҳол — нинг шаклан фарқланмаслик ҳолатларига бағишланади.

"Тўлдирувчи" мавзусини ўрганишда асосий эътибор во — ситасиз тўлдирувчи, унинг, сўз, сўз бирикмаси ва кенгайган бйрикмалар билан ифодаланиши; ўзга гапни (кўчирма гапни) кенгайган бирикмалар билан ифодалаш; воситали тўлдирувчи, уларда келиштик шакллари ва кўмакчилар маънодошлиги, от билан ифодаланган бўлакнинг тўлдирувчилар билан бирикиши масалаларига қаратилади.

Аниқловчи сўз кенгайтирувчиси бўлганлиги учун ҳам ҳол ва тўлдирувчидан кейин ўрганилади. Мазкур мавзуни ўрганишда ижодий — амалий топшириқлар орқали қаратқичли аниқловчи ва сифатловчи аниқловчилар ҳақида тушунча ҳосил қилинади; улар — нинг сўз, сўз бирикмалари билан ифодаланиши юзасидан маъ — лумотлар берилади.

Аниқловчи билан бир қаторда изоҳловчи ҳақида ҳам маъ — лумот берилади. Берилган изоҳловчиларни содда ва мураккаб изоҳловчиларга ажратиш, уларни шахс номлари ва шахс отлари, шунингдек, вақт (йил, ой, кун) отлари билан бирга қўллаш юза — сидан ижодий — амалий топшириқлар бажарилади.

8 — синфда, дастур талабига кўра, ўқувчиларни "Ёйиқ атов сўз ва гаплар", "Гапда уюшиқ бўлаклар, уларда оҳанг ва тиниш белгилари", "Гапда ажратилган изоҳ бўлаклар", "Гапда ундал — ма" ва "Тўлиқсиз гаплар" сингари мавзулар билан таништириш сўзда тугилган.



Мазкур мавзуларни ўтишда ёйиқ атов гаплар ва ёйиқ сўз—гаплар устида ишлаш, ихчам атов гапларни ёйиқ атов гапларга айлантириш; уюшиқ бўлак ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш, уюшиқ бўлаклар ва сўз қўшилмалари, уюшиқ бўлакли гапларда оҳанг ва уларнинг тенг боғловчилар билан боғланиши, уюшган эгали, ҳолли, тўлдирувчили ва аниқловчили гаплар тузиш, кесимнинг уюшишидаги хусусиятлар, уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи қисм, киритмаларнинг гап маз-мунига ва гап бўлакларига алоқаси, киритмаларнинг сўз, сўз бирикмаси, кенгайган бирикмалар ва гаплар билан ифодала-ниши, киритмали гапларда тиниш белгилари ва оҳанг; ундалма, унинг содда ва мураккаб турлари, ундалмаларнинг сўз, сўз бирикмалари, кенгайган бирикмалар билан ифодаланиши, ун-далма ва эгани фарқлаш, тўлиқсиз гаплардан нутқий фаолиятда фойдаланиш сингари бир қатор амалий топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, изланиши, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда ифо-даланиши намоён бўлади.

### **Қўшма гап синтаксисини ўқитиш методикаси**

9—синфда она тилини ўрганишга 68 соат вақт ажратил-ган бўлиб, шундан 5 свати кириш ва такрорлаш, 6 соати қўшма гаплар таснифи, 6 соати тенг боғловчили қўшма гаплар, 8 соати эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар, 5 соати юкламали қўшма гаплар, 7 соати нисбий сўзли қўшма гаплар, 8 соати фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар, 6 соати тобе гаплар ва гап бўлаклари, 2 соати мураккаб синтактик бу-тунликларни ўрганишга, қолганлари эса такрорлаш ва ижодий ёзма ишлар ўтказишга ажратилган. Ўқитувчи шароитга қараб катта мавзуларга ажратилган соатларни камайтириши ёки кў-пайтириши мумкин.

Кириш ва такрорлаш соатлари дунё тиллари орасида ўз-бек тилининг ўрни, тиллар оилалари, туркий тилларнинг асо-сий гуруҳлари, ўзбек тилининг бу оиладаги ўрни, содда гап юзасидан 8—синфда эгалланган билимларни такрорлаш ҳамда қўшма гап синтаксисини ўрганишга бағишланади.

Қўшма гап синтаксисини ўрганиш “Қўшма гап турлари” мавзусини ўрганиш билан бошланади. Ўқувчилар берилган гап жуфтларини содда гаплар ва қўшма гаплар каби гуруҳларга аж-ратиш, қўшма гапнинг асосий белгисини аниқлаш орқали (гап таркибида икки ва ундан ортиқ шакланган кесимнинг мавжуд-лиги) 5—синфда ўрганилган билимларни хотирада тиклайдилар.

Шундан сўнг қўшма гапнинг боғловчи воситалар асосида таснифи берилади. Улар берилган матнни таҳлил қилиш, ун — даги гапларни содда гаплар ва қўшма гапларга ажратиш орқали қўшма гапларни икки содда гапли қўшма гаплар ва иккитадан ортиқ содда гапдан тузилган қўшма гапларга ажратадилар. Матн — ни таҳлил қилиш натижасида "Агар қўшма гап икки содда гапдан иборат бўлса, оддий қўшма гап, уч ва ундан ортиқ содда гаплардан иборат бўлса, мураккаб қўшма гап саналади", — деган хулосага келадилар.

Дарснинг кейинги босқичларида ўша берилган матн яна қайта ўқилиб, ундаги гапларни тенг боғловчили қўшма гаплар ва эргаштирувчи боғловчили қўшма гапларга ажратиш топиши — рилади. Бу билан ўқувчилар 7—синфда тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчилар хусусида олган билимларини хоти — раларида тиклайдилар ва боғловчилардан қайсилари қандай маъно ифодалаб келаётганлигини аниқлайдилар.

"Қўшма гап турлари" мавзусини ўрганишда ўқувчиларга юкламалар воситасида боғланган қўшма гаплар, нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар ва оҳанг (ёзувда вергул) воситасида боғланган қўшма гаплар ҳам тавсия этилади.

Мазкур мавзу қўшма гапларни уларнинг таркибий қисм — ларини боғловчи воситаларига кўра неча турга ажратиш мум — кинлиги ҳақида умумлашма ҳосил қилдириш билан яқунланади. Ўқувчилар мустақил ижодий мушоҳада юритиш натижасида қўшма гапларни уларнинг боғланиш воситаларига кўра қуйидаги беш турга ажратадилар:

1. Тенг боғловчили қўшма гаплар.
2. Эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар.
3. Юкламали қўшма гаплар.
4. Нисбий сўзли қўшма гаплар.
5. Фақат оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гаплар.

Берилган янгича тасниф "Мен борганда...", "У келгандан кейин...", типидagi гапларни қўшма гаплар таркибидан чиқа — риш ва уларни кенгайтирилган бирикмалар сифатида талқин этиш имкониятини яратади.

Қўшма гапларнинг умумий таснифи берилгандан кейин уларнинг ҳар бирини алоҳида — алоҳида ўрганишга киришилади.

Ўқитувчи "Тенг боғловчили қўшма гаплар" мавзусини ўтишда ўқувчилар эътиборини яна матн таҳлиliga қаратади. Матн ўқилгач, унинг мазмуни асосида савол — жавоб ўткази — лади; матндаги гаплар: а) бириктирув боғловчили қўшма гап —

лар; б) айирув боғловчили қўшма гаплар; в) зидлов боғловчили қўшма гапларга ажратилади;

нуқталар ўрнига тенг боғловчилардан мосини қўйиб гапларни кўчириш топширилади; гапларни *галма—гал; гоҳ, гоҳ; дам, дам; ҳали, ҳали; баъзан, баъзан; бир замон, бир замон* каби боғлов — чилар билан бириктириб, маънода қандай ўзгариш сезилган — лигини аниқлаш; берилган гапларда нуқталар ўрнига зидлов боғловчиларини қўйиб, гапларни кўчириш, мураккаб қўшма гаплардан 2—3 та содда гаплар, содда гап жуфтлари ёки уч — ликларини бириктириб, тенг боғловчили қўшма гаплар ҳосил қилиш сингари ижодий — амалий топшириқлар бажарилади.

"Эргаштирувчи боғловчили қўшма гаплар" мавзуси ўр — ганилар экан, ўқувчилар эътибори берилган сўз бирикмаларида ҳоким сўз ва тобе сўзни аниқлаш; сўз бирикмаларини ҳолли бирикмалар, тўлдирувчили бирикмалар ва аниқловчили би — рикмаларга ажратиш; берилган қўшма гапларни кенгайтирил — ган бирикмали содда гапга айлантириш, матн таҳлили асосида қўлланилган боғловчиларни:

1) сабаб боғловчилари; 2) мақсад боғловчилари;

3) шарт боғловчилари; 4) натижа боғловчилари;

5) ўхшатиш — чоғштириш боғловчилари каби турларга ажратиш; гаплардаги *шунинг учун* боғловчисини чунки боғловчиси билан (ва аксинча) алмаштириш, иккита содда гап жуфтини *шунинг учун, натижада, оқибатда, шу сабабли, шу боис, —ки, чунки, зероки, эса, деб, гўё* боғловчилари билан боғлаб қўшма гаплар ҳосил қилиш, уларнинг маънавий фарқини қайси қисмга киритаётганлигини аниқлаш сингариларга қаратилади. Шундан сўнг —*ки* боғловчили қўшма гаплар, *агар* боғловчили қўшма гаплар, *чунки* боғловчили қўшма гаплар, *шунинг учун* боғловчили қўшма гаплар устида алоҳида — алоҳида иш олиб борилади. Бу мавзуларни ўрганишда шу воситалар билан боғланган қўшма гапларнинг ўқилиш оҳанги ва имлоси устида иш олиб бориш ҳам ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим.

Тенг ва эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларда вергулнинг ишлатилиши ўзлаштирилиши му — раккаб масалалардан бири бўлганлиги учун ҳам бундай гаплар устида муттассил иш олиб боришга тўғри келади. Мазкур мавзунини ўрганишда вергули тушириб қолдирилган гапларнинг вергудини қўйиш, берилган гап қолиплари асосида гаплар ҳо — сил қилиш, эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларда вергулнинг ишлатилиш сабабларини аниқ —

лашни топириш сингари топириқлардан фойдаланиш мум — кин. Чунончи, 1) содда гап —, аммо — содда гап. 2) Ё — содда гап, ё — содда гап. 3) содда гап —, лекин — содда гап. 4) Ёки — содда гап, ёки — содда гап сингари гап қолиплари берилган бўлса, ўқувчилар андазага қараб гаплар ҳосил қиладилар ва тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабларини тушунтирадилар.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғ — ланиш воситасига кўра яна бир тури юклама воситасида боғ — ланган қўшма гаплардир. Бу турдаги қўшма гапларни ўрга — нишдан олдин юкламалар хусусида 7 — синфда ўрганилган би — лимлар ўқувчилар хотирасида жонлантирилади. Бу юклама — ларни қўшимчасимон ва сўзсимон юкламаларга ажратадилар; улар воситасида берилган содда гап жуфтларини бириктириб, қўшма гаплар ҳосил қиладилар; юкламалар қандай вазифа ба — жараётгани хусусида хулоса чиқарадилар.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни турли юкла — малар воситасида ўзаро боғлаш, бу юкламаларнинг маъно но — виқлигини аниқлаш, нуқталар ўрнига зарур юкломани топиб қўйиш, бошланиш қисми берилган гапларни юкламалар воси — тасида боғлаб, мазмунан уларни давом эттириш, берилган юк — ламали қолиплар асосида қўшма гаплар ҳосил қилиш сингари ижодий — амалий ишлар ўқувчиларни фикрлашга, берилаётган билимларни пухта эгаллашга кўмаклашади.

Юкламалар воситасида боғланган қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши юзасидан эгалланган малака ва кўникмаларни такомиллаштириш мақсадида берилган қолиплар асосида қўшма гаплар ҳосил қилиш, тушириб қолдирилган ти — ниш белгини ўрнига қўйиб гапларни кўчириш сингари амалий топириқлардан фойдаланиш мумкин.

Шубҳасиз, юкламалар воситасида боғланган қўшма гап — ларда тиниш белгиларининг ишлатилиши бундай гапларнинг ўқилиш оҳанги устида ишлашдан ажратилмаслиги лозим.

Қўшма гапларнинг яна бир тури нисбий сўзли қўшма гаплардир. Бундай гапларнинг қўшма гаплар қаторига кири — тилиши нисбий сўзларда шахс, сон, замон кўрсаткичларининг мавжудлиги саналади.

"Нисбий сўзли қўшма гаплар" мавзусини ўрганишда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

— нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гапларда боғловчи воситаларни аниқлаш;

– бундай қўшма гапларда тиниш белгиларни тўғри қўл – лашга ўргатиш;

– нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гапларнинг бошқа воситалар ёрдамида боғланган қўшма гаплардан фар – қини аниқлаш;

– нисбий сўзли қўшма гапларни ўқишда оҳангга риоя қилиш;

– берилган содда гап жуфтларидан нисбий сўзлар воси – тасида боғланган қўшма сўзлар ҳосил қилиш;

– нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гапларнинг маъновий муносабатини аниқлай олиш;

– нисбий сўзли қўшма гапларни уларнинг маънодоши би – лан алмаштира олиш.

Бу зарурий билим, малака ва кўникмаларни шаклланти – риш ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил ақлий фао – лият кўрсатишини таъминлаш орқали амалга оширилади.

Берилган қолиплар асосида нисбий сўзли қўшма гаплар ҳосил қилиш ҳам энг самарали иш усулларида биридир. Бу қолиплар сирасига: 1) “Ким (–ки), ўша; 2) “Қанча, шунча (ўшанча)”; 3) “Қар ким, у (ўша), 4) “Қандай, шундай”, 5) “Қай бири, ўшаси”; 6) “Қаер, шў (ўша) ер”; 7) Нима, шу ” кабиларни киритиш мумкин.

Фақат оҳанг (ёзувда тиниш белги) воситасида боғланган қўшма гаплар ҳақида маълумот берилар экан, гапда уюшиқ бўлакларнинг оҳанг воситасида боғланиши содда гап жуфтла – рининг оҳанг воситасида боғланиши билан қиёсланади. Ўқув – чилар уюшиқ бўлаклар ва содда гап жуфтлари орасида вер – гулнинг қўйилиш сабабларини изоҳлайдилар.

Маълумки, ёзма нутқда қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар нафақат вергул, балки икки нуқта, нуқтали вергул, тире орқали ҳам боғланиши мумкин. Шунинг учун бир қатор ижо – дий – амалий ишлар ана шу малака ва кўникмаларни мустақ – камлашга қаратилиши лозим.

“Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар” мав – зусини ўрганишда бошланиш қисми берилган гапларни давом этгириш, қолиплар асосида гаплар ҳосил қилиш сингари топ – шириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қўшма гаплар юзасидаги ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида тест топшириқ – ларидан фойдаланилади.

Тест топириқларидан намуналар:

1. Берилган қўшма гапларда нуқтали вергул нотўғри қўйилган гапларни аниқланг.

А. Қуёш чиққан; йўловчилар гавжум.

Б. Мен, Тўлқин ва Гулчеҳра дархтларни оқладик; Баҳодир ерни ағдарди.

В. Ҳаво булугли; аммо ёмғир ёғмаяпти.

Г. Кун иссиқ; Йўлчи одимлайди (О.)

Д. Боғимизда анор, олма, нок каби турли мевали дарахтлар кўп; биз уларни парвариш қиламиз.

2. Берилган қўшма гапларнинг қайси бирида икки нуқта нотўғри қўлланилган?

А. Бугун ҳаво очик: деразаларни ланг очиб қўйса ҳам бўлади.

Б. Вақтинг кетди: бахтинг кетди (Мақол).

В. Ёмғир ёғди: ҳамма тарқалди.

Г. Денгиз сокин: атроф яққол кўринар эди (Ҳ.Ғ.).

Д. Тонг отди: биз йўлга отландик.

Ўқитувчи қўшма гап турларини ўргатиш жараёнида ҳам, ундан кейин ҳам гап синонимияси устида ишлашни унутмаслиги лозим. Шу боис, қўшма гапларнинг барча турлари ўрналгандан сўнг "Қўшма гапларда маънодошлик" мавзусини ўрганиш маъқул. Ўқувчилар бу дарс машғулотига дастлаб мазмунан бир—бирига яқин бўлган, аммо боғланиш воситалари жиҳатидан бир—биридан фарқ қиладиган қўшма гапларни ўзаро қиёслаб, уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари устида ишлайдилар, ҳамда "Баҳор келди, борлиқ яшнаб кетди", — "Баҳор келди ва борлиқ яшнаб кетди", — "Баҳор келди, шунинг учун борлиқ яшнаб кетди" типигаги гапларнинг ўзаро маънодош эканлигини исботлайдилар.

Дарснинг кейинги босқичларида ўқувчилар берилган содда гап жуфтларини ўзаро боғловчилар ва оҳанг воситасида боғлаб, маънодош қўшма гаплар ҳосил қиладилар; боғловчилар ва юкламалар воситасида боғланган қўшма гапларни оҳанг воситасида боғланган қўшма гапларга (ва аксинча) айлантириш сингари ижодий — амалий топшириқларни бажарадилар.

"Қўшма гап" бўлимини ўрганишда матни таҳрир қилиш, бошланиш қисми берилган матни мазмунан давом эттириш, матн яратиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

9—синфнинг охирида ўқувчиларга мураккаб синтактик бутунликлар хусусида ҳам маълумот берилади. Ўқувчилар гап —

тайёргарликдан ўтказилади в.ҳ. Тажриба — синов ишларининг синов натижалари магнит лентасига ёзиб олинishi ва кейин — чалик ўрганилиб, таҳлил этилиши ҳам мумкин. Эксперимент тажриба — синов ишларининг боши ва охирида, махсус бўлим ўрганилгандан кейин ёки ҳар бир чоракнинг охирида ўткази — лиши мумкин. Эришилган натижалар математик таҳлилдан ўтказилади ва қиёсланади.

Экспериментни фақат тажриба — синов синфи доирасида ўтказиш ҳам мумкин. Унда назорат синфи танланмайди ва эришилган натижалар экспериментнинг бошланиш пайтидаги ҳолат билан қиёсланади.

Шакллантирувчи босқич экспериментатордан ўқувчилар фаолиятини диққат билан кузатишни, олинаётган натижаларни таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олиб боришни, махсус қайдлар юритишни талаб этади. Агар зарурият туғилса, айрим ўринлар такрорий экспериментдан ўтказилиши мумкин.

Якуний назорат эксперименти шакллантирувчи экспе — римент тугагандан сўнг ўказилади. Якуний назорат ёзма иш, оғзаки савол — жавоб, тест синовлари орқали ўтказилиши мумкин. Ўқувчилардан олинадиган назорат диктантлари, баён ва иншолар, улар тузган матнлар якуний эксперимент нати — жаларидир.

**Диагностик таҳлил.** "Диагностика" тушунчаси юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, "аниқлашга қодир" маъносини ифодалайди. Ўзбек тили ўқитиш назарияси ва усулиятидан зарур илмий хулосалар чиқаришда тадқиқотнинг бу методидан кенг фойдаланилади.

Диагностик таҳлил олинган ёзма ишлар, ўтказилган са — вол — жавоблар ҳамда кузатишлар асосида уюштирилади ва у уч босқични ўз ичига қамраб олади:

**Биринчи босқич** тадқиқот предметини аниқлаш. Масалан, она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқидаги диалектал хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, оғзаки талаффуз меъёрлари устида ишлаш, ўқувчиларнинг сўз заҳирасини ошириш жараёнлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин.

**Иккинчи босқич** юзага келган мураккаб ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашдир.

**Учинчи босқич** юзага келган мураккаб ҳолатни бартараф этиш йўллариини белгилашдан иборат. Тадқиқотчи бир неча йўлни белгилashi ва уларнинг самарадорлигига умид боғлаши мумкин. Бу белгиланган йўллардан қайси бирининг кўпрок

нинг ифода мақсадига кўра турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гаплар) риторик сўроқ гаплар, уларда тиниш белгилари ва оҳанг, кўчирма гапли қурилмалар билан таништирилади.

Шундай қилиб, "Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлимини юқорида белгиланган тартиб асосида ўрганиш "Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси"да белгиланган мақсад — таълим олувчида ижодийлик, мустақил фикрлаш малакаларини чуқурлаштириб, ижодий фикр маҳсулини нутқ шариоитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раван ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга ва ривожлантиришга мувофиқ келади.

### **Асосий адабиётлар**

1. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). Тошкент, "Ўқитувчи", 1996.
2. Нурмонов А., Маҳмудов Н. в.б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, "Фан", 1992.
3. Она тили. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг 1 — махсус сони. Тошкент, "Шарқ", 1999, 127 — 136 — бетлар.
4. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик — грамматик хусусиятлари. Тошкент, "Фан", 1983.
5. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал — функционал талқини. Тошкент, "Фан", 1994.
6. Ғуломов А, Неъматов Х. Она тилидан таълим мазмуни. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
7. Ғуломов А, Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти. Тошкент, "Ўқитувчи" 1995.



## СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Синтактик таҳлил — грамматик таҳлилнинг таркибий қисмидир. Грамматик таҳлилнинг бир қисми — морфологик таҳлил ўтказиш усули юқорида кўрсатилди. Ҳар иккала таҳлил усули бир — бири билан боғланади, бири иккинчисини тўл — диради, аниқлайди. Чунки грамматика морфология ва синтак — сисни ўз ичига олади. Морфология — сўзнинг структурасини, сўзнинг нутқда ўзгариш қоидаларини, сўзларнинг туркумла — нишини ўрганса, синтаксис сўз бирикмасида ва гапда сўзлар — нинг бирикиш йўлларини, гап тузилишини, типларини, гапнинг бўлакларга ажратилишини ўрганади. Кўринадики, граммати — канинг тенг ҳуқуқли, мустақил қисмлари бўлган морфология ва синтаксис бири иккинчиси билан узвий боғлиқдир.

Синтактик таҳлил сўз бирикмаси, гап ва гап бўлаклари бўйича ўтказилади. Тиниш белгиларини қўллаш гап қурилиши билан алоқадор бўлгани учун синтактик таҳлилда тиниш белгиларининг вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Таҳлил учун ифода мақсадига ва тузилишига кўра тур — лича бўлган гаплар берилиши мумкин. Гапларнинг аввало ту — зилишига кўра содда ёки қўшма гаплар эканлигини, ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйруқ гап эканлигини аниқлаб олиш гапларни тўлиқ синтактик таҳлил қилишнинг тўғри олиб борилишини таъминлайди. Масалан, берилган гап қўшма гап бўлса, унда икки ва ундан ортиқ кесим бўлади (уюшган кесим бунга кирмайди), кўпинча икки эга мавжуд бўлади, боғловчи — лар ва интонация содда гаплар (содда гап қисмлари)ни боғ — лашга хизмат қилган бўлади; агар берилган гап содда гап бўлса, биргина фикр маркази мавжуд бўлади, кесим ҳам биргина бўлади (уюшиқ кесим бундан мустасно) ва ҳоказо.

Таҳлил учун берилган гап ифода мақсадига кўра буйруқ ёки сўроқ гаплар бўлса, шунингдек, шеърий парча бўлса, уларда гап бўлақларининг тартиби ўзгарган бўлиши мумкин, иккинчи даражали бўлақлар (айниқса тўлдирувчи ва аниқлов — чи) белгисиз қўлланган бўлиши ҳам мумкин, тиниш белгила — рини қўллашда ҳам ўзига хос хусусиятлар бўлади.

Шундай қилиб, берилган гапни ифода мақсадига ва ту — зилишига кўра турини аввало аниқлаб олиш уни сўз бирик — маси бўйича гап бўлаклари бўйича таҳлил қилишни аниқлаб беради, осонлаштиради. Шунингдек, гапларнинг ҳис — ҳаяжо — нининг ишгирокига кўра турини ҳам аниқлаб олиш керак.

Демак, берилган гап аввало уч нуқтаи назардан аниқлаб олинади:

1. Гапнинг ифода мақсадига кўра тури.
2. Гапнинг тузилишига кўра тури.
3. Ҳис — ҳаяжоннинг иштирокига кўра тури.

Синтактик таҳлил мазмунига кўра 3 хил бўлади:

- а) гапда сўзларнинг боғланиши (сўз бирикмалари);
- б) содда гап қурилиши;
- в) қўшма гап қурилиши.

1. Гапда сўзларнинг боғланишига оид таҳлилда:

- а) тенг ва эргаш боғланиш;

б) эргаш боғланишнинг турлари (мослашув, бошқарув, битишув);

в) эргаш боғланишни ҳосил қилувчи воситалар (сўз формалари, кўмакчилар, сўз тартиби, оҳанг) аниқланади.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

- а) гапнинг ифода мақсадига кўра тури;

б) гапнинг тузилишига кўра тури; ёйиқ ёки йиғиқ гап — лиги;

в) бир бош бўлакли ёки икки бош бўлакли гаплиги; тўлиқ ва тўлиқсиз гап эканлиги;

- г) гап бўлаклари ва уларнинг ифодаланиши аниқланади.

Бундан кейин айрим гап бўлаги олиниб, маъноси, ифо — даланиши, тузилиши, характери, қайси гап бўлагига боғлана — ётгани ва қандай сўроққа жавоб бўлиши таҳлил қилинади. (Қўшма гапларни таҳлил қилиш усули ҳақида кейинроқ тўх — таламиз).

### Содда гап бўйича синтактик таҳлил

Масалан: *Инсон илм ва меҳнат билан бахтли бўлади.*

1. Гапда сўзларнинг боғланиши:

а) инсон бахтли бўлади — эргаш боғланиш, мослашув, эга ва кесим мослиги;

- б) илм ва меҳнат — тенг боғланиш, боғловчи орқали;

в) илм билан бахтли бўлади — эргаш боғланиш, бошқа — рув, кўмакчи орқали;

г) меҳнат билан бахтли бўлади — эргаш боғланиш, бош — қарув, кўмакчи орқали.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

- а) ифода мақсадига кўра — дарак гап;

- б) тузилишига кўра — содда гап, содда ёйиқ гап;

в) бош бўлақларнинг иштирокига кўра — икки бош бў — лақли гап;

г) тўлиқ ёки тўлиқсизлигига кўра — тўлиқ гап;

д) гап бўлақлари аниқланади (дастлаб бош бўлақлар, сўнг иккинчи даражали бўлақлар аниқланади).

Бош бўлақлардан аввало кесим аниқланади, чунки кесимсиз гап бўлиши мумкин эмас, эга қатнашмаган гаплар бўлиши мумкин. Ўзбек тилида кесим кўпинча (одатда) гапнинг охирида жойлашган бўлади ва нима қилди? нима қияпти? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Юқоридаги гапда кесим *нима бўлади?* сўроғига жавоб бўлади: *бахтли бўлади*. Сўнгра кесимга эганинг сўроқлари берилиб, эга аниқланади. Эганинг сўроқлари ким? нима? Юқоридаги гапнинг эгаси — *инсон*.

Иккинчи даражали бўлақлар гапнинг бош бўлақларига боғланади, уларни тўлдиради, аниқлайди, изоҳлайди. Шунинг учун ҳам улар "иккинчи даражали бўлақлар" дейилади. Иккинчи даражали бўлақларнинг баъзилари, одатда, эгага, баъзилари эса кесимга боғланган бўлади, баъзан иккинчи даражали бўлақ бошқа бир иккинчи даражали бўлақка боғланиб келади.

Юқоридаги гапда эгага боғланган иккинчи даражали бўлақлар йўқ, гапда барча бўлақлар кесимга боғланган. Иккинчи даражали бўлақларни аниқлаш учун эга ва кесимга сўроқлар берилади. Юқоридаги гапда эга состави бўлмагани учун фақат кесимга сўроқлар берамиз: *нима билан бахтли бўлади?* жавоб: *илм билан ва меҳнат билан*. Демак, *билан* кўмакчиси ҳам *илм*, ҳам *меҳнат* сўзига боғланиб, шу сўзларни кейинги сўз (*бахтли бўлади*) билан грамматик муносабатга киритган. *Илм билан ва меҳнат билан* бўлақлари "ҳаракат ўтган объект" маъносини ифодалагани учун тўлдирувчи вазифасидадир.

Гап бўлақлари бўйича таҳлилда гап бўлақларини турли чизиқчалар воситасида кўрсатиш ҳам мумкин (гап бўлақлари график жиҳатдан турли чизиқчалар воситаси билан кўрсатилади): эганинг тагига бир тўғри чизиқ (\_\_\_\_), кесимнинг тагига икки тўғри чизиқ (\_\_\_\_), тўлдирувчининг тагига пунктир чизиқ (---), ҳолнинг тагига нуқтали пунктир чизиқ (\_\_\_\_), аниқловчининг тагига тўлқинли чизиқ (~~~~) чизиб кўрсатилади. Бу усул бошқача усуллар (схемага солиб кўрсатиш, таблица чизиб кўрсатиш, тепасига ёзиш ва бошқалар)га нисбатан энг қулай усул саналади. Лекин чизиқлар гап бўлақларининг ички хусусиятларини кўрсата олмайди.

(Масалан, тўлдирувчининг турлари, аниқловчининг турлари, ҳолнинг маъно турлари каби.) Шунинг учун бу усулдан фойдаланганда ҳар бир гап бўлагининг ички таснифини унинг те- пасига ёзиб кўрсатиш билан изоҳни тўлдириш мумкин. Ма- салан:

в — ли тўлд. в — ли тўлд.

1. Инсон илм ва меҳнат билан бахтли бўлади.

сиф. ан. қар. ан. ўр. ҳоли в — сиз т. .

2. Ғайратли ўқувчилар мактаб боғида мева тергилар.

Гап бўлаклари бўйича таҳлилни ҳар бир гап бўлагини вертикал чизиқлар билан ажратиб, сўз воситасида изоҳлаш ҳам мумкин: Бунда ҳам гап бўлаklarининг хусусиятлари тўла акс этади:

Эрталабки	кучли	шамол	мактаб	боғидаги
аниқловчи,	аниқловчи,	эга,	аниқловчи,	ҳол, ўрин ҳоли
сиф. аниқ.	сиф. аниқ.	(от билан қар. аниқ.	(от билан	
(сиф. билан	(сиф. билан	ифодал.)	(от билан	ифодаланган)
ифодаланган)	ифодаланган)		ифодаланган)	ифодаланган)

дарахтларнинг	меваларини	тўкиб юборди.
аниқловчи,	тўлдирувчи,	кесим, феъл кесим,
қарат. аниқловчи	воситасиз тўл.	мураккаб кесим
(от билан ифодал.)	(от билан ифодал.)	(феъл билан ифодаланган)

Энди қуйидаги гапни тўлиқ синтактик таҳлил қиламиз:

*Собиржон аканинг катта ўғли ҳунар мактабида ўқийди.*

1. Гапда сўзларнинг боғланиши:

а) ўғли ўқийди — эрг. боғланиш, мослашув, эга — кесим мослиги;

б) Собиржон аканинг ўғли — эрг. боғланиш, мослашув, қаратқичли мослашув;

в) катта ўғли — эрг. боғланиш, битишув, оҳанг орқали;

г) ҳунар мактабида — эрг. боғланиш, мослашув, қарат- қичли мослашув;

д) мактабида ўқийди — эрг. боғланиш, бошқарув — га қўшимчаси орқали.

2. Содда гап қурилиши бўйича:

а) Дарак гап; б) содда ёйиқ гап; в) икки бош бўлакли гап; г) тўлиқ гап; д) гап бўлаklarини аниқлаш.

Собиржон аканинг катта ўғли ҳунар мактабида ўқийди.

Синтактик таҳлил ўтказишда ибора ва ажралмас боғлан — малар (эркин маъноли турғун боғланишлар) орқали ифо — даланган гап бўлаклари ҳақида жиддий ўйлаб иш тутиш лозим. Ибора ҳам, ажралмас боғланмалар ҳам сўзга тенг, бир тушунча (маъно) англатади, гапда бир гап бўлаги вазифасида қўлланади. Масалан:

1. Нодира ўша воқеани кўнглидан ўтказди (*Газ.*).

2. Мулла Норқўзи олдидан келса тишлаб, кетидан келса тепар эди (*А.Қ.*).

3. Тошкент Давлат техника университетининг бир гуруҳ та — лабалари Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетдилар (*Газ.*).

Агар юқоридаги тип гаплардаги иборалар ва турғун боғ — ланмаларни ҳисобга олмай, уларнинг таркибидаги сўзларни алоҳида — алоҳида гап бўлагига ажратиб юборсак, тамоман но — гўғри қилган бўламиз: бу сўзларнинг кўчма маънода ва мус — тақил қўлланганини эътиборга олмаган бўламиз. Аслида тўғри ва кўчма маъноли бундай ибора ва боғланмалар, одатда, бир — гина сўроққа жавоб бўлиб (чунки биргина тушунча билдиради), ўзи боғланган сўзга нисбатан яхлит ҳолда муносабатта ки — ришади.

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИ

Маълумки, гап бўлаклари бўйича таҳлил бош бўлакларни аниқлашдан бошланади. Эга ва кесим топилгандан сўнг уларга боғланган бўлаklar — иккинчи даражали бўлаklar белги — ланади. Масалан: *Бу тепаликка чиқиш орқада қолган йўлнинг азобидан ҳам ортиқроқ бўлди* гапида кесим — *ортиқроқ бўлди*, кесимга *ким? нима?* сўроқларини бериб, шу сўроққа жавоб бўлувчи бўлак аниқланади: бу — *чиқиш сўзидир*. Демак, *чиқиш* бўлаги эга вазифасидадир, чунки, *ким? нима?* сўроқлари фақат эгага тааллуқлидир. Шундан сўнг кесимга саволлар бериб, кесим состави, эгага саволлар бериб, эга состави аниқланади: *ни — мадан ҳам ортиқроқ бўлди? азобидан ҳам, демак, тўлдирувчи вазифасида, ниманинг азобидан ҳам ортиқроқ бўлди? — орқада қолган йўлнинг, демак, бу бўлак — аниқловчи*. Бу гапда кесимга боғланувчи бўлак бошқа йўқ, қолган иккинчи даражали бў — лаклар эгага боғланган бўлиб чиқади.

Бу тепаликка *чиқиш* орқада қолган йўлнинг азобидан ҳам *ортиқроқ бўлди*.

*Нимага чиқиш? — тепаликка, демак, бу бўлак — тўлди — рувчи, эгага боғланган; қайси тепаликка чиқиш? — бу, демак, у*

аниқловчи: қайси? қандай? қанақа? қанча? каби сўроқлари аниқловчига, аниқроғи, сифатловчи аниқловчига берилади.

Шундай қилиб, гап бўлақларининг тури одатда бир — би — рига нисбат бериб аниқланади. Чунончи, эга кесимга, кесим эгага нисбатан, тўлдирувчи тўлдирмишга, ҳол ҳолланмишга, аниқловчи аниқланмишга нисбатан тайинланади. Нисбат берилувчи унсур бўлмас экан, у ёки бу бўлак ҳақида гапириш мумкин эмас.

Масалан, аниқланмиш бўлмас экан, аниқловчи ҳақида, кесим бўлмас экан, эга ҳақида гапириб бўлмайди. Шу тариқа гап бўлақларининг турини белгилашда синтактик алоқага киришувчи қисмларнинг тури, шакли, бир — бирига нисбати, лексик — семантик хусусияти ва уларнинг синтактик алоқага киритувчи воситалар асосга олинади.

Тўғри, гапнинг бўлақларига сўроқлар бериш усули билан уларни аниқлаш баъзи жиҳатларидан ўзини оқлай олмайди. Масалан, *Биз кетдик бўлмаса, хола* (А.Қ.) гапида *биз* ҳам, *хола* ҳам бир хил сўроққа (ким?) жавоб бўлади, лекин уларнинг биринчиси (*биз*) гапнинг бўлаги — эга, иккинчиси эса (*хола*) гапнинг бўлаги ҳисобланмайдиган элемент — ундалмадир. Сўроқлар синтактик алоқа асосида боғланган сўзларнинг биридан иккинчисига томон қўйилганда, улар ёрдамида гапнинг бўлақларини белгилаш мумкин бўлади. Бунда ундалма ва кириш сўзлар билан гап бўлақларининг чегараси аниқланади, лекин гап бўлақларининг турини белгилашда бу усулдан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Масалан, *Соғлиғимиз — бойлиғимиз*. (мақол) мисолида гапнинг бўлақлари мавжудлигини сўроқлар ёрдамида аниқлаш мумкин, бироқ улардан қайси бири гапнинг қандай бўлаги эканини сўроқлар воситасида аниқлаб бўлмайди. Чунки бу гапдаги бўлақларнинг ҳар иккови бир хил сўроққа — *нима?* сўроғига жавоб бўлса ҳам, уларнинг бири — эга, иккинчиси — кесимдир.

Гапнинг бўлақлари махсус грамматик кўрсаткичларга эга бўлганда, сўроқлар уларнинг турини аниқлаш учун ёрдам бериши мумкин. Масалан, гапдаги бирор сўз (бўлак) *кимни? нимани?* сўроқларидан бирига жавоб бўлса, тўлдирувчи, воситасиз тўлдирувчи, *нима қилди? нима қиласан?* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлса, кесим деб кўрсатилади. Лекин бу гап бўлақларининг турини аниқлашдаги соф амалий усулдир. Назарий жиҳатдан қараганда, гапдаги у ёки бу сўз (бўлак) шундай сўроқларга жавоб бўлгани учун тўлдирувчи ёки кесим вазифасида келаётгани йўқ, балки унинг ўзи тўлдирувчи ёки кесим

бўлганидан шундай сўроқларни талаб қилаётир.

Шундай қилиб, синтактик алоқа, унинг тури гапни бўлақларга ажратишда асосий омилдир.

Гапнинг бўлақлари орасидаги алоқа турли воситалар билан ифодаланади: сўз формалари орқали (сендан сўради), ёрдамчи сўзлар орқали (*машина билан тердик*), тартиб ва оҳанг орқали (*ям—яшил далалар — Далалар ям—яшил*).

Гап бўлақларининг турини аниқлашда кўпинча унинг грамматик формасига эътибор берамиз. Тўғри, қаратқич келишиги шаклидаги сўз аниқловчи, тушум келишиги шаклидаги сўз эса тўлдирувчи бўлади. Бироқ ўрин—пайт, чиқиш ва жўналиш келишиклари шаклидаги сўзлар тўлдирувчи ҳам, ҳол ҳам бўлиши мумкин. Бундай вақтда гап бўлақларининг грамматик шакли уларнинг турини белгилаш учун асос бўла олмайди. Гап бўлақларининг турини белгилашда синтактик алоқага киришувчи элементларнинг семантик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинishi лозим:

*Мирзачўлда буюк ишлар энди бошланди. (Ҳол)*

*Зулфияда барча инсоний хислатлар бор эди. (Тўлдири.)*

Мисоллардаги бир хил шаклдаги (кўмакчи, келишик формасидаги) гап бўлақларининг вазифаси бир хил эмас: бири — тўлдирувчи, бири — ҳол. Бундан ташқари, фарқ ўша сўзлар (бўлақлар)нинг семантик—синтактик хусусиятларидан келиб чиқади ва турлича саволларга жавоб бўлади. Қиёслаб кўрайлик: юқоридаги биринчи гуруҳ мисолнинг биринчисида *завқ билан бўлаги қандай? қай тарзда?* сўроқларига жавоб бўлади, демак, ҳол вазифасида, иккинчи гапдаги *машина билан бўлаги эса нима билан?* сўроғига жавоб бўлади — тўлдирувчи.

### **Таҳлилда гап бўлақлари билан муносабатга киришмайдиган "бўлақ"ларни изоҳлаш**

*Синтактик алоқа гап бўлақларининг асосий белгисидир.*

Бу нарса гапнинг бўлақлари билан ундалма, кириш сўз ва кириш гаплар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун имкон беради.

Ундалма, кириш сўз ва кириш гапдаги бошқа сўзлар—бўлақлар билан синтактик алоқага киришмайди. Шунга кўра, улар, одатда, гапнинг бўлақлари ҳисобланмайди. Амалиётда кўпгина ўқитувчи ва ўқувчилар ундалма ва кириш гапларни гап бўлаги сифатида ҳисоблаб юбориб, нотўғри қиладилар.

Агар ундалма, кириш сўз ва кириш гаплар иштирок этган

гаплар берилган бўлса, синтактик таҳлилда уларга қандай ёндашиш керак? Қуйида мана шу саволга жавоб берамиз.

Ундалма — сўзловчининг нутқи қаратилган, бошқа бир шахс ёки предметни ифодалаган сўз ёки сўз биримасидир. Ундалма бош келишиқдаги от ёки от маъносидаги сўзлар орқали ифодаланиб, гапнинг умумий мазмунини тўлдиради, гапнинг кимга қарашли эканини кўрсатиб туради. Ундалманинг мана шу белгилари уни худди эга вазифасидаги бўлак (сўз)га ўхшатиб туради.

Мисоллар:

1. Қизим, бунақа йигитдан совчи бир марта келади! (О.Ё.)

2. Ҳой, қизим, қаёда қолдинг? (А.Қ.)

3. Мен шошилаётганим йўқ, болам (М.И.).

4. Собир Умарович, сизнинг жонингиз халқ учун, жамият учун керак (Яшин).

Гаплардаги ундалмалар ўзи қатнашган гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик муносабатта киришмайдиган, сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодаловчи бўлаklar, холос.

Синтактик таҳлилда бундай гаплардаги ундалмаларга қуйидагича ёндашилади:

Қизим, бунақа йигитдан совчи бир марта келади.

совчи — эга; келади — кесим; бир марта — ҳол, миқдор — даража ҳоли; бунақа — аниқловчи, сифатловчи аниқловчи, йигитдан — тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи; қизим — ундалма.

Шундан сўнг ундалма гап бошида келса, ундан сўнг, гап охирида келса, ундан олдин ва гап ўртасида келса, ҳар икки томонидан вергул билан ажратилиши кўрсатилади.

Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига муносабатини билдирган сўз кириш сўз дейилади. Кириш сўз гапнинг бошида, ичида ёки охирида келиши мумкин. Улар вергул билан ажратилади.

Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига қўшимча мулоҳазасини билдирган гап кириш гап дейилади. Кириш гап асосий фикрни тўлдириш, изоҳлаш учун қўлланилади. Кириш гаплар вергул, тире ёки қавс билан ажратилади:

1. Эҳтимол, Розия Сатторни сира ҳам учратмас (П.Қ.).

2. Мен бу йигитчани (у Сулаймон аканинг ўғли бўлади) яхши танийман.

Бундай гаплар таҳлилида кириш сўз ёки киритма гап гап бўлаги сифатида эмас, алоҳида изоҳланади.



Таҳлил учун уюшиқ бўлакли гаплар ҳам берилиши мумкин. Бундай гапларни синтактик таҳлил қилишда бир хил вазифада бўлган бўлақлар уюшган ҳам, уюшмаган ҳам бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, бир гапнинг ўзида икки ва ундан ортиқ кесим ва иккинчи даражали бўлақлар қатнашган бўлиши мумкин:

1. Қўшнинг тинч — сен тинч. (Мақол).

2. Қўшнинг ҳам, сен ҳам тинч.

Бу гапларнинг ҳар бирида иккитадан эга қатнашган. Лекин улар бир хил характерда эмас: биринчи гапдаги қўшнинг, сен сўзлари қўшма гапнинг эгаси вазифасида, иккинчи гапдаги қўшнинг ва сен бўлақлари эса содда гап таркибидаги уюшиқ бўлақлардир.

Биринчи гап — қўшма гап, у икки мустақил (уюшмаган) кесимга эга: *тинч*. Иккинчи гап — содда гап, унда кесим битта, фикр маркази ҳам ягона.

Серчанг, сершовқин кўчаларда *одамлар дарёдай оқиб борар* эди. • (П.Қ.)

Бу гапда аниқловчи (сифатловчи аниқловчи) уюшган. Мана шу уюшиқ аниқловчиларнинг ҳар бири аниқланмишга боғланиб, санаш оҳанги билан айтилади: *серчанг, сершовқин* сўзлари *кўчаларга* тўлдирувчисига боғланган, санаш оҳанги билан ўқилади.

Лекин ўзбек тилида сифатловчи аниқловчилар уюшмаган ҳолда ҳам кетма — кет келиши мумкин. Шунинг учун сифатловчи аниқловчи кетма — кет келган бўлса, уларни уюшган деб баҳолашга шошмаслик керак.

Масалан:

1. *Мактабимиз* тўрт қаватли янги бинога *жойлашган*.

2. Бугун *биз* янги бидий фильм *кўрдик*.

Бундай аниқловчилар уюшиқ аниқловчилар каби тенг ҳуқуқли эмас, бири — иккинчисига боғлиқ бўлади ва аниқланмишга боғланади, санаш оҳанги ҳам бўлмайди. (Эслатма: Ёзувда уюшиқ бўлақлар вергул билан ажратилади).

Мазмун аҳамиятини таъкидлаш учун ажратиб айтилади — ган гап бўлаги ажратилган иккинчи даражали бўлақдир. Синтактик таҳлилда бундай бўлақларнинг ажратилганлиги изоҳлаб берилиши керак:

1. Хужайранинг ички тузилишини ўрганиш учун анча мураккаб асбобдан, микроскопдан, *фойдаланилади*.

2. Аълочи ўқувчиларнинг, Аҳмад ва Маҳмуднинг *номи*

самара беришини ўтказиладиган эксперимент натижалари кўрсатади. Масалан, тадқиқотчи шевага оид хатоларни барта- раф этиш мақсадида луғат диктантлари ўтказиш, шевада та- лаффузи адабий тилдан фарқ қилувчи сўзлар рўйхатини ту- зиш, йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ таъриф ва қои- даларни эслаш, ўқувчиларни бир неча гуруҳларга бўлиб улар ўртасида "Тошқирлар беллашуви" ўтказиш кабилардан фойда- ланишни тавсия этган бўлиши мумкин. Бу тавсияларнинг са- марадорлик даражаси тажриба-синов ишлари орқали аниқланади.

**Методик меросни ўрганиш.** Методик меросни ўрганиш илмий тадқиқотнинг энг муҳим методларидан бири саналади. Она тили таълимининг у ёки бу масаласини ўрганишда агар унинг тарихига мурожаат этиладиган бўлса, бу методдан фой- даланишга тўғри келади. Масалан, "Она тили таълими жараё- нида такрорлаш дарсларини ташкил этиш" масаласини илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш учун шу масаланинг тарихига, яъни Шарқнинг буюк мутафаккирларининг такрорлаш хусу- сида баён қилган фикрларига тўхталишга тўғри келади. Тад- қиқотчи бу ҳақда Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Умар Хайём, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг асар- ларини ўқиб, уларнинг шу борада баён қилган фикрларига таянади.

Агар она тилидан таълим мазмуни тадқиқот объекти қилиб танланган бўлса, тадқиқотчи турли даврларда она тили таълимининг мақсади қандай белгиланганлигини аниқлайди ва муаммонинг тарихига тўхталишга зарурият сезади.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.** "Она тили ўқитиш методикаси" фани фалсафа, тилшунослик циклидаги фанлар, дидактика, руҳшу- нослик билан узвий боғлиқдир. Демак, мактабда "Она тили" ўқув фанидан дарс берадиган етук мутахассис бўлиши учун у шу фанларни пухта билиши зарур.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг фалсафа билан алоқадорлиги.** "Она тили ўқитиш методикаси" хусусий педагогик циклдаги фан бўлганлиги учун ҳам, ижтимоий фан- лар гуруҳига киради ва ижтимоий фанларнинг асосини ташкил этадиган фалсафа билан чамбарчас боғланган. Мазкур фанинг фалсафа билан алоқадорлиги она тилининг мақсад ва вази- фаларини тушунишингизга, бу фаннинг таълим мазмунини тўғри белгилашингизга, ўқувчи фаолиятини тўғри уюштири-

фахр билан *тилга олинди*.

3. Ёзда, айниқса июль ойида, *ҳаво жуда исиб кетади*.

Ажратилган бўлақлар ёзувда вергул билан чегаралани — лади. Ажратилган бўлақлар ўзи таъкидланаётган бўлақнинг шакли ва вазифасида бўлади, юқоридаги гапда *ёзда* бўлаги — ҳол, пайт ҳоли экан, ажратилган бўлақ ҳам (*июль ойида*) худди шундай шакл ва вазифададир.

Ўзбек тилида шундай гаплар борки, улар биргина сўздан иборат бўлиб, турли ҳис—туйғулар, ифодаланаётган фикрга модал муносабатлар билдиради. Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлақларни талаб ҳам этмайди, уларда бирор бўлақнинг "яши—рингани" ҳам сезилмайди. Улар олдин айтиб ўтилган фикрга экспрессив—модал муносабатларни ифодалайди. Булар сўз—гаплардир.

Сўз—гапларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг алоҳида оҳанга эга бўлиши ва маълум шароитни, контекстни талаб этишидир.

1. Тасдиқ сўз—гап: Сиз келасизми? — *Ҳа!*

2. Инкор сўз—гап: Сиз ҳам шундай ўйлайсизми? — *Йўқ!*

Сўзлар гап таркибида бир—бирлари билан синтактик алоқага киришгандагина (нутқда) гапнинг у ёки бу бўлаги вазифасида кела олади.

## ҚЎШМА ГАП БЎЙИЧА СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ

Таҳлил учун берилган гап тузилишига кўра қўшма гап бўлса, унинг қўшма гапнинг қайси турига кириши, шу қўшма гапнинг қисмлари (содда гаплар), ундан сўнг қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғланиш йўли аниқланади.

1. Боғланган қўшма гап қуйидагича тартибда таҳлил қилинади:

1. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ва уларнинг мазмун жиҳатдан боғланиши.

2. Содда гапларнинг боғланиш йўли, боғловчиларнинг тури.

3. Содда гаплар орасида қўлланган тиниш белгилар.

4. Гап бўлақлари.

Н а м у н а :

*Урушдан бойлар манфаат топди, ammo камбағаллар хонавайрон бўлди.*

1) Икки содда гап (қисм) бор: урушдан бойлар манфаат

топди, камбағаллар хонавайрон бўлди: қиёсланг: зидлаш маз— мун муносабати бор; 2) содда гап (қисм)лар ўзаро вергул билан ажратилган; 3) гап бўлаklarини аниқлаш:

Урушдан бойлар манфаат топди, аммо камбағаллар хонавайрон бўлди.

II. Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар қуйидагича таҳлил қилинади:

1. Қўшма гап таркибидаги қисмлар ва уларнинг мазмун жиҳатидан боғланиши.

2. Қисмларнинг боғланиш йўли.

3. Қисмлар орасида қўлланган тиниш белгилари.

4. Гап бўлаklари.

Қаландаров сметани ўқимасдан овозга қўймоқчи бўлган эди. Саида унга мажлис раиси борлигини эслатди (А.Қ.)

1) Гапдаги қисмлар (содда гаплар): 1. Қаландаров сметани ўқимасдан овозга қўймоқчи бўлган эди; 2. Саида унга мажлис раиси борлигини эслатди; қиёслаш мазмуни; 2) оҳанг орқали боғланган; 3) оҳанг ёзувда вергул билан ифодаланган; 4) гап бўлаklарини аниқлаш: Қаландаров сметани ўқимасдан овозга қўймоқчи бўлган эди, Саида унга мажлис раиси борлигини эслатди.

III. Эргаш гапли қўшма гаплар қуйидагича таҳлил қилинади:

1. Бош гап ва эргаш гап. 2. Эргаш гапнинг тури.

3. Эргаш гапнинг ўрни ва тиниш белгилари. 4. Эргаш гапнинг бош гапга боғланиш йўли. 5. Гап бўлаklари.

Агар эргаш гапли қўшма гапнинг таркибидаги содда гаплар иккидан ортиқ бўлса, уларнинг ҳар бири шу тартибда таҳлил қилинади:

Шуни билиб қўйингки, ходимлар бир жойда қотиб қолган раҳбарни ёқтирмайдилар.

1) Бош гап — ходимлар бир жойда қотиб қолган раҳбар — ни ёқтирмайдилар; эргаш гап — шуни билиб қўйингки; 2) тўл,— дирувчи эргаш гап; 3) эргаш гап гапнинг бошида келган, бош гапдан вергул билан ажратилган; 4) эргаш гап бош гапга — ки боғловчиси воситасида боғланган; 5) гап бўлаklарини аниқлаш:

Шуни билиб қўйингки, ходимлар бир жойда қотиб қолган раҳбарни ёқтирмайдилар.

## ТАҲЛИЛДА СОДДА ГАП ВА ҚЎШМА ГАПЛАРНИ ФАРҚЛАШ ВА ИЗОҲЛАШ ҲАҚИДА

Содда гап билан қўшма гап ўртасидаги асосий фарқ, би — ринчидан, уларнинг тузилишига кўра бўлса, иккинчидан, уларни ташкил этган қурилиш материалининг турлиликдандир.

Содда гап биргина фикрий бирликдан ташкил топади, қўшма гапда эса бир — бири билан узвий боғланган бир неча фикрий марказ бўлади. Содда гапнинг қурилиш материали сўзлар ёки сўз бирикмалари бўлса, қўшма гапнинг материали содда гаплардир.

Бирдан ортиқ содда гаплар мазмун ва оҳанг жиҳатдан бирикиб қўшма гапни ташкил этганда, шу содда гапларнинг мазмуни ва грамматик мустақиллиги ўзгаради — кўпинча би — ринчи содда гап (қисм) мустақиллигини йўқотади. Қўшма гап қисмлари (содда гаплар) бир — бири билан боғлангандагина тўла мустақил гап тусига киради. Демак, қўшма гап алоҳида содда гаплардан эмас, балки мазмун ва грамматик жиҳатдан бири иккинчисига боғлиқ қисмлар (содда гаплар)дан ташкил топади.

Содда гап билан қўшма гап ўртасидаги энг асосий ва муҳим фикрлардан яна бири шуки, содда гап биргина пре — дикатив (фикрий) марказдан ташкил топади, қўшма гапда эса бундай марказ камида иккита бўлади.

Содда гап бир ёки бирдан ортиқ уюшиқ кесим бир эгага ёки, аксинча, бир неча эга бир кесимга боғланиб, шу гапни ташкил этувчи асосий марказ саналса, қўшма гапда икки ёки ундан ортиқ кесим камида икки эгага тобе бўлиб, қўшма гапни ташкил этади.

Масалан:

1. Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси бир — бир эсмоқда (Ҳ.Нўъмон).

2. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

Биринчи гап — содда гап, иккинчи гап эса қўшма гап, аниқроғи, боғланган қўшма гапдир. Биринчи гапда бир фикр маркази бор, иккинчи гапда икки фикр маркази мавжуд; би — ринчи гапда эга ва кесим биттадан, иккинчи гапда иккитадан.

Қўшма гап таркибидаги қисмлар бир — бирига турли во — ситалар ёрдамида боғланади. Умуман, қўшма гап қисмлари ўзаро ёрдамчи сўзлар, нисбий сўзлар, сўз формалари, интона — ция ва тартиб каби воситалар ёрдамида бирикади. Оҳанг боғ — ланишнинг ҳамма турида иштирок этади.

Қўшма гап қисмларининг мазмун жиҳатдан муносабати, уларнинг тузилиши ва бирикиши йўллари хилма—хилдир. Шу жиҳатдан қўшма гаплар уч турга бўлинади: боғланган қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар. (Булар ҳақида бироз кейин тўхталамиз.)

Энди юқоридаги ҳар икки гапни синтактик таҳлил қиламиз.

1. Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси *ғир—ғир эсмоқда* (Ҳ.Нўъмон).

1. Дарак гап. 2. Содда гап, икки бош бўлакли гап.  
3. Ҳис—ҳаяжонсиз гап. 4. Кириш сўз ва ундалма йўқ. 5. Гап бўлаklarини аниқлаш:

Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг *шабадаси ғир—ғир эсмоқда*.

Ташқи кўриниш жиҳатдан бош келишик шаклида бўлган *қишлоқ* ва *тонг* бўлаklarининг белгисиз қаратқич келишиги шаклида эканлигига алоҳида эътибор талаб қилинади. Улар—нинг шакли ўхшаса—да, бош келишиқдаги сўзлар эмаслигини бажараётган синтактик вазифаси ва сўроқлари кўрсатиб беради: *ниманинг устида?* — *қишлоқнинг устида, ниманинг шабадаси?* — *тонгнинг шабадаси*.

2. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

1. Дарак гап. 2. Қўшма гап, боғланган қўшма гап.  
3. Ҳис—ҳаяжонсиз гап. 4. Кириш сўз ва ундалмалар йўқ. 5. Гап бўлаklarини аниқлаш:

*Қўнғироқ чалинди* ва *дарс бошланди*.

Ҳар икки гапни тузилишига кўра бир—бирига солиш—тириб кўрайлик; иккинчи гапда кесим ҳам, эга ҳам иккитадан. Тўғри, содда гапларда ҳам эга, кесим ва иккинчи даражали бўлаklar икки ва ундан ортиқ ҳолда қатнашиши мумкин. Лекин тузилишига кўра содда гап бўлса—да, бир фикрий марказдан иборат бўлса, демак, бундай бўлаklar уюшган бўлаklar бўлиб чиқади. Иккинчи гапда эга ва кесим иккитадан бўлса—да, улар уюшган эмас, балки содда гапларнинг эгаси ва кесимидир, улар алоҳида фикр берувчи қисмлар (содда гаплар) ҳосил қилган.

## ТАҲЛИЛДА ҚЎШМА ГАПНИНГ ТУРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ИЗОҲЛАШ

Боғланган қўшма гапларнинг ҳам, эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам қисмлари ўзаро боғловчи ёрдамида ва боғловчиларсиз бирикади.

Қўшма гап таркибидаги қисмлар ёрдамчисиз боғланганда, уларнинг боғловчисиз қўшма гап ёки эргаш гапли қўшма гап эканлигини қатъий ажратиш анча қийинлашади, чунки боғловчиларсиз бириккан эргашган қўшма гаплар тузилиш жиҳатидан боғланган қўшма гапларга ўхшаб кетади. Лекин унинг шаклини мазмуни билан узвий ҳолда олиб қарасак, эргаш гапли қўшма гап эканлиги аниқ сезилади.

Боғланган қўшма гап таркибидаги қисмлар ўзаро тенг боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги *-га, -у (-ю)* юкламалари воситасида боғланади. Унинг қисмлари бир-биридан оҳанг билан ажралиб туради, лекин бу оҳанг боғловчисиз қўшма гаплардаги ва эргаш гапли қўшма гаплардаги оҳангдан фарқланади. Масалан:

1. Дарвоза тарақлаб очилди — ю, қушдек учиб раиса кирди (Ў.У.).

2. Шу чоқ баланд "ура" овози эшитилди ва қишлоққа кириб келаётган қизил аскарларимиз кўринди (А.Қ.).

Эргаш гапли қўшма гапларда ҳар бир содда гап мазмунан нисбий мустақилдир. Бу содда гаплар бош гап ёки эргаш гап бўлишидан қатъи назар, бир-бирига мазмунан боғланади, бир-бирини изоҳлайди, аниқлайди. Эргаш гап бош гапга эргашади, бош гап эса мустақилдай кўринса — да, эргаш гап томонидан изоҳланади. Масалан:

1. Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўпкалама (Навоий).

2. Онахон гап бошлаганда, шовқин яна тинди (А.М.).

Олдинги ва кейинги мисолларни таҳлил қилишда шу қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабати, боғланиш йўллари ва воситаларига алоҳида диққат қилиш зарур: қўшма гапнинг турлари мана шу асосда белгиланади.

Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро тенг муносабатда бўлади, фикр ифодалаш нуқтаи назаридан ҳам мустақилликка эга бўлади.

Эргаш гапли қўшма гаплар ичидаги содда гаплардан бири — бош гап мана шундай мустақилликни сақлаган бўлак ҳи — собланади, иккинчиси — эргаш гапда эса бундай белги куч — сизланган бўлиб, унда бош гапни тўлдириш, аниқлаш, изоҳлаш белгилари кучли бўлади. Эргаш гаплар бош гапни турли жи — ҳатдан характерлайди, турли мазмун муносабатлари қўшади:

*Дарвоза тарақлаб очилди—ю, қушдек учиб раиса кирди.*

Қўшма гап қисмлари тенг ҳуқуқли, лекин ҳар икки қисм бирикиб, кўзланган фикрни реаллаштирган, қисмлар боғловчи (—ю юкламаси) воситасида боғланган.

Қиёслайлик:

Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўпка—лама. (Навоий).

1. Дарак гап. 2. Қўшма гап, эргаш гапли қўшма гап. 3. Шарт формаси (—са) орқали боғланган. 4. Ундалма, кириш сўзлар йўқ. 5. Гап бўлақларини аниқлаш:

*Халқ сени ҳимоя қилмаса, бунинг учун сен халқдан ўпкалама.*

Шундай қилиб, эргаш гапли қўшма гап қисмлари тобе — ланиш (эргашини) йўли билан туташади: бир қисми (бош гап) тузилиши, шаклланиши жиҳатидан мустақил содда гапга ўх — шаш бўлади ва синтактик жиҳатдан бошқа қисмни (эргаш гапни) ёки бир неча қисмни ўзига тобе қилади. Эргаш гапли қўшма гап таркибидаги қисмлар ўзаро тобеловчилар — эргаштирувчи боғловчилар, сўз формалари ва нисбий сўзлар воситасида бирикади.

Содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз, фақат оҳанг билан — гина бирикиб, боғловчисиз қўшма гапни ташкил қилади.

Боғловчисиз қўшма гап қисмлари боғловчили қўшма гап қисмларига нисбатан анча зич боғланади. Улар мустақил содда гаплар эмас.

Боғловчисиз қўшма гаплардаги қисмлар (содда гаплар) бир — биридан санаш оҳангига ўхшаш тугалланмаган оҳанг билан ажралиб туради. Бу оҳанг сабаб, чоғиштириш, шарт от — тенкасини, воқеаларнинг кетма — кет ёки бир вақтда юзага келишини кўрсатади. Боғловчисиз қўшма гапларнинг синтактик жиҳатдан таҳлили қуйидагича амалга оширилади: масалан,

Тоғнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан (Мақол).

1. Дарак гап. 2. Қўшма гап. Боғловчисиз боғланган қўшма гап. 3. Қисмлари тугалланмаган оҳанг билан ажратилади: оҳанг воситасида боғланган. 4. Ундалма, кириш сўз ва киритма гап — лари йўқ. 5. Гап бўлақларини аниқлаш:



Тоғнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан.

Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари, шу қисмларнинг мазмуни ва оҳангига кўра, вергул, икки нуқта ва тирелар билан ажратилиб кўрсатилади. Таҳлил жараёнида тиниш белгиларининг вазифаси ҳам кўрсатилиши керак. Қўшма гапнинг қисмлари орасида сабаб мазмун муносабати бўлса, икки нуқта қўйилади: Тоғ яқинлашиб қолди: онда — сонда хўрозларнинг қичқириғи эшитила бошлади (С.З.).

Воқеаларнинг кетма — кет ёки бир вақтда юзага келиши ифодаланса, қисмлар орасига тире қўйилади: Сув келди — нур келди (Мақол).

Чоғиштириш, қиёслаш оттенкалари ифодаланса, вергул қўйилади: Тоғнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан (Мақол).

Демак, боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмуний муносабати оғзаки нутқда оҳанг, ёзувда тиниш белгилари орқали ифодаланади.

### Асосий адабиётлар

1. Фуломов ва б.лар. Ўзбек тили ўқитиш методикаси, Т., "Ўқитувчи", 1975.
2. Қодиров, У.Долимов, М.Аъламова. Ўзбек тили ва адабиёти, Т., "Ўқитувчи", 1993.
3. Қодиров. Кириш имтиҳонларида грамматик разбор, Т., ТошДУ нашри, 1985, 1989.
4. Т.Қудратов, Т.Нафасов. Лигвистик таҳлил, Т., "Ўқитувчи", 1981.
5. А.В.Текучев. Грамматический разбор в школе, М., 1963.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БОҒЛАНИШЛИ НУТҚИ УСТИДА  
ИШЛАШ

**Нутқ турлари.** Одам нутқ ёрдамида ўзининг фикрлари, ҳис—туйғулари, истакларини баён этади ва бошқаларнинг фикрлари, ҳис—туйғулари, истакларини англаб олади.

Инсон нутқи ранг—баранг. Дўстларнинг суҳбати ҳам, сўзлаётган кишининг чақириғи ҳам, санъаткорнинг саҳнадаги монологи ҳам, ўқувчининг маълум бир сўроққа қайтараётган жавоби ҳам нутқдир.

Шароитга қараб нутқ турли хилда намоён бўлади. У баъзан истак—тилак, баъзан чақириқ—мурожаат, баъзан эса инсон қувончи ёки руҳий изтиробни шаклида ифодаланади.

Нутқ ички ва ташқи кўринишларга эга. **Ички нутқ** одамнинг ўз ичида гапирадиган пассив нутқи бўлиб, у иккинчи кишининг иштирокини талаб этмайди. Шунинг учун ҳам бу нутқ ўз—ўзига қаратилган нутқ саналади ва уни назорат қилиб бўлмайди. Ички нутқ оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси сифатида хизмат қилади. Шунинг учун она тили таълими жараёнида ички нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Фикрни бир жойга тўплаш, нималар хусусида фикр юритиш кераклигини белгилаш, баён қилинадиган асосий фикрнинг моҳиятини англаш, ички нутқни ривожлантиришда муҳим омилдир. Она тили машғулотида бажариладиган мустақил ишларнинг ҳаммаси ички нутқ ҳолатида бошланиб, кейин ташқи нутқ шаклида намоён бўлади. Айниқса, иншо, баён ёзишдан олдинги жараён ички нутқ намунасида. **Ташқи нутқ** бошқаларга қаратилган ва назорат қилиш мумкин бўлган фаол нутқ бўлиб, у оғзаки ва ёзма шаклларга эга.

**Оғзаки нутқ** одатдаги товушли сўзлашув нутқи бўлиб, бу нутқ кўпроқ оҳанг ва турли имо—ишоралар билан алоқадор—дир. Унда мураккаб грамматик қурилмалардан деярли фой—даланилмайди. Ўқувчи оғзаки нутқда кўпроқ содда гапларни қўллайди: у ўз суҳбатдошига ниманидир кўрсатиши, мантиқий ургудан фойдаланиб, маълум бир сўзни алоҳида таъкидлаши, ниманидир мимика, қўл, кўз, бош ҳаракати билан англаштириши мумкин. Оғзаки нутқда фикрни ихчам ифодалаш мақсадида ўлиқсиз гаплардан фойдаланилади. Нутқнинг бу тури бир ёки бир неча киши томонидан амалга оширилади ва монолог, диалог ва полилогик шаклда намоён бўлади.

**Ёзма нутқ** эса ҳарф ва сўзларнинг маълум қонуният асосида ўзаро бирикуви, тиниш белгилари, ҳар хил ажратиш — лар: абзацлар, параграфлар ва гапларни грамматик жиҳатдан аниқ ва тушунарли баён қилиш орқали воқеланади. Ёзма нутқ ҳам оғзаки нутқ сингари монологик, диалогик ва полилогик шакллarga эга.

Монологик нутқ бир кишининг бошқаларга қаратилган нутқи бўлиб, у ҳимоя қилиш, хабар бериш, ўқилганни қайта сўзлаб бериш, ўзи савол бериб, ўзи жавоб бериш шаклида намоён бўлади.

Диалогик нутқ икки киши ўртасида амалга оширилади. Полилогик нутқ эса кўп кишининг нутқидир. Нутқнинг бу кў — ринишлари ўзига хос хусусиятларга эга. Аввало, бу нутқ тур — лари кенг жумлаларни талаб этмайди. Шунинг учун диалогик ва полилогик нутқ таркибида тўлиқсиз гаплар жуда кўп бўлади. Бундай нутқ таркибида сўроқ ва ундов гаплар ҳам учрайди. Гаплар кўпинча ўзининг қисқалиги билан ажралиб туради. Оғзаки диалогик ва полилогик нутқда сўз билан ифодалаш қийин бўлган бир қатор воситалар: мимика, имо — ишоралар, оҳанг ҳам ишга солинади. Фикрни беришда ўқувчиларда бу воситаларни тарбиялаш ҳам она тили ўқитишнинг муҳим ва — зифаларидан биридир.

Таълим жараёнида кўпинча диалогнинг кенг тарқалган кўриниши — суҳбатдан фойдаланилади. Бу, одатда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотдир. Нутқнинг бу кўриниши тугал — ланган жумлалардан фойдаланиш билан ажралиб туради.

Нутқнинг иккинчи тури **ёзма нутқдир**. Ёзма нутқ устида ишлаш оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб жараёндир. Чунки у ўқувчидан грамматик ва мазмун жиҳатидан тўғри жумла қуришни, ҳар бир сўзни ўз ўрнида тўғри қўллашни, фикрни ихчам, изчил, ифодали, услуб жиҳатидан содда ва ра — вон ифодалашни, баён қилинган фикрлар асосида хулосалар чиқаришни талаб этади. Бу нутқ турининг \*мураккаб табиати ҳам шундаки, у имло, тиниш белгилари ва услуб билан боғлиқ. Сўзни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини ўринли қўллаш, фикрни услуб талабига мувофиқ баён қилиш ўқувчидан катта масъу — лиятни талаб этади.

Ёзма нутқ текширилади, тузатилади, такомиллаштирилади — ди, бу жиҳатдан у оғзаки нутққа қараганда анча қулай имко — ниятларга эга. Ўқувчи ёзма нутқдаги хато ва камчиликлар устида ишлайди, уларни бартараф этади, кейинги ишларда бу

хато ва камчиликларга йўл қўймасликка интилади. Ёзма нутқ — даги имло ва тиниш белгилари устида ишлаш матн мазмуни устида ишлаш билан қўшилиб, бир яхлитлик ҳосил қилади.

**Ўқувчилар нутқига қўйиладиган асосий талаблар.** Ин — сон бутун умри давомида ўз нутқини такомиллаштириб боради. У тилимизнинг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш ор — қали нутқнинг гўзал, равон, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Бу жараён, айниқса, болалик даврида самарали ке — чади. Кичик болалик давридан бошлаб у алоқа — аралашувга эҳтиёж сезади; ўзгаларнинг фикрини тинглаш ва ўз фикрини баён қилишга тобора кўпроқ зарурият сеза бошлайди.

Аввало шуни қайд қилиш лозимки, мактабда ўқитилади — ган барча ўқув фанлари ўқувчи нутқи устида ишлашга йўл очади. "Она тили " ўқув фани сифатида ана шу имкониятларни бирлаштириб, ўқувчининг фикр ифодалаш малакаларини ри — вожлантиради. Уни тилимизнинг гўзал оламига олиб киради, нутқни яхшилаш, бойитиш, унга бадиий бўёқ бериш, нафосат бағишлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчи нутқига бир қатор муҳим талаблар қўйилади:

Ана шу муҳим талаблардан бири *нутқнинг нутқ шароитига мослигидир*. **Нутқ шароити** деганда нутқ яратилаётган пайтда сўзловчи ва тингловчининг шароити тушунилади. Бу шароит беҳад кўп таркибли, серқирра бўлиб, сўзловчи ва тингловчини нутқ пайтида қуршаб турган барча нарса — буюм, ҳолатлардан тортиб, уларнинг билим савияси, касб — кори, сўзловчининг мақсади ва имкониятларигача бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади.

Нутқ шароити нутқ шаклини белгилашда жуда муҳим омилдир. Чунончи, бир — биридан узоқ турган сўзловчи ва тингловчи фақат ёзма нутқ (хат, мактуб, ахборот, воқеанавис — лик в.х.) воситасида фикр алмаштира олади. Табиийки, бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бир — бирига яқин турган сўзловчи ва тингловчи орасида фикр алмашишнинг энг қулай йўли оғзаки нутқдир. Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўз нутқ шароитларига яраша хилма — хил хусусиятлари бор. Чунончи, сўзловчи битта, тингловчи кўп бўлса, сўзловчининг баланд овозда тўхтама (паузала)рга риоя қилиб, имо — ишоралардан камроқ фойдаланиб, фикрни изчил ва бир — бирига боғлиқ равишда баён қилиши талаб этилади. Бундай нутқнинг ўзига хос кўриниши ўқувчининг назарий масалаларни ёритиш ёки уй топшириқларини бажариш жараёнидаги жавобларида,

шингизга, ўқитишнинг энг самарали метод, восита ва усулла — рини танлашингизга, фаолият маҳсулини назорат қилишин — гизга ёрдамлашади.

Ўқувчига ўз она тилини ўргатиш тафаккур билан чам — барчас боғланган. Чунки тил ҳодисаларининг ўқувчи онгида воқеланиши тафаккур орқали юзага чиқади. Тил ва тафак — курнинг алоқадорлиги она тили дарсларида ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш муаммосини ҳал қилишга кўмаклашади.

Маълумки, фалсафада ҳар бир умумий тушунча якка, жузъий тушунчалар йиғиндисидан таркиб топади, деган қоида мавжуд. Она тили машғулотларида ўқувчи фаолиятини ташкил этишда ҳам биз худди шу қоидага асосланамиз. Муайян бў — лакларга ажратилган тил ҳодисаларини кузатиш, уларнинг би — рини иккинчиси билан таққослаш орқали ўқувчи умумий таъ — риф, қоида ва хулосаларга келади.

Фалсафа фикрлаш ва ривожланишни ўзаро уйғунликда қарайди. Шарқнинг буюк энциклопедист олимлари (Умар Хайём, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино в.х.) ривожланишни фикрлашнинг маҳсули деб била — дилар. Масалан, Умар Хайём ўзининг "Математик трактат — лар"ида "Озгина ўйла, ўзинг топасан", "Озгина фикрла, билиб оласан" сингари хитоблари орқали маълумдан номаълумга бо — риш ғоясини илгари сурган.

Тил материаллари ўқувчи томонидан ижодий фикрлаш орқали эгалланган бўлса, у амалий аҳамиятга молик билим, кўникма ва малакалар бўлиб саналади.

Шуни унутмаслик лозимки, тил ҳодисаларининг моҳия — тини англаш, улар орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш, тил имкониятларидан нутқий фаолиятда фойдаланиш сингари зарурий малакалар ижодий фикрлаш орқали рўёбга чиқади.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг тилшунослик фанлари билан алоқаси.** "Она тили ўқитиш методикаси" гар — чанд педагогик циклдаги фан саналса — да, аммо унинг илмий асосини тилшунослик фанлари ташкил этади. Тил илми соҳа — сида қўлга киритилган ҳар бир илмий ютуқ, шубҳасиз, мактаб она тили курсининг мазмунига таъсир кўрсатади; зарурият туғилганда уни янгилаш эҳтиёжини юзага келтиради. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслик лозимки, тилшуносликда фан эришган барча ютуқларни умумий ўрта мактаб ўқувчисига ўргатишнинг иложи йўқ ҳамда бунга эҳтиёж ҳам сезилмайди.

маълум бир мавзунинг синфда, бирор йиғинда очиб беришдаги нутқда ўз аксини топади. Шунинг учун бундай нутқда фикр изчиллиги, гапларнинг ўзаро тўғри боғланиши, боғловчилар, олмашлар, соҳа атамалари, овоз тембри, оҳанг кабиларни тўғри қўллашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўқувчининг бундай нутқи узундан — узоқ жумлалардан, ортиқча сўзлардан, одат тусига кириб қолган такрорлардан холи бўлишига, нутқ яратилаётган пайтда ўқувчининг сўзлов — чиларга нисбатан қандай туришига, қўл, кўз, бош, бўйин, оёқ ҳаракатларига алоҳида эътибор бериш керак.

Нутқ шароитининг муҳим таркибий қисмларидан бири сўзловчининг тингловчилар савиясини ҳисобга олишидир. Халқимиз қадимдан бунга жуда катта эътибор берган. Шунинг учун "Сўзни айтгин уққанга" мақолида нутқни тингловчиларга тушунарли қилиб баён этиш зарурияти таъкидланган.

Диндорлар орасида бир ривоят кенг тарқалган. Тасаввуф илмининг буюк намояндаларидан бири Мансур Халлож (858 — 920 йиллар) дунёқарашига биноан ҳар бир одам ҳақнинг бир заррасидир. Шунинг учун у "Аналҳақ" (Мен ҳам ҳақман) деб айтган. Уни худоликка даъво қилишти деб, бу сўзи учун дорга осиб ўлдирганлар. Шунда бировлар Мансур Халложни ҳақ, тўғри, бошқалар эса ноҳақ, нотўғри деб баҳолаган. Муридлари Мансури Халложнинг ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш мақсадида буюк олим Абдулло Ансорийга мурожаат қиладилар. Ансорий бу ҳақда лўндагина жавоб беради: "Сўзни тушунганга айтиш керак". Агар Мансури Халлож олимлар ёки фозиллар орасида, яъни "Аналҳақ" маъносини тушунадиганлар даврасида шу гапни айтганида уни ўлдирмасликлари мумкин эди. Бу гапни тушунмайдиган авом олдида айтиш, "Мен ҳақман" дейиш ху — доликка даъво қилиш билан тенг ва бундай шахс шарият ҳукмига кўра ўлдирилиши лозим экан.

Ривоятдан кўриниб турибдики, тингловчиларнинг савия — сини ҳисобга олиш фақат нутқ тақдирини эмас, балки нотик тақдирини ҳам ҳал қилади. Шунинг учун ўқувчиларда ўз фикр — рини тингловчининг савияси, ёши, мавқеини ҳисобга олган ҳолда баён қилиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг учун ўқувчилар билан айни бир фикрни (ахборотни, тилак — истакни в.ҳ.) ўзидан кичикларга, тенгқўрларга, ўзидан катталарга, яқинларга, яқиндан таниш бўлмаган шахсларга ифодалаш устида мунтазам иш олиб бо — ришга тўғри келади. Болаларни мактублар ёзишга ўргатиш

айни бир фикрни турли кишиларга турли хилда баён этиш кўникмаларини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Ўқувчилар нутқига қўйиладиган яна бир муҳим талаб *мазмундорликдир*. Шунинг унутмаслик лозимки, нутқ нутқ ша — роитига мос тушса, у мазмунли бўлади. Ўқувчи фақат билган нарсаларини, ўзи хабардор бўлган воқеа — ҳодисаларни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри баён қилиши мумкин. Аниқ далиллар ўқувчининг шахсий кузатиш ёки таассуротлари, ҳис — туй — гулари асосида юритилган фикригина ўзгалар диққатини ўзига тортади. Мазмунсиз фикр на шахснинг ўзига, на ўзгаларга ёқади. Ўқувчига ўзи ўқиган, кузатган, билган нарсалар ёки воқеа — ҳодисалар хусусида ёзиш анча осон кечади.

Сухбат, ҳикоя, иншо учун ўқилган бадиий асарлар, томоша қилинган сахна асарлари ва кинофильмлар, шахсий кузатиш ва таассуротлар, кундалик ҳаёт воқеалари бой ма — териал бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчи нутқига қўйиладиган талаблардан яна бири фикрнинг *мантиқан тўғри, аниқ ва изчил бўлишидир*. Нутқда ҳар бир фикр мантиқан асосланган бўлсагина, унинг таъсир — чанлиги ортади. Бу ҳар бир ўқувчидан нарса, воқеа — ҳодисага синчковлик билан қараш, уларнинг ҳар бирига тўғри баҳо бера олиш, шу йўл билан нутқни мунтазам ва изчил қуриш, уни исботлай билишни талаб этади. Ўқувчи фикрни баён этаёт — ганда бир фикрни иккинчиси билан мантиқан тўғри боғлай олиши, мавзуга алоқадор бўлган асосий фикрларни иккинчи даражали фикрлардан фарқлай билиши, қайтариқ фикрларга йўл қўймаслиги керак.

**Нутқ — мантиқий фикрлаш маҳсули.** У таққослаш, гу — рухлаш, умумлаштириш каби ақлий фаолият усуллари билан чамбарчас боғланган.

Таққослаш шундай бир мантиқий усулдики, у билан моддий оламдаги нарсалар ва воқеаларнинг бир — бирига ўх — шашлиги ва бир — биридан фарқи аниқлаб олинади; шу асосда муҳим хулосалар чиқарилади. Ўқувчи бу фаолият усулидан фойдаланмай туриб, мантиқан тўғри фикр юрита олмайди.

Нутқнинг мантиқан тўғрилиги эса аввало фикрларнинг аниқ ва бир — бирига изчил боғланганлиги, мавзудан четга чиқмаслик, мазмунда мантиқий зиддиятлар ва пойма — пой, мужмал жумлалар бўлмаслиги, ҳукм ва хулосалар асосли, ишонарли бўлиши демакдир.

Ўқувчи нутқига қўйиладиган яна бир муҳим талаб унинг **бой ва ранг-баранглигидир**. Нутқнинг бой ва ранг-баранг-лиги аввало фикрни баён қилишда ўзбек тилининг лексик им-кониятлари: маънодош, уядош ва қарама-қарши маъноли сўзлардан, тасвирий ифода ва иборалардан, "сўз-олмош", "сўз-ибора", "сўз-тасвирий ифода", "сўз-рамзий белги" синонимияларидан унумли фойдаланишда, нутқнинг бадий қимматини оширувчи воситалар: мақол ва маталлардан, улкан шоир ва ёзувчиларнинг афоризмга айланиб қолган иборалари ва жумлаларидан, бадий асарлардан олинган парчалардан, ўзбек халқининг қочириқ сўзлари ва кўчма маъноли сўзлари — дан, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, истиора, муболаға каби бадий тил воситаларидан, риторик сўроқли гаплардан фойдаланишида намоён бўлади. Тилнинг бу тасвирий воситалари нутққа гўзаллик, жозоба ва ранг-баранглик бахш этади.

Ўқувчи нутқига қўйиладиган талаблардан яна бири унинг **аниқ бўлишидир**. Нутқнинг аниқлиги бу фақат нарса, воқеа — ҳодисани тасвирлаш ёки баён қилиш эмас, балки шу нарса, воқеа — ҳодиса учун хос бўлган белгиларни аниқлаш, уларнинг тасвирига мос тушадиган сўз, сўз бирикмалари ва гаплар танлашдан ҳам иборатдир. Аниқлик нутқнинг бойлиги ва ранг-баранглиги билан чамбарчас боғланган. Маълум бир мазмуни турли шаклларда бера билиш, нутқ шароитига мос тушадиган тасвир усулини танлаш нутққа аниқлик киритади.

**Оҳангдорлик** ҳам ўқувчи нутқига қўйиладиган муҳим талаблардан биридир. Оҳанг ўқувчи нутқининг таъсирчанлигини ошириш воситаси саналади. Шунинг учун шеърини асарлар, насрий парчаларни оҳангдорликка амал қилган ҳолда ўқий олиш малакаси ҳам ўқувчи нутқига қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб ҳисобланади. У оҳанг ёрдамида нутқни синтагмаларга бўлади, мантиқий урғуни ўринли қўллайди. Шу сабабли, ифодали ўқиш малакалари фақат адабиёт дарслари — дагина эмас, балки она тили машғулотларининг ҳам таркибий қисмига айланмоғи лозим.

**Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғри қурилган бўлиши** ҳам унга қўйиладиган муҳим талаблардан биридир. Ўқувчи сўз, сўз бирикмаси ва гапларни бир — бирига боғлаш, келишик ва эгалик қўшимчаларини ўринли қўллаш, гапнинг эга ва кесими — минини мослаштира билиш каби малака ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.



Нутққа қўйиладиган яна бир муҳим талаб унинг **соддалиги ва софлигидир**. Содда нутқ аввало тушунарли бўлади. Нутқнинг тушунарли бўлиши, бир томондан, фикрни лўнда, аниқ баён қилиш, тушунарли бўлмаган ғализ жумлалардан сақланишда намоён бўлса, иккинчи томондан, тингловчининг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқдир. Демак, ўқувчи фикрни ҳам содда, равон баён қилиши, ҳам ўзгалар фикри моҳиятини англаб, уни тушуниш имкониятига эга бўлиши керак.

Нутқнинг софлиги аввало унинг тозалиги демакдир. Маълумки, ўқувчилар нутқида ҳар хил қайтариқлар, ортиқча жумлалар, ўзбек адабий тилига хос бўлмаган сўзлар кўп учрайди. Нутқни бундай сўзлардан тозалаб бориш, фикрни соф адабий тилда, унинг бой имкониятларидан фойдаланиб баён қилиш она тили машғулотларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган талаблар бир — бири билан ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, ўқувчи яхши нутққа фақат шуларнинг ҳаммасига амал қилиш орқали эришади. Шунинг учун она тили дарсларида нутққа қўйилган талабни ҳисобга олиб, иккинчисини унутиш ёки бир талабни қуйи синфда, иккинчисини кейинги синфда қолдириш мумкин эмас. Бу талабларга доимий ва қатъий амал қилинсагина нутқ ўстириш самарали кечади.

**Она тили машғулотларида матн билан ишлаш.** Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмунан бирикишидир. "Қиш. Қор ёғяпти." шаклидаги учтагина сўзнинг мазмунан бирикишидан тортиб, бутун бошли бадиий романлар, йирик трилогиялар ҳам матн саналади. Ҳар бир матн маълум бир нарса, воқеа — ҳодисани тасвирлайди; у ҳақда хабар беради; сўзловчининг муносабатини ифодалайди.

Матн ўз тузилишига кўра гап, мураккаб синтактик буғунлик, хат боши, бўлим, қисм, боб ва параграфлардан ташкил топиши мумкин. Ўқувчилар томонидан яратиладиган матнлар эса асосан гап, хат боши ва муайян кичик қисмлардан иборат бўлади. Бу бирликлар, албатта, матн ҳосил қилишга иштирок этади ва уни шакллантиришда муҳим аҳамиятга молик бўлади.

"Матнлар, — деб қайд қилинади ўқув дастурида, — хил — ма — хилдир. Уларнинг аниқ тур ва кўринишлари қисман дарсликларда берилса, асосан ўқитувчи томонидан белгиланади." Шунинг учун дастур ўқитувчига дарсликдаги матнларни ўз диди, талаби, шароитга қулайлиги билан бемалол алмаштириш, ўқитиш жараёнини том маънодаги ижодийлик ва изланувчанлик асосида қуришга тўлиқ имконият беради.

"Она тили" дарсликларида берилган матнларни: а) таъли — мий — маърифий матнлар ҳамда б) таълимий — тарбиявий матнлар сингари икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Таълимий — маърифий матнлар она тилининг грамматик қурилиши, лисоний тушунча ва таърифлар шарҳига оид матнлар бўлиб, назарий билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилди — ришда муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, V синф дарслигида берилган "Тилшунослик фани" (162 — машқ), "Нутқ" (166 — машқ), "Нутқ товушлари" (168 — машқ), "Адабий талаффуз ва имло" (177 — машқ), "Нутқ беазаги" (224 — машқ), "Кенг қўлланишли ва тор қўлланишли сўзлар" (277 — машқ) шундай матнлар сирасига киради.

Таълимий — тарбиявий матнлар эса ҳам билим беришни, ҳам тарбиялашни кўзда тутаяди. Бундай матнлар сирасига "Алишер билан булбул" (41 — машқ), "Илм ва амал" (161 — машқ), "Баҳри — байт" (181 — машқ), "Сўз кўрки — мақол" (249 — машқ), "Анор" (264 — машқ), "Алишернинг зукколиги" (274 — машқ) сингариларни киритиш мумкин. Ҳар бир машғулотда ўқувчилар томонидан яратиладиган матн тўла — тўкис ижодийдир. Она тили дарси — рида улар ҳосил қилинган назарий билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллаб матн яратишлари, берилган мавзу асосида кичик иншо ёзишлари мумкин.

Матнлар ўслуб жиҳатидан ранг — барангдир. Она тили машғулотида бадий, публицистик, илмий ва расмий — идора — вий матнлардан фойдаланилади. Ҳар бир услуб ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум бир тил меъёрини талаб этади.

**Бадий услубда** ёзилган матнларнинг ўзига хос хусусияти уларда тасвирийлик ва таъсирчанликнинг кучлилигидир. Ўқувчи бадий матн яратишда табиат ва ижтимоий борлиққа нисбатан эркин муносабатда бўлади; унинг моҳиятини очиш учун турли — туман лексик бирликлар (кўчма маъноли сўзлар, маънодош ва қарама — қарши маъноли сўзлар, тасвирий ифода ва фразеологик бирликлар, адабий тилнинг тасвир воситалари: ўхшатиш, муболаға, кучайтириш, жонлайтириш кабилар) дан ўз имкониятига қараб бемалол фойдалана олади. Бадий матн ўқувчиларда бадий дидни шакллантиради. Ўқувчи бундай матнлар орқали гўзаллик ва нафосат оламига киради; ўз қувончи ва ташвишлари билан ўртоқлашади; сеvimли қаҳрамонларига эргашади.

**Публицистик матн** кўпроқ матбуотга хос бўлиб, у хабар, мақола, тақриз, репортаж кабиларда намоён бўлади. Она тили машғулотида ўқувчиларни публицистик матнлар яратишга

ўргатиш учун аввало уларни бу усулнинг тил хусусиятлари устида ишлашларини ташкил этишга тўғри келади. Публицист — тик матннинг тили аниқ, равон, ихчам, жонли бўлиб, у нутқ — нинг таъсирчанлиги ва оммабоплигини таъминлайди.

Она тили машғулотида **илмий матнлардан** ҳам кенг фойдаланилади. Ўқувчилар яратадиган илмий матнларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) соф илмий матнлар; б) илмий — оммабоб матнлар. Соф илмий матнлар фақат маълум бир со — ҳага доир тушунчалар асосида яратилади. Илмий — оммабоб матнлар эса кўпчиликка тушунарли бўлиб, айрим мураккаб тушунчаларга изоҳ берилади.

Матннинг энг олий кўриниши **иншодир**. У мустақил яра — тиладиган ўзига хос ижодий асар бўлиб, ўқувчи фаолиятининг энг мураккаб кўриниши ҳисобланади.

Иншода боланинг ўзлиги намоён бўлади. Унинг тафак — кури, дунёқараш, нарса, воқеа — ҳодисаларга муносабати, тар — бияланганлик даражаси, мустақил турмушга тайёрлиги ёзган иншосидан маълум бўлади. Бошқача айтганда, иншо ўқув — чининг қиёфасини ўзида акс эттирувчи кўзгудир. Бу кўзгу орқали у нафақат ўзини кўради, балки бошқаларга ўзлигини танитади.

Иншо ўқувчининг она тилидан эгалаган билимларини ўзида мужассамлаштиради. Тил ҳодисалари иншо орқали ўқувчининг ижодий — амалий фаолиятига кўчади. Шунинг учун она тили ўқитувчилари дарсда мустақил ишнинг бу муҳим турига алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Иншо сарлавҳани тўғри белгилашдан бошланади. Тўғри танланган сарлавҳа иншонинг муваффақиятли чиқиши учун ташланган илк қадамдир. Мавзу танлашга ўргатиш бошланғич синфлардаёқ бошланади. Берилган матнни бир неча мустақил қисмга ажратиш, уларнинг ҳар бирига сарлавҳа топиш, бир матнга бир неча сарлавҳа танлаш каби ишлар фақат бошланғич синфларда эмас, балки кейинги босқичларда ҳам давом этти — рилади.

Сарлавҳа иншода ёритилган фикрларга мувофиқ келиши ва унинг мазмунини тўла қамраб олиши лозим. Кузнинг ши — рин — шарбат мевалари хусусида фикр юритиб, унинг сарлав — ҳасини "Полизда" ёки "Қовун пишди" деб атаб бўлмайди. У албатта, "Куз саховати", "Мевалар фарқ пишди", "Куз неъмат — лари" каби номлар билан аталиши лозим.

Иншони тўғри номлаш учун ундаги асосий фикрни аж- рата олмақ ҳам керак. Ўқувчи нималар ҳақида ёзишини аниқ тасаввур этмай туриб, уни тўғри номлай олмайди.

Ўқувчи мавзу талабини тўғри англаши ҳам лозим. Маса- лан, иншо мавзуси "Таътил кунларининг бирида" деб номлан- ган бўлса, ўқувчи бутун баҳорги, қишги ёки ёзги таътил ҳақида фикр юрита олмайди. Мавзу "Менинг севимли қаҳрамоним" деб номланган бўлса, ўқилган асарлардаги барча қаҳрамонлар ҳақида фикр юритиб бўлмаслиги аниқ.

Иншога материал тўплаш ҳам уни тўғри ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир ўқувчи борлиқни, ундаги нарса, воқеа — ҳодисаларни, теварак — ат- рофни, одамларни, бадий асар қаҳрамонларини ўз кўзи билан кўради. Демак, ҳар бир ўқувчи иншога ўзича материал тўп- лайди. Иншо учун асосий материал бу аввало ҳаётнинг ўзи, унинг китоблардаги, санъатдаги ифодасидир. Шунинг учун ҳар бир ўқувчида кузатувчанлик хусусияти тўла шаклланган бў- лиши лозим. Кузатиш бевосита ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Ўқувчи иншо ёзиш учун борлиқни кузатар экан, демак у нималар ҳақида фикр юритиш лозимлигини ўйлайди ва шунга мувофиқ келадиган материалларни йиғади.

Иншо учун материал тўплашда манба муҳим аҳамиятга эга. Масалан, расм асосида материал тўплаш, борлиқни куза- тиш ёки бадий асар асосида материал тўплашдан фарқ қи- лади. Расм асосида материал тўплаётганда кўпроқ рассомнинг мақсади, унда тасвирланган нарса, воқеа — ҳодисалар, ранг- ларнинг танланиши, тасвирнинг диққатга сазовор томонлари ва камчиликлари сингариларга кўпроқ эътибор қаратилса, ба- дий асар асосида материал тўплаётганда ёзувчининг мақсади, асарда ишгирок этган шахслар, ёзувчи ёки шоирнинг образ яратиш маҳорати, асардан чиқариладиган ҳулоса кабилар марказий ўринни эгаллайди.

Тўпланган материални тартибга солиш ва уни муайян изчилликда бера олиш ҳам ўқувчи учун ўта зарур малакалар- дан бири саналади. Тартибга солиш бу аввало тўпланган мате- риални саралаб, унинг ичидан ёритилаётган мавзу учун за- рурини ажратиш, уларни мантиқий изчилликда жойлаштириш демакдир. Бу ишда ўқувчига пухта ўйлаб тузилган режа яхши ёрдам беради.

Ёзилган иншони такомиллаштириш, унда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳам ўқувчилар учун ўта зарур малакалардан биридир. Матнни такомиллаштириш бу имловий, пунктуацион хатолар устида ишлашдангина иборат эмас, балки мазмунни такомиллаштиришни ҳам ўз ичига қам — раб олади. Ўқувчи ёзган иншосини таҳлил қилишга қизиқиши, бу ишга эҳтиёж сезиши, хатони тузатиш усуллари билиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқувчи ўз ишидаги хатоларни аниқлашдан кўра, ўзгалар ишидаги хатоларни тезроқ топади. Шунинг учун уларга баъзида бир — бирларининг ишларини текширишни топшириш ҳам мумкин.

Ёзилган иншони такомиллаштириш учун ўқувчи уни диққат билан ўқиши, мазмун устида ишлашни, имловий, ишоравий ва услубий хатолар устида ишлаш билан бирга амалга ошириш малакаларига эга бўлиши керак.

Ўқувчилар иншоси тур жиҳатидан ҳам жуда хилма — хилдир. Педагогик мақсадига кўра ўқувчилар иншосини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) таълимий иншолар;
- 2) назорат қилишга қаратилган иншолар;
- 3) кўрик — танлов иншолари.

Улар ўзаро чамбарчас боғланган. Таълимий иншолар айти вақтда назорат учун ҳам хизмат қилади. Ҳар қандай назорат қилишга қаратилган иншо таълимий мақсадни кўзлайди. Кўрик — танлов учун ёзилган иншолар ҳам таълимий мақсад, ҳам тарбиявий мақсадга қаратилган.

Мавзу танлаш, асосий ғояни белгилаш, материал йиғиш, режа тузиш, шу асосда тўпланган материални саралаш, фикрни муайян изчиликда баён қилиш, ёзилганларни такомиллаштириш каби ишлар барча турдаги иншолар учун хосдир.

Иншоларнинг асосий қисмини таълимий иншолар ташкил этади. Бундай иншолар, асосан, ўқитишга қаратилган, ўргатишни кўзлайдиган иншолардир. Тил ҳодисаларини амалда қўллашга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар деярли таълимий иншолар орқали шакллантирилади. Бу иншоларнинг қоралама ва оқлама нусхалари бўлмайди. Улар, одатда, ўқувчиларнинг машқ дафтарларида бажарилади. Шунинг учун, матндаги камчиликларни бартараф этиш ва уни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган шартли белгилардан ўқувчи ўз иншосида бемалол фойдаланиши мумкин.

Назоратга қаратилган иншолар, одатда, катта бўлимлар ўрганилгандан кейин, ёки чорак охири ва ўқув йилининг охирида ўтказилиши мумкин. Улар, асосан, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Шунинг учун иншо мавзуси олдиндан эълон қилинмайди, улар аввал қоралама нусхада бажарилиб, кейин такомиллаштирилгач, оққа кўчирилади. Одатда, назорат мақсадини кўзлаган иншоларга икки соат вақт ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Кўрик — танлов учун ёзилган иншолар синф ёки мактаб қолибларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Она тилидан иншо мавзулари олдиндан эълон қилинади; ўқувчилар кўрик — танлов шартлари билан таништирилади. Шубҳасиз, қолиб ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган бундай кўриклар ижодий ишга бўлган қизиқишни оширади.

Она тили машғулотида қўлланиладиган иншоларни мавзу жиҳатидан илмий, бадиий ва эркин мавзуларга ажратиш мумкин.

**Илмий иншолар.** Маълумки, мактаб ўқувчиларини илмий билим асослари билан қуроллантиради. Ўқув режасига киририлган барча ўқув фанлари болаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, табиат ва жамият ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини англашга ёрдам беради.

Илмий иншоларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда илм — фанга оид тушунчалардан кенг фойдаланишдир. Масалан, тилга оид илмий иншоларда *сўз, сўз бирикмаси, тасвирий ифода, турғун бирикма, эга, кесим, ҳол, уюшиқ бўлак* каби тушунчалардан кенг фойдаланилса, математикага оид иншоларда *кўпроқ қолдиқ, кўпайтма, тенглама, каср, маҳраж, илғиз чиқариш, бўлиш* каби тушунчалар қўлланилади.

Барча синфларда ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясини ҳисобга олган ҳолда илмий иншолардан фойдаланса бўлади. 5-синфда ўқувчилар она тили, математика, табиатшунослик, қадимги дунё тарихи, мусиқа, тасвирий санъат каби фанларни ўрганишар экан, демак, илмий иншолар ана шу ўрганилган мавзуларга оид бўлади. Бу синфда: "Қуёш ва табиат", "Биз математикадан нималарни ўрганамиз?", "Кўшиқ айтиш учун нималарга амал қилиш керак?", "Гриппнинг олдини олиш" каби мавзулар илмий иншо мавзуси сифатида танланиши мумкин.

Илмий иншолар учун энг асосий манбаа мактаб дарсликлари, турли энциклопедик луғатлар, газета ва

журналларда берилган илмий мақолалар, илмий мавзулардаги телекўрсатувлар бўлиши мумкин.

**Адабий иншолар.** Адабий иншолардан фақат адабиёт дарсларида эмас, балки она тили машғулотларида ҳам кенг фойдаланилади. У ёзувчи маҳоратини тушуниш, асар қаҳра — монлари оламига кириш, уларни бир — бири билан таққослаб, яхшилик ва ёмонликнинг туб моҳиятини англаш имкониятини беради. Бундай иншолар ўқувчидан бадиий нутқни талаб этади. У ана шу иншолар орқали ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға сингари бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш, маънони кучайтирадиган бўёқдор сўзларни қўллаш, товуш — ларни чўзиш орқали турли хил маъноларни ифодалаш каби бадиий нутққа хос баён усулларини ўрганади.

Адабий иншолар бадиий адабиёт намуналари асосида яратилади. Ўқувчилар ўрганилаётган тил ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда бадиий асарлар, улардаги қаҳрамонлар, баён қилинган қизиқарли воқеа — ҳодисаларни таҳлил қиладилар, уларга ўз муносабатларини билдирадилар.

**Эркин мавзудаги иншолар.** Бундай иншолар адабий иншоларга яқин туради. Бадиий адабиётдан яхши хабардор ўқувчигина эркин мавзуда қийналмай иншо ёзиши мумкин.

Эркин ва бадиий иншолар бир — биридан аввало асос — ланиладиган манба билан фарқ қилади. Адабий иншоларнинг манбаи адабий асарлар бўлса, эркин иншоларнинг манбаи серқирра ҳаётимиз, ўқувчиларнинг кузатиш ва таассуротлари бўлиши мумкин. Демак, эркин мавзуда ижод қилиш ҳаётни яхши тушуниш ва билишни, нарса, воқеа — ҳодисалар ҳақида етарли даражада маълумотга эга бўлишни, уларни бир — бири билан таққослаб, умумий хулосалар чиқаришни, ўқилган ба — диий асарлар, кўрилган кинофильм ёки телекўрсатувларни умумлаштириб, ҳукм ва хулосалар чиқаришни талаб этади. Шунинг учун эркин мавзудаги иншолар адабий иншоларга қараганда бир мунча мураккабдир.

Эркин мавзудаги иншо ўзига хос кичик насрий асар бў — либ, унда ўқувчининг ўзлиги кўпроқ намоён бўлади.

Юқорида тилга олинган иншо турлари ўзига хос ху — сусиятларга эга бўлиб, улар устида ишлаш усуллари ҳам бир — биридан фарқ қилади. Шубҳасиз, табиат тасвирини яратиш инсоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашдан тамомила фарқ қилади. Қуйида ҳар бир иншо турига алоҳида тўхталиб, улар устида ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишга ҳаракат қиламиз:

Модомики, шундай экан, "Она тили ўқитиш методикаси" фани ана шу тил илми соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан ни-мани ажратиб олиб ўқувчига ўқитиш лозимлигини ҳам ҳал қилади.

Мақтаб она тили курси ўзбек тили фонетикаси, лекси-каси ва грамматикасидан зарурий маълумотларни ўқувчилар-нинг ёши ва тараққиёт даражасига мос равишда уларга етқа-зишга хизмат қилади.

Тил бир бутун тизим бўлганлиги сабабли, мақтаб она тили курсининг бир бўлими иккинчиси билан чамбарчас боғ-ланган. Чунончи, тилнинг товуш тизими ўрганилар экан, айти вақтда сўз ва унинг маънолари, гапда сўзларнинг алоқага ки-ришиши хусусида ҳам маълумот берилади. Лексика ва грам-матика бўлимлари ўрганилар экан, фонетикадан берилган би-лим, кўникма ва малакаларга таяниб иш кўрилади.

Мақтаб она тили таълими нафақат "Ҳозирги замон ўзбек тили" курси, балки умумий тилшунослик, тил тарихи, шева-шунослик сингари фанлар билан ҳам алоқадор. Тил тарихидан хабардор ўқитувчи мумтоз адабий асарларнинг тил хусусият-лари устида ишлай олади, диалектологияни билган ўқитувчи эса адабий тил билан шевани қиёслаб, нутқдаги диалектал ха-толарнинг олдини олиши ёки бартараф этиши мумкин.

"Она тили ўқитиш методикаси" фани нутқ маданияти билан ҳам алоқадор. Зеро, нутқ маданияти асосларини пухта билган ўқитувчи ўқувчилар нутқи устида самарали ишлай олади.

"Она тили ўқитиш методикаси" фани ифодали ўқиш, адабиётшунослик фанлари билан ҳам боғлиқдир.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг дидактика билан алоқаси.** Маълумки, таълим жараёнининг умумий ва хусусий томонлари бор. Таълимнинг умумий томонини умумий дидактика, хусусий томонини хусусий дидактика ўрганади.

Умумий дидактика ўқитувчи ва ўқувчи фалоятининг ўзаро таъсирини ўрганади ва у барча ўқув фанлари учун ало-қадордир. "Она тили ўқитиш методикаси" умумий дидактика бўйича ўрганилганларни ойдинлаштиради; яъни умумий ди-дактикадан ўрганилган таълим мақсади, қонуниятлари, прин-циплари, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шаклла-рининг она тилини ўқитиш жараёнида воқеланишини аниқ-лайди.

Модомики шундай экан, "Она тили ўқитиш методикаси"



**Тасвирий иншолар.** Турмушдаги нарсалар, ҳаётдаги воқеа — ҳодисалар, одамлар, жамики жонли ва жонсиз мавжудотнинг муҳим белгилари, хусусиятларини ёритишга мўлжалланган иншолар тасвирий иншолардир. Иншонинг бу тури уч кўринишга эга. 1) оддий тасвир; 2) илмий тасвир; 3) бадиий тасвир.

**Оддий тасвир** ҳаммага тушунарли бўлган тасвир шаклидир. Ўқувчи нарса, буюм, воқеа — ҳодисаларни оддий сўзлар билан, ҳаммага тушунарли бўлган шаклда баён қилади. Бундай иншода тасвирланаётган нарсанинг ҳамма белгилари, бирин — кетин кўрсатилади, унда муаллифнинг муносабати ифодаланмайди ҳамда бадиий тасвир воситалари ишга солинмайди.

**Илмий тасвирда** турмушдаги нарса — буюмларнинг энг муҳим белгилари аниқ далиллар асосида қатъий мантиқий изчилликда берилади. Масалан, сув, пахта, қуёш в.ҳ.ларнинг илмий тасвири каби.

Илмий тасвирда тасвирланаётган нарсанинг номи, нима учун қўлланилиши, унинг нимадан тайёрланганлиги, қандай қисмлардан иборатлиги, шакли, ҳажми кўрсатилади.

**Бадиий тасвирда** нарсаларнинг ҳамма белгилари эмас, балки муаллиф учун муҳим ва аниқ бўлганларигина кўрсатилади. Бундай тасвирда ўқувчи ўхшатиш, жонлангириш каби тасвирий воситалардан, бадиий сўз ва иборалардан бемалол фойдалана олади. Тасвирий иншо ўқувчи томонидан яратилган мустақил кичик бадиий, ижодий асардир.

Она тили машғулотларида ҳаётдаги нарсалар, ҳайвонлар, воқеа — ҳодисалар: инсоннинг ташқи қиёфаси, табиат манзараси, маълум бир жойнинг (мас., синф хонаси, дарсхона в.ҳ.), тасвири яратилиши мумкин.

**Ҳаётдаги алоҳида нарсаларни тасвирлаш.** Турмушдаги алоҳида нарсаларни оғзаки тасвирлаш мактабгача даврда шакллана бошлайди. Бу муҳим иш бошланғич синфларда ҳам амалга оширилади ва она тилининг изчил курсини ўрганиш жараёнида давом эттирилади.

Ўқувчилар она тили машғулотларида ҳаётдаги истаган бир нарсани (мас., китоб, кундалик, ёзув столи, дераза, чизғич, чинор, дастрўмол) оддий, илмий ва бадиий тасвирини яратишлари мумкин.

Нарсаларнинг тасвирини яратишда натюрмортлар, уларнинг асл шаклидан унумли фойдаланса бўлади.

**Ҳайвонларнинг тасвирини яратиш.** Маълумки, ўқувчи — лар ҳайвонларни жуда яхши кўришади. Шунинг учун улар ҳайвонлар ҳақида фикр юритишни, улар ҳақида оғзаки ва ёзма иншолар яратишга жуда қизиқадилар.

Иншонинг бу тури аввало тасвирланаётган ҳайвон ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишни, унинг қаерда яшаши, тузили — ши, ранги, ҳаракатлари, нималар билан овқатланиши каби — ларни билишни талаб этади. Айниқса, ўқувчи ўзи кўрган, ку — заттан ҳайвонларни тасвирлашни хуш кўради.

**Бино тасвири.** Бино тасвири кузатиш асосида яратилади ва унинг оддий, илмий ва бадиий шакллари мавжуд. Бинонинг оддий тасвири ахборот тарзида бўлиб, асосан, унинг ҳажми, ёруғлик даражаси, баландлиги, уй жиҳозлари ва уларнинг жойлаштирилиши кабилар кўрсатилади. Илмий тасвирда бу белгилар илмий нуқтаи назардан ўз ифодасини топади.

**Табиат тасвири.** Маълумки, ўқувчилар 1 — синфдан бошлаб "Атрофимиздаги табиат" ўқув фанини ўрганадилар ва табиат тасвирини беришда қийналмайдилар.

Она тили машғулотлари ўқувчиларни табиат ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирибгина қолмай, балки шу ҳақда тасвирий матн яратиш маҳоратларини ҳам шакллантиради.

Табиат тасвирини яратишда матн намуналаридан фой — даланиш мумкин. Чунончи, машҳур сўз усталари: ёзувчи ва шоирларнинг асарларидан табиат тасвирига оид ўринларни ўқиб бериш, матн намуналари устида ишлаш, уларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш каби ишлар ўқувчиларнинг шундай матнлар яратишларига кенг йўл очиб беради.

Кузатиш табиат тасвирини яратишда асосий манбаа бў — либ хизмат қилади. Айниқса, ўқитувчи раҳбарлигида олиб бо — риладиган кузатишлар тасвирий иншо учун бой материалдир. Бундан ташқари, суҳбат ўтказиш, табиат тасвирига оид расм — лар, диафильмлар, кинофильмлар ва диапозитивлардан фой — даланиш ҳам иншонинг бу тури учун бой материал беради.

Она тили машғулотида, айниқса, табиатнинг бадиий тасвирини яратишга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки бундай иншолар бадиий нутқ имкониятларидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Тасвирнинг энг мураккаб кўринишларидан бири инсон — нинг "ташқи қиёфасини акс эттиришдир. Она тили машғулот — ларида ўқувчи ота — онаси, ака — укалари, синфдошлари, та — ниш — билишлари, ўқиган бадиий асар, кўрган кинофильми қаҳрамонларининг ташқи қиёфасини тасвирлаши мумкин.

Ташқи қиёфа тасвири ҳам тасвирий иншонинг бошқа турлари каби илмий ва бадиий кўринишларга эга. Илмий тасвирда одамнинг ёши, юз тузилиши, кўзи, қулоғи, бурни, сочининг ранги, бўйи, гавдаси қабилар аниқ фактларга асосланган ҳолда кўрсатилади. Бадиий тасвирда эса шубҳасиз, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға каби усуллардан фойдаланилади.

Она тили машғулотларида портрет тасвиридан ҳам кенг фойдаланса бўлади.

Ҳаракат тасвирини яратиш ҳам иншонинг муҳим турларидан биридир. Бундай иншолар бажарилган, бажарилаётган ва бажариладиган иш—ҳаракатни баён қилишни талаб этади. Шу жиҳати билан бундай иншолар ҳикоя жанрига яқин туради. Аммо бу иншоларда тасвирийлик ҳикояга қараганда устундир.

Ҳаракат тасвири ҳам иншонинг бошқа турлари сингари илмий ва бадиий бўлиши мумкин. Илмий иншода кўпроқ ахборотдан фойдаланилади. Бундай иншоларда маслаҳат, тавсия, таъкид қабилар асосий ўринни эгаллайди. Масалан, "Меҳнат дарсида", "Сузишни қандай ўрганиш керак", "Дарс тайёрлаш—ни ўрган", "Соғ бўлай десанг" каби мавзуларда ёзиладиган иншолар кўпроқ ахборот тарзида бўлиб, муаллиф таъкид, маслаҳат, тавсиядан унумли фойдаланади.

Бадиий иншоларда ана шу ҳаракатларга бадиий бўёқ берилади. Ўқувчи баъзан ҳикоя усулидан фойдаланиб, ўзининг ички кечинмаларини ҳам, баён қилинаётган фикрга муносабатини ҳам ифодалайди.

Ҳаракат тасвирининг мураккаблигини ҳисобга олиб, аввало ишни ўқувчиларга таниш жараёнларни тасвирлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шубҳасиз, V—VI синфларда ўқувчилар дарс тайёрлаш, ўйин, мактаб атрофини кўкаламзорлаштириш, сузиш каби жараёнларни тасвирласалар, VII, VIII, IX—синфларда мураккаб ишлаб чиқариш жараёнини тасвирлайдилар.

Ҳаракат тасвирига оид иншоларнинг муҳим қисмини репортажлар ташкил этади. Бирор кундалик воқеа—ҳодиса, ишларнинг бориш тафсилотини далиллар, жонли тасвирлар асосида ёритувчи кичик бадиий асар репортаж саналади. Унда воқеа содир бўлган жой, манзара, иштирокчилар кўрсатилади.

Она тили машғулотларида ўқувчиларни кичик репортажлар тайёрлашга ўргатиб бориш лозим. Улар спорт мусобақалари, халқ сайллари байрамларидан олиб бориладиган кичик репортажлар тайёрлашлари мумкин. Репортаж мавзуси болалар томонидан танланса, у янада қизиқарли бўлади.

Она тили машғулотларида ўқувчилар шаҳар, қишлоқ, дала, саҳро, чўл каби жой номларини яратишларига ҳам тўғри келади. Ҳар бир жой ўзига хос тасвири талаб этади. Масалан, шаҳар ёки қишлоқ тасвири ҳақида фикр юритилар экан, унинг умумий кўриниши, диққатга сазовор жойлари, халқи, уларнинг урф-одатлари, сеvimли машғулотлари ҳақида фикр юритилади. Саҳро ҳақида фикр юритилганда кўпроқ унда яшайдиган ҳайвонот ва ўсимликлар олами ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг орзу – умидлари акс этган иншолардан ҳам фойдаланилади. "Агар мен сеҳргар бўлсам", "Синфдошим Ойбек 20 йилдан сўнг", "Мен мактаби – мизни келажакда қандай тасаввур қиламан?", "Мен меъмор (ўқитувчи, шифокор) бўлганимда...", "Ўзбекистон XXI аср ўрта – ларида", каби мавзуларда ёзиладиган иншолар ўқувчиларни эртанги кун ҳақида хаёл суришга, ўйлашга мажбур этади.

Шундай қилиб, тасвирий иншолар она тили машғулотида кенг тарқалган иншо турларидан бири бўлиб, у ўқувчилар нутқини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқувчиларнинг бадиий адабиёт устида ишлаши, ҳаётни, турмушни, теварак – атрофни, одамларни, ҳайвонот оламини доимий равишда синчковлик билан кузатиши, ўз таассуротларини бойитиб бориши уларнинг тасвирий иншо ёзишлари учун қулай шароит яратади.

Она тили машғулотларида кенг қўлланиладиган иншо турларидан бири ривоя – иншолардир. Иншонинг бу тури тасвирий иншодан шу билан фарқ қиладики, унда мазмунан бир – бирига боғлиқ воқеа – ҳодисалар ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун бу иншо кичик ҳикоя деб ҳам юритилади.

Ўқувчиларнинг бу кичик насрий жанрга бўлган қизиқишини ошириш, уни таҳлил қила олиш маҳоратини шакллантириш худди шундай ҳикоялар яратишга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни ривоя – иншолар ёзишга ўргатиш аввало уларни шу насрий жанрнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан бошланади.

Ҳикоя кичик эпик жанр, ҳаёт ҳодисалари ихчам ифода этилган насрий асар саналади. У уч таркибий қисмдан иборат: а) тугун; б) воқеа – ҳодисанинг ривожланган нуқтаси; в) ечим.

Тугун бу ҳаракат бошланадиган ҳодисаларнинг ривожланишига туртки бўладиган воқеадир. **Воқеа** – ҳодисанинг ривожланган нуқтаси иш – ҳаракат ва курашнинг кескинлашган,

авж олган ўрни саналади. **Ечимда** баён қилинаётган воқеа — ҳодиса ўз хотимасига етади.

Ўқувчиларга ҳикоя яратишни ўргатишнинг муҳим шарт — ларидан бири воқеа — ҳодисани танлашга ўргатишдир. Улар кўпинча ҳаётда жуда кўп воқеа — ҳодисаларга дуч келсалар — да, аммо нималар ҳақида ёзиш кераклигини билмайдилар. Шунинг учун кўпроқ ўқувчилар ҳаётдан олинган ва ривоя — иншога материал бўла оладиган воқеа — ҳодисалар устида ишлаш мақ — садга мувофиқдир. Шубҳасиз, бошдан кечирилган саргузашт — лар, эшитилган, кўрилган, кузатилган воқеа — ҳодисалар ри — воя — иншо учун бой материал бўлиб хизмат қилади. Мактабда ўқувчилар яратадиган ҳикоялар тур жиҳатидан хилма — хилдир. Ана шулардан бири **саргузашт — ҳикоя** саналади. Бошдан ке — чирилган воқеалар асосида ҳикоя яратиш, айниқса, 5 — 6 — синфларда кўп қўлланилади. Бу ҳикояларда ҳар бир ўқувчи ўз бошидан кечирган воқеа — ҳодисалар ҳақида фикр юритади. Масалан, "Ёзнинг иссиқ кунларининг бирида", "Мен кўрган воқеа", "Маъмуржонга қандай қилиб ёрдам бердим", "Ёнғин баргараф этиади" каби мавзуларда ёзиладиган иншоларда ўқувчилар кўпроқ ўз саргузаштларини ҳикоя қилишларига тўғри келади.

Ҳикоя ёзишнинг энг самарали усулларида бири берил — ган ғоя асосида ҳикоя ёзишдир. Ўқитувчи ва ўқувчилар томо — нидан ўртага ташланган ғоя иншо учун асосий материал бў — лади. Муаллиф (ўқувчи) берилган ғояни кенгайтиради, воқеа иштирокчиларини танлайди, унга бадий сайқал беради .

Халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари ҳикоя учун яхши мавзу бўла олади. Аммо уларни ҳикоя мавзусига сингдириш учун маълум бир воқеа билан боғлашни унутмаслик лозим.

Она тили машғулотида кенг қўлланиладиган иншо турларидан яна бири **эртак — иншолардир**. Маълумки, ўқувчи — лар жуда кўп эртакларни биладилар, аммо ўзлари эртак яра — тишга қийналадилар. Бу ижодий — амалий иш тури болаларнинг тасаввур оламини кенгайтиради: уларни ғаройиб воқеа — ҳо — дисалар оғушига олиб киради; оғзаки ва ёзма нутқни ривож — лантиради. Шунинг учун ўқитувчи она тили машғулотида ижодий ишнинг бу туридан унумли фойдаланиш чораларини кўриши лозим.

Ўқувчиларни эртак яратишга ўргатиш аввало уларни бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан бошланади. Болалар эртакда воқеанинг тугуни, ривожланган

нуқтаси ва ечими қандай бўлишини билишлари, унинг тил ху — сусиятларидан хабардор бўлишлари, муболаға, ўхшатиш, жон — лантириш, кичрайтириш каби тасвирий воситаларни ўз ўрнида қўллаш малакаларига эга бўлишлари керак.

Бошланиш қисми берилган эртақларни давом эттириш, берилган расмлар асосида эртақ яратиш, қаҳрамонлар нутқи тушириб қолдирилган ўринларни тўлдириш каби ишлар ўқув — чиларнинг эртақ яратиш маҳоратини кенгайтиради.

### **Иншонинг яна бир муҳим тури муҳокама иншоладир.**

Иншонинг бу тури болалардан қиёслаш, маълум бир воқеа — ҳодисага баҳо бериш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, ўзи — нинг ҳақлигини исботлаш кабиларни талаб этади.

**Муҳокама иншо** индуктив ёки дедуктив усулда қурилган бўлиши мумкин. Индуктив усулда қурилган иншоларда аввал илгари сурилаётган фикрни асослашга ҳизмат қиладиган далиллар, исботлар келтирилиб, сўнгра умумий хулоса чиқарилади. Дедуктив усулда эса хулосадан далил ва асослар келтиришга ўтилади.

**Тавсифий иншо**лар ҳам муҳокама иншонинг бир кўри — нишидир. Тавсифий иншолар ўқувчидан ўқиган бадиий асар, кўрилган кинофильм қаҳрамонлари ҳақида шахсий фикр — мулоҳазасини баён этишни талаб этади.

Муҳокама иншонинг яна бир тури мунозара иншоладир. Бундай иншоларнинг мавзуси ҳам мунозара шаклида бўлади. Масалан, "Дилкаш (Дилмурод, Нигина в.ҳ.) ҳақми?", "Ойбек (Соҳиб, Олим в.ҳ.) ҳақиқий дўстми?" каби мавзуларда ёзиладиган иншолар шундай иншолар бўлиб, ўқувчи қўйилган му — нозарали саволга шахсий муносабатини билдиради ва ўз нуқтаи назарини асослашга интилади.

Ўқитувчи иншо мавзусини синф ўқувчиларининг ҳаёти — дан, рўзнома ва ойномаларда эълон қилинган мунозарали ма — қола ва хабарлардан танлаши мумкин.

Шундай қилиб, иншо ўқувчининг ижодий фикрлаш да — ражаси, дунёқараши, адабий тил меъёрларини нутқий ша — роитларда қўллаш имкониятларини белгиловчи асосий тарози тошидир.

**Она тили таълими жараёнида ўқувчиларни иш қоғоз — ларидан фойдаланишга ўргатиш.** Ўқувчиларни иш қоғозла — ридан тўғри фойдалана олишга ўргатиш ҳаётий заруриятдир. Зеро, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг 7 — моддасида: "Ўзбекистонда муассаса, корхона,

ташкilot бирлашмаларда иш Республика давлат тилида юри — тилади", — деб қайд қилинади.

Иш қоғозларидан фойдаланишга ўргатиш тил сатҳларини ўқитиш билан чамбарчас алоқадорликда амалга оширилади. Она тилининг деярли барча бўлимларини ўқитишда ўқувчилар ҳужжатларнинг у ёки бу тури билан танишадилар, уни ёзишни ўрганадилар. Чунончи, "Фонетика" бўлимини ўрганишда манзилгоҳни ёзиш, телеграмма матни устида ишлаш, ариза ёзиш кабилар кўзда тутилган бўлса, "Сўзшунослик"да эълон, таклифнома, далолатнома, тавсифнома ёзиш, "Морфология"да таржимаи ҳол, мажлис баёни, билдиришнома, тилхат, ишончнома, маълумотнома кабилар устида ишлаш кўзда тутилади. "Синтаксис"ни ўрганишда эса ўқувчилар буйруқ, фармойиш, йўриқнома, шартнома, ҳисобот кабилар билан танишадилар.

Она тили машғулотларида иш қоғозларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш учун аввало шу ҳужжатнинг мураккаблик даражаси ҳисобга олинади. 5—6—синфларда асосан, содда ҳужжатлар (бир муаммони ўз ичига олган ҳужжатлар) устида иш олиб борилса, кейинчалик мураккаб ҳужжатлар (икки ва ундан ортиқ масалани ўз ичига олган ҳужжатлар) устида иш олиб борилади.

Айрим иш қоғозлари ҳатто икки босқичда ўрганилади. Биринчи босқичда (5—6—синфларда) айтиб бериш билан бир ҳужжатнинг содда шакллари ўрганилса, кейинги босқичда (7—9—синфларда) унинг мураккаб шакллари ўрганилади. Масалан, ариза, маълумотнома каби иш қоғозларининг ҳам содда, ҳам мураккаб кўринишлари мавжуд. Ўқувчилар унинг содда кўриниши билан қўйи синфларда танишсалар, мураккаб кўринишлари юқори синфларда ўрганилади.

Ҳужжатда фикрни баён қилиш шакли ўзига хосдир. Уларнинг кўпи (мас., маълумотнома, далолатнома каби) муайян бир қолипга эга бўлиб, эркин фикр юритишни талаб этмайди. Лекин шундай ҳужжатлар ҳам борки, (мас., таржимаи ҳол, қарор, шартнома каби) уларда маълум даражада эркин фикр юритилади. Иш қоғозлари матнига бир қатор талаблар қўйилади. Аввало, ҳужжатлар матни бошқа ижодий ёзма иш матнлари сингари имловий, ишоравий ва услубий жиҳатдан тўғри бўлиши керак.

Ҳужжатлар матнига қўйиладиган муҳим талаблардан бири холисликдир. Унда баён қилинаётган мазмунга ўқувчи (муаллиф) ҳеч қандай муносабат билдирмайди, балки ахборотни холис акс

этгиради. Шунинг учун ҳужжатлар тилида сўз ва сўз шаклларини қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Расмий иш услубида кичрайтириш, эркалаш қўшимчаларини олган сўзлар, кўтарин — ки — тантанавор сўзлар, истеъмол доираси чегараланган сўзлар, ўхпатиш, жонлантириш, муболаға сингари бадий тасвир во — ситаларидан фойдаланилмайди.

Шубҳасиз, ҳужжат матни мазмунан аниқ, ихчам, лўнда ва тўлиқ бўлиши шарт.

Ўқувчилар ҳужжатлар матнида асосан, турғунлашган, расмий қабул қилинган сўз ва сўз бирикмалари (мас., берилди, бажарилсин, тайинлансин, эшитилди, қарор қилинди, кўриб чиқилди, кўрсатиб ўтилди кабилар) дан фойдаланиш лозимлигини билишлари керак.

Иш қоғозлари асосан, уч қисмдан иборат бўлади:

а) кириш; б) асосий қисм; в) якун.

Ўқувчиларни иш қоғозини ёзишга ўргатиш шу иш қо — розининг муфассал режаси билан таништиришдан бошланади. Масалан: "Таржимаи ҳолим"нинг муфассал режаси қуйидагича:

1. Кириш: а) таржимаи ҳол муаллифининг исми, фамилияси, туғилган йили, ой ва куни, жойи ва миллати, оиласи; б) отаси ва онаси ҳақида; в) ака — укалари, опа — сингиллари ҳақида.

2. Асосий қисм: а) муаллифнинг мактаб ёлигача бўлган ҳаёти ҳақида; б) мактаб ҳаёти ҳақида; в) ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида.

3. Якун: а) ушбу таржимаи ҳолнинг нима сабабдан ёзил — ганлиги; б) имзо, кун, ой, йил.

"Ариза" матнининг муфассал режаси эса қуйидагилардан иборат:

1. Кириш: а) кимга — ариза йўналтирилган шахснинг эгал — лаб турган мансаби (лавозими), даража ва унвонлари, исми — ша — рифи, фамилияси; б) кимдан — ариза берувчининг мансаби (ла — возими), даража ва унвонлари, исми — шарифи, фамилияси, ис — тиқомат жойи.

2. Асосий қисм: а) аризани ёзишга сабаб бўлган ҳолат — нинг қисқача баёни; б) ариза ёзишдан мақсад; в) аризага илова қилинадиган ҳужжатлар.

3. Якун: а) ариза берувчининг шахсий имзоси, исми ва фамилияси; б) ариза ёзилган (берилган) кун, ой, йил.

Шундай қилиб, она тили дарсларида ижодий ёзма матн устида ишлаш икки йўналишда амалга оширилади:

1. Тил сатҳларини ўқитиш орқали.



2. VII синфда "Ижодий ёзма матн устида иш" (12 соат) ва VIII синфда "Иншо ва унинг турлари" (16 соат) бўлимларини ўргатиш орқали.

Биринчи йўналиш ўзбек тили фонетикаси, лексикаси ва грамматикасидан ҳар бир мавзунини ўрганиш орқали амалга оширилса, иккинчиси VII синфда "Ижодий ёзма иш" тушун — часини шарҳлаш; расм асосида ҳикоя, манзара тасвирини яратиш; ўқувчи ва борлиқ; ёзма ишда ўқувчи (муаллиф) ўз — лигининг намоён бўлиши хусусида маълумот бериш, мавзу танлаш, мавзунини ёритиш учун зарур материал тўплаш, ёзма ишга режа тузиш (тор режа, кенг режа), ёзма ишга эпиграф танлаш, "хат боши" тушунчаси, ёзма иш матнини қайта иш — лаш, матн услуби устида ишлаш, ишни оққа кўчириш, тек — ширилган ёзма ишнинг хатолари устида ишлаш ва VIII синфда "Иншо ҳақида маълумот" бериш, иншо турлари (илмий ин — шолар, бадиий иншолар, эркин иншолар) юзасидан бир қатор ижодий — амалий ишларни бажариш орқали амалга оширилади.

### • Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Й., Сафарова Р., Сайфуллаев А., Йўлдошев.Р. Она тили. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти, "Таълим та — раққиёти" ахборотномасининг 1 — махсус сони, "Шарқ" нашриёт — матбаа концерни, 1999, 46 — 55 — бетлар.
2. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умурқулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари, Тошкент, "Фан", 1988.
3. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз. Тошкент, "Фан", 1972.
4. Маҳмудов Н., Мадавалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш (муншаот). Тошкент, 1990.
5. Муҳиддинов А.Ф. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
- ✓ 6. Неъматов Х., Фуломов А., Абдураҳимова М. Ижодий матн устида иш. Тошкент, РТМ, 1997 йил.
7. Она тили. Умумий ўрта таълим ўқув дастури УЎТ ДТС ва ўқув дастури. "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг 1 — махсус сони, "Шарқ" нашриёт матбаа концерни, 1999, 55 — 140 — бетлар.
- ✓ 8. Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстиришдан практикум. Тошкент, "Ўқи — тувчи", 1980.
9. Тўхтамирзаев М. Нутқ ўстиришда мулоқотнинг роли. "Тил ва ада — биёт таълими", 1991, 9 — сон.
- ✓ 10. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари, Тошкент, "Ўқитувчи", 1993.
- ✓ 11. Фуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти (Ўқитувчилар учун методик қўлланма), Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### Она тилидан синфдан ташқари ишлар

Она тилидан синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий мақсадларни кўзлайди. Унинг таълимий аҳамияти шундаки, ўқувчи бу жараёнда қўшимча билим, малака ва кўникмаларга эга бўлади. Тарбиявий аҳамият эса нутқ одобини тарбиялаш, зукколик, тезкорлик ва ҳозир — жавоблик сингари фазилатларни шакллантириш, мустақил фикрлаш, ижодий фаолият кўрсатиш, нутқ одобини тарбиялаш сингариларда ўз ифодасини топади.

### Она тилидан синфдан ташқари ишларнинг турлари ва мазмуни

Она тилидан синфдан ташқари ишларни доимий ва мав — сумий тадбирларга ажратиш мумкин.

Доимий тадбирларга тўғарақ машғулотлари киритилса, қолганлари вақт — вақти билан ўтказиладиган тадбирларга киради.

Тўғарақ синфдан ташқари ишларнинг асосий тури бўлиб, у ўқувчиларнинг доимий барқарор таркиби билан иш кўради. Тўғараққа аъзо бўлиш ихтиёрий, аммо унинг машғулотларида иштирок этиш мажбурийдир.

Она тили тўғарагининг аъзолари 12—15 ўқувчидан ош — маслиги лозим. Улар параллел синфлардан иборат бўлса, маш — гулотларни самарали ва қизиқарли ташкил этиш имкониятлари кенгаяди. Агар мактабда параллел синфлар бўлмаса, тўғарақ аъзолари битта синфдан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Тўғарақ ҳар хил номлар билан номланади. Масалан, “Она тилим — жону дилим”, “Тил — дил калити”, “Ўзбек тили — давлат тили” в.ҳ.

Ўқувчилар тўғарақнинг мақсади, вазифалари, йиллик иш режаси билан таништирилади.

Машғулотлар 15 кунда бир марта ўтказилгани маъқул. Тўғарақ ишини режалаштиришда ўқувчиларнинг қизиқишлари инобатга олинади.

Қуйида тўғарақ машғулотларидан иккитасини намуна сифатида келтирамиз:

фани дидактикага таяниб иш кўради. Чунончи, она тили ўқи — тиш принциплари ёки методлари хусусида фикр юритилар экан, аввало умумдидактик принциплар ва методлар, кейин хусусий принциплар ва методларга тўхталишга тўғри келади.

**"Она тили ўқитиш методикаси" фанининг психология билан алоқаси.** Таълимни ташкил этиш, ўқитиш бола психологияси билан чамбарчас боғланган. Бу алоқадорлик аввало ўқувчининг ёши ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ. Ўрганилган тил ҳодисаларини хотирада тиклаш, уларни янги шароитда қўллаш, тил ҳодисаларини қиёслаш ёки уларни ўхшаш ва фарқли томонларига қараб гуруҳлаш, умумлаштириш, ҳукм ва хулосалар чиқариш шахснинг ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, хотира, тафаккур, хаёл сингари индивидуал психик хусусиятларга таянади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг шахсий психик хусусиятларини билиши ва унга таяниб иш кўриши лозим.

Академик Павловнинг ассоциация (алоқа, боғланиш) ҳақидаги таълимоти она тили таълимида муҳим ўрин эгаллайди. Агар тил ҳодисалари орасидаги алоқадорликка асосланилмаса, ўқувчи тилни бир бутун система сифатида қабул қила олмайди. Янги ўқув материални олдин ўрганилганлар билан боғлаш билимларни тамомила янги шароитда қўллаш имкониятини беради. Бу эса ижодий фаолият кўрсатиш учун асосдир.

Ҳозирги замон психологияси билим олишда эҳтиёжни зарурият деб билади. Бу таълимот она тили машғулотида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи ўз сўз захирасини оширишга, сўздан фойдаланишга, ҳар хил нутқий вазиятларга эҳтиёж сезмаса, тилни ўрганишга қизиқмайди, унга зарурият сезмайди.

Психологик нуқтаи назардан шахснинг ўз она тилини билиши уни ривожлантириш имкониятини беради. Теварак — атрофидаги кишилар билан мулоқот, дарс жараёнида тузиладиган оғзаки ва ёзма матнлар, ўтказиладиган савол — жавоблар ривожланишни таъминловчи омиллардир.

Она тили таълимининг ҳозирги босқичида — тест топ — шириқларига талаб ошган бир даврда — ўқувчиларда компьютер билан ишлаш психологиясини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бу дарс машғулотида компьютер хизматидан узлуксиз фойдаланиш орқали қўлга киритилади.

Маълумки, эҳтиёжлар инсонни маълум йўналишда онгли равишда ҳаракат қилишга ундайди. Бундан асосий мақсад

## 5-синфлар учун

### Биринчи машғулот

1. Тўғаракка ном қўйиш. Ўқувчиларни тўғаракнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш. "Тўғарак бизга нима беради?" мавзуида суҳбат.

2. Ўқувчилардан тил одоби, сўзлаш маданияти хусусида билган мақолларни сўраш ва мазмунини шарҳлаш.

### Тоғшириқлар:

1. Тил одоби ва сўзлаш маданияти хусусидаги халқ мақолларини йиғиш ва уларнинг маъноларини аниқлаш.

2. Тўй — томошаларни ифодаловчи сўзлар луғатини тузиш ва уларнинг маъноларини шарҳлаш.

### Иккинчи машғулот

1. Ўқувчилар билан ўрганган халқ мақоллари юзасидан суҳбат ўтказиш.

2. Тўй — томошаларни ифодаловчи сўзларнинг маънолари устида ишлаш. Бу сўзларнинг изоҳли луғатини тузиш.

### Тоғшириқлар:

1. Тўй — томошаларни ифодаловчи сўзларнинг изоҳли луғатини тузишни давом эттириш.

2. Вилоят (туман) аҳолиси нутқида учрайдиган касб — ҳунарга оид сўзларни ёзиш.

Тўғарак машғулотни дарс машғулотини такрорламайди, балки уни тўлдиради ва такомиллаштиради. Дарс тузилиши ва қурилиши жиҳатидан мўайян қолиплар асосида ташкил этилса, тўғарак машғулотида бундай қатъийлик бўлмайди. Ўқувчи тўғарак машғулотида дарсда олган билимларига таянган ҳолда ҳаётий тажрибаларини ишга солади. Кроссвордлар тузиш ва ечиш, иншо танлови ўтказиш, маълум бир шеърини асар ёки ҳикоянинг тил хусусиятлари устида ишлаш сингари ишлар тўғарак машғулотларининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг она тили фанига бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш воситасидир.

Она тилидан синфдан ташқари ишларга савол — жавоб кечалари, учрашувлар, ўткир зеҳнлилар мушоираси, сўзлар оламига

саёҳат, кўрик — танловлар ўтказиш, олимпиадалар, конференциялар, альбом ва деворий газета чиқариш кабиларни киритиш мумкин.

Савол — жавоб кечасида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишлади. Кечага тайёргарлик 1—1,5 ой олдин бошланади. Ўқувчилар мактабда ташкил этилган қутига ўзларини қизиқтирган саволларни ёзиб ташлайдилар. Бу саволлар мавзу жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, "Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзувлари қанақа бўлган?", "Ёзув қандай келиб чиққан?", "Лотин алифбосига ўтиш бизга нима беради?", "Кўзи ожизлар қандай ёзади ва ўқийди?", "Аз Замахшарий ким бўлган?" каби. Муайян вақт ўтгач, тўғарак аъзолари саволларни йиғиб, уларга жавоб тайёрлайдилар ва кечани ташкил этадилар.

Учрашувлар жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Унга она тили дарсликларнинг муаллифлари, машҳур тилшунос — олимлар, ҳукумат мукофотига сазовор бўлган она тили ўқитувчилари таклиф этилиши мумкин. Айниқса, шулар орасида мактабнинг собиқ талабалари бўлса, уларни таклиф этиш жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўтқир зеҳнлилар мушоирасининг мавзуси ҳам 1—1,5 ой олдин эълон қилинади. Беллашадиган гуруҳлар ўзларига сардор белгилайдилар. Мушоира шартлари асосида ҳар бир гуруҳ мустақил тайёргарлик кўради.

Мушоира одатда гуруҳларнинг ўзаро табриги билан бошланади. Асосий қисм савол — жавобдан иборат. Саволлар ўқитувчи ёки беллашаётган гуруҳлар томонидан тузилиши мумкин.

Ҳакамлар табрик сўзи ва ҳар бир савол — жавобга тегишли балл қўйишади ҳамда улар эълон қилиб борилади.

Мушоира она тилининг муайян бир бўлими ёки бир неча кичик мавзуларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, "Орфография", "Тўғри талаффуз меъёрлари", "Сўзнинг шакл ва маъно муносабатлари", "Сўзларнинг ўзаро бирикиши", "Содда гап турлари", "Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро бирикиш усуллари" каби.

**Сўзлар оламига саёҳат.** Бу тадбир ўқувчиларнинг сўз захирасини оширишга қаратилган тадбирдир. Ўқувчилар дарсдан кейинги бўш вақтларида сўзларнинг этимологияси, уларнинг лексик маъноси оламига саёҳат қилишади.

Тилимиздаги сўзлар жуда катта хазина бўлганлиги сабабли, ўқитувчи қайси уядаги сўзлар (ҳар бир тадбирда тах—

минан 50—60 сўз) юзасидан ўқувчиларнинг тайёргарлик кўришлари лозимлигини 10—15 кун олдин маълум қилади ва қандай манбалардан фойдаланиш лозимлигини уқтиради.

**Кўрик—танловлар** ҳам синфдан ташқари ишларнинг муҳим турларидан биридир. Бу тадбир вақт—вақти билан ўтказиладиган тадбир бўлиб, уни ташкил этишда ўқувчиларнинг ёши, билим савияси ҳисобга олинади. Чунончи, агар бошланғич синфларда “Кимнинг хати чиройли?”, “Матн мазмунини ким тез ва тўғри тушунади?” каби мавзулар танланса, 5—6—синфларда “Намунали машқ дафтари”, “Бадий (ёки илмий) мавзуда ёзилган энг яхши иншо”, “Энг яхши ёзилган мақола” сингарилар танланиши мумкин. 8—9—синфларда эса эркин мавзуда ёзилган иншолар, рамзий иншолар бўйича шундай танловлар ўтказилса бўлади.

**Олимпиадалар** ҳам синфдан ташқари ишларнинг бир тури бўлиб, унга иштирок этиш ихтиёрийдир. Бу тадбирга куч синашишни ихтиёр этган барча ўқувчилар иштирок этишлари мумкин. Олимпиада гоиллари мактаб маъмуриятининг буйруғи билан рағбатлантирилади.

Она тили олимпиадалари йилда бир марта ўтказиладиган тадбирдир. Бу тадбирнинг биринчи босқичи мактабда, иккинчи босқичи туман (шаҳар)да, учинчи босқичи вилоятда ва тўртинчи босқичи Республикада ўтказилади.

Конференциялар анча мураккаб тадбирлардан бири бўлиб, у асосан, 8—9 ва ундан кейинги синфларда ўтказилади. Бунда ҳам асосий бош мавзу олдиндан ўқувчиларга маълум қилинади; бу бош мавзу кичик мавзуларга ажратилиб, унинг ҳар бири бўйича кимлар тайёргарлик кўриши лозимлиги белгиланади. Битта мавзу бўйича 3—4 нафар ўқувчи тайёргарлик кўрган бўлса, улардан бири асосий маърузачи, қолганлари қўшимча маърузачилар сифатида иштирок этадилар.

Она тилидан синфдан ташқари ишларнинг юқорида тилга олинган барча шакларини ташкил этишда тўғрақ аъзолари фаол иштирок этадилар.

Хуллас, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар алоҳида—алоҳида тадбирлар саналса—да, аммо улар ўзаро боғланган, бири иккинчисини тўлдирадиган тадбирлардир. Тўғрақ машғулотлари ва синфдан ташқари ишларнинг барча турларидан унумли фойдаланилган тақдирдагина, она тили таълимининг самарадорлигига умид боғлаш мумкин.

## Асосий адабиётлар

1. Абдураҳмонов Х., Икромов Р. Қизиқарли грамматика, Тошкент, "Ўқитувчи", 1974.
2. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Абдураҳимова М., Қобилова Б. 5—синфда "Она тили" синов дарслиги билан ишлайдиган ўқитувчилар учун методик тавсиялар, Тошкент, 1997.
3. Қўчқоров А. "Сўз таркиби" грамматик композицияси, "Тил ва адабиёт таълими", 1992, 1—сон, 28—31—бетлар.
4. Нурматова М. Ифодали ўқиш тўғараги, "Тил ва адабиёт таълими", 1992, 1—сон, 28—31—бетлар.
5. Жалилова М, Неъматова Г. Такрорлаш машғулотларини "Топқир—лар беллашуви" тарзида ўтказиш. "Тил ва адабиёт таълими", 1994, 2—3—қўшма сон, 36—37—бетлар.

## ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

### Она тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш

Жамиятда таълим тизими такомиллашиб борган сари ўқитувчининг касбий тайёргарлигига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Касбий тайёргарлик кенг тушунча бўлиб, у ўқитувчининг ижтимоий, сиёсий, маърифий ва педагогик тайёргарлиги кабиларни ўз ичига қамраб олади. Касбий тайёргарлик икки йўналишда амалга оширилади:

1. Умумпедагогик йўналиш;
2. Хусусий — методик йўналиш.

Умумпедагогик йўналиш барча ўқув фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар учун умумий бўлиб, мактабда таълим — тарбия сифатини ошириш, янги педагогик технологияларни таълим — тарбия жараёнига тадбиқ этиш билан боғлиқ. Хусусий — методик йўналиш бевосита “Она тили” ўқув фанининг ўқитилиши билан алоқадор бўлиб, шу ўқув фанининг ўқитилишини яхшилаш билан алоқадордир. Биринчи йўналиш педагогика фанининг қўлга киритган ютуқларини таълим — тарбия жараёнида қўллай олишда намоён бўлса, иккинчиси она тили таълимининг янги мазмунини мукамал эгаллаш, шу мазмунга мувофиқ келадиган метод, восита ва усулларни танлаш кабиларда кўринади.

Ўқитувчи нафақат билим берувчи, балки яратувчидир. У дарсни ўтмайди, балки яратади. Шунинг учун ўқитувчи доимий равишда ўз касбий тайёргарлигини ошириб бориши, педагогик ҳаёт талабларидан ортда қолмаслиги учун ҳамиша ўқиши, изланиши, ижод қилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз шахсий кутубхонасига эга бўлиши, педагогика ва методикага оид журналларни ўқиб бориши, мактаб ва мактабдан ташқари кутубхоналар билан доимий алоқада бўлиши талаб этилади.

Она тили ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини оширишда мактаб методбирлашмасининг аҳамияти бениҳоя катта.

**Она тилидан методбирлашма фаолияти.** Она тили ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатишнинг асосий маркази методбирлашмалардир.

Методбирлашма мактабда ишлайдиган барча она тили ва адабийёт ўқитувчиларини ўз сафида бирлаштиради.



Она тили ўқитувчилари билан олиб бориладиган ишларнинг салмоқли қисмини уларнинг ўз устида ишлаши, мустақил равишда ўз малакасини ошириши ташкил этади. Шунинг назарда тутилган ҳолда, ҳар бир ўқитувчининг умумпедагогик ва ихтисослигига оид адабиётлар устида ишлашини ташкил этиш методбирлашманинг диққат марказида турмоғи лозим. Мактаб маъмурияти ва методбирлашма ташаббуси билан "Она тили ва адабиёт ўқитувчисининг кутубхонаси"ни ташкил этиш, ҳар бир ўқитувчининг шахсий кутубхонаси бўлишига эришиш бу мураккаб ишни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Методбирлашма йиғилишларида ўқитувчиларнинг ўқилган адабиётлар юзасидан баҳс—мунозараларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида дарс ишланмалари тузиш, уларнинг муҳокамасини уюштириш ҳам мумкин.

Ёш ўқитувчилар билан ишлаш методбирлашма зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалардан биридир. Эндигина педагогик фаолиятга қадам қўяётган ўқитувчилар билан иш шундай ташкил этилмоғи лозимки, уларнинг танлаган касбларига муҳаббатлари ошсин; болалар билан ишлаш завқу шавқ ишига айлансин.

Мактаб методбирлашма фаолиятининг кўп қиррали эканлиги ва иш кўламининг кенглигини ҳисобга олиб, ўқитувчилар орасида ишни тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иш тақсимотида ўқитувчининг иқтидори ва имконияти ҳисобга олинади.

Она тили таълимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув материалининг тўғри режалаштирилишига боғлиқ. Шунинг учун методбирлашма ҳар бир бўлимга ажратилган соат миқдори ҳамда унинг мавзулар бўйича тақсимотига, нутқ ўстиришга ажратилган соатларнинг ўқув йили давомида тўғри жойлаштирилишига, жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг тўғри ташкил этилишига эътибор қаратиш лозим.

Она тили ўқитувчиси тадрижий (тёматик) иш режасини тузишда қуйидагиларга амал қилиши керак:

— ҳар бир синфда она тилини ўрганишга ажратилган ҳафталик ва йиллик соат миқдори (мас., V—синфда ҳафтада 6 соат, 1 йилда 202 соат) ;

— муайян бўлимни ўрганишга ажратилган соат миқдори (мас., 5—синфда "Муқаддима" бўлимини ўрганишга 65 соат вақт ажратилган);

— йирик мавзуларнинг ички бўлиниши;

— эгалланган билимларнинг малака ва кўникмага айла-ниши;

— назорат характеридаги ёзма ишларнинг ўқув йили давомида тўғри тақсимоти;

— ўқув чораклари (1 чорак 2 сентябридан 3 ноябргача — 9 ҳафта; 2 чорак 11 ноябрдан 29 декабргача — 7 ҳафтаю 2 кун; 3 чорак 11 январдан 20 мартгача — 9 ҳафтаю 3 кун; 4 чорак 1 апрелдан 25 майгача — 7 ҳафтаю 3 кун);

— мактаб таътиллари (кузги таътил — 4 ноябрдан 11 ноябргача; қишки таътил 30 декабрдан 10 январгача; баҳорги таътил 21 мартдан 1 апрелгача);

— йил тақвимининг хусусиятлари (йил давомида ўтказиладиган ҳайитлар, байрамларнинг қайси кунга тўғри келиши).

Мактабда она тилидан ўқув — методик мажмуа яратиш ҳам методбирлашма зиммасига юклатилади. "Она тили" дарсликлари, луғатлар, ўқув қўлланмаларидан тортиб, турли хилдаги тарқатма материаллар, расмлар, жадваллар, натюрмортлар, диапозитив, диафильм ва ўқув фильмлари, магнит тасмасига ёзиб олинган нутқ намуналари кабиларнинг барчаси ана шу мажмуани ташкил этади. Шубҳасиз, буларни тўплаш ёки яратиш учун она тили ўқитувчиларининг ҳамжиҳатлик билан ишлашлари талаб этилади. Бу мураккаб ишни амалга ошириш учун ҳар бир синфни муайян ўқитувчига топшириш, кўргазмалар қуроллар, тарқатма материалларнинг тақдирини ўтказиш фойдалидир.

Методбирлашма фаолияти мактабда она тили кабинетини жиҳозлашга ҳам мутасаддидир. Кабинет мудирлиги методбирлашма топшириғи билан тажрибали ўқитувчиларнинг бирига юклатилади.

Она тили кабинети замонавий техника воситалари, машҳур тилшунос — олимларнинг портретлари, доноларнинг тил ҳақида айтган ҳикматли сўзлари, ДТС талаблари, таҳлил намуналари, ўқувчиларнинг диктант, баён ва иншо ёзишлари учун эсдалик кабилар билан жиҳозланган бўлиши, ўқув — методик мажмуани ўзида мужассамлаштириши лозим.

Она тили кабинетида иш қорғозларидан намуналар бўлса, ўқувчилар учун анча фойдали бўлади.

Методбирлашма она тили кабинетини зарур ўқув — тадрижий қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериши лозим. Бу ўқитувчиларнинг дарс машғулоғларига тайёрланишига, ўз устида ишлашларига ёрдам беради. Мактабда ягона орфографик ва нутқ режимини жорий этишда ҳам она

тили ўқитувчилари методбирлашмасининг хизмати катта. Бошқа ўқув фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг имло, пунктуация, талаффуз ва нутққа катта эътибор беришлари, ўқувчиларнинг йўл қўйган имловий, ишоравий ва нутқий хатола-рини ўз вақтида тузатиб боришлари, дафтарлар юзидаги ёзув-ларнинг ягона талаблар асосида бўлиши жуда катта амалий аҳамиятга эга. Бу ишларни йўлга қўйишда, биринчидан, она тили ўқитувчиларининг ўзлари намуна бўлишлари, ва, иккин-чидан, мактаб ўқитувчиларига бу ишда амалий ёрдам кўрса-тишлари талаб этилади.

**Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.** Дарс самарадорлиги ўқитувчининг унга тайёргарлик кўришига боғлиқ. Пухта тайёргарлик асосида ўтказиладиган дарс қизиқарли ўтади ва кўзланган мақсадга эришади. Ўқитувчи дарсга тайёрланар экан, аввало дарснинг мақсадини пухта ўйлаб кўрмоғи лозим. Машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари аниқ, уларни ўзаро уйғун ҳолда қандай қилиб амалга ошириш йўллари белгиланмаса, самарадорликка эришиб бўлмайди.

Дарснинг методини тўғри танлаш ўқитувчидан пухта на-зарий билим ва педагогик маҳорат талаб этади. Янги билим бериш дарсларида кўпроқ муаммоли ўқитиш методига асос-ланилса, эгалланган билимларни кўникма ва малакага ай-лантириш мақсадларида қисман қайта хотиралаш характери-даги топшириқлардан ҳам, ижодий характердаги топшириқ-лардан ҳам фойдаланилади. Дарс методини танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятини, ўрганиладиган мавзу-нинг талаби кабиларни ҳам ҳисобга олади.

Дарсга тайёргарлик жараёнида ўқитувчи ўрганиладиган мавзуга боғлиқ илмий ва методик адабиётлар билан ҳам пухта танишиб чиқиши лозим. Ўзбек тилшунослиги фанининг сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқларидан хабардор ўқитувчигина дарсликдаги топшириқлар талабини тушунади ва ҳар бир топ-шириқдан кўзланган мақсадни илғайди.

Ижодкор ўқитувчи дарсни дарслик қолипи асосида қур-майди, балки уни яратади. Дарсга тайёргарлик кўришда ўқитувчи дарсликдаги қайси машқлардан фойдаланишини, машқ шартла-рига қандай қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиши мумкин-лигини, маҳаллий ўлка материаллари билан дарс материални боғлаш имкониятларини ўйлаб кўриши ва режалаштириши лозим.

Ўқитувчи ўқувчиларга бериладиган саволларни пухта ўйлаб кўриши, жавобга чақириладиган ўқувчиларни олдиндан бел-гилаши, уйга бериладиган вазифани белгилаши лозим.

Ўқитувчи янги йўналишдаги "Она тили" дастури ва дарс — ликлари билан ишлашга ҳам ўзини тайёрлаши керак. Дарс — ликлардаги ҳар бир машқ, топшириқ, матн, ривоят ва латифа маълум бир мақсадни кўзлайди ва бу кўп ҳолларда яширинган бўлади. Кўпинча кўзланган мақсад 2—3 машқни бажаргандан кейин равшан бўлади. Чунки мақсадни биринчи қадамдаёқ маълум қилиш ўқувчининг фикрлашига, ижодий мушоҳада юри — тишига тўсқинлик қилишини назарда тутиб, муаллифлар уларни босқичма — босқич беришган. Ўқитувчи ҳар бир машқдан кўз — ланган юзаки (зоҳирий), илк босқич мақсадни ва асосий (ботиний) тугал мақсадни тўлиқ билмаса, пухта билим беришга эриша ол — майди. Юзаки мақсад ёрдамчи восита бўлиб, туб мақсадга эри — шиш учун бир босқичдир. Айрим ҳолларда туб мақсадни топиш ўқувчининг ўзига ҳавола этилади. Чунончи, "Она тили"дан 5 — синфлар учун яратилган синов дарслигида "Фанни билиш унинг атамаларини тушуниш демакдир"(315 — машқ) матни берилган. Бундаги туб мақсад сарлавҳада берилган бўлиб, унга эришиш усулини топиш ўқувчига ҳавола этилган. Бу мақсад эса ҳар бир фан, касб — кор, соҳа луғатларидан фойдаланиш, шундай луғат дафтарчалари тузишга ундадир.

Ўқитувчи дарслиқдаги айрим матнларнинг серқирралиги, улар асосида турли — туман ҳукмлар чиқариш мумкинлигини ҳам унутмаслиги керак. Масалан, 20 — машқ (5 — синф)ни ўқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Бир ишни бошлаб, уни узлуксиз давом эттирилса, маълум ютуққа эришиш мумкин;
2. Олдинги билим эсдан чиқарилмаган бўлса, янги олинган билим уни оширади;
3. Танланган йўлдан бурилмасдан бориш муваффақият (юкса — лиш) гаровидир.

Дарсликларда талайгина ривоятлар берилган бўлиб, улар ўқувчидан ижодий фикрлашни ва ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб этади. Ўқитувчи олдиндан бу ривоятларни ўқиб, бунинг асосида қандай хулосага келиш мумкинлигини ўйлаб кўриши лозим.

Янги "Она тили" дарсликларида машқлар босқичли кет — ма — кетлик принципи асосида берилган бўлиб, улар бир неча топшириқлидир. Шунинг учун ўқитувчи машқ ва ундаги ҳар бир топшириқнинг мақсадини тушуниши лозим. Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, кўп топшириқли машқларда бир топшириқни бажариб, иккинчисини чеглаб ўтиш ўқувчини асл масадидан узоқлаштиради. Демак, ўқитувчи

одамларнинг одамлар билан ҳамкорлик қилиши, мулоқотга киришиши бўлиб саналади. Мулоқот вазиятида инсон тил, имо – ишора, юз ифодаси, қўл ҳаракатлари ва муайян рамзий белгилар воситасида бошқа одамлар билан алоқа ўрнатади. Бу воситалардан кераклигини танлаб олиш “Психология” фани – нинг ҳам, “Она тили ўқитиш методикаси” фанининг ҳам ва – зифасидир.

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. Тошкент, 1998 йил, 4 – 19 – бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. Тошкент, 1998 йил, 20 – 29 – бетлар.
3. Власенков И.А. Общие вопросы методики русского языка в средней школе. Москва, “Просвещение”, 1973.
4. Загвязинский В.И. Методология и методика дидактического исследования. Москва, “Педагогика”, 1982.
5. Муҳиддинов А.Ф. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995.
6. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993.
7. Розиков О., Оғаев С., Маҳмудова М., Азизов Б. Дидактика. Тошкент, “Фан”. 1997.
8. Теория и практика педагогического эксперимента. Москва, “Педагогика”, 1979.
9. Философия педагогам (немис тилидан таржима). Москва, “Прогресс”, 1976.
10. Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси. “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1994, 1 – 2 – қўшма сони.
11. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993.

## **МАКТАБ ТИЗИМИДА ОНА ТИЛИ ФАНИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ, УНИ ЎҚИТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **Мактабда она тилини фан сифатида ўқитишнинг ижтимоий – иқтисодий ва маънавий заруриятлари**

Ўзбек тили мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат тили бўлиб, унинг умумий ўрта таълим мактабларда ўқитилиши давлат аҳамиятига молик ижтимоий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга. Ёшларда ижодий тафаккур, ижодий изланиш, мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлаш, тилимизнинг бой имкониятларидан нутқ шароитига кўра тўғри,

дарсга тайёрланар экан, ҳар бир топшириқнинг мақсади, уни бажариш усули, сарфланадиган вақтни аниқ ҳисобга олиши лозим.

Дарс мазмунномасини (конспектини) тузиш ҳам ўқитув — чидан жуда катта масъулият талаб этади. Чунки мазмуннома дарсни илмий — методик жиҳатдан тўғри ташкил этишга кўмак — лашади; 45 дақиқалик вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини яратади.

Дарс мазмунномасида дарснинг мавзуси, мақсади, методи, жиҳозланиши, уй топшириғининг текширилиш усули, ўқув топ — шириқларидан фойдаланиш тартиби, ўқувчиларни умумлашмалар ҳосил қилишга ундаш йўллари, мустаҳкамлаш учун бериладиган топшириқлар, ҳосил қилинган билим, малака ва кўникмаларни текшириш мақсадида ўртага ташланадиган саволлар, уйга бери — ладиган вазифа кабилар ўз ифодасини топади.

Қуйида дарс мазмунномасидан намуна келтирамыз:

## 7—синф

**Дарснинг мавзуси:** Кўмакчили ва келишикли бирик — малар.

**Дарснинг мақсади:** а) ўқувчиларни кўмакчили бирик — маларни келишикли бирикмалар билан алмаштириш, уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллашга ўргатиш; б) нутқ ранг — баранглиги ва гўзаллигига эришишга тарбиялаш; в) ўзбек ти — лининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш имконият — ларини кенгайтириш.

**Дарснинг методи:** қисман — изланувчанлик, ижодийлик.

**Дарснинг жиҳозланиши:** кўчма тахта, топшириқли рангли расмлар.

### Дарснинг бориши:

1. Ўқувчиларга мустақил ҳолда қўлланилмайдиган сўзлар рўйхатини давом эттириш топширилади. (уй вазифаси муста — қил ҳолда қўлланилмайдиган сўзлар рўйхатини тузиш эди).

2. Қуйидаги матнни диққат билан ўқиб, остига чизилган кўмакчили бирикмаларни келишикли бирикмалар билан ал — маштириш топширилади.

Мен Гуласал билан биринчи синфда дўстлашганман. У тез — тез бизникига келиб туради. Биз нима харид қилсак, икки дона олар эдик. Яқинда мен у учун рангли расм қалам сотиб олдим. Бу қаламлар билан биз расм чизишни машқ қилдик. Биринчи чизган расмларимиз унча ҳам чиройли чиқмади. Машқ қилиш натижасида кўнгилдагидек чиқа бошлади. Биз

келажакда ана шу нозик санъат сирларини ўрганиб, рассом бўлиш орзусидамиз.

3. Қуйидаги гапларда нуқталар ўрнига зарур келишлик қўшимчасини қўйиш ва уларни кўмакчилар билан алмаштириш.

1. Китобни акам... олдим. 2. Хатни қалам... ёздим. 3. Биз телефон... гаплашдик.

4. Ўқувчиларга "Ватан адабиёти" дарслигидан бирор парчани ўқиб, келишликли бирикмаларни кўмакчили бирикмалар ва кўмакчили бирикмаларни келишликли бирикмалар билан алмаштириш топширилади.

5. Мавзуга оид асосий тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида қуйидаги саволлар ўртага ташланади:

1) Келишликли бирикмалар билан кўмакчили бирикмалар орасида қандай ўхшашликлар бор? Сиз уларнинг вазифадошлигини қандай далиллар билан асослайсиз?

2) "Кўмакчили бирикма" ва "Келишликли бирикма" тушунчаларини қандай шарҳлаш мумкин?

6. **Грамматик ўйин.** Мазмуни: Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдаги ўқувчилар келишликли сўз бирикмаларини айтишади. Иккинчи гуруҳ эса шу келишликли бирикмаларни кўмакчили бирикмалар билан алмаштиришади.

7. "Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга" халқ мақолига яқин мазмунали мақолалар топинг.

**Уйга вазифа:** Берилган ҳикояни давом эттиринг. Кўмакчили ва келишликли бирикмалар остига чизинг:

Болалар уйга қайтишаётганида Рашидни бегона ит тишлаб олди. Оёқдаги жароҳат кичкина эди ва Рашид бу ҳақда ҳеч кимга гапирмади. 35 кун ўтгач, бахтсизлик рўй берди: Рашид касалланиб қолди ва вафот этди.

Қандай воқеа юз берди? Нега Рашид вафот этди?

### **Асосий адабиётлар**

1. Бердиалиев А. Дастур лойиҳасида синтаксисга оид айрим тушунчаларнинг берилиши ва уларнинг талқини. "Тил ва адабиёт таълими", 1991, 9-сон, 9-11-бетлар.

2. Кружковая работа по русскому языку (Сб.статей из опыта работы) Москва, "Просвещение", 1979.

3. Матжон С. Китоб устида ишлаш усуллари. "Тил ва адабиёт таълими", 1999, 4-сон.

4. "Тиллар кўриги"ни ўтказиш ҳақида низом. "Тил ва адабиёт таълими", 1993, 5-6-қўшма сонлар.

# МУНДАРИЖА

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва она тили таълимининг умумий масалалари .....	3
"Она тили ўқитиш методикаси" – педагогик фан сифатида .....	3
Мактаб тизимида она тили фанининг туган ўрни, уни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари .....	22
Мактабда она тилини фан сифатида ўқитишнинг ижтимоий – иқтисодий ва маънавий заруриятлари .....	22
Она тили ўқитишнинг умумдидактик ва ўзига хос принциплари .....	35
Она тили ўқитиш методлари .....	53
Она тилидан ўқув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш шакллари .....	65
Она тили таълимининг воситалари .....	79

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Мактабда она тили курсининг бўлимларини ўқитиш методикаси .....	87
"Муқаддима" бўлимини ўқитиш методикаси .....	87
«Фонетика» бўлимини ўқитиш методикаси .....	91
«Сўзшунослик» (лексика) бўлимини ўқитиш методикаси .....	97

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

Морфологияни ўқитиш методикаси .....	106
Мактабда сўз туркумларини ўргатиш .....	108
Морфологияни тилнинг бошқа бўлимлари билан алоқадорликда ўргатиш .....	133
Грамматик таҳлил методикаси .....	135
Морфологик таҳлил .....	137
Сўз таркиби бўйича таҳлил .....	137
Сўз туркумлари бўйича таҳлил .....	140
"Сўзларнинг алоқа – муносабат шакллари"ни ўқитиш методикаси .....	148
"Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари" бўлимини ўқитиш методикаси .....	154
Синтактик таҳлил .....	171

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

Ўқувчиларнинг боғланишли нутқи устида ишлаш .....	187
---	-----

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Она тилидан синфдан ташқари ишлар .....	209
---	-----

## ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

Она тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш .....	214
--	-----



ўринли ва самарали фойдаланиш малака ва кўникмаларини сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъа — наларимиз руҳида тарбиялашда мактаб она тили курсининг тутган ўрни ва имкониятлари бениҳоя каттадир. Айниқса, мустақил Республикамиз учун тадбиркор ва ижодкор инсонни тайёрлаш масаласи ўта муҳим вазифа бўлиб турган бир шаро — итда бу фаннинг ўқитилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда "Она тили"ни ўқув фани сифатида ўқитишнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, жамиятимиз, халқимиз, мила — тимиз равнақининг келажаги, унинг гуллаб — яшнаши бутун мактаб партасида ўтирган ёшларнинг мустақил турмушга, нутқий фаолиятга, юксак маданият билан сўзлаша олишга қай даражада тайёрланганига боғлиқ. Чунки сўз қудрати инсоният тарихида ҳамма вақт юксак қудратга эга бўлган.

Жамият ривожланган сари халқнинг маданият даражаси ортиб боради. Маданий ҳаётнинг ривожини аввало жамият аъзоларининг маданий сўзлашувга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши билан белгиланади. Ёшларда юксак нутқ одобини тарбиялаш мактаб она тили курси зиммасига тушади.

Мактабда она тилини фан сифатида ўқитиш қандай моддий манфаат бериши мумкин, қандай қилиб она тили таъ — лимини моддий жиҳатдан манфаатли, фойдали қилиш мумкин?

"Она тили фани моддий манфаат келтирмайди" деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки она тили таълими нати — жасида ўқувчи ДТС талаблари даражасида муайян малака ва кўникмалар ҳосил қилади ва бу кўникма ҳамда малакаларнинг давр талабларига мослиги бевосита иқтисодий кўрсаткичлар — моддий манфаат кўрсаткичлари билан ўлчанади. Она тили фанининг моддий кўрсаткичлари болаларнинг имло саводхон — лиги, сўз бойлиги ва ундан фойдаланиш маҳорати, мустақил ижодий фикрлай олиши, фикр маҳсулини мақсадга мувофиқ равишда оғзаки ва ёзма шакларда баён қила олиши кабиларда намоён бўлади.

Мактабда она тилини фан сифатида ўқитмай туриб, маънавий баркамол шахсни тарбиялаб бўлмайди. Чунки она тили фани ўқувчиларни миллий тил ва унинг тарихи, бой ма — даний ўтмиши билан таништиради, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф — одатларимизни қадрлашга ўргатади.

Она тили авлодларни авлодларга боғловчи занжирдир. Агар ёзув, ёзма нутқ бўлмаганда эди, маданий бойликларимиз, фан, техника ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида қўлга

киритилган улкан ютуқларимизни авлодлардан авлодларга ўт — каза олмаган бўлардик.

"Ўзбек тили"нинг мактабда ўқув предмети сифатида шаклланиш ва ривожланиш жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, уни тахминан қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

**Биринчи давр** — 1910—1930 йиллар. Бу даврда мадраса — ларда ўқиган болаларга савод чиқарганларидан кейин, қофия (грамматика) ва қофиянинг бўлимлари: сарф (морфология) ва наҳв (синтаксис) ўргатилган. Болаларнинг хат — савод чиқари — ши, қироатхонлигига катта эътибор берилган.

XX асрнинг бошлари шу билан эътиборлики, гарчанд ҳали мактабларда "Она тили"ни фан сифатида ўқитиш муайян изга тушмаган бўлса — да, аммо ўқувчиларга тил қоидаларини ўргатиш, уларнинг саводхонлигини чиқариш ва уни такомил — лаштиришга қаратилган ҳаракатлар кучайди. 1913 йилда маш — ҳур ўзбек зиёлиси М.Фахриддиновнинг "Туркча қоида", 1916 йилда А.Захирийнинг "Имло" ўқув қўллашмаларининг нашр этилиши ўша давр учун катта тарихий воқеа эди. Бир қатор жаҳид мактабларида 1913—1914 йиллардан бошлаб туркча қоидаларни ўқитиш йўлга қўйилди; 2 —, 3 —, 4 — ўқув йилларида ўқувчиларнинг саводхонлиги устида ишлаш бўйича махсус дарс машғулотлари ўтказила бошланди. 1916—1917 йилларга келиб шу жаҳид мактабларида А.Захирийнинг "Имло" китобини ўқитиш йўлга қўйилди.

**Иккинчи давр** — 1930—1960 йиллар. Бу даврда мактаб — ларда она тилини фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди; тил таълимидан махсус ўқув дастурлари ва дарсликлари чиқарила бошланди. "Ўзбек тили" мактабда ўқитиладиган етакчи ўқув предмети сифатида ўқув режаларидан мустаҳкам ўрин олди ва бу фаннинг ўқитилишига катта миқдорда соат ажратилди.

Она тилининг ўрта умумтаълим мактабларида ўқув предмети сифатида ўқитила бошланиши унинг тараққиёти учун кенг йўл очиб берди.

**Учинчи давр** — 1960—1970 йиллар. Бу даврга келиб, она тилидан таълим мазмуни анча такомиллашди ва маъзкур фандан янги ўқув дастурлари ва дарсликлари чиқарила бошланди. Ай — ниқса, мактабларнинг юқори синфларида она тилининг ўқи — тилишига эътибор кучайди.

**Тўртинчи давр** — 1970—1990 йиллар. Бу даврга келиб, ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган ютуқларни мактаб дарсликларида киритишга уриниш анча кучайди. Она тилидан V синфда (ўқув йилининг бошида) синтаксис ва пунктуациядан

дастлабки зарурий маълумотлар бериш кўзда тутилди ва мазкур бўлимни ўқитиш йўлга қўйилди. Сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажралиб чиқди ва бу бўлим 16 соат давомида V синфда ўқитиладиган бўлди.

**Бешинчи давр** — 1991 йилдан кейинги давр. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она тили таълими олдига тамомила янги талаблар қўйила бошланди. „Ўзбек мактабларида она тили таълими Концепцияси“ (1993) ишлаб чиқилди.

Она тилидан ДТС меъёрлари белгиланди ва у давлат ҳужжати сифатида қабул қилинди, ДТСга мувофиқ келадиган „Она тили“ дастурлари яратилди; мактаб дарсликлари янгилана бошланди.

Она тили таълимининг мазмуни, асосан, 50—йилларнинг ўрталарида шакллантирилган бўлиб, ўшандан бери дастурлар жузъий ўзгаришлар билан 1998—1999 ўқув йилига қадар амалда бўлиб келди. 60—йилларга келиб „Фан ютуқлари — мактабга“ шиори ўртага ташлангач, мактаб она тили таълими шу қадар назарийлашиб, грамматизм ҳокимлиги юзага келдики, ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам зерикарли бўлиб қолди. Она тили машғулотларида ўқувчи нутқни ривожлантиришга қаратилган фойдали амалий ишлар ўрнига сон—саноқсиз грамматик талқин, қоида ва таърифларни кўр—кўрона „ўзлаштириш“, яъни уларни қориларча ёдлаб олишдан нарига ўтилмади.

Она тили таълимидаги яна бир мураккаблик грамматик талқинлар билан боғлиқ чалкашликлар эди. Жумладан, олмошнинг нафақат от, сифат, сон, балки, феъл, равиш, тақлидий сўз, ундов гап ва ҳатто матнни алмаштира олиши, уларга ишора этиш хусусияти ҳисобга олинмаган эди. Мавжуд чалкашликлардан яна бири бир сўз туркумидан иккинчи сўз туркумига ўтиш талқини эди. „Доно қиз доно сўзлайди“ гапида биринчи доно равиш сўз туркумига киритилган эди.

Синтаксисда ўлкан чигаллик туғдирган масалалардан бири гап талқини масаласи эди. Шахс—сон, замон кўрсатки—чига эга бўлмаган кесимлар ҳам „кесим“ деб аталиб, „Мен борганда...“, „У келгандан кейин...“ типидagi гаплар ҳам қўшма гап сифатида қаралди.

Шўро таълими шароитида нафақат таълим мазмуни, балки ўқитиш усулида ҳам догматизм ҳукмрон эди. Она тили таълими ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шакл—

ларда баён қилишга ўргатишдан анча йироқ бўлиб, она тили таълимининг асосий мақсади — нутқни шакллантириш ва ри — вожлантириш унинг соясида қолиб кетган эди. Чунки шўролар тузумига лаббайгўй, итоаткор шахслар керак эди.

Миллий истиқлол мактаб она тили таълими оддига ҳам янги уфқлар очди. Ўзбекистон оламга юз тутди; ижтимоий, маънавий, иқтисодий жабҳаларда улкан ижобий қадамлар ташланди. Мустақил Республикамининг халқ таълими соҳа — сидаги ислохотлари бугунги кунда нақадар катта ижобий на — тижалар берганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ис — лохотлар аввало миллатнинг гурури, унинг ифтихори — тилига бўлган эътибордан бошланди.

1989 йил 21 октябрь куни "Давлат тили ҳақида" ги Қонун қабул қилинди. "Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир", деб расмий равишда эълон қилинди.

Тилимизга давлат тили мақоми берилиши Республикамиз мактабларида ўзбек тилининг ўқитилишига эътиборни ку — чайтирди. Тарихий аҳамиятта молик бу Қонун 1987 йилда тузил — ган, бир қатор мактабларда муваффақиятли равишда синовдан ўтказилган "Она тили" (У—IX синфлар учун) дастурининг такомиллаштирилишига туртки бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХТВ томонидан 1989 йили 25 сентябрда 386 — рақамли буйруқ билан таъсис этилган "Ўзбек тили" доимий ан — жумани (ЎТДА) 1 — йиғинида "Индуктив — 2" рамзи билан муқобил дастур сифатида муҳокамага чиқарилди.

ЎТДА нинг 1 — йиғини 1991 йилнинг апрелида Самарқандда ўтказилди. Йиғинда 400 га яқин ўқитувчи ва олимлар иштирок этди. Биринчи йиғиннинг тарихий аҳамияти бениҳоя катта бўлди. У ўша даврда амалда бўлган "стабиллашган" она тили таълими усули, таълим мазмунини тубдан янгилаш зарурлигини, қотиб қолган андазалар билан ишлаш мумкин эмаслигини баралла айтди ва мавжуд таназзуддан чиқиш йўларини белгилаб берди. Йиғин "Индуктив", "Ижод", "Таълим", "Ўқитувчи" рамзли муқобил дастурларни муҳокамага чиқарди ва "Индуктив — 2" рамзли дастурда қўйилган она тили таълими мақсади, мазмуни ва усулини маъқул деб топди.

ЎТДА нинг 2 — йиғини 1993 йилнинг апрелида Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Анжуман она тилидан таълим мазмуни муаммоларига бағишланди ва РТМ томонидан нашр этилган "Она тили" дан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари" қўлланмаси амалиётчи ўқитувчилар ва олимлар эътиборига ҳавола этилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, таълимни тубдан ислоҳ қилишга киришилди.

"Таълим тўғрисида" ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари она тилидан таълим мазмунини ва усулини янгилаш сари ташланган катта қадамлар бўлди. Бу муаммолар ЎТДА нинг 2-йиғини муҳокамасига чиқарилди ва она тилидан таълим мазмунини белгилаб берди.

Она тили таълимида мустақиллик йилларида ташланган улкан қадам "Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш Концепцияси" бўлди. Мазкур ҳужжат 1993 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХТВ томонидан тасдиқланган бўлиб, мактабда она тили ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равион ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат деб белгиланди. Бундай мақсаднинг қўйилиши бежиз эмас, албатта, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида: "Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир", — деб қайд қилади. Она тили таълими олдига қўйилган мақсад юртбошимиз айтган фикр билан ҳамоҳангдир.

Миллий истиқлол шарофати билан она тили таълимини такомиллаштириш давом эттирилди.

Ўзбек тилининг грамматик қурилишидаги "руслаштириш" самараси бўлган жуда кўп илмий—грамматик талқинлар туркона талқинлар билан алмаштирилди, ўзбек тили грамматикаси бўйинтиригидан озод қилинди. Ана шу йўналишда "Она тили" ўқув фанидан дарсликлар яратиш ишига киришилди.

Модомики, она тили таълимидан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни нутқий фаолиятга тайёрлаш экан, сўз бойлигини ошириш биринчи галдаги вазифа саналади. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган ЎТДА нинг 3-йиғини (1995 йил) худди мана шу масалага бағишланди. Анжуманда барча шубҳалар бўйича 283 та маъруза тингланди. Бу маърузаларнинг кўпгина қисми умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг сўз захирасини оширишнинг самарали йўллари, воситалари ва усуллари бағишланди. Йиғин она тилидан синов дарсликлари нашрини тезлаштириш хусусида тавсия қабул қилди.

"Она тили"дан 5-синфлар учун синов дарслиги 1997 йилда яратилган бўлиб, унинг тузилиши ҳам, мазмуни ҳам олдинги дарсликлардан фарқ қилади.

6-синфлар учун синов дарслиги 1998 йилда яратилди. Бу дарслик ўз ичига, асосан, сўзларнинг луғавий шакллари ва маъно гуруҳларини қамраб олган.

5-6-синфлар учун яратилган синов дарсликларида "тил-меъёр-нутқ" мутаносиблигига қатъий амал қилинди. Бунинг маъноси шуки, она тили дарсларида ўқувчи тил ҳоди-саларини кузатиш, изланиш, алоҳидаликларни шарҳлаш, қиёслаш, умумийликни аниқлаш, фарқларни топиш, гуруҳлаш, ҳукм чиқариш, хулосалашдан фикрни баён этиш, ижодий матн тузишгача бўлган барча жараёнларни мустақил бажаради. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчини таълим жараёнининг фаол иш-ловчисига, ўқитувчини эса шу жараённинг ташкилотчисига айлантиради.

1997 йил она тили таълимидаги муҳим воқеалардан бири Ватанимиз пойтахти Тошкенда ЎТДА 4-йиғинининг ўткази-лиши бўлди. Мазкур анжуман ижодий матн яратиш муаммо-ларига бағишланди. Республикамининг 700 дан зиёд ўқитув-чиси уч кун давомида ўқувчиларни ижодий матн яратишга ўргатиш йўллари, воситалари ва усулларини муҳокама этдилар.

1998 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-Қарори барча ўқув фанлари қатори она тилидан Давлат таълим стандарти (ДТС)ни яратиш ва уни синовдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси ХТВ олдига муҳим вазифа сифатида қўйди. Ўз.Р. ПФИТИ ва БухДУ томонидан ҳамкорликда тузилган ДТС бир йил давомида си-новдан ўтди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан 1999 йил 16 августда тасдиқланди. Эндиги вазифа она тилидан ДТС ва ўқув да-стурига асосан янги дарсликларни яратиш ҳамда белгиланган тартиб ва муддатларда уларни нашриётга топширишдан иборат эди. Бу мураккаб вазифа ҳам муваффақиятли ҳал этилди. Қў-йилган вазифани ҳал этишда ЎТДАнинг 1999 йил Бухорода ўтказилган 4-йиғини муҳим аҳамиятга эга бўлди. Анжуманда қилинган маърузаларнинг кўпчилигида яратилган синов дарс-ликларига муносабат билдирилди. Муаллифлар гуруҳи бу бил-дирилган фикр-мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқарди-лар ҳамда уларни қайта ишладилар.

2000 йилда бу дарсликлар оммавий нашрдан чиқди ва ҳозирги кунда амалдадир, 8 — ва 9 — синф дарсликлари белги — ланган муддатларда нашрдан чиқади.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, барча ўқув фанлари қатори она тилидан ҳам таълим мазмуни ва усулини янгилашнинг бениҳоя улкан им — кониятлари юзага келди.

### **Мактабда она тили ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.**

Мактабда она тили ўқитишнинг бош мақсади тилнинг жами — ятда тутган ўрни, бажарадиган вазифаси билан белгиланади. Маълумки, тил жамият аъзолари ўртасида алоқа — аралашув воситаси, инсоннинг фикрлаш ва фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма равишда баён қила олиш, ўз ички кечинмаларини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Она тилини ўқитишдан мақсад тилнинг жамият аъзолари ўртасида бажарадиган ана шу вазифасидан келиб чиқади. Чунки кишилар ўз фаолиятларининг барча соҳаларида бир — бирлари билан фаол муносабатда бўладилар. Улар доимо ўз — ларини ўраб олган моддий борлиқдаги нарса — буюмлар, во — қеа — ҳодисалар тўғрисида фикр юритадилар ва ўз фикрларини бир — бирларига маълум қиладилар.

Демак, жамиятда фикр алмашиш қонуний заруриятдир. Одамлар ўртасида фикр алмашиш бўлмаса, жамият тараққи — ётдан тўхтайтиди. Фикр эса фақат тил ёрдамида рўёбга чиқади. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ундан фойдаланишни билиши ва аввало уни эгаллаб олиши зарур. Тилни ўрганиш бу фақат унинг грамматик қурилишини билиш, тушунча, таъриф ва қоидаларни ўзлаштириб олиш эмас, балки она тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, фикрни оғзаки ва ёзма шакл — ларда тўғри, раво ифодалаш малакаларини эгаллашдан иборатдир. Она тили фани болага тилни ўргатиш билан бирга, унинг серқирра имкониятларидан нутқда фойдаланиш меъёр — ларини ҳам ўргатади.

Шундай қилиб, она тили таълими олдига қўйилган иж — тимой буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга ўргатишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда она тили таълими олдига мукамал шакланган, мус — тақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривож — ланган — саводхон шахсни камол топтириш мақсади қўйилади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ДТС талабига кўра она тили таълимининг мазмуни :

– ўқувчининг фикрлаш салоҳиятини, ақлий ривожла–нишини, мантиқий тафаккурини ўстириш;

– ўз – ўзини, моддий борлиқни тилнинг ифода восита –лари ёрдамида англашга ҳамда ўз фикри ва ҳис – туйғуларини она тилининг кенг имкониятлари доирасида баён эта олишга ўргатиш.

Шундай қилиб, УЎТ таълим мактабларининг 5–9 – синфларида ўқитиладиган “Она тили” ўқув фани ўқувчиларда:

– ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида кенг ва тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган илмий – амалий маълумотлар беришни;

– ўзбек тилидан тўғри талаффуз, имло ва пунктуациянинг асосий қоидаларини ўзлаштириб олишни;

– она тилининг хазинаси бўлмиш турли луғатлардан фойдалана олишни;

– ўз фикрини нутқ шароитига мос равишда, турли шаклларда ифодалай олиш кўникмаларини ҳосил қилишни;

– муайян бир хабарни ёки маълумотни турли шаклларда бера олиш йўлларини;

– кундалик ҳаёт учун зарур бўлган иш қоғозларини юритиш кўникмаларини;

– ёш ва малака даражасига мос бўлган бадий, илмий, сиёсий асарларни ўрганиб, улар ҳақидаги фикр – мулоҳаза – засини, шахсий муносабатини оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри баён эта олиш кўникмасини;

– моддий борлиқни ўрганиш ва уни тафаккур бир – ликларида ифодалашда, жамият аъзолари орасида мулоқот ўрнатишда она тили ва бошқа тилларнинг беқиёс аҳамиятини ҳис этиш учун зарур бўлган назарий маълумот ва амалий кўникмалар беришни асосий вазифа қилиб олади.

**Ижодий тафаккур ва мустақил фикрлаш белгилари.** Ўқувчининг ўқув материални ўзлаштириш жараёни мураккаб жараён бўлиб, тил ҳодисаларини кузата олиш, изланиш, алоҳидаликларни шарҳлаш, қиёслаш, умумийликни аниқлаш, фарқларни топиш, тасниф этиш, ҳукм чиқариш, алоҳидалик – ларни аниқлаш, қўллаш сингарилар билан боғлиқ. Булар ижодий тафаккур ва мустақил фикрлашнинг муҳим белгилари бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга:



**1. Кузатиш** — дарслик (ўқитувчи) топшириғи асосида она тили ҳодисаларидан берилган (кўрсатилган) намуналарни кузата олиш;

**2. Изланиш** — ўйлаш, хотирада тиклаш, сўраш, луғат, қомус, маълумот манбаларидан фойдаланиш асосида ҳодисалар сирасини бойита олиш;

**3. Алоҳидаликларни шарҳлаш** — берилган ва ўзи давом эттирган сирадаги ҳар бир ҳодисани алоҳида — алоҳида шарҳлай олиш;

**4. Қиёслаш** — сирадаги ҳодисаларни ўзаро қиёслай олиш;

**5. Умумийликни аниқлаш** — сирадаги ҳодисаларнинг ўхшаш, умумий томонларини аниқлай олиш;

**6. Фарқларни топиш** — сирадаги ҳодисаларнинг бир-биридан фарқли томонларини аниқлай олиш;

**7. Тасниф этиш** — сирадаги ҳодисаларни ўхшашлик ва фарқлари асосида гуруҳ ҳамда гуруҳчаларга ажрата олиш;

**8. Ҳукм чиқариш** — ҳодисалар сираси ҳақида умумлашма (ҳукм, хулоса, қоида) чиқара олиш;

**9. Алоҳидаликларни аниқлаш** — ўрганилган ҳодисаларнинг ёндошлари (маънодошлари, шаклдошлари, вазифадошлари, қийматдошлари, зидлари в.ҳ.) билан муносабатларини (яқинлик, ўхшашлик ва фарқларини) аниқлай олиш;

**10. Қўллаш** — ҳодисаларни мустақил равишда ёзма ва оғзаки шаклларда шарҳлаб, ижодий матн туза олиш.

Ижодий тафаккур ва мустақил фикрлашнинг олий кўриниши матн яратишдир. Шу сабабли она тили дарсларида матн устида ишлаш етакчи йўналиш кашф этиши лозим. Мактаб “Она тили” дастури ва дарсликларида (VII синфнинг охири ва VIII синфнинг бошида) “Ижодий матн устида иш” бўлимининг киритилиши ҳам худди шу мақсадни кўзлайди.

Ўрта умумий таълим мактаблари учун она тилидан ДТСнинг тақибий қисмлари ва унинг мезонлари. Она тили таълими натижасида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уч параметрли стандарт кўрсаткичлар асосида текширилади ва аниқланади.

**1. Ўқиш техникаси** (минут, сўз бирликлари). Боланинг саводхонлиги, ёзма нутқ белгиларини талаффузда алмаштириш кўникмасини аниқлаш мақсадида киритилган. Бу параметр орқали ўқувчининг нотаниш бўлган матнни ифодали ўқий олиш кўникмаси аниқланади. Бунда миқдорий кўрсаткич сифатида ифодали ўқиш тезлиги, яъни бир дақиқада берилган

матндан нечта сўз ўқий олиш кўрсаткичи олинган. Ўқувчи синфдан — синфга кўчган сари сўз миқдори ҳам, матннинг мураккаблик даражаси ҳам ортиб боради.

**2. Ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш малакаси.** Боланинг баён қилинаётган ўзгалар фикрини ҳамда ёзма матн мазмунини англай олиш даражасини аниқлаш мақсадида киритилган. Бу параметр орқали ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш ҳамда уни оғзаки қайта баён қила олиш даражаси аниқланади.

**3. Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси** (минут тугал фикр ифодаланган матн) мураккаб жараён бўлиб, она тили таълимининг мақсади шу параметрда мужассамлашади. Ўқувчининг она тили таълими жараёнида эгаллаган кўникма ва малакалари у яратган матнида ўз ифодасини топади. Бу параметр бўйича таълим сифатининг натижасини баҳолашда ўқитувчи томонидан ўқувчи эгаллаган қуйидаги кўникмаларнинг даражаси аниқланади:

а) фикрнинг Мантикий изчилликда ифодаланганлигини аниқлаш;

б) фикрлаш, мавзунинг мураккаблик даражасини аниқлаш (сода, мураккаб, фаҳмий — конкрет, мавҳум в.ҳ.);

в) тавсифнинг мавзуга мувофиқлигини ва тавсифнинг қийматини аниқлаш;

г) тавсифда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш;

д) имловий (ёзма) саводхонликнинг сифатини аниқлаш.

УЎТ мактабларини битирувчи ўқувчилар "Она тили" ўқувчанидан қуйидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари зарур:

1. Амалий малака ва кўникмалар:

а) **ўқиш техникаси бўйича:** миқдорий кўрсаткич 9-синфнинг охирида бир дақиқада 120—130 сўз. Сифат кўрсаткичлар — мураккаб типдаги илмий атама ва рамзларни тўғри талаффуз қила олиш, маъносини англаган ҳолда тўғри ва раво ўқиш;

б) **ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш малакаси бўйича:** миқдорий кўрсаткич — 10 минутда 11—12 саҳифа. Сифат кўрсаткичлар — оғзаки нутқнинг аниқлиги, матн мазмунига мос бўлиши, тўғри, раво ва таъсирчан бўлиши;

в) **фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича:** миқдорий кўрсаткич — 12—14 гапдан иборат бўлган тугал матн

(фикр эҳтиёжи билан боғлиқ мавзу асосида) яратиш. Сифат кўрсаткичлар — матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқ — лиги ва алоқадорлиги, кўрсатилган мавзу доирасида бирла — шиши, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, матндаги абзацлар — нинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш, ўрганилган ифода воситаларини ўринли қўллай олиш ва уларнинг услубий имкониятларидан фойдалана олиш, иш қоғозлари (ариза, маъ — лумотнома, ишонч хати, ваколатнома, ихчам ҳисобот, ахборот кабилар) ни ёза олиш.

ДТС талабига кўра УЎТ мактабларининг 5—9—синфла — рида "Она тили" ўқув фанидан ўқувчилар қуйидаги назарий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари зарур:

Фонетика, имло, тўғри талаффуз, тиниш белгилари, ҳарф ва товуш:

— ҳар бир ҳарф ифодаладиган товушларни ва ўзбек алифбоси сирасини, сўзларни тўғри ва раво ўқишни билиш;

— бош ҳарфларнинг ишлатилишида асосий ўринлар;

— унли ва ундош товушлар, жарангли ва жарангсиз ундошлар;

— жарангли ундошларни сўз охирида ва жарангсиз ундошлардан олдин ўқиш ва ёзиш қоидалари;

— бўғин, сўзни бўғинларга ажратиш, бўғин ва сўзнинг кўчириладиган қисмлари, сўз урғуси;

— гап оҳанги, дарак, сўроқ, буйруқ, ундов оҳанглари ва дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гапларда тиниш белгиларини тўғри қўллаш. Айни гапни дарак, сўроқ, ундов оҳанглирида талаффуз этиш ва ёзиш;

— хат боши (абзац) ҳақида тушунча;

— сўз ва унинг маъноси. Дарслик ва китобларга илова қилинадиган луғатлардан, саҳифа ости изоҳлардан фойдаланиш кўникмалари. Сўзнинг маънодошлари ҳақида илк тасаввур;

— имло луғати, \*ундан фойдаланиш кўникма ва малака — лари;

— изоҳли луғат ҳақида тушунча;

— грамматика: Сўз таркиби, ўзак ва қўшимча. Сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар;

— грамматика: мустақил сўз туркумлари (феъл, от, си — фат, сон, равиш, олмош) ва ёрдамчи сўзлар;

— феъл: феълнинг маъноси ва сўроқлари; бўлишли ва бўлишсиз феъллар;

— от: отнинг маъноси ва сўроқлари, отнинг бирлик ва

- кўпликда қўлланилиши. Атоқли ва турдош отлар;
- сифат: сифатнинг маъноси ва сўроқлари;
  - олмош: кишилик олмошлари, I, II, III шахс кишилик олмошларининг бирлик ва кўпликда қўлланилиши;
  - ёрдамчи сўзлар: ва, лекин, бироқ, аммо, шунинг учун, билан, учун, сингари сўзлардан фойдаланиш;
  - нутқ маданияти, стилистика;
  - ўзбекча нутқда сенлаш ва сизлаш (гапнинг эгаси ва кесимида бундай маънонинг ифодаланиши);
  - киши номлари, қавм—қариндошлик номларида — жон, — хон, — ой, — бону каби ҳурмат ва эҳтиром қўшимчаларининг қўлланилиши;
  - ҳурмат—эҳтиром, дўқ—пўписа оҳанги;
  - киши номлари, қавм—қариндошлик номларидан олдин ҳурмат—эҳтиром ифодаловчи сўзларни қўлаш, эгалик қўшимчаларининг ҳурмат—эҳтиром яқинлик маъноларида қўлланилиши;
  - матнда нарса—бўюм, шахсларни атаб келувчи отларни қўлаш ва кишилик олмошлари билан алмаштириш;
  - айтиш бир фикр—ахборотни содда ва қўшма гаплар билан ифодалаш,
  - тил ҳақидаги умумий маълумотлар;
  - адабий нутқ ва сўзлашув нутқи: адабий нутқнинг ёзма ва оғзаки кўринишлари;
  - тилларнинг ранг—баранглиги; кўп тиллилик тушунчаси;
  - тилларнинг бир—бирига таъсири, сўзларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиши.

Ўқувчилар 9—сифнинг охирида баён, ишти, иш қоғозла—ри, реферат, маъруза, мақола, хабар, маълумотнома ёза олиш—лари, ёзма иш учун материал тўплай билишлари, тўпланган материалларни тизимга сола олишлари, содда ва мураккаб ре—жа туза олишлари, ёзма ишга эпиграф ва маълум асардан цитаталар танлай олишлари, қизиқарли эпизод қўша олишлари, хат бошиларни тўғри белгилашлари, диалогларни тўғри ажратишлари, диалогнинг муаллиф сўзи қисмида қаҳрамоннинг руҳиятини очувчи, уни тавсифловчи сўзларни бера олишлари, гапларни ва матн парчаларини (мураккаб синтактик бутун—ликларни) ўзаро боғловчи лексик—грамматик воситаларни тўғри қўлай олишлари, услубий синонимлардан фойдалана олишлари, мураккаб синтактик бутунликларнинг таркибий қисмларини тўғри шакллантира олишлари лозим.

ди. Мактабда ўқитиладиган ҳамма фанлар учун умумий бўлган дидактик принциплар: ўқитишнинг болага маълумот бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилганлиги; ўқитишнинг илмийлиги ва болалар учун тушунарлилиги; системавийлик ва изчиллик; назария билан амалиётнинг узвий алоқаси; онглилик, фаоллик ва мустақиллик; кўрсатмалилик; ўқувчиларга индивидуал муносабатда бўлиш ва уларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш каби принциплар гарчанд умумдидактик принциплар саналса ҳам, аммо она тили ўқитиш назарияси ва усулиятида уларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун кашф этади.

Она тили ўқитишда умумдидактик принциплар билан бир қаторда шу фаннинг табиатидан келиб чиқадиган қуйидаги ўзига хос принциплар ҳам мавжуд: а) "тил — меъёр — нутқ муносабати" принципи; б) ўзбек тили фанини ўқитиш орқали ўқувчилар тафаккурининг ўсишига эришиш принципи; в) ўзбек тилини ўқитишда мавзулараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишга қатъий амал қилиш принципи; г) ўқувчиларни тил ҳодисаларини ажратишга ўргатиш принципи; д) ўзбек тилини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг нутқ малакаларини мустаҳкамлаш ва тил сезгирлигини ошириш принципи; е) она тили ўқитишда маҳаллий шева шароити ва таъсирини назарда тутиш принципи.

Мактабда она тили ўқитишнинг бу ўзига хос принциплари умумдидактик принциплар билан уйғунлашиб, она тили дарслари самарадорлигини таъминловчи асосий талаблар силсиласини вужудга келтиради.

Қуйида умумдидактик ва она тили ўқитишнинг ўзига хос принципларига алоҳида — алоҳида тўхталиб ўтамыз.

**Она тили ўқитишда таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлиги принципи.** Мактабда ўқувчилар она тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси юзасидан ўта зарур бўлган илмий билимлар силсиласи билан қуроллантирилади. Улар она тили имлоси, талаффузи, ёзма нутқда тиниш белгиларни тўғри ишлатиш юзасидан зарур кўникма ва малакалар билан таъминланади. Айни вақтда она тили машғулоти ўқувчи шахсини тарбиялаш ва уни ривожлантириш воситаси ҳамдир.

Таълим, тарбия ва ривожланиш — бир бутун жараён. Уларни бир — биридан ажратган ҳолда алоҳида — алоҳида ёки дарснинг муайян бир босқичида бирин — кетинлик билан амалга ошириб бўлмайди. Ўқувчилар тил ҳодисаларини ўрга —

нишар экан, айти вақтда шу жараёнда уларга тарбия берилади; шахси ривожлантирилади.

Маърифий матнлар таълим, тарбия ва ривожланишни таъминловчи муҳим воситадир.

Она тили машғулотида танланадиган матнлар мавзу жиҳатидан ранг — баранг бўлса, ўқувчиларнинг тил материал — ларига қизиқиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Она тили дарсларини ўқувчиларнинг кундалик ҳаёти, меҳнат фаолияти, турмуши билан боғлаш, фойдаланиш учун танланадиган расмларнинг мазмун ва тематик ранг — баранг — лигини кучайтириш дарснинг тарбиявий ва ривожлантирувчи йўналишини оширади.

Маълумки, она тили дарсларида ўқувчилар бажарадиган ишлар: кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш каби ақлий фаолият усуллари; ҳаёл, диққат, хотира, тафаккур каби шахсий психик хусусиятларни ривожлантириш, қийинчилик — ларни енгиш, мустақил ижодий фаолият кўрсатишга самарали таъсир кўрсатади. Бу эса айти вақтда ўқувчи шахсини ривож — лантиради.

Шундай қилиб, она тили дарслари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзлайди. Бу принциплар қанча уйғун бўлса, она тили дарсларининг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

**Она тили ўқитишда илмийлик ва тушунарлик принципи.** Таълимнинг илмийлиги ва болалар учун тушунарли бў — лиши принциплари ўзаро боғланган, бир — бирини тўлдиради — ган дидактик категориялардир.

Таълимнинг илмийлиги принципи ўқув материални ҳо — зирги замон ўзбек тилшунослиги фани ютуқлари асосида баён қилишни тақозо этса, таълимнинг болалар учун тушунарли бўлиши принципи ўқув материалларини болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига, уларнинг умумий тараққиёти ҳам — да билиш имкониятларига мослаб баён қилишни талаб этади. Таълим жараёни мантиқи бу принципларни ўзаро алоқадор — ликда қарашни зарурият қилиб қўяди. Мазкур принципга кўра она тилидан ҳар бир синфда ўрганиладиган материал ҳамда ҳамда мазмун жиҳатидан бир — биридан фарқ қилади.

Мақтабда она тили фани ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган ютуқларга таянади. Бу принцип ўқувчиларни ҳо — зирги ўзбек тилшунослигида қатъий ҳал этилган, илмий асос — ланган билимлар билан қуроллантиришни талаб этади.

Шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган барча билимларни болага беришнинг иложи йўқ. Биз болага, асосан, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда бемалол фойдаланиш, тўғри ёзиш, тўғри ўқиш, тўғри фикрлаш ва тўғри сўзлаш учун унга зарур бўлган билимларнигина бериш имкониятига эгамиз, холос. Демак, мактаб она тили курси ўқувчиларни юқорида тилга олинган малакалар бўйича ўта зарурий билимлар тизими билан қуролантиради.

Илмийлик принципини тушунарлиликдан ажратиб бўлмайди. Бу икки принцип бир-бирини тўлдирадиган ва дарс самарадорлигини таъминлайдиган ягона принцип саналади. Сабаби, илмий билимлар тушунарли бўлмаса, ўқувчи уни ўзлаштира олмайди.

Мактаб она тили дарсликларида илмийлик ва тушунарлиликни таъминлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

— фанда илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, илмий жиҳатдан асосланган мактаб атамаларини ишлатиш; ҳар бир тушунча ва атаманинг маъносини атрофлича очиш; уларни болаларнинг пухта ўзлаштиришларини таъминлаш учун старли миқдорда асосли материаллар билан таҳлил қилиш;

— ўрганилаётган ўқув материалнинг олдин ўрганилган мавзулар билан боғлиқлигига амал қилиш; болаларни кейинги мавзуларни ўзлаштиришга тайёрлаш; тил асослари, тушунчаларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш;

— она тили таълими мазмунида грамматизмга йўл қўймаслик, ўқув материални болаларда мустақил ва ижодий фикрлашга, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ҳамда ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга бўйсундириш;

— ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг руҳий (психологик) хусусиятлари ва имкониятларига мўлжаллаб танлаш.

**Она тили ўқитишда системавийлик ва изчиллик принципи.** Маълумки, она тили ўқув предмети сифатида маълум системадан иборат. Бу система ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик томонларини ўз ичига олади. Ана шу тил тизимини ташкил қилган унсурларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, улар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғланган.

Мактабда тилнинг фонетикасини ўрганмасдан унинг грамматикасини ўрганиш мумкин эмаслиги исбот талаб қил—

майдиган ҳақиқатдир. Фонетика ва графикани етарли даражада ўзлаштирган ўқувчигина лексикани пухта ўзлаштиради. Лексика пухта ўрганилгач, сўз туркумларини ўрганиш осонлашади. Шунинг учун тил ҳодисаларини ўзаро узвий алоқадорликда ўрганиш унинг самарадорлигини таъминловчи асосий восита саналади.

Таълимда изчиллик принципи системалилик принципи билан узвий боғланган. Кишининг кундалик фаолиятида ҳам, ўқув ишларида ҳам муттасиллик, мунтазамлилик бўлиши шарт. Академик И.Т.Павлов: "Ишнинг бошланишидаёқ ўзингизни фан асосларини изчил эгаллашга ўргатинг. Фаннинг энг юксак чўққиларини эгаллашдан олдин унинг ибтидосини ўрганинг. Олдингиларини ўзлаштирмасдан туриб, кейингиларини ўрганишга ўтманг", — деб ўқувчиларга маслаҳат беради.

Болаларнинг нутқий тайёрланганлигига таяниш, уларнинг бошланғич ва олдинги синфларда ҳосил қилган билимларини ҳисобга олиш, ўрганилган, ўрганилаётган ва кейин ўрганиладиган билимлар ўртасида мантиқий алоқадорликни таъминлашга изчиллик принципи орқали эришилади.

Она тили дастурларида материалнинг босқичли кетма-кетлик принципи асосида берилиши изчиллик принципини амалга ошириш учун яхши имконият яратади. Чунки муайян бир мавзу юзасидан ўқувчиларда зарур билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш фақат шу мавзу доирасида қолиб кетмайди. Кейинги босқичда эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва энг муҳими бу билимларни ўқувчиларнинг нутқий фаолиятига олиб кириш орқали улар амалий кўникма ва малакага айланади.

Системавийлик ва изчиллик принципи нафақат ўқитувчи фаолиятида, балки ўқувчи фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фикрни баён қилиш тартибини белгилаш, баён ва иншо учун оддий ва мураккаб режа тузиш каби тошшириқлар ўқувчилардан системавийлик ва изчилликни талаб этади.

Шундай қилиб, системавийлик ва изчиллик принципи она тили таълимининг мазмунини белгилашда ҳам, ўқитувчи фаолиятида ҳам, ўқувчи фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади. Бу принципни амалда тадбиқ этиш таълим мазмунини такомиллаштиради; ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллигини оширади.

**Она тили ўқитишда назарияни амалиёт билан боғлаш принципи.** Она тили ўқитишда назарияни амалиётга боғлаш деганда ўқувчиларнинг тилдан эгаллаётган илмий-назарий



билимларини амалда қўллашнинг таъминлаш, уларни мустақил турмуш учун зарур бўлган амалий кўникмалар билан қурол-лантиришни тушунамиз. Назарияни амалиётга боғлаш она тили ўқитишни фойдали мақсадларга буриш, ўрганилаётган тил ҳо-дисаларини ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини ривожланти-ришга бўйсундириш, тил таълимини ҳаёт билан, кундалик турмуш билан, одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлаш демакдир.

Ўқувчи ўз она тилини яхши ўрганиб олсагина, унинг зеҳни, ақли, онги ва умумий маданий даражаси ортади. Ўз ти-лининг кенг имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда бемалол фойдалана оладиган шахсгина халқ яратган маданий – тарихий бойликлардан хабардор бўлади ва у бошқа фанлар асосини чуқур ўзлаштиришга дадил қадам ташлайди. Оғзаки ҳамда ёзма нутқдан фойдаланиш малакасига эга бўлган ўқувчи эртанги ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда ижодий фаолият кўрсата олади. Мустақил турмушга унинг она тилидан билганлари, тўғри ёзиш ва ўқиш малакалари, мазмунли ва чиройли сўзлаш санъати, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос ра-вишда ифодалаш кўникмалари, иш қоғозлари билан муомала қилиш ўқуви қўл келади. Шунинг учун ҳам она тили ўқитишда назарияни амалиётга боғлаш принципи жуда муҳим қонуният саналади.

Айрим ўқитувчилар: “Ўқувчи ўз она тилининг қонун – қоидаларини билса, айтиб берса, у саводли ёзади”, – деган фикрни илгари сурадилар. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки она тилининг қонун – қоидаларини билиш бошқа, ундан ама-лий иш жараёнида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш бошқа.

Она тили ўқитишда назарияни амалиёт билан боғлаш мақ-садида ҳар бир соатлик дарс машғулотида ўқитувчи ўқувчиларга мавзу юзасидан нималарни билишлари ва нималарни амалда қўллай олишлари лозимлигини айтиши мақсадга мувофиқдир.

Она тили машғулотларида ўқувчилар томонидан тузи-ладиган матнлар, ёзиладиган баён ва иншолар назарий би-лимларни амалий кўникмага айлантиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тил ҳодисаларини таҳлил қилиш ва таҳлил қилинган ҳодисаларга таяниб хулосалар чиқариш, ўрганилган қоидаларни далиллар воситасида исботлаш, матн устида иш-лаш, ижодий – амалий тошшириқлардан фойдаланиш назарияни бевосита амалий фаолиятга олиб ўтади.

Она тили таълимини турмуш билан боғлашнинг асосий омилларидан бири ўқувчиларга иш қоғозларидан фойдалана олиш малакаларини сингдиришдир. Ўқитувчи ҳар бир бўлим ва мавзунинг талаби ҳамда имкониятидан келиб чиқиб, бу ишни амалга ошириш чораларини кўриши лозим. Чунончи, "Атоқли отлар ва уларнинг имлоси" мавзуси ўрганилар экан, манзилгоҳ ёзиш устида иш олиб борилса, "Шарт майлидаги феъллар" мавзусини ўрганишда қарор матни устида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Она тили ўқитишда назарияни амалиётга боғлаш принципи вақтли матбуот, оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиётдан унумли фойдаланишни талаб этади.

**Она тили ўқитишда онглилик, фаоллик ва мустақиллик принциплари.** Дидактик адабиётларда онглилик деганда ўрга — нилаётган мавзуга оид ахборот мазмунини асосли эгаллаш, хулоса ва умумлашмаларни чуқур ва атрофлича фаҳмлаш, мавзу юзасидан билимларни системали ва тўғри баён қилиш, эгалланган билимларнинг ишонч ва эътиқодга айланиши, ўрганилган билимлардан турмушда мустақил фойдалана олиш тушунилади. Бу принцип тил ҳодисаларининг моҳиятини англаб, тушуниб, онгли ўзлаштиришни талаб қилади.

Она тили материалларининг онгли ўзлаштирилишини таъминлаш ўқитувчи олдига қатор талаблар қўяди. Бу талаблар:

а) ўқув материалларининг болалар ёш хусусияти ва билим савиясига мос тушиши, уларнинг ўқув имкониятларига тўғри келиши;

б) ўрганиладиган материални ўрганилган материаллар билан узвий боғлаш;

в) грамматик тушунчалар юзасидан болаларнинг фикр — лаш фаолиятини юзага келтириш; зарурият туғилганда ана шу тушунчаларни қисқа ва тушунарли изоҳлаш;

г) мисолларнинг аниқ ва ҳаётий бўлиши, ўқувчилар топган мисоллардан унумли фойдаланиш;

д) машқларнинг қизиқарлилиги ва хилма — хиллигига эришиш;

е) дарсни маълум бир системада олиб бориш;

ё) тарқатма материаллар, кўргазмали қурол ва техник воситалардан унумли фойдаланиш кабилар бўлиб ҳисобланади.

Онглилик таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатиши билан чамбарчас боғланган. Чунки таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтирмай туриб,

ўқув материалнинг онгли ўзлаштирилишига эришиб бўлмай — ди. Ўқувчи дарс жараёнида онгли ўзлаштирган билимлар — дангина амалий фаолиятда бемалол фойдаланиши мумкин.

Таълимда фаоллик ва мустақиллик ўзаро узвий боғланган дидактик категориялардир. Ҳар қандай фаоллик асосида ақлий фаолият ётади. Аммо бу "фаоллик" ва "мустақиллик" бир хил тушунча деган фикрга олиб келмаслиги керак. "Фаоллик" "мустақиллик" тушунчасига нисбатан анча кенг маънога эга. Фаоллик деганда биз ўқувчининг ҳам ўқиш, ҳам меҳнат, ҳам ижтимоий тоқшириқларни бажариш жараёнидаги фаолиятини назарда тутамиз. Ўқув фаоллиги умумий фаолликнинг ажрал — мас қисми бўлиб, у билимларни эгаллаш, билишга қаратилган фаолиятдир. Демак, билиш фаоллиги бола фаолиятининг маҳ — сули бўлиб, билимларни эгаллашда фаол иштирок этиш, ку — чайтирилган фаолият кўрсатиш демақдир.

"Фаоллик" ва "фаоллаштириш" ҳам бир тушунча эмас. Фаоллик шахснинг билимларни пухта эгаллаш, ўз эҳтиёжла — рини қондиришга қаратилган муҳим қобилиятидир. Фаоллаш — тириш эса муайян фаолият жараёнида шахснинг ақли, ҳис — сиёти ва иродасини кучайтириш, такомиллаштириш орқали унинг иш қобилиятини ошириш демақдир.

Кўпгина педагогик адабиётларда "агар ўқитувчи матери — ални тушунарли баён қилиб берса, кўргазмали қуроолар ҳамда техник воситалардан фойдаланса, ўқувчиларнинг шахсий ху — сусиятларини ҳисобга олиб, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар би — лан иш олиб борса, ўқув жараёни фаоллашиб, таълим самарали бўлади" деган фикр илгари сурилади. Фаоллик мустақил ақлий фаолият кўрсатиш орқали таъминланади.

**Она тили ўқитишда кўргазмалилик принципи.** Билим — ларни қабул қилиш ва ўзлаштиришда барча сезги аъзолари — нинг фаолиятини тўғри уюштириш катта аҳамиятга эга. Сезги аъзолари қанчалик кўп иштирок қилса, билиш шунча осонла — шади.

Кўргазмалилик она тили ўқитишнинг муҳим қонунияти саналади. Чунки бу фаннинг табиати кўргазмалиликни кўпроқ талаб этади. Тилдаги мавҳум тушунчаларнинг моҳиятини анг — лаш бу принципдан кенг фойдаланишни тақозо этади. Ўқувчи кўриш орқали нарса — ҳодиса, уларнинг тилдаги ифодаси ху — сусида аниқ тушунчага эга бўлади.

Кўргазмалилик принципига кўра тил ҳодисаларини ўр — ганиш, кузатиш, сезишдан бошланади. Бола турли нутқ то —

вушилар, сўзлар, гапларни талаффуз этиш, эшитиш, ёзиш, кўриш орқали сезади. Кузатиш тасаввур болалар онгида тил ҳодисалари тўғрисида ҳиссий аниқ тасаввур ҳосил бўлади. Ўқитувчи болаларни тил ҳодисаларини сезишдан уларнинг моҳиятини англашга, тил ҳодисаларини тасаввур этишдан грамматик тушунчаларни атрофлича ўзлаштиришга қараб олиб боради.

Кўргазмали материал муҳим ахборот манбаи ҳамдир. Чунки ўқувчи дарслик, ўқитувчининг баёни, газета ва журналлардан қандай ахборот олса, кўргазмали материалдан ҳам шундай маълумот олиши мумкин.

Она тили дарсларида табиий ёки аниқ буюмлардан (предметларнинг асл намунасимас, анор, олма, бино макети в.ҳ.), график материаллар (чизма, жадвал каби)дан; тасвирий санъат, музика, кино, телевидение каби воситалардан фойдаланади. Она тили машғулотида телевизор, эпидиаскоп, фильмоскоп, магнитофон каби техник воситалардан фойдаланиш дарс самарадорлигига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Бу воситалар тил ҳодисаларини тушунишга, она тилидан эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлашга, уни амалий кўникмага айлантиришга ёрдам беради. Айниқса, тасвирий санъат намуналари, ўқув фильмлари, диафильмлар ва диапозитивлар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришда муҳим восита саналади. Шуни назарда тутиб, она тили ўқитувчиси тил кабинетини шу воситалар билан таъминлаш чорасини кўриши, айниқса расмий альбомлар ташкил этиши, расмий тарқатма материалларини кўпайтириши лозим.

Кўргазмали қуроллардан барча турдаги дарсларда ва дарснинг барча босқичларида унумли фойдаланса бўлади. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш жараёнида кўпроқ репродуктив характердаги кўргазмали қуроллардан фойдаланасак, янги билимлар беришда изланувчанликни талаб қиладиган кўргазмали қуроллар ишга солинади. Демак, кўргазмалилик принципини амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг қайта хотиралашга асосланган фаолиятини ҳам, қисман изланувчанлик фаолиятини ҳам, ижодий фаолиятни ҳам уюштириш мумкин.

Кўргазмали қурол меъёрида қўлланилиши лозим. Ҳаддан ташқари ортиқча кўргазмали восита ўқувчиларни толиқтиради; фикрни асосий масаладан четлаштиришга олиб келади; ўқув материалларини учун ажратилган вақтнинг етишмаслигига сабаб бўлади.

Ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятлари ҳамда ўқув имкониятларини ҳисобга олиш принципи. Таълим жа — раёнида ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятлари ҳамда ўқув имкониятларини ҳисобга олиш дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири бўлиб, у она тили ўқитиш самарадор — лигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу принципга амал қилмай туриб, тил ҳодисаларини пухта ва онгли ўзлаш — тиришга эришиб бўлмайди.

Маълумки, она тилининг изчил курсини ўрганиш, асосан, ўрта мактаб ёши — ўсмирлик даврига тўғри келади. Бу ёшда ўқувчиларда топшириқни ўз вақтида аниқ ва яхши бажаришга ҳаракат ривожланади. Ўсмирлик даврида қайта хотиралашга оид топшириқлар билан бир қаторда ижодий топшириқларни бажаришга иштиёқ кучаяди. Агар бошланғич синфда ўқувчи — лар кўпроқ кўрган ёки кузатган нарсалари ҳақида фикр юритсалар, кейинчалик уларда ўзлари шахсан кузатмаган, кўрсатмаган, аммо бошқалардан эшитган воқеа — ҳодисаларни қўшиб уни баён қилишга уринадилар. Ўқувчилар бу ёшда расмда акс эттирилган воқеалар ҳақида фикр юритиш билан чекланмай, расмда кўзга ташланмаётган, аммо мавзуга бево — сита алоқадор бўлган фикрларни ҳам қўшиб, уни баён эта оладилар. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ижодий фикр кўпроқ аниқ воқеа — ҳодисалар натижасида ҳосил бўлса, ўсмирлик даврига ўтган сари бу хусусият ўз кўлами жиҳатидан кенгаяди; бола идрок қилган нарсаларни тушуниб, англаб олишга инти — лади; у нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилади; ўзаро таққос — лайди, уларнинг муҳим ўхшаш ва фарқли белгиларини излайди ҳамда ҳукм ва хулосалар чиқаради.

Она тили дарсларида ўсмирларнинг реал ўқув имконияти ҳисобга олинган тақдирдагина таълим жараёни самарали ке — чади. Тил материали ўқувчи лаёқатига мувофиқ келган тақ — дирда у фаоллик кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятини аниқлаши ва таълим жараёнида уни ҳисобга олиши зарур.

Маълумки, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, билим савияси, қизиқиш ва лаёқати, мустақил ишлай олиши бир — биридан фарқ қилади. Ўзлаштириш даражаси юқори бўлган, ижодий фикрлай оладиган ўқувчи расм асосида иншо ёзиш керак бўлганда нафақат расмда кўраётган нарсаларини, балки ўзининг ҳаётий таассуротларини қўшиб иншо ёза олади. Ўз — ланштириш даражаси ва фикрлаш қобилияти бўш бўлган, тил

сезгирлиги талаб даражасида бўлмаган ўқувчи худди шу иншоода ҳатто расмда кўраётганларини ҳам тўлалигича баён қилиб бера олмайди. Демак, ўқувчиларда ўқув имконияти ҳар хил бўлиб, бу уларнинг билиш фаолиятига таъсир этмай иложи йўқ.

Ўқувчиларнинг ўқув имконияти бир қатор ички ва ташқи асосларга эга.

Ўқув имкониятининг ички асосларига ўқувчиларда нутқ малакаларининг шакланганлик даражаси, фикрлаш ва эсда сақлаб қолиш қобилияти, тафаккур усулларини билиши ва уни зарур ўринларда тўғри ишга сола олиши, тез ўқиш ва ёзиш малакаларининг мавжудлиги, тил материалларини ўрганишга муносабати кабиларни киритиш мумкин.

Ташқи омилларга она тили таълимининг мазмуни, ўқувчиларнинг тил муҳити (уйда ҳам, мактабда ҳам ўзбек тилида сўзлашадиган ўқувчиларнинг ўқув имконияти турли тилда сўзлашадиган ўқувчиларнинг ўқув имкониятидан фарқ қилади), уларга қўйилган ягона имловий ва нутқий талаб, ўқитувчининг нутқи, мактабнинг моддий техникавий таъминоти кабилар киради.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятлари ҳамда реал ўқув имкониятларини ҳисобга олиш принципига қатъий амал қилиш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўқитувчи томонидан танланадиган ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мувофиқлаштириш имконияти вужудга келади. Ўқитувчи ўқув имкониятидан келиб чиққан ҳолда дарслик ва қўшимча ўқув материалларидан фойдаланади.

2. Ўқув имкониятини аниқлаш она тили ўқитишнинг шакл, метод ва усулларини тўғри белгилашга, мақсадга мувофиқ келадиган дарс турини танлашга имкон беради.

3. Ўқув имкониятини билиш табақалаштирилган таълимдан фойдаланиш имкониятини беради. Чунки ҳар бир ўқувчининг ўқув имкониятини билмасдан туриб, ўқув топшириқларини табақалаштириш мумкин эмас. Боланинг ўқув имкониятига мос тушадиган топшириқ эса уни бажаришга бўлган қизиқишини кучайтиради; билишга бўлган ишончни орттиради; синфдаги барча ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатишларини таъминлайди; вақтни тежаш ва барча ўқувчиларнинг деярли бир вақтда топшириқни бажаришларига шарт-шароит яратади.

4. Ўқув имкониятини ҳисобга олиш она тили дарсларида болани тарбиялаш ва ривожлантиришга шарт-шароит яра-тади. Имкониятга мувофиқ келадиган топшириқ шахсий-руҳий хусусиятлар: ирода, қобилият, хотира, ижодий хаёл каби-ларни тарбиялайди. Она тили дарсларини ўқувчиларнинг им-кониятлари доирасида ташкил этиш уларнинг ўз кучларидан унумли фойдаланишларини таъминлайди.

**Она тили ўқитишнинг ўзига хос принциплари.** Ўқи-тувчи она тилининг умумдидактик принциплари билан бир қаторда, унинг ўзига хос принципларини ҳам яхши билиши ва таълим жараёнида унга қатъий амал қилиши лозим.

Илмий-методик адабиётларда она тили ўқитишнинг ўзига хос принциплари хусусида турли хил фикрлар, қарашлар мавжуд. Айниқса, бу турли-туманлик принципларнинг ном-ланишида, тушунчаларни изоҳлашда кўпроқ намоён бўлади.

Она тили ўқитишнинг ўзига хос принциплари шу тил-нинг ўз табиатидан келиб чиқади. Модомики шундай экан, тилдан ўрганиладиган билимларнинг манбаи ҳам ўзбек тил-шунослиги фани саналади. Чунки тилдан бериладиган билим-ларнинг назарий асослари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тилшунослик фанида ўз ифодасини топган. Аммо тилшунослик фани "Тилни қандай ўқитиш керак?", "Тилдан ўзлаштирила-диган билимларнинг ҳажми ва мундарижаси қандай бўлади?" деган саволларга жавоб топа олмайди. Зеро, булар тилшунос-лик фанининг вазифаси саналмайди. Чунки тилни ўқитиш муаммолари билан методика шуғулланади. Демак, тилни ўқи-тишнинг методик принциплари, бир томондан ўзбек тилининг ўз хусусиятларидан келиб чиқса, иккинчи томондан тилни ўз-лаштириш психологиясига кўра белгиланади. Биз қуйида она тилининг ўзига хос принципларига алоҳида-алоҳида тўхта-ламиз:

**"Тил-меъёр-нутқ мутаносиблиги" принципи.** Маълум-ки, она тили машғулотларида ўқувчилар кўп ҳолларда тилга оид назарий билимларни эгаллаш билан ўралашиб қолиб, тил меъёрларидан унумли фойдаланиш, нутқни такомиллаштириш устида кам ишлайдилар. Бу ҳол, шубҳасиз, она тили дарсларида ўқувчиларнинг зерикишига, зўрма-зўраки "ўрганилган" тил ҳодисаларининг тезда унутилишига сабаб бўлмоқда.

Мақтаб она тили курсининг асосий мақсади ижодий та-факкур соҳибини тарбиялаш, оғзаки ва ёзма нутқини ривож-лантириш экан, "тил-меъёр-нутқ мутаносиблиги" принци-пига қатъий амал қилмай туриб, унга эришиб бўлмайди.

Тил нима? "Тил деганда — деб таъриф беради Ҳ.Неъма — тов, — жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан (олдинги авлодлар томонидан) тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланилиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун хизмат этадиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро бирикиши ва боғланишини белгиловчи қонун — қоидалар йиғиндиси тушунилади". Демак, тил фикрни шакллантириш ва уни юзага чиқариш, бировга етказиш учун имконият сифатида ўқувчининг онгида мавжуд.

Тилнинг асосий қонун — қоидалари, зарур бирликларини (нутқ товушлари, қўшимчалар, сўзларни), уларнинг бирикиш қонун — қоидаларини ўқувчи жамиятдан тайёр ҳолда олади. Ҳали она тилини махсус ўқув фани сифатида ўрганмаган шахс ҳам сўзларни ўзаро бириктириб, гап қура олади. У ўз фикрини бошқаларга баён қилади ва ўзгалар фикрини тушунади.

Мактабда она тилидан бериладиган билим, малакалар ва кўникмалар ўқувчининг ўзида мавжуд бўлган ана шу имкониятларни кенгайтиради; яъни уни ўзбек адабий тилининг бой хазинасига олиб кириш орқали фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалашга эриштиради.

Тил ички имконият сифатида аниқ бир фикрни хилма — хил усул ва воситалар ёрдамида юзага чиқаради. Бу ички имконият тилда беҳад кўп ва хилма — хилдир.

Меъёр нима? Меъёр тилнинг мана шу ички имкониятларини ўқувчи онгига сингдирувчи омилдир. Бошқача қилиб айтганда, меъёр нутқни рўёбга чиқариш мақсадида тил имкониятларидан фойдаланиш учун кўрсаткичлар мажмуаси саналади. Меъёрнинг олий кўриниши миллий, адабий тил услублари, мезонларидир. Миллий, адабий тил меъёрларидан хабардор ўқувчигина она тили таълимининг сўнгги натижаси — матн яратишга қодирдир.

Нутқ нима? Нутқ тил имкониятларининг юзага чиқиши, воқеланишидир. Тилнинг бой ички имкониятларидан хабардор шахс ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда бемалол баён қила олади.

Она тили таълимида "тил — меъёр — нутқ" ўзаро чамбар — час боғланган бўлиб, бирини иккинчисисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарс машғулотларида улар ўртасида мутаносиблик ўрнатилмаса, она тили таълимининг асосий мақсади — нутқий тараққиёт ортада қолади.



**Ўзбек тилини ўқитиш орқали ўқувчилар тафаккурининг ўсишига эришиш принципи.** Она тили дарслари ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ўстиришда яхши имкониётларга эга. Тафаккур воқеликнинг онгли акс этиш жараёни, инсон ақлий фаолиятининг юксақ шаклидир. Тафаккур орқали фикр вужудга келади. Фикрлаш фаолияти эса нутқ ҳолатида намоён бўлади. Демак, ўқувчи ўз тафаккурини ривожлантирмай туриб, оғзаки ва ёзма нутқни эгаллай олмайди.

Тафаккур кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, гуруҳлаш кабиларда намоён бўлади.

Тафаккур мустақил ақлий фаолият маҳсулидир. Ўқувчи тил ҳодисалари юзасидан мустақил ақлий фаолият кўрсатмас экан, унда мантиқий тафаккурнинг ривожланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ижодий изланиш ва ижодий фикрлаш ўқувчида ижодий тафаккурни юзага келтиради. Ижодий тафаккур эса ўқувчиларда номаълум бўлган тил ҳодисаларининг моҳиятини билиб олишга ёрдамлашади; эгалланган билимларнинг пухталигини таъминлайди; ўқув материалига бўлган қизиқишни кучайтиради.

Ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда уларга бериладиган савол ва топшириқларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Ўқитувчи савол ва топшириқларни дарслиқдан олиши ёки уни ўзи тузиши мумкин. Тафаккурни ривожлантириш ақлий фаолият усуллари (кузатиш, қиёслаш, гуруҳлаш, умумлаштириш каби)ни тўғри ишга солиш билан чамбарчас боғланган.

**Она тили курси билимлари орасидаги боғланиш ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқани таъминлаш принципи.** Она тили ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири мавзулараро, бўлимлараро, синфлараро, фанлараро боғланишдир.

Она тили ўқитувчиси мавзулар ва бўлимларнинг боғланиши, алоқасини аниқ белгилаши ва ўқитиш жараёнида унга амал қилиши лозим. V синфда "Лексика" бўлими ўрганилар экан, у сўз ясалиши ва грамматика билан, фонетика, сўз ясалиши ва морфология билан узвий боғланади. Сўз ясалиши эса лексика билан ҳам, морфология билан ҳам чамбарчас боғланган. Чунки, сўз яшаш натижасида янги лексик маъноли сўзлар ҳосил бўлади, янги ясалган ҳар бир сўз маълум сўз туркуми сифатида шаклланади.

Мақтаб она тили курсининг турли бўлимлари орасидаги ўзаро боғланишга амал қилиш ўқитувчига ўтилганларни сама-

рали, мукаммал такрорлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Чунончи, ўқувчи мустақил сўзларни ўрганар экан, бундай сўзларнинг синтактик вазифаларини, синтаксисни ўрганишда эса сўз туркумлари ҳақидаги маълумотларни такрорлаш им — кониятига эга бўлади.

Она тили фани ичидаги боғланиш икки хил кўринишга эга:

**1. Юқоридан пастга қараб боғланиш.** Боғланишнинг бу кўриниши ўтилаётган янги ўқув материални олдин ўрганилган материал билан боғлашни талаб этади.

**2. Пастдан юқорига қараб боғланиш.** Бунда ўқитувчи ўрганилаётган материални ўрганилиши кўзда тутилган мате — риал билан боғлайди.

Дидактиканинг бу муҳим принципини муваффақиятли амалга ошириш учун, биринчидан, ўқитишнинг барча босқич — ларига (бошланғич мактаб, тўлиқсиз ўрта мактаб) она тили таълими олдига ягона талаблар қўйиш лозим. Айниқса, она тили ўқитишнинг биринчи босқичи (бошланғич мактаб) ва ик — кинчи босқичи (5—9—синфлар) ўртасида узвий бирликка эришиш таълим самарадорлигининг муҳим омилидир.

Бошланғич синф ўқитувчилари она тилининг изчил кур — сидан ўқувчилар нималарни ўрганишларини ва, аксинча, она тили ўқитувчилари бошланғич синфда нималар ўрганилганли — гини яхши билишлари лозим.

Ўқитувчи таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг нутқ тараққиётида бўладиган ўзгаришларни билиши ва унга таяниши керак. Бошланғич синф ўқитувчилари кейинги синфларда ўқувчидар нутқида пайдо бўладиган янгиликларни олдиндан кўра олишлари ва аксинча, она тили ўқитувчилари бошланғич синфларда ўқувчилар нутқида пайдо бўладиган ўзгаришларни билишлари шарт.

Она тили ўқитишда бу ўқув фанининг бошқа ўқув фан — лари билан алоқасини таъминлаш ҳам муҳим методик талаб саналади.

Маълумки, она тили мактабда ўрганиладиган барча фан — ларни пухта ўзлаштириш учун муҳим калит саналади. Тил во — ситасида ўқувчи бошқа фанларни ўрганади. Барча ўқув фан — лари юзасидан ўз фикрини ёзма ва оғзаки равишда баён этиш орқали у она тилини ҳам пухтароқ эгаллаб боради. Деярли ҳамма фанлар ўқувчиларнинг лугат бойлигини ўстириш, ор — фографик саводхонлигини ошириш, нутқ малакаларини ри —

вожлантиришга хизмат қилади. Демак, ўқувчиларда юксак нутқ маданиятини тарбиялаш нафақат она тили дарслари, балки мактабда ўрганиладиган барча фанлар орқали амалга оширилади.

Она тили турли йўналишлар орқали бошқа ўқув фанлари билан боғланади. Сўзнинг генетик нуқтаи назаридан келиб чиқишини аниқлаш учун тарих фанига мурожаат қилинса, тил ҳодисаларини таққослаш учун ўқувчилар ўрганаётган бошқа ўқув фанларига мурожаат қилинади. Нутқ услубларини аниқлаш учун эса адабиёт, тарих, математика, кимё, физика каби фанлар ўқитувчига ёрдам беради.

Шундай қилиб, она тилининг бошқа фанлар билан алоқасини уч катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) генетик боғланиш;
- б) қиёсий боғланиш;
- в) функционал боғланиш.

**Она тили ўқитишда ўқувчиларни тил ҳодисаларини ажратишга ўргатиш принципи.** Тил ҳодисаларини ажратиш мактаб "Она тили" ўқув фанида қўлланиладиган атамаларнинг маъносини тушунишдан тортиб, ўрганилаётган тил материалларини кузатиш ёки ўзаро қиёслаш асосида ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, мустақил равишда умумлашмалар ҳосил қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади.

Маълумки, ҳар бир она тили машғулотида ўқувчилар муайян атамага дуч келади. Масалан, "Фонетика" бўлими ўрганилар экан, товуш, ҳарф, унли, ундош, жарангли товуш, жангсиз товуш, бўгин, урғу каби зарурий атамалар билан иш кўради. Агар ўқувчи бу атамаларнинг маъносини тушунмаса, бўлим улар томонидан ўзлаштирилган деб бўлмайди.

Тил ҳодисаларини ажрата олмаслик кўп ҳолларда уларни аралаштириб қўлашга сабаб бўлади. Масалан, ўқувчилар бармоқ, сарғиш, ишлаш каби сўзлар таркибидаги —моқ, —иш, —ш қўшимчаларига қараб, уни ҳаракат номи деб аташади. Айниқса, келишик билан эгалик, турланиш билан тусланиш, морфологик таҳлил билан синтактик таҳлил кабиларда уларни фарқлай олмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Бунинг учун олдин ўрганилган атама билан кейин ўрганиладиган атама орасида мустаҳкам занжир ҳосил қилинмоғи лозим. Зеро, билимлар ҳалқалардан ташкил топган бир бутун занжирдир.

Тил ҳодисаларини ажратиш, айниқса, матн устида ишлаш жараёнида кўпроқ керак бўлади. Чунки ўқувчи танланган

матндан у ёки бу тил ҳодисасини ажратиши, унинг моҳиятини шарҳлаши, шу асосда умумлашмалар ҳосил қилиши лозим.

**Она тили ўқитишда маҳаллий шева шароити ва таъсирини назарда тутиш принципи.** Маълумки, ўзбек тили ўзининг шева қатлами жиҳатидан хилма — хил ва жуда мураккаб — дир. Ўзбек миллий тили бошқа қардош туркий тилларга нисбатан жуда сершева ҳисобланади. Профессор В.В.Решетов таснифига кўра, ўзбек халқи қатламида тарихий — лингвистик жиҳатдан бир — биридан ажраладиган (фарқ қиладиган) уч диалект бирлиги бор: 1) қипчоқ; 2) ўғиз; 3) қарлуқ — чигил — уйғур.

Бу йирик диалектларнинг ҳар бири, айниқса, қарлуқ, чигил, уйғур лаҳжаси, ўз навбатида, бир неча айрим майда бўлақларга бўлинади.

Диалектлар фонетик хусусиятлари жиҳатидан **ота, она, боради** каби сўзларни **ата, ана, баради** каби айтувчи а — ловчи шевалар ва **йер, йел** дегувчи й — ловчилар ҳамда **джер, джил** деб айтувчи **дж** — ловчи шеваларга бўлинади. Бу шева вакиллари — ларининг барчаси миллат жиҳатдан ўзбекдир. Ана шу диалект ва шевалар Республикамиз ҳудудида (ва ундан ташқарида) яшовчи ўзбеклар учун алоқа воситаси (шева нутқи) бўлиб хизмат қилади. Ўзбек диалектларидаги мана шу хилма — хиллик ўқувчилар нутқига таъсир этмай иложи йўқ.

Ўзбек халқ шеваларидаги фонетик ҳар хилликлар, кўп ҳолларда, ўзбек адабий тилида сўзларнинг орфоэпик қоидалар асосида талаффуз этишга моненьлик қилади. Бу орфоэпик хатолар орфографик хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, қипчоқ диалектига мансуб ўқувчиларнинг кўпчилиги сўз бошида адабий тилдаги й ўрнига **ж** талаффуз қилишади (йўқ — жўқ, йигит — жигит); **у, и** унлилари билан бошланган айрим сўзларнинг олдига **ж** ни қўшиб айтишади (узум — жузум, илиқ — жилиқ); сўзнинг ўртасида ёки охирида келган **ғ** товушини **в** билан алмаштиради (тўғри — туври, тоғ — тов), **п, к** товушларини **б, г** билан алмаштириб айтишади (қоп — қаб, кўк — кўт) в.ҳ., бу эса ўқувчиларда орфоэпик ва орфографик саводхонликни таъминлашни бирмунча қийинлаштиради.

Ўзбек диалектлари морфологик жиҳатдан ҳам адабий тил меъёрларидан маълум даражада фарқ қилади. Масалан, қипчоқ диалектига мансуб ўқувчилар томонидан қаратқич келишигининг қўшимчаси **-нингни -динг, -тинг** шаклида қўллаш ҳолларига тез — тез дуч келади.

Ўзбек диалектларининг лексик жиҳатдан ҳам адабий

тилдан фарқ қиладиган кўп томонлари борки, улар диалектал хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги дўппи сўзи Тошкентда тўппи, Самарқандда қалпоқ, Шаҳрихонда қалпоқ, Бухорода калапўш; товоқ сўзи эса Тошкентда лаган, Андижонда товоқ, Бухорода табақ, Шаҳрихонда тавоқ шаклида айтилади.

Ўзбек адабий тилининг меъёрлари билан халқ шевалари ўртасидаги бундай фарқлар она тили ўқитувчисидан маҳаллий диалект шароити ва таъсирининг олдини олиш юзасидан дои — мий иш олиб боришни талаб қилади.

Ўқитувчи ўқувчилар нутқидаги диалектал хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун қатор иш усулларидан фойдаланиши мумкин. Масалан, талаффузи қийин бўлган сўзларнинг диалектал шакли билан адабий — орфоэпик шаклини қиёслаш, сўзларни адабий тил меъёрларига мувофиқ талаффуз этиш, ўқувчилар нутқини магнитофон лентасига ёзиб олиб, қайта эшиттириш орқали уларнинг хатоларини аниқлаш ва тузатиш, мустақил равишда диалектал луғат тузиш каби топшириқлардан фойдаланса бўлади.

Таълим принциплари бир — бири билан чамбарчас боғланган, бўлиб, уларга қатъий амал қилиш дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни пухта билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини тобора кенгайтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

### Асосий адабиётлар

1. Муҳиддинов А.Ф. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти, Тошкент, "Ўқитувчи", 1998.
2. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ, Тошкент, "Ўқитувчи", 1993.
3. Неъматов Ҳ., Фуломов А. Мактабда тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш, Тошкент, 1992.
4. Ғозиев Э. Ўқувчиларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти, Тошкент, "Ўқитувчи", 1983.
5. Фуломов А.Қ. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари., Тошкент, "Ўқитувчи", 1992, 5 — 41 — бетлар.
6. Фуломов А.Қ. Она тили дарсларида активлик принципини амалга оширишнинг назарий асослари. Тошкент, "Фан", 1989.
7. Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш. Илмий асарлар тўплами, Тошкент, ЎзПФТИ, 1988.

## ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

Она тили ўқитишнинг методлари ҳақида умумий тушунча. Она тили дарсларининг самарадорлиги ўқитувчининг ўқитиш методларини мукамал билиши, методни танлай олиши ва уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида қўллай олишига боғлиқ.

"Метод" сўзи қандай маънони ифодалайди? "Метод" юнонча сўз бўлиб, тадқиқот ёки билиш йўли маъноларини ифодалайди. Бу тушунча фалсафий ва дидактик маъноларга эга.

Фалсафий маънода "метод" тушунчаси табиат ва жамият ҳодисаларини кузатиш ҳамда воқеликка илмий нуқтаи назардан ёндашиш демакдир.

Дидактик маънода бу тушунча ўқувчиларни билим, мадака ва кўникмалар билан қуроллантириш йўллариини ифодалайди. Айрим фанларни ўқитиш билан алоқадор масалаларни хусусий методика ўрганади. Шунинг учун таълим методлари дидакт — олимларни ҳам, методистларни ҳам баб — баравар қизиқтиради.

Жаҳон дидактлари кейинги йилларда таълим методлари ва уларнинг таснифига оид анчагина салмоқли илмий изла нишлар олиб бордилар. Улар ўқитиш методларини турлича тасниф қилишади.

Бир гуруҳ олимлар (С.И.Перовский, Е.Я.Голант) таълим методларини билим олиш манбаига қараб, оғзаки, кўрсатмали ва амалий методларга бўлсалар, иккинчи гуруҳдаги олимлар (М.А.Данилов, Б.П.Есипов) маълум типдаги дарсларда бажариладиган ўқув вазифасидан келиб чиқиб, билимларни эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни текшириш ва баҳолаш каби методларга бўладилар.

Ю.К.Бабанский эса таълим методларини уч катта гуруҳга ажратади:

1. Ўқувчиларнинг ўқув — билув фаолиятини ташкил этиш методлари.
2. Ўқувчиларнинг ўқув — билув фаолиятини рағбатлантириш методлари.
3. Ўқувчиларнинг ўқув — билув фаолиятини назорат қилиш методлари.

Тўртинчи гуруҳ олимлар (М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер) билиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим методларини:

- 1) тушунтириш — намойиш этиш методи;
- 2) қайта хотиралаш методи;
- 3) муаммоли баён методи;
- 4) қисман изланувчанлик методи;
- 5) тадқиқот (изланувчанлик, ижодийлик) методи каби — ларга ажратилади.

Таълим методларининг И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин то — монидан таклиф этилган ушбу таснифи ўқувчиларнинг фикр — лаш фаолиятида тадқиқотчилик ва муаммоли вазият борлиги билан ажралиб туради. Мазкур тасниф тил ўқитишнинг та — биатига ҳам анча мос тушади. Шу боис, она тили ўқитишда И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин таснифига кенгроқ тўхталамиз.

**1. Тушунтириш — намойиш этиш методи.** Ўқитувчи то — монидан билимлар тайёр ҳолда берилади. Она тилининг қо — нун — қоидалари ўқитувчи томонидан тушунтирилади ва уни мустақамлаш мақсадида мисоллар келтирилади. Ўқувчилар баён қилинаётган билимларни тинглайдилар ва хотирада сақ — лашга ҳаракат қиладилар.

**2. Муаммоли баён қилиш методи.** Ўқитувчи ўқувчилар олдига маълум бир муаммо қўяди ва уларнинг мустақил ақлий фаолият кўрсатишларини таъминлаш орқали бу муаммони ҳал қилишга киришади. Таълимнинг бу методи ўқувчилар томони — дан ўқув материалининг ўқитувчи раҳбарлигида мустақил таҳ — лил этилиши, кузатилиши, гуруҳланиши, умумлаштирилиши билан ажралиб туради.

**3. Қайта хотиралаш методи.** Бу методнинг ўзига хос ху — сусияти шундаки, ўқувчи ўқув топширигини эгалланган би — лимларга асосланган ҳолда ёки берилган намунага қараб ба — жаради. Ўқувчи муайян андаза асосида ҳаракат қилади.

**4. Қисман изланувчанлик методи.** Таълимнинг бу ме — тоди шу билан ажралиб турадики, ўқитувчи дарс жараёнида маълум ўқув муаммосини қўяди, аммо уни мустақил ҳал қилиш йўллари кўрсатмайди. Ҳар бир ўқувчи муаммони мустақил ҳал қилиш учун ўзича изланади. Аммо қийинчилик туғилганда унга ёрдам кўрсатилади. Ўқувчи бу ёрдамни ўқитувчининг ту — шунтиришидан, ўқувчиларнинг ўзаро суҳбатидан ёки дарс — ликдан олишлари мумкин. Топшириқни бажариш жараёнида олинмаган ёрдам методни қисман ижодий қилиб қўяди.

**5. Тадқиқот (ижодийлик) методи.** Бу метод ўқувчидан тўла ижодийликни талаб этади. Янги билимлар олиш мақсадида ўқувчи ўзи масала тузиши ва уни тўла мустақил равишда ҳал

қилиш йўллари излайди. Ўқитувчи томонидан бериладиган ижодий — амалий топшириқлар ҳам ҳеч қандай ёрдамсиз, ёки намунага асосланмаган ҳолда бажарилади.

Мазкур таснифнинг устунлиги шундаки, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини босқичма — босқич фаоллаштириш назарда тутилган ҳамда унда ўқувчиларнинг қобилиятларини ривож — лантиришга ва ўқув фаолияти таркибида тадқиқотчилик ун — сурлари бўлиши зарурлигига эътибор берилган.

Юқорида берилган таснифлар таълимнинг умумий қо — нуниятларидан келиб чиқиб, барча фанларни ўқитишга бево — сита алоқадор методлар саналади.

Хусусий методлар, шу жумладан, она тили ўқитиш мето — дикаси ҳам ўқитишнинг барча масалалари қатори таълим ме — тодларини танлашда умумдидактик системага асосланилса — да, аммо унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ме — тодлари ҳам мавжуд.

Она тили ўқитиш методикасида таълим методлари кам — ўрганилган масалалардан биридир. Методист Х. Рустамов би — лимларни олиш манбаидан келиб чиқиб, она тили ўқитиш ме — тодларини қуйидагича таснифлайди:

- а) ўқитувчининг баёни;
- б) суҳбат;
- в) тил ҳодисаларини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- г) грамматик таҳлил;
- д) машқ;
- е) дарслик устида ишлаш;
- ё) кўргазмали қуроолардан фойдаланиш;
- ж) саёҳат.

Бу методлар, биринчидан, қайта хотиралашга асосланган методлар бўлиб, улар ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ўс — тиришга тўла мувофиқ келмайди. Бу методларда, асосан, ўқи — тувчи фаолияти назарда тутилган; таълим жараёнининг субъ — екти саналган ўқувчи эътибордан четда қолган. Мазкур тас — нифда ўқувчиларда изланувчанликни шакллантиришга хизмат қиладиган муаммоли баён, қисман изланувчанлик, тадқиқот (изланувчанлик) методлари тамоман ўз ифодасини топмай қолган.

Маълумки, дарс икки ёқлама жараён бўлиб, унда ўқи — тувчи ҳам, ўқувчи ҳам фаол иштирок этади. Шунинг учун ўқитиш методларини тасниф қилишда нафақат ўқитувчи фао — лияти, балки ўқувчи фаолияти ҳам асос бўлиб хизмат қилмоғи



лозим. Она тили дасрларида қўлланиладиган ўқитиш методлари нафақат билимларни баён қилиш ёки уни мустақкамлашга хизмат қилиши, балки ўқувчиларнинг мустақил билим олиши — ни ҳам ҳисобга олиши, таълим жараёнига изланувчанлик ва тадқиқотчилик унсурларини қўшиш орқали уларни ижодий фаолиятга тайёрлаши лозим. Ана шу нуқтаи назардан қара — ладиган бўлса, таълим методларини икки катта гуруҳга ажратса бўлади:

1. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар.

2. Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методлар.

Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методларни:

1. Билимларни тайёр ҳолда баён этиш;

2. Билимларни муаммоли йўл билан баён қилиш методларига ажратса бўлади.

Ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методлар ўз навбатида қайта хотиралаш, қисман изланувчанлик ва излашга асосланган методларга бўлинади.

**Билимларни тайёр ҳолда баён қилиш методи.** Бу метод она тили дарсларида энг кўп тарқалган методлардан биридир. Баён ёрдамида мураккаброқ, айниқса, ўқувчиларга олдиндан маълум бўлмаган маълумотлар изоҳланади. Кўпинча тил ҳоди — саларининг моҳиятини тушунтириш, ўқувчилар билимидаги бўш томонларни тўлдириш, қўшимча маълумот бериш, савол — ларга жавоб қайтариш мақсадида бу методга мурожаат қили — нади. Бу метод ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга. Унинг ижобий томонларидан бири вақтни тежаш имконияти туғи — лади. Бу ўз навбатида билим, малака ва кўникмаларни мустақ — камлаш ва такрорлашга ажратилган вақт миқдорини кўпай — тиради. Билимларни тайёр ҳолда баён қилишнинг салбий оқи — батларидан бири эса бу жараёнда ўқувчининг фикрлаш фао — лияти маълум даражада чегараланишидир. Кўп ҳолларда ўқув — чи таълим жараёнининг фақат тингловчисига айланиб қолиши мумкин. Бу методдан фойдаланиш учун қуйидагиларга амал қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

— ўқитувчининг нутқ маданиятига эътиборини кучай — тириш. Ўқитувчининг нутқи мантиқий талабларга жавоб бе — риши шарт. Содда, мазмунли, ифодали, изчил нутқ ўқувчи — ларда билимга нисбатан кучли қизиқиш уйғотади;

— ўқув материални қатъий бир режа асосида баён қилиш (қатъий режа асосида баён қилинган фикрларни ўз — лаштириш ўқувчи учун анча қулай);

– билимларни тайёр ҳолда баён қилиш, ишонтириш ва асослаш. Ишонтириш ва асослаш ўрганилаётган материалга қизиқиш уйғотади.

Юқорида саналганлардан ташқари тил ҳодисаларини шарҳлаш мақсадида келтирилаётган мисолларнинг илмий, ба – дий ва тарбиявий йўналишда бўлишини таъминлаш, ўқитувчи баёни билан намоёниш этилаётган воситаларни бир – бирига мувофиқлаштириш ўқувчининг фаоллик даражасини оширади.

Билимларни тайёр ҳолда баён қилишда ўқувчилар диқ – қатини ўрганилаётган тил ҳодисасининг асосий томонларига жалб қилиш, ўрганилган, ўрганилаётган ва кейинчалик ўрга – нилаётган тил ҳодисалари ўртасида мустаҳкам боғланишларни вужудга келтириш улар фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Она тили дарсларида билимларни муаммоли йўл билан баён қилиш методи.** Маълумки, изланишга асосланган ҳар қандай фаолият сермаҳсул фаолиятдир. Ўқувчи тил ҳодисала – рини тайёр ҳолда ўзлаштирмай, уни изласа, актив ижодий фаолият кўрсатса, ўзлаштириш жараёни анча самарали бўлади. Муаммоли таълим ана шундай изланиш ва ижодий фаолият кўрсатиш учун яхши имконият яратади. Бу метод шахс ва унинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

**“Муаммоли таълим”** тушунчаси педагогик адабиётларда гарчанд кейинги йилларда пайдо бўлган бўлса – да, аммо бу изланувчанликка асосланган гоё минг йилдан ортиқроқ тарихга эга. Шарқ мутафаккирлари билиш изланиш маҳсули эканли – гини алоҳида қайд қилган эдилар. Ўрта асрнинг буюк дониш – манди Абу Али ибн Сино (980 – 1037) ўзининг “Донишнома” асарида қийинчиликларни енгиш орқали билимларни эгал – лашнинг афзаллигини кўрсатган эди.

Умар Хайём (1042 – 1112) “Математик трактатлар”ида би – лиш учун фикрлаш зарурлигига, қийинчиликларни бартараф этиш учун ўйлаш кераклигига даъват этади. Ал – Тусий (1201 – 1274) эса билимларни пухта эгаллаш учун мустақил изланиш – нинг зарурлигини алоҳида қайд қилади. Бу гоё кейинчалик эвристик таълим назариясининг юзага келишига асос бўлди. XIX асрнинг 70 – йилларида Россияда яшаган бир гуруҳ тил – шунос олимлар (Ц.П.Бальталон, М.А.Рибникова) эвристик таъ – лим назариясини кўтариб чиқиб, ўқувчиларни мустақил иш – латиш йўли билан уларни фаоллаштиришга эришиш мумкин – лигини асослаб бердилар.

Ўқувчиларни изланишга ундаш суҳбат асосида амалга оширилади. Ҳар қандай изланишга асосланган суҳбат жараёнида муаммоли вазият яратиш эҳтиёжи бор.

Билимларни муаммоли йўл билан баён қилиш ўқувчи — ларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришга, номаълумни излаб топиш жараёнида ўзлигини намоён этишга имкон беради. Муаммоли таълимда ўқувчиларнинг фаолияти шундай ташкил этиладики, уларда ўрганилаётган билимларга эҳтиёж туғдирилади. Бу метод ўрганилиши кўзда тутилган тил ҳодини сасини ўқувчидан пинҳон сақлайди; унда билишга эҳтиёж, зарурият туғилади. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлашини ўстиришга қаратилган. Бундай таълим эса ривожлантирувчи таълимдир.

Муаммоли ўқитиш муаммо яратиш (муаммони вужудга келтириш) билан бошланади.

Она тили таълими жараёнида муаммоли вазият қуйидаги ҳолларда юзага келади:

— номаълумни излаб топиш, қийинчиликни бартараф этиш зарурияти туғилганда;

— она тилидан эгалланган билимларни янги шароитда қўллаш эҳтиёжи юзага келганда;

— муаммоли топшириқ билан уни бажариш усули ўр — тасида номутаносиблик вужудга келганда.

Она тили дарсларида муаммоли вазият яратишнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш мумкин:

**1. Тилга оид далилларни таҳлил қилиш асосида муаммоли вазият яратиш.** Тил ҳодисаларини кузатиш таҳлилнинг самарали шакли саналади. Бу усул ёрдамида муаммоли вазият яратиш учун ўқувчилардаги мавжуд билимларга асосланиб, номаълум муаммони аниқлашни уларнинг ўзларига топшириш мумкин. Масалан, "Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиши" мавзусини ўтишда таҳлил учун қуйидаги топшириқлар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади ва муаммоли вазият яратилади:

1. Ҳар бирингиз нутқ товушларини ҳосил қилиб кўринг.

2. Нутқ товушларини ҳосил қилишда фаол иштирок этган нутқ узвларини сананг. Нега улар фаол нутқ товушлари эканлигини исботланг.

**2. Тил ҳодисаларини қарама-қарши қўйиш ва таққослаш асосида муаммоли вазият яратиш.** Таққослаш, айниқса, тил таълимида муҳим ўрин эгаллайди. Бу усул орқали тил ҳодисаларидаги ўхшаш ва фарқли томонлар аниқланади.

Мазкур усул билан муаммоли вазият яратишни "Кўчирма гап" мавзусини ўрганиш мисолида кўриб ўтайлик. Ўқувчиларга берилган қуйидаги гап жуфтларини ўқиб, уларни қиёслаш ва фарқларини аниқлаш топширилади:

1. "Журжон подшоси бўламан", — деди йигит. Йигит Журжон подшоси эканлигини айтди. (Эртақдан)

2. Арслон подшо буюрди: "Чақимчини тутиб ўлдилинг." Арслон подшо чақимчини тутиб ўлдиришни буюрди (Эртақдан).

3. "Тошкентга, — деди Миртемир, — 11 ёшимда келганман" Миртемир Тошкентга 11 ёшида келганлигини айтди.

Гаплар қиёслангач, "Сиз қандай гапларни кўчирма гап деб тушунасиз?" деган муаммоли савол ўртага ташланади.

**3. Тил ҳодисаларини умумлаштириш орқали муаммоли вазият яратиш.** Умумлаштириш ақлий фаолиятнинг энг мураккаб усули бўлиб, у она тилини индуктив йўл билан ўқиштишга асосланади. Индуктив йўл эса тил ҳодисаларини кузатиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш кабилар асосида умумлашмалар ҳосил қилиш демакдир. Ўқувчи берилган сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнларни кузатиб таҳлил қилгач, муаммони ечишга тайёр бўлади. Масалан, 5 — синфда "Ундалма" мавзуси ўрганилар экан, ўқувчилар зиммасига эга билан ундалманинг фарқини аниқлаш ва ундалмага мустақил равишда таъриф бериш вазифаси юклатилади. Одатда, биринчи муаммо ҳал қилингач, иккинчи ва учинчи муаммони ҳал қилишга ўтилади.

**4. Берилган матннинг мазмунидан келиб чиқиб, муаммоли вазият яратиш.** Ўқитувчи дарслиқда берилган ёки ўзи танлаган матнни ўқитиб, шу асосида ҳам муаммо қўйиши мумкин. Масалан, 5 — синф ўқувчилари эътиборига қуйидаги матн ҳавола этилади:

#### **Илмга амал қилмаслик жазоси**

Амир Абдуллахон хос навкарни ҳамиша ўзи билан олиб юрар экан. Амир ҳузуридаги суҳбатларда бир шоир Амир Хисрав Деҳлавийга нисбат бериб шу байтни ўқийди:

*"Керак одамга сўзни кўп билмоқ*

*Вале они жуда ҳам оз айтмоқ".*

Амирга бу байт жуда маъқул бўлади. Кунлардан бир кун Амир ўзининг сўзамол, сергап вазирига Деҳлавийнинг таъбирини эслатиб, танбеҳ беради. Вазир Амирга :

"Авф этинг, шоҳим. Бу сўзлар Деҳлавийники эмас, шайх Низомий қаламига мансуб", — деб эътироз билдиради. Амир

хайрат билан навқарига қарайди. Навқар бош эгиб:

— Улуғ амирим, вазир ҳақ. Бу таъбир — Низомий Ган — жавийнинг "Хисрав ва Ширин" достонидан. Шоир сизга но — тўғри айтган эди, — деб жавоб беради.

Амир жаллодни чақириб, навқарнинг тилини кестиради.

**Муаммоли савол:** Нега навқарнинг тили кесилди?

Она тилидан масала типигаги ўқув топшириқлари тил ҳодисаларини кузатиш, қиёслаш, гуруҳлаш кабиларга асосла — нади. Ўқувчи тилдан эгалланган билимларга асосланиб номаъ — лумни қидиради.

Масаланинг муҳим белгиси унинг исбот талаблigidир. Ўқувчи берилган топшириқларни бажаргач, муайян бир ху — лосага келади ва ўз шахсий фикр — мулоҳазаларини исботлаш зарурияти туғилади.

Қуйида ўқув топшириқларидан айрим намуналар келти — рилади:

### "Фоҳетика"дан:

1 — масала. Аввал унли, кейин ундош товушларни талаф — фуз қилиб кўринг. Сиз улар орасида қандай фарқи сезяпсиз? Қайси белгиларга қараб уларни унли ва ундош товушларга ажратдингиз? А,и,о,э,у,ў товушларининг унли товуш эканли — гини исботланг.

2 — масала. Қатиқ — қаттиқ, дара — дарра сингари сўзлар — нинг фарқи борми? Уларнинг бир сўз эмаслигини исботланг.

### "Лексика"дан:

1 — масала. Узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, булоқнинг кўзи, тахтанинг кўзи ёки ўткир тил, ўткир сўз, ўткир нигоҳ (қараш) бирикмаларида кўзи ва ўткир сўзларининг кўчма маънода қўлланилганлигини исботланг.

2 — масала. Гаплардаги антонимларга эътибор беринг. Улар якка ҳолда келганда қандай маънони ва жуфт ҳолда кел — ганда қандай маънони англатади?

1. Тўйга дўст — душман келади. 2. Эртаю кеч фикрим шу. 3. Қишлоқнинг бутун катта — кичиги бу умумхалқ ҳашарига қўшилди (С.Аҳмад). Бу гапдаги антонимларни бошқа сўзлар билан алмаштириб кўринг — чи! Бундан қандай хулоса чиқар — дингиз? Намуна: Тўйга ҳамма келади. Доим фикрим шу .

### "Морфология"дан:

1 — масала. Қуйида берилган икки гапни таққосланг. 1. Чол минбарга чиқиб йигитчасига гапирди. 2. Танишиб олайлик, отингиз нима, йигитча?

Йигитча сўзининг маъносида фарқ борми? Сиз бундан қандай хулоса чиқардингиз?

2—**масала.** Қуйидаги тўртликни диққат билан ўқинг. Нега шоир шу олмошини уч мисрада такрор қўллаган?

Укам, ёвузларнинг топганлари шу,  
Ўз ўғлин ит бўлиб қопганлари шу.  
Ўз қалбин нафратлаб ёпганлари шу,  
Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдирдилар.

(А.Орипов)

Ўқитувчи ўқув масалаларини ўзи тузиши ёки дарсликда берилган ижодий характердаги ўқув топшириқларидан фойдаланиши мумкин. Агар топшириқ шартда ўз фикр — мулоҳаза — заларини далиллар билан асослаш сўралмаган бўлса, унга муайян ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Шундай қилиб, масала тишидаги ўқув топшириқлари муаммоли вазият яратишнинг муҳим усулидир. Чунки масала ўқувчини ҳаракатга келтиради, уни изланишга ундайди, қизиқтиради.

Муаммоли вазият яратишда ўрганиладиган тил ҳодисаларининг мураккаблик даражаси ҳам ҳисобга олинади. Чунки ўқитувчи тил ҳодисаларининг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, муаммоли вазият яратишнинг усулини танлайди. Олдиндан ўқувчиларга маълум даражада таниш бўлган тил ҳодисаларини ўрганишда кўпроқ кузатиш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилса, ўқувчиларга тамоман нотаниш бўлган мавзуларни ўрганишда муаммоли савол қўйиб, дарсликдан жавоб излаш усулидан фойдаланилади.

Муаммоли вазият яратишда синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаси, тил ҳодисаларини тушуниши ва ақлий фаолият усулларидан фойдаланиши кабилар ҳам ҳисобга олинади. Агар синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаси паст бўлса, енгилроқ ижодий — амалий топшириқлардан фойдаланишга тўғри келади.

Муаммонинг моҳиятини англаш муаммоли таълимнинг биринчи босқичидир. Кейинги босқичлар: муаммони ечиш, нагизани ҳисобга олиш кабилар биринчи босқичнинг тўғри уюштирилганлигига боғлиқ. Айниқса, биринчи босқичда ўзлаштириши бўш ўқувчиларни муаммоли вазиятга олиб кириш ўқитувчига анча мураккаблик туғдиради. Бунинг учун ўқитувчи табақалаштирилган таълим имкониятларидан унумли фойдаланиши лозим.

Шундай қилиб, қўйилган муаммони тўғри ечишни таъминлаш учун:

а) муаммонинг мақсад ва моҳиятини ўқувчиларга тўғри аёнлаштириш;

б) ўрганилган мавзулар юзасидан пухта ва изчил билимларнинг мавжудлигига эришиш;

в) ҳар бир ўқувчида мустақил равишда ижодий ишлаш малакаларини таркиб топштириш;

г) ўқувчиларни мақсадга йўналтира билиш;

д) муаммони ечишнинг энг самарали ва қулай йўлини белгилаш жуда катта аҳамиятга эга.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил билим олишини қуйидаги методларга ажратиш мумкин:

1) қайта хотиралашга асосланган методлар;

2) қисман изланувчанлик методлари;

3) изланишга асосланган методлар.

Бу методларнинг ҳар бири она тили машғулотларида ўқувчиларни фаоллаштиришга турлича таъсир кўрсатади.

**Қайта хотиралашга асосланган методлар.** Мазкур метод ўқувчи олдида муайян бир қийинчилик яратмайди ва у тайёр ўқув материали билан иш кўради. Ўрганилган тил ҳодисаларини хотирада тиклаш, топшириқни тўлалигича муайян андаза ёки намунага қараб бажариш каби топшириқлар шундай топшириқлар сирасига киради.

Она тили машғулотларида бажариладиган бир қатор иш турлари, жумладан, кўчириб ёзиш, изоҳли ёзув, сайланма диктант, муайян андазага қараб бажариладиган фонетик, лексик, морфологик, синтактик таҳлиллар, берилган шеърини мазмунини насрий йўл билан баён қилиш каби топшириқлар ўқувчилардан билимларни хотирада тиклашни талаб этади.

**Қисман изланувчанлик методи.** Қисман изланувчанлик методи таркибида қайта хотиралаш асосий ўринни эгаллайди. Чунки ўқувчи она тилидан эгалланган билимларга таянмай туриб, уни янги шароитда қўллай олмайди.

Она тили машғулотларида бажариладиган қатор мустақил иш турлари:

а) нуқталар ўрнига зарур ҳарфлар, келишиқ қўшимчалари, сўзларни топиб қўйиш;

б) маълум бир сўзни унинг маънодоши, уядоши, қарамақарши маъноли сўз билан алмаштириш;

в) берилган гаплар ёки матннинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш;

г) берилган таянч сўзлар ёки сўз бирикмаларидан фойдаланиб, гаплар ёки матнлар тузиш ўқувчилардан қисман изланишни талаб этади. Чунки бу топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчи маълум даражада ёрдам олади. Берилган сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар ўқувчига топшириқни бажариши учун кўмаклашади.

**Изланишга асосланган методлар.** Изланиш тил материалларини ижодий фаолият кўрсатиш йўли билан ўрганиш демакдир. Шубҳасиз, ўқувчи она тили машғулотларида маълум бир янгилик кашф этмайди, балки берилган маълумот мазмунини ижодий йўл билан ўрганади. Бу метод ўқувчидан олдин ўрганилганларни тамоман янги шароитда қўллашни талаб этади. Она тили машғулотларида ёзиладиган иншолар, ўқилган бадий асарга тақриз ёзиш, мақола ёзиш, илмий маърузалар тайёрлаш ўқувчидан ҳеч қандай андаза ёки ташқи ёрдам олмасдан бажариладиган асосий ишлардир.

Шундай қилиб, она тили дарсларида изланишга асосланган методлардан фойдаланиш, биринчидан, ўқувчиларнинг тил ҳодисаларига қизиқишини кучайтиради, иккинчидан, тил ҳодисаларини мустақил таҳлил қилишга ўргатиш орқали, уларда ижодийлик ривожланиб боради.

**Она тилидан таълим методини танлаш.** Она тили машғулотларида ўқувчи фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, албатта. У, биринчи навбатда, ўқитувчи томонидан тўғри танланган методга боғлиқ. Тўғри танланган метод уни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, она тили ўқитувчилари таълим методларини танлашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Айрим ўқитувчилар маълум бир методга ортиқча баҳо бериб, иккинчисини эътибордан четда қолдирадилар; баъзилари ҳар бир методдан бир шингил олишга уринадилар. Ўқитувчиларнинг кўпчилик қисми таълим методини тасодифий танлайдилар.

Ўқитувчи таълим методини танлашда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

1. Танланаётган методнинг ўрганиладиган тил материали мазмунига мувофиқ келиши, мавзунинг мураккаблик даражаси, ўрганилаётган ўқув материали юзасидан ўқувчиларда айрим тушунчаларнинг мавжудлиги, ўқув материалининг ҳажми таълим методини танлашга таъсир кўрсатади. Мавзу ўқувчиларнинг ўқув имкониятига мувофиқ келиб, улар шу ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан олдинги синфлардан маълум бир тушунчаларга эга бўлсалар, қайта хотиралашга асосланган ме-



тодлар билан бир қаторда, муаммоли ўқитиш методидан фойдаланишга тўғри келади.

Мавзу ҳажм жиҳатидан катта ва мураккаб бўлса, тунтириш — намоиш этиш методини муаммоли таълим методи билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. Танланаётган метод она тили таълимининг асосий мақсади ва ўрганилиши кўзда тутилган мавзунинг хусусий мақсадига мувофиқ келиши шарт.

Она тили дарсида янги мавзу ўрганиладиган бўлса, ўтилганларни хотирада тиклаш орқали ўқувчилардан ижодийликни талаб қиладиган топшириқларга кўпроқ эътибор берилади.

3. Танланаётган метод ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, мустақил ишлаш даражасини, ёш ва шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир неча методдан фойдаланса бўлади. Масалан, ўқувчилар томонидан билимларни мустақил эгаллаш жараёнида ўзлаштириши бўлш ўқувчилар учун қайта хотиралаш ва қисман изланувчанлик методларидан фойдалансак, ўзлаштириш даражаси юқори бўлган ўқувчилар учун кўпроқ изланувчанлик методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Танланадиган метод ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳам боғлиқ. Болаларнинг ёши улғайган сари тил материаллари устида мустақил ишлаш даражаси ҳам ортиб боради. Қуйи синфларда ўқувчи ўз — ўзини назорат қилишда анча қийналса, 7—8—синфларга бориб, уларнинг ўз фаолиятини ўзи назорат қилиши ортади. Шунинг учун 5—6—синфларда ўқув топшириқларини бажариш учун кўп ҳолларда намуна кўрсатишга зарурият сезилса, 7—8—синфларда уларда ижодий фаолият кўрсатиш имкониятлари анча кенгайди ва изланувчанликка асосланган методларга тез — тез мурожаат қилишга тўғри келади.

4. Она тили дарсида қўлланиладиган метод мавзулараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Чунончи, "Жарангли ва жарангсиз ундошлар" мавзуси ўрганилар экан, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам жарангли ва жарангсиз товуш жуфтлари устида иш олиб борадилар, ҳар бир сўзга маънодош, уядош ва қарама — қарши маъноли сўзлар излайдилар. Бундай ҳолатларда билимларни хотирада тиклаш изланувчанлик методлари билан қўшилади.

Ўқувчиларнинг орфографик, орфоэпик ва пунктуацион мадакалари устида ишлаш маълум бир бўлим доирасида чекланмайди. Бу малакалар деярли ҳар бир она тили машғулотида такомиллаштирилади. Қўлланиладиган метод она тили дарслари зиммасига юклатилган бу вазифани муваффақиятли амалга

оширишга хизмат қилади.

5. Таълим методи она тилидан бериладиган билимларнинг манбаига ҳам боғлиқ. Агар ўқувчи билимларни ўқитувчининг жонли сўзидан оладиган бўлса, тушунтириш — намоёниш этиш методи ўқувчиларнинг мустақил изланиши билан қўпилади, агар билим берилган топшириқларни бажариш асосида ўрганиладиган бўлса, асосан, ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методларга мурожаат қилинади.

1. Дарсликда ўқув материалнинг индуктив ёки дедуктив усулда берилганлиги ҳам таълим методини танлашга таъсир кўрсатади. Ўқув материали индуктив усулда берилган бўлса, ўқувчиларнинг фаоллик даражаси юқори бўлади.

2. Танланаётган метод ўқув материални ўрганиш учун ажратилган вақт ва ўқитувчининг имкониятларига ҳам мувофиқ келиши лозим. Мавзунини ўрганишга ажратилган вақт оз бўлса, ўқувчиларнинг изланишига асосланган методларни қўллаш имкониятлари анча чегараланади. Бундай ҳолларда ўқитувчининг баёни эвристик суҳбат билан қўпирилган ҳолда амалга оширилади.

### Асосий адабиётлар

1. Азимов Э. Она тилидан муаммоли дарс, "Тил ва адабиёт таълими", 1993, 3—4—қўшма сон, 27—30—бетлар.
2. Ўзбабонский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари, Тошкент, "Ўқитувчи", 1990.
3. Маҳмутов М. Мактабда муаммоли таълимни ташкил қилиш, Тошкент, "Ўқитувчи", 1981.
4. Саидов М. Муаммоли кўргазмалардан фойдаланиш, "Тил ва адабиёт таълими", 1993, 5—6—қўшма сони, 13—14—бетлар.
5. Фуломов А. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўқув—билув фаолиятини активлаштириш, Тошкент, "Ўқитувчи", 1987.
6. Фуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари, Тошкент, "Ўқитувчи", 1992.

### ОНА ТИЛИДАН ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ШАКЛЛАРИ

Дарс шакллари ҳақида умумий маълумот. Дарс шакли деганда у ёки бу фандан ўқув ишини уюштириш ва ўтказиш шакли тушунилади. Ўқув ишини ташкил этишда "ўқувчи — ўқув материали — ўқитувчи" муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқувчи таълим жараёнининг субъекти — фаол ишлов — чисидир. Бунинг маъноси шуки, машғулот жараёнида асосий ишги ўқувчининг ўзи бажаради. У тил ҳодисаларини кузатади,

таққослайди, гуруҳлайди, умумлаштиради, қоида ва таърифлар чиқаради, уларни амалий фаолиятда тадбиқ этади.

Ўқитувчи таълим жараёнининг ташкилотчиси, бошқа — рувчиси саналади. У ўқувчи фаолиятини ташкил этади, унинг билим олиши, бу билимларнинг кўникма ҳамда малакага ай — ланишига раҳбарлик қилади.

Ўқув материали ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро боғлайди, ўқитувчининг вазифаси бу материални энг осон ва қулай йўл билан ўқувчига бериш, ўқувчининг вазифаси эса уни осон ва қулай йўл билан қабул қилиш ҳамда амалий фаолиятда тадбиқ этишдан иборатдир.

Она тилидан ўқувчиларни зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришнинг шакллари кўп.

Дарс — ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий шакли. Бундан ташқари, факультатив машғулотлар, синфдан ташқари машғулотлар, ўқувчилар билан яккама — якка ишлаш, мустақил иш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари, саёҳатлар ўқув ишларини ташкил этишнинг муҳим шакллари саналади.

Она тили дарслари — ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий шакли. Ўқувчи она тилидан зарурий билим, кўникма ва малакаларни асосан дарс орқали олади.

Дарс — бир хил синфдаги ўқувчилар билан қатъий жадвал асосида ўтказиладиган машғулот тури.

"Дарс" ва "машғулот" тушунчалари гарчанд бир — бирига яқин бўлса — да, аммо улар бир маънони ифодаламайди. Маш — ғулот — дарсга қараганда кенг тушунча. Агар дарс белгиланган қатъий жадвал асосида ва қатъий вақт ичида ўтказилса, маш — ғулот дарс билан бир қаторда ўқувчилар билан бирга ёки як — кама — якка ҳолда ўтказиладиган таълимий ишларни ҳам ўз ичига олади.

Мактаб тарихида синф — дарс ўқитишнинг ишончли ва қулай усули бўлиб, у давр синовларидан ўтган ва ўзини тўла оқлаган. Бу усулнинг қулайлиги шундаки, ўқувчилар жамоа бўлиб ўқийдилар ва бир вақтнинг ўзида синфдаги барча ўқув — чиларни зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қурол — лантириш имконияти туғилади.

Она тили дарси ўқувчиларни нутқ кўникмалари билан қуроллантиришнинг асосий воситасидир.

Дарсга ажратилган вақт 45 дақиқани ташкил этади. Она тили дарслари олдига муайян талаблар қўйилади. Бу талаблар она тили дарсининг мақсадига боғлиқ. Маълумки, бошқа ўқув

фанлари сингари она тили машғулотлари ҳам таълимий, тар — биявий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзлайди.

Дарснинг таълимий мақсади ўрганилаётган тил ҳодисаси юзасидан ўқувчиларда пухта билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уни амалий нутқий фаолиятда қўллаш кабиларни талаб этса, тарбиявий мақсад шу тил ҳодисаси орқали бола — ларда миллий тилга муҳаббат, уни пухта эгаллашга кучли иш — тиёқ, миллий қадриятлар, анъаналар, урф — одатлар руҳида тарбиялашни асосий талаб даражасига кўтаради.

Ривожлантирувчи мақсад ўқувчиларни мустақил хулоса — лар чиқариш, юзага келган ўқув қийинчиликларини мустақил равишда енгиш, ўзида қатъийлик, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ўргатишни талаб қилади.

Кейинги йилларда айрим мактабларда дарслар 30 дақи — қалик шаклда ҳам ўтказилмоқда.

Она тили машғулотлари олдига қуйидаги дидактик та — лаблар қўйилади:

ДТС талаблари доирасида:

— ўқувчилар нутқини ўстириш, имло саводхонлигини оши — риш, талаффуз меъёрларини шакллантириш ва ривожлантириш, ифодали ўқиш учун зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш;

— таълим принципларига қатъий амал қилиш, дарс ме — годлари, воситалари ва усулларини тўғри белгилаш;

— таълим, тарбия ва ривожланишнинг уйғунлигини таъ — минлаш;

— қайта хотиралаш, қисман ижодий ва тўлиқ ижодий топ — шириқлар ўртасида мутаносибликни танлаш; ижодий фикрлашга ундайдиган ўқув топшириқларига кенг ўрин ажратиш;

— билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишда ўқувчилар ёши, ўқиш имкониятлари ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

**Она тили дарсларининг таркибий қисмлари.** Она тили дарслари қуйидаги ўзича мустақил қисмлардан ташкил топган: такрорлаш, янги билим бериш, билимларни кўникма ва ма — лакага айланттириш, ўрганилганларни мустаҳкамлаш ва дарсни хулосалаш, уйга вазифа бериш. Буларнинг ҳар бири муайян вазифани бажаради ва ўзига хос мазмунга эга.

Ташкилий қисм ўқувчиларни дарсга тайёрлайди, уларда ишлаш, ижодий фаолият кўрсатиш иштиёқини юзага келти — ради. Дарснинг бу қисми уюшқоқлик билан жуда қисқа муд —

датда ташкил этилиши лозим. Акс ҳолда, дарсга ажратилган вақтнинг зое кетишига олиб келади ва ўқувчини кўзланган мақсаддан узоқлаштиради.

Уй вазифасини текшириш берилган топшириқнинг ба — жарилиш сифати, эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг пухталиқ даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ўқи — тувчилар иш амалиётида баъзан уй вазифасини текшириш ўт — ган дарсни ва олдин ўрганилган тил материалларини такрор — лашга айланиб қолади. Дарснинг бу босқичида ташкил этила — диган такрорлаш, биринчи навбатда, ўрганилиши кўзда тутил — ган ўқув материалига замин ҳозирлаши лозим. -

Агар уй вазифаси ўрганиладиган тил ҳодисаси билан бевосита алоқадор бўлса, у янги ўқув материални ўрганиш жараёнида ҳам текширилиши мумкин.

Дарснинг янги билим бериш шакли ўрганилаётган мав — зуга алоқадор билимларни хотирада тиклашни, уларни қисман маълум ёки тамоман номаълум шароитларда қўллаб, янги билимларни эгаллашни талаб этади.

Дарснинг мустаҳкамлаш шакли шу дарс машғулотида эгалланган билимларни кўникма ва малакага айлантиришни тақозо этади. Баъзан мустаҳкамлаш олдин ўрганилганларни такрорлаш билан қўшилиши ҳам мумкин. Агар янги мавзу ол — дин ўрганилган мавзулар билан бевосита алоқадор бўлса, бу икки дарс шакли бир яхлитлик ҳосил қилади.

Дарснинг янги билим бериш жараёнида ҳам, мустаҳкам — лаш ва такрорлаш жараёнларида ҳам ижодий — амалий ишла — рига кенг ўрин ажратилади.

Она тили машғулотларида бажариладиган амалий иш — ларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

**Хотирлаш** — олдин ўрганилган тил ҳодисаларини қайта хо — тирлашга асосланган амалий ишлардир. Хотирлашнинг: 1) тай — ёрловчи хотирлаш ва 2) умумлаштирувчи хотирлаш каби турлари бор.

**1. Тайёрловчи хотирлаш.** Тил яхлит бир тизим бўлиб, унинг барча сатҳлари бир — бири билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам тилнинг ҳар бир сатҳ бирлиги серқирра, кўп ва — зифали, кўп маъноли. Бу бирликнинг бир томони маълум бир бўлимда ўрганилса, унинг иккинчи қирраси, хусусияти тамо — ман бошқа бир бўлимда ўрганилади. Чунончи, боғловчилар, уларнинг маънолари ва гуруҳлари морфология бобида ўрга — нилса, уларнинг сўзларни ва гапларни бир — бирига боғлаши

синтаксис бобида кўриб чиқилади. Демак, синтаксисни ўрганишда, боғловчилар ҳақида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўқувчи хотирасида тиклаш эҳтиёжи туғилади. Тайёрловчи хотирлаш янги билимларни эгаллаш учун асос ва — зифасини ўтайди.

**2. Умумлаштирувчи хотирлаш (такрорлаш).** Тил сатҳлари ўзаро боғлиқ бўлган яхлит тизим бўлса ҳам, бу занжирнинг ҳар бир бўғини нисбатан мустақил тизимчадир ва унинг ҳар бир бўғини алоҳида — алоҳида мавзулар сифатида ўрганилади. Чунончи, боғловчиларнинг ўзи 5—6 машғулотта бўлиниб, турларга ажратилиб ўрганилади ва машғулотларнинг охирида умумлаштирувчи хотирлаш ишлари бажарилиши лозим. Умумлаштирувчи хотирлаш ишлари тилнинг узлуксиз тизимидаги маълум бир тизимчалар ҳақида яхлит, тўлиқ маълумот ҳосил қилиш учун зарурдир ва якунловчи синов ишлари (ёзма иш, якуний баҳо чиқариш, имтиҳон в.ҳ.) бажарилиши шарт.

**Янги билим ҳосил қилиш.** Амалий ишнинг бу тури таълилий (индуктив) таълим усулининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ўқувчилар бу жараёнда аввалги билимларига таянган ҳолда ҳодисаларни таҳлил этадилар, кўрсатилган йўллар асосида бу ҳодисаларни (мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида) гуруҳларга ажратадилар, саралайдилар ва хусусийликдан умумийликни топишга киришадилар. Бундай амалий ишлар янги билим ҳосил қилишнинг асосий усулидир.

**Тадбиқ.** Тадбиқий амалий ишлар ўқувчиларни машғулотда олган билимларини амалда қўллай билиш кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи машқлардир. Бундай машқлар моҳиятан икки турли бўлади:

- 1) қисман ижодий машқлар;
- 2) ижодий машқлар.

Қисман ижодий машқлар ўрганилган тил ҳодисаларини қисман янги шароитда тадбиқ этишни талаб этадиган амалий ишлардир. Бундай амалий ишларнинг таркибида маълум даражада изланиш, ижодий фаолият кўрсатиш эҳтиёжи бор. Машқ шартигада айрим кўрсатмалар, ўқитувчи берадиган тавсиялар ёки унинг раҳбарлигида ўқувчилар билан уюштириладиган ўзаро суҳбат амалий ишни қисман ижодий қилиб қўяди.

Ижодий машқлар эса ўрганилган тил ҳодисаларини тасомаила янги шароитда ижодий қўллашни талаб этадиган амалий ишлардир. Машқ шартигада номаълумни излаб топиш

Ўқувчидан ижодий изланишни талаб этади. Янги ўрганиладиган тил ҳодисаларини мустақил равишда гуруҳларга ажратиш, берилган матннинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш орқали маълум бир янги хулосага келиш, ўқилган бадий асарга ёки кинофильмга тақриз ёзиш, услуб талабидан келиб чиқиб матн яратиш каби ишлар амалий ишларнинг бу турига киради. Айниқса, матн яратиш эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг сўнгги натижасидир.

**Дарсни хулосалаш жараёни.** Дарсни хулосалаш ҳам анча масъулиятли жараён бўлиб, у эгалланган билимлар амалий фаолиятда синалгандан сўнг ўтказилади. Ўқувчилар дарснинг бу босқичида эгалланган билим, кўникма ва малакаларга таянган ҳолда ўзлари таъриф ва қоидалар чиқарадилар.

Уйга вазифа бериш дарсни хулосалаш билан бирга қўшиб олиб борилади. Ўқитувчи уйга берилаётган топшириқ шартли ўқувчиларга тушунарли бўлишини таъминлаши, зарурият туғилса, уни бажариш усули ҳақида қўшимча маълумот бериши зарур.

Уй вазифаси дарснинг таркибий қисми бўлганлиги учун ҳам у кўнғироқ чалинмасдан олдин берилиши керак.

Вақт тақсимоги ҳам дарс самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

### **Она тилидан дарс турлари.**

Она тили дарсларининг мақсади ва тузилишидан келиб чиқиб, уни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) Таълимий дарслар; 2) Назорат дарслари.

**Она тилидан таълимий дарслар.** Таълимий дарсларни 4 катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Янги билим бериш дарслари.
2. Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарслари.
3. Ўрганилганларни такрорлаш дарслари.
4. Хатолар устида ишлаш дарслари.

Янги билим бериш дарси кенг тарқалган дарс турларидан бири бўлиб, бу дарсда ўқувчилар янги зарурий билимлар билан қуроллантирилади ва ўрганилганлар юзасидан дастлабки малакалар ҳосил қилинади. Дарснинг бу тури уй вазифасини текшириш, эгалланган билимлар юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, дарсни хулосалаш, уйга вазифа бериш сингарчи унсурларнинг йиғиндисидан иборат.

Янги билим бериш дарси дарснинг бошқа босқичларида бажариладиган ишларни ўзига бўйсундиради, Уй вазифасини

текшириш ва ўрганилганларни такрорлаш янги билимларни пухта эгаллашга тайёрласа, мустаҳкамлаш, хулосалаш, уйга вазифа бериш эгалланган билимларни амалиётда қўллашга кенг йўл очади.

Янги билим бериш дарслари билимларни тайёр ҳолда баён қилиб бериш эмас, албатта. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашга таяниб иш кўриши янги билим бериш жараёнида ҳам давом эттирилади. Бу дарсларда ҳам тушунтириш — намо — йиш этиш методидан камроқ, муаммоли вазиятлар яратиш, ўқувчиларни ижодий фаолият кўрсатишга ундовчи методлар — дан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарслари махсус дарс тури бўлиб, ҳажм жиҳатидан катта, ўрганилишига 2—3 соат вақт ажратилган мавзулар юзасидан ўтказилади. Бу дарс тури янги билим беришдан ташқари бошқа барча босқичларни ўз ичига олади. Агар янги билимлар бериш дарсида қайта хотиралаш характеридаги топшириқлар қисман изланувчанлик ва изланувчанлик характеридаги топшириқларга қараганда кўпроқ қисмини ташкил этса, бу дарсларда шунинг тескарисидир.

Топшириқларнинг шarti ҳам бу дарсларда анча мурак — каблашади. Ҳар бир машқ уч — тўрт ва ҳатто беш — олти топши — риқни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Ўрганилганларни так — рорлаш дарслари бир неча соат давомида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мукаммаллаштиришни назарда тутади.

Такрорлаш дарслари ўқув йилининг бошида, охирида, йирик мавзулар ўрганилгандан кейин ва бўлимлар тутагандан сўнг ўтказилади.

Ўқув йилининг бошида ўтказиладиган такрорлаш олдинги синфда ўрганилган материаллардан ташкил топади. Тил ҳоди — саларининг яхлитлиги, бир — бири билан ўзаро чамбарчас ало — қадорлиги ўқув йилининг бошида олдинги синфда ўрганил — ганларни такрорлашни заруриятга айлантиради. Чунки янги ўрганиладиган материаллар олдин ўрганилганларнинг манти — қий давоми саналади.

Ўқув йилининг бошида ўтказиладиган такрорлаш ҳам умумлаштирувчи, ҳам тайёрловчи такрорлаш бўлиб, у нафақат олдинги синфда ўрганилганларни хотирада тиклашга, балки навбатдаги синфда ўрганиладиган материалларга замин ҳо — зйрлашга хизмат қилади. Бу турдаги такрорлаш дарслари учун ўқув материаллини ўқитувчи дарслиқдан танлаши ёки ўзи ту — зиши мумкин.



Такрорлашнинг бу турини муваффақиятли қўллаш учун синф ўқувчиларининг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш, қайси тил ҳодисаларини такрорлашга кўпроқ эҳтиёж сези — лаётганлигини назарда тутиш, зарурият туғилса, дарсликдаги машқлар шартига қўшимча шартлар киритиш, уларни ўзгар — тириш, янги машқлар киритиш фойдалидир.

Такрорлаш битта бўлим ёки катта мавзу доирасида таш — кил этилиши мумкин. Бунда асосий эътибор нафақат ўрга — нилганларни такрорлаш ва мустаҳкамлашга, балки ўқувчилар билимидаги бўш томонларни ҳисобга олиб, бу бўшлиқларни тўлдиришга ҳам қаратилади.

Кейинги йилларда такрорлаш машғулотларини "Топқир — лар беллашуви" тарзида ўтказишга катта эътибор қаратил — моқда. Дарснинг бу шакли қизиқарли дарс шаклларида бири бўлганлиги учун ҳам бу ҳақда батафсил тўхталамиз.

Хатолар устида ишлаш дарслари ўқувчилар нутқида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишни кўзлайди.

Она тили машғулотларида нафақат хатонинг олди оли — нади, балки йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф ҳам этилади. Ўқитувчилар иш амалиётида хатони тузатишнинг икки усулидан фойдаланилади:

- 1) хатони тузатиб кўрсатиш;
- 2) хато ҳақида хабар бериш.

Хатони тузатиб кўрсатиш усулидан, асосан, назорат ха — рактеридаги ёзма ишларни текширишда фойдаланилади. Хато ҳақида хабар бериш усули энг самарали усуллардан бири бў — либ, у кўпроқ таълимий характердаги ёзма ишларни текши — ришда қўлланилади.

Омилкор ўқитувчилар иш амалиётида хато ҳақида хабар беришнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади:

1. "4", "5" баҳода ўқийдиган ўқувчиларнинг ёзма ишла — рини текширишда, хато тузатилмай, балки ҳошиясида шу қа — тордаги хатонинг сони кўрсатилади. Бунда имло хатоларни шартли равишда И ҳарфи билан, тиниш белгиларга оид хато — ларни П ҳарфи билан, услубий хатоларни тўлқинли чизиқ би — лан белгилаш мумкин. Масалан, дафтар ҳошиясида И-1 бел — гиси қўйилган бўлса, демак шу қаторда битта имловий хато мавжуд. Ўқитувчи шу қаторда жойлашган 4—5 сўздан қайси бирида хато қилганлигини ўзи аниқлайди ва тузатади.

2. "3" баҳо билан ўқийдиган ўқувчиларнинг ёзма ишла — ридаги хатолар ҳақида хабар бериш мақсадида хатоли сўзнинг

остига чизиш, лекин хатони тузатиб кўрсатмаслик усулидан фойдаланилади. Бу ҳолда ўқувчи йўл қўйилган хатони барча сўзлардан эмас, балки остига чизилган сўздан излайди.

3. Бўш ўзлаштирадиган ёки ўз хатосини аниқлашда қийналадиган ўқувчиларнинг йўл қўйган хатоларини хатоли бўгин остига чизиш билан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи белгиланган бўгиндан ўз хатосини қидиради.

Ўқувчиларнинг оғзаки жавобларидаги нутқий хатоларни бартараф этиш ёзма ишлардаги хатоларни бартараф этишга қараганда анча мураккаб. Чунки ёзма ишлардаги хатони кўриш осон, нутқдаги хатони эса пайқаш қийин.

Товушларни нотўғри талаффуз этиш, сўз урғусини нотўғри қўллаш, гап урғусига риоя қилмаслик, гап оҳангини бузиш кабилар нутқий хатолар бўлиб, уни бартараф этиш ўқувчи жавобини диққат билан тинглашни, оғзаки нутқ намуналарини биргаликда таҳлил этишни талаб этади.

Нутқий хатолар устида ишлашнинг энг самарали йўли уни магнит лентасига ёзиб олиб, кейин ўқувчилар билан бир — галикда муҳокама қилишдир. Хатони бартараф этишда ўқув — чининг иштироки қанча кўпайса, уни бартараф этиш имко — нияти осонлашади.

**Она тилидан назорат дарслари.** Назорат дарслари ўқувчиларнинг ўрганилган материалларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш, йўл қўйилган имловий, пунктуацион ва нутқий хатоларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Она тилидан назорат дарсларини уч турга ажратиш мумкин:

1. Тил ҳодисаларининг ўзлаштирилганлик даражаси устидан назорат.

2. Ўқувчиларнинг имловий ва пунктуацион саводхонлиги устидан назорат;

3. Нутқий малакаларнинг эгалланганлик даражаси устидан назорат.

Тил ҳодисаларининг ўзлаштирилганлик даражаси устидан назорат берилган товуш, сўз, гап, матнни таҳлил қилиш, сўз — ларни муайян хусусиятларига қараб гуруҳлаш, тил ҳодисаларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, умумлаштириш, қўйилган саволларга тўғри жавоб қайтариш, топшириқларни тўғри бажариш орқали аниқланади. Чунончи, отларнинг ёки сифатларнинг маъно гуруҳлари ўрганилгач, ўқитувчи охириги машғулотни назорат дарси сифатида режалаштиради.

Ўқувчиларнинг имловий ва пунктуацион саводхонлиги устидан назорат, асосан таълимий диктантлар, шунингдек, баён ва иншолар орқали амалга оширилади.

Ўқувчилар нутқининг ривожланганлик даражаси, умумий саводхонлиги, асосан, баён, иншо орқали аниқланади. Баён қисман ижодий мустақил иш турларидан бири бўлиб, у таълимий ва назорат мақсадларида ўтказилиши мумкин.

Баёнларни ўтказиш тартиби қуйидагича:

— матн бир марта ўқитувчи томонидан ўқилади;

— матн мазмуни юзасидан ўқувчилар билан савол — жавоб ўтказилади;

— зарурият туғилса, баён матнининг айрим ўринлари қайта ўқилади;

— баён режаси тузилади;

— ўқувчиларга нотаниш бўлган сўз ва ибораларнинг маъноси шарҳланади; айрим имлоси қийин сўзлар синф таъ — тасига ёзиб қўйилади.

Иншо матнининг олий кўриниши бўлиб, ўқувчининг ижодий фикрлаши, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос ра — вишда оғзаки ва ёзма шаклда баён қила олиш даражасини белгиловчи асосий мустақил иш туридир.

Назорат иншолари йил давомида 4—5 марта ўтказилади. Бу иншолар аввал қораламада бажарилади ва таҳрир қилинганч, оққа кўчирилади.

### **Она тили дарсларининг ноанъанавий шакллари**

Кейинги йилларда она тили ўқитувчилари иш амалиётида ноанъанавий дарсларнинг қатор турлари: "Топқирлар белла — шуви" дарслари, семинар дарслари, баҳс — мунозара дарслари, сиртқи саёҳат дарслари, юбилей дарслари кабилардан кенг фойдаланмоқда. Бу норасмий дарсларнинг ҳар бири ўзига хос қурилишга эга бўлса — да, аммо улар бир мақсадга — дарсда ўқувчиларни таълим жараёнининг субъектига айлантириш, тил ҳодисаларини мустақил изланиш орқали ўрганишини таъ — минлашга қаратилган.

Она тилидан "Топқирлар беллашуви" дарси. Маълумки, ўйин тарзида ўтказиладиган она тили дарсларида ўқувчи ўз — лигини намоёйиш этиш имкониятига эга бўлади. Беллашув ўйин тарзида ташкил этилади ва муайян бўлим ёки йирик мавзулар ўрганилгандан сўнг ўтказилади. "Топқирлар беллашуви" дар — сининг ўтказилиш тартиби 5 — синф "Она тили" дарслигининг 159 — машқида берилган.

Синф ўқувчилари биргалашиб мих атрофида айланувчи

фанера доира (диаметри 30 см) тайёрлайдилар ва уни 16 қисмга ажратадилар. Бу доира 1,2,3,...16 деб рақамланади. У 2-кат-тароқ доира (диаметри 40 см) ичига жойлаштирилади. Катта доиранинг қоқ юқорисидан кичик доира томон йўналтирилган икки йўналиш чизиғи (стрелка) чизилади.

Синф ҳар бири 5 ўқувчидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ "Муқаддима" бўлимида ўтилган маълумотлар бўйича 16 тадан савол-топшириқ тузиб, 16 та хатжилдга (конвертга) солади ва ҳар бир хатжилдни 1,2,3,...16 деб рақамлайди.

Ўйин гуруҳлар орасида ўтказилади. Қуръа ташланиб, гуруҳларнинг тартиби белгиланади. 1-ва 2-навбатни олган гуруҳ ўйинни бошлайди. Дастлаб, 1-навбатни олган гуруҳ сўрайди, 2-гуруҳ жавоб беради. 2-гуруҳдан бир киши кичик доирани айлантиради. Доира айланишдан тўхтагач, 1-гуруҳ йўналиш чизиғи остидаги рақамга мос келган топшириқни ўқийди. 2-гуруҳ бир дақиқадан кейин ўқиб эшиттирилган савол-топшириққа жавоб беради. Ҳар бир гуруҳ иккинчисига 5 марта савол беради. Синалаётган гуруҳ ногўри жавоб берса, сўровчи гуруҳ уни тузатади.

Агар бир соатда голиб гуруҳни аниқлаш имконияти бўлмаса, ўйин давом эттирилиши мумкин. Ҳакамлар ҳар бир саволни 0-3 балл билан баҳолайдилар. Савол-топшириқ ногўри тузилган бўлса, ҳакамлар бу гуруҳ балларидан ҳар бир ногўри савол учун келишилган миқдорда балл камайтирадилар. Мукофот ва жарима балларининг миқдори ҳар бир машғулот учун алоҳида келишилади. Келишилган миқдорда кўп балл йиғган гуруҳ ўйинни навбатдаги гуруҳ билан давом эттиради.

Она тилидан сиртқи саёҳат дарслари. Сиртқи саёҳат дарслари муайян бир мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилингандан кейин ўтказилади. Ўқувчилар "Билимлар мамлакати"га саёҳат қилиб, турли ҳолатларга дуч келадилар. Йўлда дуч келган қийинчиликларни енгган, яъни ўқув топшириқларини мустақил бажарган ўқувчиларга тангалар (баллар) кўйиб борилади. Топшириқларни тез ва тўғри бажарган ўқувчилар саёҳатни давом эттирадилар.

Топшириқлар дарсликлардан танланиши ёки ўқитувчи томонидан тузилган бўлиши мумкин. Масалан, сифатларнинг маъно гуруҳлари ўрганилгач, шундай саёҳат дарси режалаштирилиши мумкин. Бу дарсда ўқувчилар қуйидаги топшириқларни бажарадилар:

1—*топшириқ*. Берилган сифатларнинг маъносига қараб:

1) ранг — тус сифатлари;

2) белги — хусусият сифатлари;

3) маза — таъм сифатлари;

4) шакл — ҳажм сифатлари сингари гуруҳлар орқасидан ти — зилинг (синфда 4 ўқувчи шу маъно гуруҳлари тимсолида чиқади ва уларнинг кўкрагида ўша маъно гуруҳнинг номи ёзилган бўлади).

Сўзлар: оқ, қирмизи, ол, сарғиш, кўкимтир, нофармон, жигарранг; чучук, шўр, нордон, тахир, қўланса; гавдали, новча, семиз, бақалоқ, пакана, ширинсухан, камгап; ясси, думдумалоқ, тор, кенг.

2—*топшириқ*. Партадошингиз билан ёки гуруҳлараро сифатларни ўз ва кўчма маънода қўллаш бўйича беллашинг.

Намуна: *аччиқ шўрва—аччиқ гап; бемаза қовун—бемаза иш; нордон мастава—нордон пичинг; қизил кўйлак—қизил юз.*

3—*топшириқ*. "От—ранг" қолипли бешга қўшма сифат ҳосил қилинг.

Намуна: *ҳаворанг, ферузаранг.*

4—*топшириқ*. "Камалак" мавзусида тасвирий матн яра — тинг (Ўқитувчи ўқувчилар тасаввурида камалакни ҳосил қил — диради ёки унинг расмини кўрсатади).

Дарснинг охирида ҳар бир ўқувчининг саёҳатда тўплаган тангалари (баллари) эълон қилинади ва тўпланган тангаларга қараб ўринлар белгиланади.

**Она тилидан конференция дарси.** Она тилидан конфе — ренция дарси кўпроқ 7—9—синфларда ўтказилади. Дарснинг бу шакли маълум бир тил сатҳи ёки катта мавзу ўрганилгандан кейин уюштирилади ва яқунловчи дарс вазифасини ўтайди.

Конференция дарсини битта синф доирасида ёки иккита параллел синф билан биргаликда ўтказиш мумкин. Бу дарсда ўқувчиларнинг она тилидан тайёрлаб келган кичик илмий маърузалари тингланади, улар биргаликда муҳокама қилинади.

Конференция дарсига тайёргарлик камида бир ой олдин бошланади. Ўқитувчи маъруза мавзуларини белгилайди; уларни ўқувчиларга топширади; зарур адабиётларни тавсия қилади ва вақт—вақти билан унга тайёргарликнинг боришини назорат қилиб туради. Ўқувчи эса аввал адабиётлар билан пухта та — нищиб чиқади; маъруза режасини белгилайди; ҳар бир масала юзасидан материал йиғайди ва уни ёзади.

Ўқувчилар илмий маъруза учун материал йиғиш тартибини бидишлари керак. Аввал тадқиқот мавзуси билан боғлиқ тил

ҳодисаси пухта ва асосли ўрганилади, ўқитувчи билан материал йиғиш юзасидан суҳбат ўтказилади, таҳлил қилинаётган бадиий асар ўқиб чиқилади, мисоллар алоҳида – алоҳида ёзиб борилади ва ниҳоят, улар сараланиб, матнни ёзишга киришилади.

Конференция дарсининг мураккаб томонларидан бири барча ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлашдир. Кўп ҳолларда маърузачи фаол бўлиб, қолган ўқувчилар шунчаки тингловчига айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи барча ўқув – чиларни музокара иштирокчисига айлантириши, уларнинг ўз фикр – мулоҳазаси билан иштирок этишини таъминлаши зарур.

**Она тилидан баҳс – мунозара дарслари.** Она тили дарс – ларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг муста – қил ижодий фикрлаши билан боғлиқ. Ижодий фикрлашга ўр – гатишда баҳс – мунозара муҳим аҳамиятга эга. Бу нарсаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўрганиладиган материал ўқув – чиларга олдиндан маълум қилинади, муҳокамага ташланаётган масала хусусида ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр – му – лоҳазасини билдиради. Баҳс – мунозара учун танланадиган са – воллар ўқитувчи томонидан пухта ўйланган бўлиши лозим. Масалан, "Олинма сўзлар" мавзуси юзасидан баҳс – муноза – рага қуйидаги муаммолар ўртага ташланиши мумкин:

1. Бошқа тиллардан сўз олиш зарурми?

2. Айрим ҳолларда рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзларни ўзбекчалаштириш борасида ури – нишлар бор. Сизнингча, ҳамма сўзларни ҳам ўзбекчалаштириб бўладими? Умуман, русча сўзларни шарқоналаштиришга сиз – нинг муносабатингиз қандай?

3. Ҳозирги ижтимоий – иқтисодий шароитда бошқа тил – лардан сўз олмасликнинг иложи борми?

Бу саволларнинг ҳар бири ўқувчилардан ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб этади.

Баҳс – мунозара ўқувчиларга эркинлик беришни талаб қилади. Чунки ўз фикр – мулоҳазаларининг ҳақлигини исбот – лаш ижодий фаолият маҳсулидир.

**Она тилидан семинар дарси.** Семинар дарси ноанъа – навий дарсининг бир тури бўлиб, ўқувчиларни мустақил ишлаш, ижодий фаолият кўрсатишга ундовчи машғулот шаклидир.

Бу дарс шаклидан барча синфларда фойдаланиш мум – кин. Семинар дарсидан катта мавзулар ўрганилгандан кейин (мас., сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари, феълларнинг

маъно гуруҳлари в.х.) ёки бўлим ўрганилгандан кейин фойда – ланса бўлади.

Семинар дарсининг мавзуси 10–12 кун олдин эълон қилинади; ўқувчиларга режа ва адабиётлар тавсия этилади; дарсга тайёргарлик кўриш жараёни тушунтирилади, адабиётлар ус – тда мустақил ишлаш юзасидан тавсиялар берилади.

Дарс ўқитувчининг кириш суҳбати билан бошланади. Мавзунинг долзарблиги, бу мавзуни пухта билишнинг амалий қим – маги тушунтирилади. Ўқувчилар семинар режаси билан та – ништирилади ва тайёргарлик кўрилади. Семинар дарсида ўқув – чилар фаоллигини таъминлаш керак. Бу ҳар бир муҳокама эти – лаётган масалани мунозарага айлантириш билан боғлиқ. Дарсда шундай ҳолатни юзага келтириш лозимки, ўқувчилар фикрини далиллар асосида исботласин; ўз нуқтаи назарини баён қилсин; ҳукм ва хулосалар чиқарсин.

Дарснинг охирида машғулотга якун ясалади, семинарнинг ютуқ ва камчиликлари айтилади ва ўқувчиларнинг билими ба – ҳоланиб, улар изоҳланади. Билимни баҳолашда болаларнинг машғулотга тайёргарлик кўриш даражаси, масаланинг моҳиятини англаши, ўз фикрини далиллар билан асослай олиши, жавобларни тўлдиришдаги ишгиروي, ижодийлиги кабилар ҳисобга олинади.

Барча синфларда ҳам семинар дарсидан фойдаланиш тавсия этилмайди. Машғулотнинг бу шаклидан кўпроқ ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси талабга жавоб берадиган, мустақил иш – лашга ўргатилган синфларда фойдаланиш маъқул. Акс ҳолда, барча ҳаракатлар зое кетиб, ўқувчилар масаланинг туб моҳиятига етмай қолишлари мумкин.

Кўриниб турибдики, дарснинг шакллари бениҳоя кўп. Ўқитувчи бу дарс шаклларини пухта билиши, ўрганиладиган тил материалларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни танлай олмоғи лозим. Дарс шакллари қанча тез – тез ўзга – риб турса, ўқувчиларнинг она тили фанига қизиқиш даражаси шунча юқори бўлишини ўқитувчи ҳамиша ёдда тутмоғи лозим. Бу эса пухта билимнинг асосий гаровидир.

### Асосий адабиётлар

1. Бобомуродова А. Таълимий ўйинлар, "Тил ва адабиёт таълими", 1996, 4 – сон, 17 – 20 – бетлар.
2. Жалилова М., Неъматова Г. Такрорлаш машғулотларини "Топқир – лар беллашуви" тарзида ўтказиш, "Тил ва адабиёт таълими", 1994, 2 – 3 – қўшма сон, 36 – 37 – бетлар.

3. Неъматов Ҳ., Фуломов А., Қодиров М., Абдурахимова М. Она тили. 5-синф ўқувчилари учун дарслик, Тошкент, "Ўқитувчи", 2000 ва кейинги нашрлар.
4. Собирова М. Мунозарали дарс-давр талаби, Илмий методик тўплам, Тошкент, Низомий номи ТДПИ, 1993, 32-36-бетлар.
5. Фуломов А., Шукуров А. Она тилидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, Тошкент, "Ўқитувчи", 1989.
6. Ўзбек миллий таълим-тарбия анъаналари тарихидан. Ўзбек педагогикаси антологияси (1-жилд), Тошкент, "Ўқитувчи", 1995, 5-11-бетлар.

## **ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИНИНГ ВОСИТАЛАРИ**

**Она тили дарслиги** – таълимнинг муҳим воситаси. Мактаб она тили дарслиги ўқувчилар учун билим олишнинг асосий манбаи бўлиб, у ДТС талаблари ва унга мувофиқ тузилган дастур асосида яратилади.

Дарслик зиммасига асосан қуйидаги вазифалар юклатилади:

- ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикаси бўйича нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларидан кенг ва тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган илмий-амалий маълумотлар бериш;

- ўқувчиларни ўзбек тилида тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, имло ва пунктуациянинг асосий қоидалари билан қуроллантириш;

- фикрни оғзаки ва ёзма шаклларда баён қилиш йўллари билан таништириш;

- муайян бир хабар ёки маълумотни турли шаклларда бериш усуллари ўргатиш;

- ўқувчиларда миллий онг ва миллий мафқурани тарбиялаш;

- кундалик ҳаёт учун зарур бўлган иш қоғозларини юритиш.

Она тили дарслигида она тили таълимининг мақсади воқеланади. Модомики, мактаб она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларни ижодий фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равион ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш экан, бу мақсад дарсликда ўз ифодасини топади.

Она тили дарсликлари босқичли кетма-кетлик тамойи-лида тузилган бўлиб, тилшунослик бўлимлари ўзаро зич алоқадорликда берилган. Шунинг учун "Она тили" ўқув дастури –



нинг "Ўқтириш хати"да қайд қилинганидек, 5 – синфнинг биринчи ярим йиллигида синтаксис ва пунктуациядан – содда ва қўшма гап, гапнинг маркази, гап бўлаклари, уңдалма ва уюши бўлаклар, кўчирма гап, улардаги тиниш белгилари, лексикадан – сўзнинг маъноси, ўз маъно ва кўчма маъно, маънодош сўзлар, уядош сўзлар, зид маъноли сўзлар, ибора ва тасвирий ифодалар, морфологиядан – ўзакдош сўзлар, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, ўзак, қўшимча, сўз ўзгартирувчи ва сўз ясовчи қўшимчалар ўрганилади. "Муқаддима" деб номланган бу бўлим кейинги босқичларда бутунни бўлакларга ажратиш ўқитиш учун замин ҳозирлайди ва бўлимлараро узвий алоқадорликни таъминлайди.

Она тили дарслигидаги материаллар хусусийликдан умумийликка қараб боради. Ўқувчилар дарслиқда берилган бир қатор илмий – амалий топшириқларни бажаргандан сўнг умумлашма ёки хулоса чиқарадилар. Дарслиқда "Билиб олинг", "Эсда тутинг" сингари кўрсаткичлар орқали берилган маълумотлар ўта зарурий тушунча ва таърифларни ўз ичига олади.

Дарслиқ ўрганилганларни мустаҳкамлаш ва такрорлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳар бир мавзу ёки бўлимнинг охирида берилган ижодий – амалий ишлар (савол ва топшириқлар, матн яратиш, "Топқирлар беллашуви" ўтказиш, берилган тест топшириқларига жавоб қайтариш) ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Дарслиқ ўқувчи учун билим манбай бўлса, ўқитувчи учун ўқув қўланмасидир. Чунки кўп ҳолларда дарс дарслиқ қолипи асосида қурилади.

Дарсни дарслиқ қолипи асосида қуриш фақат дарслиқда берилган ўқув топшириқларидан фойдаланиш эмас, албатта. Ўқитувчи дарслиқдан ижодий фойдаланади. Зарурият туғилганда машқ шартига қўшимча шартлар киритади, берилган шартни янги шарт билан алмаштиради, лозим топса, дарслиқдаги машқ ўрнида ўзи тузган машқдан фойдаланади.

**Она тили дарсларида қўшимча воситалардан фойдаланиш.** Она тили таълими жараёнида дарслиқдан ташқари қўшимча воситалар: махсус ялтироқ плёнкаларда тайёрланган чизмалар (транспорантлар), ўқув фильмлари ва диафильмлар, овозни ёзиб олиш воситалари, жадвал, расми альбом, телевидение эшигтиришлари кабилардан ҳам фойдаланилади. Бу воситалар ўқитувчи томонидан тайёрланиши ҳам, махсус мажмуа сифатида нашр этилиши ёки чиқарилиши ҳам мумкин.

Она тили машгулотларида махсус ялтироқ плёнкада кичик ҳажмда тайёрланган чизмалар, жадваллар, айрим изоҳлар, тошшириқларни графопроекторлар орқали йириклаштирилиб намоёниш этиш самарали воситалардан бири бўлиб саналади. Плёнкага туширилган тил материалининг анчагина устунлик томонлари бор. Аввало, плёнкадаги материал орқали барча ўқувчилар диққатини ўрганилаётган муаммога қаратиш мумкин. Шунингдек, бир материални бир неча бўлакка бўлиб, ўқувчилар диққатига ҳавола қилишда бундай усул қўл келади.

Плёнкага ёзилган тил материаллари, айниқса, ўқувчиларнинг жамоа бўлиб ишлашини ташкил этишда алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг барчаси берилган материални кузатиб ёки ўқиб, бу ҳақда биргаликда фикрлаш, умумлашма ҳосил қилиш имкониятига эга.

Она тили машгулотларида, айниқса, овозни ёзиб олиш воситалари муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи бу восита орқали нутқни диққат билан кузатиши, ёзиб олинган икки матнни эшитиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаши, машҳур сўз усталарининг нутқини тинглаб, ундан талаффуз меъёрлари, ифодали ўқиш санъатини ўрганиши мумкин.

Дарслик материалига ёрдамчи восита сифатида турли жадваллардан, расми альбомлар ва тарқатма материаллардан, диапозитив ва диафильмлардан ҳам унумли фойдаланилади.

Жадваллар дарслик материални пухта ва онгли ўзлаштиришга кўмаклашади. Айниқса, сўзларни гуруҳлашда жадваллар анча қўл келади. Намуна сифатида "Олинма сўзлар" мавзусини ўрганишда жадвал асосида бажариладиган қуйидаги тошшириқни эътиборингизга ҳавола этамиз:

**Топшириқ.** Сўзларни ўқинг. Уларни қайси соҳага оид эканлигини аниқлаб, жадвал талабига мос равишда гуруҳларга ажратинг. Сўз гуруҳларини мустақил давом эттиринг.

**Алиф, диван, лимонад, люстра, макарон, костюм, кофта, кофе, кино, концерт, композитор, конфет, пальто, телевизор, театр, шляпа, шоколад, шифонер, шкаф, шифер, фильм, цемент, бетон.**

Кийим кечакка оид сўз ва атамалар	Озиқ – овқатга оид сўз ва атамалар	Уй жиҳозларига оид сўз ва атамалар	Қурилишга оид сўз ва атамалар	Санъатга оид сўз ва атамалар
---	--	---	-------------------------------------	------------------------------------

Дарслик материалини тўлдиришга хизмат қиладиган яна бир восита расми альбомлар ва расми тарқатма материаллар — дир.

**Расмлар** ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривож — лантириш, ўрганилаётган тил ҳодисасини амалда қўллаб матн — лар яратиш, тасвир, ривоя, муҳокама иншолар ўтказишда му — ҳим ўрин эгаллайди.

Она тили машғулотида расмлардан фойдаланишга муайян талаблар ҳам қўйилади. Булар расмнинг юксак бади — ийлиги, ўрганилаётган мавзу талабига мослиги, синф ўқувчи — ларининг ёши ва билим савиясига мувофиқлиги, расмда расм мақсадининг ифодаланганлиги, нутқ ўстиришга мувофиқлик даражаси кабилар бўлиб саналади.

Расмлардан сўз танлашда, сўз бирикмалари ва гаплар қуришда, ижодий диктантлар ёзишда, оғзаки ва ёзма матнлар тузишда, иншо ўтказишда кенг фойдаланилади.

Тўғри танланган ва методик жиҳатдан тўғри қўлланилган расм дарс олдига қўйилган мақсадни муваффақиятли ҳал қи — лишга, машғулотнинг қизиқарли бўлиши ва ўқувчиларнинг фаоллик даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Расми тарқатма материаллар ҳам дарснинг муҳим воси — таларидан биридир. Бу восита дарсни ўқувчиларнинг билим савиясига қараб табақалаштиришда, ҳар бир ўқувчининг ўқув имкониятидан келиб чиқиб топириқ беришда, боланинг мустақил ижодий фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Расми тарқатма материаллардан ўқувчилар — нинг сўз бойлигини ошириш, берилган сўзга маънодош, уядош ва қарама — қарши маъноли сўзлар танлашда, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ташкил этишда (битта расмга 8—10 та сарлавҳа топиш, сарлавҳа талабидан келиб чиқиб, ҳар хил режа тузиш, нутқ шароитига мос равишда фикрни баён қилиш в.х.) фойдаланиш мумкин.

Таълимнинг самарали воситаларидан яна бири диафильм ва диапозитивлардир. Бу воситалардан тил ҳодисаларининг моҳиятини шарҳлашда ҳам, нутқий малакаларни такомиллаш — тиришда ҳам фойдаланса бўлади. Айниқса, мавзу талабга му — вофиқ сўз ва сўз бирикмалари танлашда, гаплар тузишда, матн яратишда бу муҳим воситалар қўл келади.

Ўқитувчи диафильм ва диапозитивлардан фойдаланишда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

– диафильм ва диапозитивдан фойдаланишнинг мақса – дини аниқ белгилаши, унинг дарс мақсадига тўла мос келиши – ни таъминлаши;

– дарснинг қайси босқичида қандай тартибда фойдала – нишни белгилаб олиши;

– тасвирдаги қайси ўринларга ўқувчиларнинг эътибори – ни қаратишни аниқлаши.

Она тили ўқитувчиси телевизион эшитгиришларидан, намоёиш этиладиган кинофильмлардан ҳам унумли фойдала – нишни унутмаслиги лозим. Ўрганилаётган мавзу талабига мувофиқ матн яратишда, синф ва уй иншолари ёзишда бу воситалар қўл келади.

Хуллас, юқорида тилга олинган воситалар дарслик мате – риалини тўлдириш ҳамда бойитиш билан бир қаторда машғу – лотларнинг қизиқарли ва завқли ўтишини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

**Луғатлар** – она тили таълимининг муҳим воситаси. Она тили машғулотларини луғатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Она тили машғулотларида луғатлардан кенг фойдаланилади.

Луғат билим манбаи ва ўқитиш воситасидир. Сўз маъ – носини шарҳлаш, маълум бир сўзнинг имлосини билиб олиш, йўл қўйилган имловий хатони баргараф этиш, сўз гуруҳларини мустақил давом эттириш, берилган сўзга маънодош, уядош, қўшимчадош сўзлар танлаш сингари ижодий – амалий топши – риқларни бажаришда луғатлардан кенг фойдаланилади. Эҳти – ёж туғилганда ўқувчининг биринчи маслаҳатчиси луғатдир.

Кейинги йилларда ўзбек луғатчилиги катта муваффақи – ятларни қўлга киритди. Айниқса, 14 томли "Ўзбек энциклопе – дияси" (Тошкент, Ўз.СЭ, 1971 – 1980), 2 томли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (Москва, "Рус тили" нашриёти, 1981), "Имло лу – ғати" (Тошкент, "Ўқитувчи", 1997), "Ўзбек тили морфем луғати" (А.Ғуломов ва бошқалар, Тошкент, "Ўқитувчи", 1977), "Ўзбек ти – лининг фразеологик луғати", (Ш.Раҳматуллаев, Тошкент, "Қо – муслар" бош таҳририяти, 1992.), "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" (А.Ҳожиев, Тошкент, "Ўқитувчи", 1974), "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати" (Ш.Раҳматуллаев, Тошкент, "Ўқитувчи" 1984), "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лу – ғати" (Ш.Раҳматуллаев, Тошкент, "Ўқитувчи", 1980), "Пароним сўз – лар луғати" (З.Маърупов, Тошкент, "Ўқитувчи", 1971), "Географик номлар луғати" (С.Қораев, Тошкент, "Ўзбекистон", 1978), "Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати" (Ш.Раҳматуллаев, М.Қоди –

ров, 1–4- қисмлар, Тошкент, 1997–2000), шунингдек, жой номлари луғати, турли соҳага оид атамаларнинг изоҳли луғатлари (мас., пахтачилик атамаларининг изоҳли луғати, математик атамаларнинг изоҳли луғати, савдо–сотиққа оид атамаларнинг изоҳли луғати каби)нинг чоп этилганлиги ўзбек луғатчилигининг тараққиётдан даллат беради. Аммо бу луғатларнинг кўпчилиги академик луғатлар бўлиб, мактабда улардан фойдаланиш анча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун бу гунги кунда мактаб ўқувчиларига мўлжалланган ва улар учун ихтисослаштирилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг уядош сўзлар луғати”, “Ўзбек тилининг маънодош сўзлар луғати”, “Ўзбек тилининг қарама–қарши маъноли сўзлар луғати” кабиларнинг яратилиши тобора кўпроқ ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Мактаб ўқувчилари учун бундай луғатлар яратилмаган экан деб бу муҳим ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Ҳозирча мавжуд академик луғатлардан фойдаланиб туриш ўқувчиларнинг ўзларини бундай луғатлар тузишга жалб қилиш, дарсликнинг охирида берилган луғатлардан унумли фойдаланиш мақсади мувофиқдир.

Луғатлардан тез ва ўринли фойдаланиш учун ўқувчи зарур малакаларга эга бўлиши лозим. Ана шу малакалардан энг муҳими алифбо тартибини пухта билишдир. Алифбони ёддан билмаган ўқувчи луғатдан зарур сўзни тез топа олмайди. Шунинг учун ўқувчиларнинг алифбо тартибини яхши билишларига эришиш лозим.

Ўқувчи қандай шароитда қайси луғатдан фойдаланиш кераклигини ҳам билиши лозим.

Луғатлар турли–туман бўлгани каби улар билан ишлаш усуллари ҳам хилма–хилдир. Қуйида бу луғатлардан фойдаланиш тартиби хусусида тўхталишга ҳаракат қиламиз:

**“Имло луғати” билан ишлаш.** “Имло луғати” ўқувчи кўп мурожаат қиладиган луғатлардан биридир. Деярли барча тил бўлимларини ўрганишда “Имло луғати”дан фойдаланишга тўғри келади. Масалан, “Фонетика” бўлимини ўрганишда маълум бир товуш иштирок этган сўзлар топиш: у–ў, и–у, а–и каби товуш жуфтлари билан фарқланувчи сўзлар танлаш, маълум бир товушлар тушиб қолган ёки шу товушлар билан тутаган сўзлар рўйхатини тузишда ўқувчи “Имло луғати”га мурожаат этади.

Ўқувчилар "Имло луғати" билан ишлаш малакаларига ҳам эга бўлишлари лозим. Уларни бу малакалар билан қуроллан — тиришда 5 — синф дарслигида берилган "Сўзлар хазинаси" (176 — маилқ) матнининг аҳамияти катта.

Матнда луғат турлари, унда сўзларнинг жойлаштирилиш тартиби, зарур сўзни тез топиш чоралари хусусида фикр юритилади.

Ўқувчилар "Имло луғати" билан таъминланган бўлса, ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

**Қомусий ва изоҳли луғатлар билан ишлаш.** Қомус фаннинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган ёки бирор соҳа бўйича кенг, тўлиқ маълумот берадиган луғат тарзидаги илмий тўпламдир. Ўқувчи жуда кўп саволларга ундан жавоб топади. Қомус ўқувчиларнинг сўз хазинасини янги тушунчалар билан бойитишда, бу тушунчаларни уларнинг нутқий фаолиятига кўчиришда катта вазифа бажаради.

Она тили машғулотида мактаб ўқувчилари учун их — тисослаштирилган "У ким — бу нима?" (икки томли) қомусидан унумли фойдаланса бўлади. Ўқувчилар ушбу қомусдан фой — даланиб, маълум бир соҳага оид тушунчалар рўйхатини ту — зишлари, бу тушунчаларнинг маъносини аниқлашлари, ту — шунча ва сўз орасидаги фарқни билиб олишлари мумкин.

Сўзларнинг маънолари фақат изоҳли луғатларда шарҳ — ланади. Ўқувчилар изоҳли луғатдан кўп маъноли сўзларнинг маъносини билиб оладилар, берилган сўзга маънодош, уядош, қарама — қарши маъноли ва зид маъноли сўзлар топадилар. Ўқувчилар бу луғатларда ҳам сўзлар алифбо тартибида жой — лашганини, отлар бирлик соннинг бош келишиги шаклида, сифатлар оддий даража шаклида, феъллар — моқ қўшимчаси билан берилишини билишлари зарур.

**"Синоним (маънодош) сўзларнинг изоҳли луғати"** ус — тида ишлаш. Маънодош сўзлар маънолари бир — бирига яқин сўзлар сирасидир. Чунончи, юз, бет, афт, башара, чеҳра, жа — мол, дийдор, ораз, узор, рухсор каби сўзлар қатори шундай сиралардандир.

Маънодош сўзлар қаторида битта сўз, албатта, умумий маъноли, кенг истеъмолли сўз бўлади. Юқоридаги сираларда юз шундай сўз саналади. Бундай сўз маънодош сўзлар қато — рининг бош, етакчи ёки асосий сўзи саналади. Маънодош сўзлар қаторидаги бошқа сўзларнинг маъноси бош сўз маъ — носига нисбатан шарҳланади.

Маънодош сўзлар қатори луғатда бош сўз атрофида берилиши керак ва ҳар бир маънодошнинг маъноси қисқача изоҳланиши лозим. Чунончи, юз сўзининг маънодошлари уяси тахминан қуйидагича кўринишга эга бўлади:

— бу сўзлар сираси лотин графикасидаги уу ҳарфи бо — бида берилиши лозим. Чунки қаторнинг бош сўзи юз уу ҳарфи билан бошланади;

— қатордан кейин маънодош сўзларнинг умумий маъноси тавсифланади. Чунончи, юз — бошнинг олд қисмининг умумий кўриниши. Бет, афт, башара, ангор, турқ сўзларида салбий муносабат бўёғи ошиб боради. Масалан, мастнинг бетига қа — рагим келмайди. Мастнинг афтига қараб бўлмас эди.

Чехра — жамол — дийдор сўзларида ижобий муносабат даражаланади. Масалан, Унинг қувноқ чехрасидан хурсандлиги билиниб турарди. Дўст жамоли тунни ҳам ёритади, каби .

Шундай қилиб, луғат билан ишлаш она тили машғулот — ларининг таркибий қисмига айланмоғи шарт. Агар ўқувчилар қўлида луғат бўлмаса, биз\*уларни шундай луғатлар тузишга ўргатишимиз, қизиқтиришимиз зарур.

Жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида таълим воситалари тобора кўпаймоқда. Фан ва техниканинг тез суръ — атлар билан ривожланиши натижасида ЭҲМ, лингафон тех — никаси, ўқув фильмларидан фойдаланишга кўпроқ зарурият сезилмоқда.

Ўқитувчи шуни унутмаслиги лозимки, у таълимнинг турли воситаларига мурожаат этса, машғулотларнинг самара — дорлиги шунча ортади; она тили материалларининг пухта ва онгли ўзлаштирилишини таъминлаш, нутқий малакаларни та — комиллаштириш имкониятлари кенгайди.

## Асосий адабиётлар

1. Ахроров Б., Бахронов А. Ўзбек тили дарсларида компьютерлардан фойдаланиш. "Тил ва адабиёт таълими", 1993, 1 — сон, 17 — 20 — бетлар.
2. Тўхтамирзаев М. Тил таълимида телевидениедан фойдаланиш. "Тил ва адабиёт таълими", 1992, 3 — 4 — қўшма сонлар, 8 — 10 — бетлар.
3. Гаффоров О. Дарсда перфокарталардан фойдаланиш. "Тил ва адабиёт таълими", 1992, 1 — сон, 16 — 17 — бетлар.
4. Фуломов А. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўқув — билув фаолиятини активлаштириш, Тошкент, "Ўқитувчи", 1987, 115 — 140 — бетлар.
5. Фуломов А. IV синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари., Тошкент, "Ўқитувчи", 1980.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### МАКТАБДА ОНА ТИЛИ КУРСИНИНГ БЎЛИМЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

#### “Муқаддима” бўлимини ўқитиш методикаси

Она тили курсининг “Муқаддима” ва “Изчил курс”га ажратилиш сабаблари. Маълумки, V—IX синфларда она тили ўқув материаллари босқичли кетма—кетлик, шакл ва мазмун алоқадорлиги, тилшунослик бўлимларининг ўзаро зич боғлиқ—лигига асосланган ҳолда берилган. Битта энг оддий содда йиғиқ гапда тилнинг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик қу—рилишига оид барча ҳодисаларни кузатиш мумкин. Модомики шундай экан, ўқувчиларни тилдан яхлит бир тизим сифатида фойдаланиш, матн устида ишлаш, фонетик, лексик, морфоло—гик ҳодисаларни нутқда қўллашга ўргатувчи шундай умум—лаштирувчи бўлим ўта зарурдир.

“Муқаддима” бўлими ўқувчиларни тилнинг синтаксис ва пунктуация, мустақил ва ёрдамчи маъноли сўзлар, сўз таркиби юзасидан зарурий билим, малака ва кўникмалар билан қурол—лантиришни кўзда тутади. Бу бўлим тил, унинг барча Бўлим—лари, восита ва бирликлари ўзаро узвий боғланганлигини, маълум бир фикрни ифодалашда тилнинг кўп воситаларга эгаллигини тушунишга, унинг моҳиятини англашга ёрдам бе—ради. Ўқувчи мазкур бўлимни ўрганиш натижасида тилни яхлит бир ҳодиса сифатида қабул қилади. Шунинг учун бўлакларни бутунга айлантиришдан кўра бутунни бўлакларга айлантириш анча осон. Шу боис бир бутунликни ташкил этган “Муқад—дима” бўлими ўрганилгандан кейин тилнинг фонетикаси, лек—сикаси ва морфологиясини ўрганиш анча осонлашади.

#### “Муқаддима” бўлимининг мазмуни

“Муқаддима” бўлими ўқувчиларни синтаксис ва пунк—туация, фонетика, мустақил ҳамда ёрдамчи сўзлар ва лексика—ни алоҳида—алоҳида бўлим сифатида ўрганиш учун дастлабки зарурий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиради.

Мазкур бўлим расмларга қараб ҳикоя тузиш ва унга бир неча сарлавҳа топиш билан бошланади.

Ўқувчи “Муқаддима” бўлими орқали она тилидан ўрга—ниладиган билимларнинг бир—бири билан узвий боғлиқлиги—ни, ҳар бир мавзу бир ҳалқа бўлиб, бу ҳалқалар билим занжи—рини ҳосил қилишини ўқиб олиши шарт. Бунга дарсликдаги



19 — ва 20 — машқлар ёрдамлашади. 19 — машқ ўқувчилардан берилган латифанинг маъзини чақиб, ундан хулоса чиқаришни талаб этади. Сукротнинг "Бир томчи устига яна бир томчи томизилса, нечта томчи бўлади?" — деган саволига: "Аввалги томчи қуримаган бўлса икки, йўқса бир", — деб жавоб беришида катта ҳикмат бор.

Бундан чиқариладиган хулоса шундан иборатки, ўқувчи ҳар бир мавзуни пухта ўрганиши ва ўз "шахсий мулки"га айлантириши керак. Акс ҳолда томизилган томчилар қуриб, у ҳеч қачон икки бўлмайди. 20 — машқ ана шу ҳақиқатни чуқурроқ англашга қаратилган. Билим, малака ва кўникмалар ҳалқалардан иборат занжирга ўхшашини, ҳар кун олинadиган янги билим ҳалқалари олдинги ҳалқаларга боғланиши лозимлигини ўқувчи теранроқ англаб етмоғи лозим.

"Синтаксис" бўлимини ўрганишда энг муҳим масалалар — дан бири "кесим — гап маркази" деган тушунчани ўқувчилар онгига сингдиришдир. Бунинг учун улар борди, ёздик, оладилар, бажарамиз сингари сўзлар танлаб, бу сўзларни шахслар бўйича туслаб, шахсга ишора қилувчи қўшимчани аниқлайдилар (мас., ўқидим — мен ўқидим), сўз ўзагига шахс, сон, замон қўшимчаларини қўшиб кесимлар ҳосил қиладилар, шахс олмошларининг маъноларини тушунтирадилар.

Иккинчи босқичда илҳам гапларнинг эгасини тиклаш ва уларни содда йиғиқ гапларга, учинчи босқичда иккинчи даражали бўлақлар қўшиш орқали содда ёйиқ гапларга айлантириш устида иш олиб борилади.

"Муқаддима" бўлими гап бўлақлари хусусида маълумот беришни ҳам кўзда тутаяди. Дастур талабига кўра аввал ҳол, кейин тўлдирувчи ва сўнгра аниқловчи ўрганилади. Чунки кесимдан савол берганда ҳол ва тўлдирувчи ҳисобидан содда йиғиқ гаплар кенгайтирилади. Аниқловчи эса гап кенгайтирувчиси эмас, балки сўз кенгайтирувчисидир.

Гапни берилган қолиплар асосида кенгайтириш нутқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар "Гап қолиплари" мавзусини ўрганиш жараёнида икки хил гап қолипига дуч келишади:

1. Сўроқлар ёрдамида берилган гап қолиплари (мас., қандай?, нима?, қачон?, нима қилди? каби).

2. Рамзлар орқали берилган гап қолиплари.

"Сўз бирикмаси" мавзусини ўрганишда аниқловчили бирикмалар, тўлдирувчили бирикмалар, холли бирикмалар ҳо —

сил қилиш ёки аралаш ҳолда берилган бирикмаларни муайян бирикмаларга ажратиш, сўз бирикмаларидаги ҳоким ва тобе сўзни аниқлаш сингари ижодий—амалий ишлар ўқувчилар нутқини ривожлантириш учун ўта муҳимдир.

"Ундалма" мавзусини ўрганишда асосий эътибор ундал—маларнинг гапдаги ўрни, уларнинг имлоси ва оҳанги устида ишлашга қаратилади.

"Уюшиқ бўлақлар" мавзусини ўрганишда берилган сўроқ гаплар ёрдамида уюшиқ бўлақли дарак ва ундов гаплар ҳосил қилиш, уюшиқ эгалар, уюшиқ ҳоллар, уюшиқ тўлдирувчилар, уюшиқ аниқловчилардан фойдаланиб матнлар ҳосил қилиш, ую—шиқ бўлақларда қўлланиладиган тиниш белгилари ва бундай гапларни ўқиш оҳанги устида ишлашга эътибор кучайтирилади.

"Муқаддима" бўлимининг 2—қисми мустақил ва ёрдамчи сўзларга оид бўлиб, бу бўлимни ўрганиш натижасида ўқувчилар сўзларни феъллар, отлар, сифатлар, сонлар, равишлар, ол—мошлар; кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар каби гуруҳларга ажрата оладиган бўлишлари лозим.

Ёрдамчи сўзларнинг ўқувчилар нутқида тез—тез қўлла—нилишини назарда тутиб, мазкур бўлимни 5—синфда ўрганиш маъқул. Мазкур мавзуларни ўрганишда асосий эътибор бу сўзларни гап таркибида қўллашга қаратилади. Айниқса, содда гап жуфтларини боғловчилар ёки юкламалар воситасида боғ—лаб, уларни бир гапга айлантириш, гапларнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш (мас., Ёмғир ҳам ёғмади, ҳаво ҳам очилиб кетмади — На ёмғир ёғди, на ҳаво очилиб кетди) сингари ижодий—амалий ишлар нутқий фаолиятни ривожлантириш учун ўта муҳимдир.

"Сўзшунослик" (лексика) 5—синфда алоҳида бўлим сифатида ўрганилса—да, аммо "Муқаддима" бўлимида сўзнинг маъ—носи, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар, иборалар ва тасвирий ифодаларга оид ўта зарурий маълумотлар бериш кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби шундаки, бошқичли кетма—кетлик принципининг талабига мувофиқ олдинги бўлимда ўрганилган билимлар кейинги бўлимни ўрганиш жараёнида мустаҳкамланиб, такомиллаштирилиб бори—лади. Модомики, "Фонетика" бўлими "Муқаддима" бўлимидан кейин ўрганилар экан, товуш жуфтлари билан фарқланувчи сўз—лар, товушдош сўзлар устида иш олиб боришда сўзларнинг маъ—носини шарҳлаш эҳтиёжи юзага келади. Бунинг учун ўқитувчи "Муқаддима" бўлимидан берилган маълумотларга таяниб иш кўради.

**"Муқаддима"** бўлимини ўрганишда ўқувчилар дуч келадиган атамалар устида ишлаш. Ўқув фанининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш унинг атамаларини тушунишдан бошланади. "Муқаддима" бўлимини ўқитишда асосий эътибор она тили тизимининг асосий қурилиш бирликлари, уларнинг моҳияти ва илмий атамаларда номланишини сингдиришдан иборат. Мазкур бўлимда ўқувчилар сўз таркиби, кесим, ихчам гап, эга, содда йиғиқ гап, содда ёйиқ гап, хол, тўлдирувчи аниқловчи, гап қолиплари, сўз бирикмаси, уюшиқ бўлақлар, ундалма, кўчирма гап, қўшма гап; мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар; боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар; уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар, ибо-ралар, ўзақдош сўзлар, қўшма сўзлар, жуфт сўзлар, такрорий сўзлар сингари зарурий атамаларга дуч келадилар.

Ўқувчи бу атамаларнинг маъносини пухта билсагина, ўрганилаётган мавзу моҳиятини тушуниб етади ва ўзи мустақил фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Атамалар устида ишлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

**1. Дарсликнинг охирида берилган "Изоҳли луғат"дан фойдаланиш орқали.** Маълумки, "Изоҳли луғат"дан нафақат сўзлар, балки зарурий атамаларнинг маънолари ҳам ўрин олган. Масалан, эгага қуйидагича изоҳ берилган: Эга — кесим таркибидаги шахс — сон маъноларини изоҳлаб келувчи гап бўлади.

**2. Мавзу таркибидаги "Билиб олинг", "Эсда тутинг" ишораларига эътиборни қаратиш орқали.** Масалан, дарсликда "Содда ёйиқ гап" мавзуси юзасидан бир қатор ижодий — амалий топшириқлар берилгандан сўнг қуйидаги таъриф берилган: эга ва кесимдан ташқари яна бошқа бўлақлар билан кенгая — диган гап ёйиқ гап дейилади. Ўқувчилар мазкур атаманинг маъносини ана шу берилган таърифдан билиб оладилар.

Атамалар ўқувчилар томонидан ҳам изоҳланиши мумкин. Улар бир қатор ижодий — амалий топшириқларни бажаргандан сўнг ўзлари берилган атаманинг маъносини шарҳлайдилар.

**5 — синфдан бошлаб ўқувчилар зарурий атамалар ён лугати тузиш ва ундан фойдаланишга ўргатиб борилса, бу мураккаб ишни амалга ошириш анча енгил кечади.**

## **"Фонетика" бўлимини ўқитиш методикаси**

**Мактабда "Фонетика" бўлимини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.** "Фонетика" бўлими 5—синфда ўрганилади ва у тилнинг товушлар тизимини ўргатади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларга унли ва ундош товушлар, айрим унлилар ва айрим ундошларнинг имлоси, алифбо тартиби, жарангли ва жарангсиз ундошлар, бўғин, урғу сингарилар хусусида айрим зарурий маълумотлар берилган. Аммо 5—синфда "Фонетика"ни яхлит, бир бутун бўлим сифатида ўқитиш кўзда тутилади. Мазкур бўлим ўз зиммасига қуйидаги вазифаларни олади:

— ўқувчиларни адабий талаффуз меъёрларига ўргатиш;

— имло саводхонлигини ошириш мақсадида уларни зарурий билим, малака ва кўникмалар силсиласи билан қуроллантириш;

— сўз заҳирасини ошириш; сўздан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларини ривожлантириш;

— бадий ўқиш малакаларини такомиллаштириш;

— фонетикадан фикрни оғзаки ва ёзма шакларда баён қилиш учун зарур бўлган илмий—амалий маълумотлар бериш;

— ўқувчиларда турли луғатлар ва маълумотномалар билан ишлаш малакаларини ривожлантириш.

**Мактаб "Фонетика" курсининг мазмуни ва уни ўқитиш методикаси.** "Фонетика" бўлимининг изчил курси "Талаффуз ва имло", "Нутқ товушлари ва ҳарфлар", "нг товушининг талаффузи ва имлоси", "х ва ҳ товушларининг талаффузи ва имлоси", "ф товуши ва ҳарфи", "ж товуши ва ҳарфи", "Унлилар талаффузи ва имлоси", "Айрим ундошлар талаффузи ва имлоси", "Қўш ундошлар талаффузи ва имлоси", "Тутуқ белгиси, унинг тулаффузи ва имлоси", "Бўғин" сингари мавзуларни ўз ичига қамраб олади.

"Талаффуз ва имло" мавзусини ўрганишда асосий эътибор нутқ товушларининг маъно фарқлашдаги аҳамиятига қаратилади. Ўқувчиларга берилган сўз жуфтлари (мас., бир—бер, бор—бур; тор—дор)ни ўқиб, уларни бир—бирдан ёзувда ва талаффузда нима фарқлаётганлигини аниқлаш, бу ҳақда тегишли хулоса чиқариш, сўзларни ўқиб, уларнинг маъноларини изоҳлаш, икки ундош орасига турли унлиларни қўйиб ўқиш ва сўз маъносидаги ўзгаришни тушунтириш каби ижодий—амалий топшириқларни бажаришни топшириш мумкин. Дарслиқда

берилган "Нутқ" матни (166 — машқ) ана шу эгалланган мала — каларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўқувчиларга матнни ўқиш ва унинг мазмуни асосида тузилган саволларга (мас., Нутқ нима?, Нутқнинг қандай шакллари бор?) жавоб топиш топширилади.

"Нутқ товушлари ва ҳарфлар" мавзусини ўқишда ўқи — тувчи айрим сўзларни ўқувчилар диққатига ҳавола этиб, бу сўзлардаги товушларнинг талаффузини қиёслаш, унлилар ва ундошларнинг хусусиятларини аниқлаш, уларнинг талаффу — зидида иштирок этадиган нутқ аъзоларини белгилашни топиш — риши мумкин. Кузатишлар асосида ўқувчилар нутқ товушлари — рини ҳосил қилишда ўпка, товуш пайчалари, бўғиз, оғиз бўш — лиги, тил, лаблар, тишлар, пастки ва юқори жағлар, бурун иштирок этишини аниқлайдилар. Шу ўринда товушларнинг ҳосил бўлиш ўринлари акс этирилган расмлар ёрдамида юқорида тилга олинган нутқ узварининг қаерда жойлашган — лиги ва товушларнинг қаерда ҳосил бўлаётганлиги аниқланади.

Ўқувчилар нутқ товушлари хусусида зарурий билим, ма — лака, кўникмалар билан қуроллантирилгач, товушнинг ёзувдаги акси — ҳарф ҳақида маълумотга эга бўладилар ва "Алифбо" мавзуси ўрганилади. Бу мавзуни ўрганишда бошланғич синф — ларда эгалланган билимлар такрорланади; алифбони ёддан би — лишнинг аҳамияти хусусида савол — жавоб ўтказилади ва бе — рилган сўзларни алифбо тартибида тез жойлаштириш бўйича мусобақалар ташкил этилади. Мазкур мавзуни ўрганишда, ай — ниқса, луғатлар билан ишлашга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Зеро 5 — синф ўқувчиси "Имло луғати"дан зарур сўз — ни ярим дақиқада топа олиши лозим.

Машғулот "Алифбони ёддан билиш нега зарур?" мавзу — сида матн яратиш билан якунланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

"Унли ва ундош товушлар" мавзусини ўрганишда ўқув — чиларнинг эгаллаган билимларига асосланган ҳолда қуйидаги саволлар ўртага ташланади:

1. *а, и, э, о, у, ў* товушларининг талаффузи *б, в, г, д, з, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х* сингари товушларнинг талаффузидан нима билан фарқ қилади?

2. Қайси товушлар фақат овоздан, қайсилари овоз ва шовқиннинг иштирокидан ва қайсилари фақат шовқиндан иборат?

Унли ва ундош товушларни ўрганишда асосий эътибор ўқувчиларнинг имло саводхонлигини яхшилаш, уларнинг сўз

бойлигини ошириш, сўз маъноларини фарқлаш, ундан тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларини кенгайтириш, талаффуз меъёрларини шакллантириш устида ишлашга қаратилади.

Унли товушлар ва уларнинг имлоси хусусида ўқувчиларда зарурий билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида матндан *а, и, ў, у, о, э* ҳарфлари иштирак этган сўзларни ажратиш, уларнинг талаффуз хусусиятларини шарҳлаш; *и-е, у-ў, и-у, а-о* сингари товуш жуфтлари билан фарқланувчи сўзлар топиш ва уларни изоҳлаш; биринчи бўғинида *у, ў*, иккинчи бўғинида *у* ёки и келган сўзлар талаффузи, имлоси ва маъноси устида ишлаш (уруш—уриш, тушум—тушим каби); *и-у* товушлари (ҳарфлари) тушиб қоладиган сўзлар рўйхатини тузиш; *қ, ғ, ҳ, х* товушлари (ҳарфлари) ва *к, г, ғ* товушлари (ҳарфлари) билан ёнма—ён келган *а, и, у* товушларининг талаффуз хусусиятлари устида ишлаш; матнда *о, э* товушлари иштирак этган сўзларни ажратиш ва товуш ҳамда ҳарф орасидаги муносабатларни изоҳлаш; *о-а* билан фарқланувчи сўз жуфтлари (*ана—она, ата—ота* каби) танлаш, улар иштиракида гаплар тузиш, *и, э* ҳарфи билан фарқланувчи сўз жуфтлари тузиш (иш—эш, бил—бел, тиш—теш каби), улар иштиракида гаплар тузиш сингари ишлар кўзланган мақсадга эришишнинг энг самарали усулидир.

**"Фонетика"ни ўқитишда ўқувчиларнинг сўз бойлиги устида ишлаш имкониятлари.** Она тилининг "Фонетика" бўлимини ўқитиш ҳам бошқа тил бўлимлари сингари аввало амалий мақсадларни кўзлайди. Ана шу амалий мақсадлардан бири ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишдир. Бу муҳим иш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади.

"Фонетика" гарчанд тилнинг товуш тизими билан иш кўрса—да, аммо ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, тез ва тўғри ўқиш малакаларини такомиллаштириш, фикрни ифода—лашда товушларнинг брой имкониятларидан фойдаланиш, матн яратишга ўргатиш диққат марказида бўлиши лозим. Бу қуйи—даги йўллар билан амалга оширилади:

**Товушдош сўзлар устида ишлаш орқали.** Товушдош сўзлар бир—биридан атиги битта товуш билан фарқланувчи, турли хил маъноларга эга бўлган сўзлардир. Ҳар бир унли ва ундош товушнинг талаффузи, имло хусусиятлари ўрганилгач, болалар берилган сўзларга товушдош сўзлар танлашлари ва уларнинг маъноларини изоҳлашлари мумкин. Масалан, *бер—бур—бор—бўр; лой—мой—сой—той—бой—вой—ёй—ҳой* в.ҳ.

Ўқувчилар нутқини товушдош сўзлар билан бойитишда, айниқса, товуш жуфтлари устида олиб бориладиган ишлар ях — ши самара кўрсатади. Чунончи, у — ў (уң — ўн, ул — ўл, ўр — ур, уқ — ўқ, бур — бўр, тур — тўр, сур — сўр, қур — қўр, юл — йўл, юқ — йўқ, қул — қўл, юнди — йўнди; в.ҳ.) у — и (бур — бир, сур — сир, тур — тир в.ҳ.); у — о (бур — бор, тур — тор, қур — қор в.ҳ.); и — э (бир — бер, тир — тер, ит — эт в.ҳ.); п — б (пир — бир, пол — бол, пут — бут в.ҳ.) каби сўз жуфтлари устида ишлаш ўта фойдалидир.

## 2. Сўзларнинг маъно нозиклиги устида ишлаш орқали.

Маълумки, оғзаки нутқда унли ёки ундош товушларни чўзиш воситасида маънони кучайтириш (мас., ка — та бино, ки — ччкина бола, қар — и чол каби), ишончсизликни ифодалаш (мас., йў — қ — қ, кела — р — р, бора — р — р каби), ялиниш — эркалаш (мас., ойижо — ни — м, бувижо — н каби) маъноларини бериш мумкин. Қатъий — ликни ифодалаш мақсадида сўз охиридаги ундошни қаттиқ та — лаффуз этиш усулидан фойдаланилса, ишончсизлик маъносини бериш учун охирги ундош товуш талаффузини сусайтиришдан фойдаланилади. Масалан, "Йўққ, йўққ. У кўрмади.", — деб қич — қирди бола ва "Йў — қ, — деди ишончсизлик билан Салима" гапларидаги йўқ ва йўққ сўзларининг маъносида фарқ бор. Фонетикани ўрганиш жаъаёнида сўзнинг бундай маъно но — зикликлари устида ишлаш болаларнинг нутқини ривожлан — тиришга ижобий таъсир этади.

**Маънодош, уядош ва қарама — қарши маъноли сўзлар устида ишлаш орқали.** Ўқитувчи "Фонетика" бўлимидаги де — ярли ҳар бир машқ устида ишларда маънодош, уядош ва қарама — қарши маъноли сўзлар устида ишлаш имкониятига эга. Масалан, нг товушининг имлоси устида иш олиб борилар экан, ўқувчилар оҳанги, тенги, тонгги, манглай сингари сўз — ларни бўғинларга ажратиш билан бир қаторда уларга маъно — дошлар ҳам топишлари мумкин. Чунончи, оҳанг — сас, тенг — баробар — тенгқур, тонгги — саҳарги, наҳорги, манглай — пе — шана каби. Товуш жуфтлари билан фарқланувчи сўзлар устида иш олиб борилаётганда ҳам шундай ишлар давом эттирилиши мумкин. Масалан, и — у унлиси билан фарқланувчи сўзлар рўйхат қилинар экан, (мас., уриш — уруш, юмиш — юмуш, ёғди — ёғду, тушим — тушум в.ҳ.) бу сўзларга маънодошлар, уядошлар, зид маъноли сўзлар топиш устида ҳам иш олиб бо — рилади. Чунончи, уриш — дўппослаш; уруш — жанг; уриш — жанжал — кўнгилқорачилик; уруш — тинчилик каби.

**Олинма сўзлар устида ишлаш орқали.** Маълумки, ўзбек

тилининг товуш тизими устида иш олиб борилар экан, ўқув — чилар жуда кўп олинма сўзларга ҳам дуч келадилар. Шубҳасиз, бу сўзларнинг имлоси ва талаффузи устида ишлаш уларнинг маъноси ва нутқда қўлланилиши устида ишлаш билан узвий боғланиши лозим. Чунончи, ж ҳарфи ва товуши ўрганилар экан, *жўра, жўжа, жуда* сингари соф ўзбекча сўзлар билан бир қаторда арабча, форсча ва айниқса, рус тили ва рус тили ор — қали Европа тилларидан кирган сўзлар (мас., жанр, федератив, фортепьяно, фюрер, фильм, фильмоскоп в.х.)га ҳам дуч кели — нади. "Имло луғати"дан шундай сўзларни топиш, уларни рўй — хат қилиш, маъносини шарҳлаш ўқувчилар нутқини олинма сўзлар билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

"Фонетика"ни ўрганиш жараёнида ўқитувчи кейинги йилларда фан ва техника тараққиёти, иқтисодий алоқаларнинг ривожига туфайли тилимизга кириб келадиган янги сўзларнинг ўқувчилар сўз захирасига киришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сўзларни маълум бир белгиларга қараб муайян гуруҳ — ларга ажратиш ҳам уларнинг сўз захирасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, "Имло луғати"дан фойдаланиб, *т, к, г, с, р, л* товушлари жуфтланиб келган (катта, арра, тўққиз в.х.) сўзлар руйхатини тузиш нафақат ўқувчиларнинг имло савод — хонлигини яхшилашга, балки уларнинг сўз бойлигини оши — ришга ҳам ёрдам беради.

**Гап ва матн устида ишлаш орқали.** Фонетикани ўқи — тишда тилнинг товуш тизими устида ишлар ўқувчиларнинг гап қуриш ва матн яратиш кўникмалари устида ишлаш билан қў — шилсагина мазкур бўлимни ўқитишнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Мазкур бўлимни ўрганишда ўқувчилар берилган ёки ҳо — сил қилинган сўзлар ёрдамида гаплар тузишлари, муайян уя — даги сўзлар иштирокида матн яратишлари, матннинг мазму — нини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартиришлари мумкин. Чу — нончи, бир товуш билан фарқланувчи тиб — тип, боб — боп, сарв — сарф, бот — бод сингари сўзлар ёрдамида гаплар тузиш (мас., Раҳима бугун китобнинг биринчи бобини ўқиб тутатди. — Бу кўйлак Раҳимага боп қилиб тикилган экан.), бу сўзларга маънодош ва уядошлар танлаш (мас., боб — бўлим — қисм, боп — мос — ярашиқли; тиб — ҳаким — табиб — врач — медик — шифокор, тип — қаҳрамон — шахс — персонаж — образ в.х.) каби иш усул — ларидан фойдаланса бўлади. Мактаб она тили курсининг



бошқа бўлимлари сингари "Фонетика"ни ўқитишда ҳам матн устида ишлаш ва матн яратиш малакаларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири саналади. Дарсликда мазкур бўлим билан боғлиқ жуда кўп маърифий матнлар берилган бўлиб, ўқувчилар бу матнлар устида ишлаш орқали ҳам таълаффуз ва имло меъёрларини пухтароқ билиб олиш, ҳам матн яратиш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар. Ана шу мақсадда ўқитувчи матн мазмуни асосида сўроқ гаплар тузиш, матнга режа тузиш, матн мазмуни асосида савол-жавоб ўтказиш, матн охирида берилган саволларга жавоб топиш сингари топшириқлардан фойдаланиши мумкин.

Айниқса, матн яратиш ўқитувчининг диққат марказида туриши лозим. Ўқувчиларга "Нутқ нима?", "Нутқ товушлари қандай ҳосил бўлади?", "Қандай ҳолатларда бўгин қатордан қаторга кўчирилмайди?" сингари мавзуларда маърифий матнлар тузиш ёки ўрганилган фонетик ҳодисаларни нутқда қўллаб расм асосида ҳикоя, турли мавзуларда тасвирий, ривоя ва муҳокама матнлар яратишни топширса бўлади.

### Асосий адабиётлар

1. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси, Тошкент, "Ўқитувчи", 1992.
2. Неъматов Ҳ., Ғуломов А. Фонетиканинг нутқ ўстиришдаги роли. "Тил ва адабиёт таълими", 1994, 2-3-қўшма сони.
3. Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Қодиров М., Абдурахимова М. Она тили. 5-синф учун дарслик, Тошкент, "Ўқитувчи", 2000 ва кейинги нашрлар.
4. Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларда, Тошкент, "Ўқитувчи", 1993.
5. Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни, Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
6. Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари, Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
7. Қосимова К. 5-синфда луғат устида ишлаш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1966.

## **“Сўзшунослик” (лексика) бўлимини ўқитиш методикаси**

Мактаб она тили курсида “Лексика” бўлимининг тутган ўрни ва унинг вазифалари. Ўқувчилар “Лексика” бўлими орқали тилнинг луғат бойлиги билан танишадилар. Мазкур бўлим “Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари”, “Маънодош (синоним) сўзлар”, “Уядош сўзлар”, “Шаклдош сўзлар”, “Талаффузи яқин, маъноси фарқ қилувчи (пароним) сўзлар”, “Тарихий сўзлар”, “Эскирган сўзлар”, “Янги пайдо бўлган сўзлар”, “Касб – ҳунарга оид сўзлар”, “Шевага оид сўзлар”, “Атамалар”, “Олинма сўзлар”, “Ибора ва тасвирий ифодалар” сингари мавзуларни ўз ичига қамраб олади.

Мактабда “Сўзшунослик” бўлимини изчил курс сифатида ўқитиш жуда катта таълимий аҳамиятга эга. Мазкур бўлимини ўқитишнинг таълимий аҳамияти шундаки, ўқувчилар тилнинг асосий бирлиги – сўз ҳақидаги таълимот билан танишадилар ва уларнинг тилни бир бутун тизими сифатида тушунишлари ҳамда ўзлаштиришларига имкон туғилади. Зеро, лексика тилнинг барча бўлимлари билан узвий боғлиқ бўлиб, шу бўлимларни ўқитишда изчиллик билан амалга оширилади.

Мактабда “Лексика” бўлимини ўқитишдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларни ўзбек адабий тилининг сўз хазинасига олиб кириш, уларнинг сўз захирасини ошириш ва сўздан тўғри ҳамда ўринли фойдаланиш малакаларини ривожлантиришдан иборатдир.

“Лексика” бўлимини ўрганишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- сўзнинг шакл ва маъно қирраларини тушуниш;
- ўқувчилар нутқидаги камистеъмол сўзларни серистеъмол сўзларга айлантириш; уларнинг луғат захирасини янги сўзлар билан бойитиш<sup>1</sup>;
- ўқувчиларда амалий – стилистик малакаларни такомиллаштириш;
- нутқ услубларини фарқлашга, айтиб бериш, воқеа – ҳодисани оддий, бадиий ва илмий услубларда баён қилишга ўргатиш;

<sup>1</sup> “Янги” тушунчаси остида тилнинг луғат фондида мавжуд бўлиб, ёзувчининг сўз захирасида бўлмаган сўзлар тушунилади.

— нутқ шароитига мос равишда сўз танлаш малакаларини кенгайтириш;

— турли изоҳли луғатлар билан ишлаш малакаларини ҳосил қилдириш.

**“Сўзшунослик” бўлимини ўқитишда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва нутқини ривожлантириш имкониятлари.** Она тили курсининг барча сатҳлари қатори “Сўзшунослик” бўлимини ўқитишда ҳам ўқувчиларнинг сўз захирасини ошириш ва нутқи устида ишлаш устивор йўналишлардан бири саналади.

Мазкур бўлимда ўқувчилар дуч келадиган дастлабки муаммо сўзнинг ўз ва кўчма маъноларидир. Берилган сўз бирик — маларини (мас., олтин ҳайкал — олтин бош — олтин бошоқ; темир йўл — темир одам — темир хотира в.ҳ.) ўз ва кўчма маъносига кўра гуруҳларга ажратиш, уларни ўзаро қиёслаш асосида сўз — нинг ўз ва кўчма маъноларига таъриф бериш, берилган сўз — ларни ўз ва кўчма маъноларда қўллаб гаплар тузиш, бадий матнларни таҳлил қилиш, сўзларни кўчма маънода қўллаб матн яратиш сингари ижодий — амалий ишлар ўқувчиларнинг сўз захирасини ошириш ва нутқини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**“Маънодош сўзлар”** мавзусини ўрганишда берилган гаплар ёки матнда ажратилган сўзларни уларнинг маънодоши билан алмаштириш, гаптаги сўзларни бирин — кетин маънодошлари билан алмаштириб, маъно фарқларини изоҳлаш, берилган маънодош сўзларни ижобий ва салбий бўёқли сўзларга ажратиш, мурожаат сўз бирикмалари ҳосил қилиш (мас., мўъ — табар мураббийим, муҳтарам устозим, меҳрибон тарбиячим, ҳурматли муаллимим в.ҳ.), қариндош — уруғчиликка оид сўзларни (мас., акажон, опагон, отажон в.ҳ.), қариндош — уруғ бўлмаган кишиларга нисбатан қўллаб матн яратиш, оддий ва кўтаринки маъноли сўзлардан фойдаланиб матн тузиш сингари ижодий — амалий ишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Топшириқ намуналари:**

**1 — топшириқ.** Берилган сўзларни маъно яқинлигига кўра жуфтларга ажратинг, улар орасидаги маъно нозиклигини аниқланг.

Авлод, айбдор, ёлгончи, сабабчи, беқарор, аҳдлашмоқ, алдоқчи, ваъдалашмоқ, бетаин, ёлгон, аввалбоши, бўҳгон, диёр, ёлғиз, аланга, зим — зиё, ёрқин, кимсасиз, ватан, туҳмат, муҳтож, қоронғилик.

**2-топшириқ.** Гапларни ўқинг. Ажратилган сўзларни қавсда берилган сўзлар билан алмаштириб, маъно фарқларини тушунтиринг.

1. Бола вазифани тез тушунди (фаҳмлади, англади, уқди).  
2. Пулни беҳуда сарфламанг (сарф қилманг, харажатламанг, харж қилманг). 3. Кўк (осмон, само) юзини булут қоплади (эгаллади, қуршади, тўсди, тутди, босди).

**3-топшириқ.** Гапларни ўқинг. Сўзларни бирин-кетин маънодоши билан алмаштиринг.

1. Баҳор эрта келди. 2. Ойим пешанамни силади.

**4-топшириқ.** Ажратилган сўзларни қавсда берилган сўзлар билан алмаштириб, маъно фарқларини тушунтиринг. Сўзнинг ижобий ва салбий бўёғига эътибор беринг.

1. Онанинг **илтижоси** (зори, таваллоси, ўтинчи) юрак (қалб, кўнгил)ларни ларзага келтирди. 2. Мастнинг **юзи** (ба-шараси, турқи, ангори, афти)ни кўришга тоқатим йўқ. 3. Дўс-тимнинг **кўриниши** (авзоси) яхши эди.

Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш чораларидан бири уядош сўзлар устида ишлашдир.

Уядош сўзлар деб бир мавзуга оид сўзлар сираси тушу-нилади. Масалан, атоқли отларнинг киши номлари, жуғрофий номлар, ташкилот номлари, лавозим номлари, самовий ва фазовий жисм номлари каби бир қатор уялари мавжуд.

Ўқувчилар нутқини уядош сўзлар билан бойитишнинг йўллари жуда кўп. Масалан, гапда ёки матнда ажратилган умумий маъноли сўзларга хусусий маъноли сўзлар топиш, маълум бир уядаги сўзларнинг изоҳли луғати ёки шу сўзлар-нинг рўйхатини тузиш, берилган хусусий маъноли сўзларнинг умумий маъносини аниқлаш, айни бир сўзнинг ўз ва кўчма маънолари, маънодошлари, қарама-қарши маънолари ва уя-дошларни топиш каби мустақил иш турлари ўқувчилар нутқини бундай сўзлар билан бойитишда алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, берилган матнда ажратилган сўзларни уларнинг уя-дошлари билан алмаштириш, тавсия этилган уядош сўзлар ёр-дамида (мас., осмон жисмлари: Қуёш, Ой, Марс, Юпитер в.ҳ.) матн яратиш каби амалий ишлар ўқувчиларнинг нутқий та-раққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Табиат манзараси (боғ, саҳро, дала, ўрмон, тоғ в.ҳ.) тасвирини бериш уларнинг уядош сўзлардан нутқий фаолиятда фойдаланиш малакаларини кен-гайтиради.